

Жаҳон адабиёти хазинасидан

Рашид Нури Гунтекин  
Оташ  
кечаси

Central Library (UWED)



00032125

Рашод Нури Гунтекин

# ОТАШ КЕЧАСИ



КУТУБХОНА

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

№ 664208-2

БИБЛИОТЕКА

ТОШКЕНТ

"ЯНГИ АСР АВЛОДИ"

2013

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Турк)**

**Г-92**

**Гунтекин, Рашод Нури**

Оташ кечаси: роман / Р.Н.Гунтекин; таржимон М. Шариф. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - 336 б.

ISBN 978-943-08-949-5

Қўлингиздаги роман Рашод Нури Гунтекиннинг энг машҳур асарларидан биридир. Роман қаҳрамони ниҳоятда гўзал, покиза, лекин бахтсиз Аффифани қаттиқ севиб қолади, унинг ишқида ўртаниб куйиб-ёнади. Асар қаҳрамонларининг ишқ изтироблари, дарду ҳасратлари китобхонни бефарқ қолдирмайди, гўзалликка, муҳаббатни қадрлашга чорлайди.

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Турк)**

Туркчадан  
**БОБОХОН МУҲАММАД ШАРИФ**  
таржимаси

ISBN 978-943-08-949-5

© Рашод Нури Гунтекин. «Оташ кечаси». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## БАДИЙ ТАСВИР УСТАСИ

Катта тарихий йўлни босиб ўтган турк адабиётининг юксалиши бирдай кечмади. Аммо, мазкур адабиётнинг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмидаги даврини олтин давр деб аташ мумкин. Бу давр адабиётида катта сифат ўзгаришлари рўй берди. Турк адабиётида проза (ҳикоя, роман), драматургия жанрларида асарлар яратилди ва юксалди, турк поэзиясида бир неча адабий мактаблар юзага келди. Жаҳон адабиётининг таъсири ҳамда Туркиядаги ижтимоий тараққиёт натижасида майдонга келган давр адабиётидаги сўз усталари ўз асарларида биринчи навбатда оддий халқ ҳаётини, мамлакат олдида турган муҳим муаммоларни акс эттира бошладилар. Ана шундай ёзувчиларнинг типик вакиллари дан бири, илғор фикрли турк ижодкорларининг маънавий издоши Рашод Нури Гунтекиндир.

Машҳур турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекин 1889 йилнинг 4 ноябрида Истанбулда туғилди (айрим илмий манбаларда ёзувчининг туғилган йили 1892 деб кўрсатилган. Ҳозирда дарсликларда ҳам, йирик адабиётшунос олимларнинг Р.Н.Гунтекинг бағишланган монографияларида ҳам 1889 йил, 4 ноябр санаси тўғри деб топилган). Унинг отаси Нури Бей врач эди. Хизмат вазифасига кўра Онадўлининг кўп ерларида бўларди. Доимо отаси ёнида бўлган Рашод турк деҳқонининг оғир аҳволи билан жуда эрта танишди. Мана шу кўрган-кечирганлари келажакда ёзувчи асарларида ўз аксини топди. Бўлажак ёзувчи бошланғич маълумотни Чанокқалъада олса, ўрта мактабни Измирда



тамомлади. Илмга чанқоқ Рашоднинг орзуси ўқишни давом эттириш ва келажакда ёш авлодни маърифатли қилиб тарбиялаш эди. У махсус мактабда француз тилини ўрганади, сўнг Истанбул университетининг турк тили ва адабиёти бўлимини тамомлайди. Бурса, Истанбул шаҳарларидаги лицейларда француз тилидан, турк тили ва адабиётидан дарс беради. Кейинчалик маориф вазирлигида мутахассис (инспектор) бўлиб ишлайди. Хизмат юзасидан мамлакат бўйлаб кезишлар ёзувчига халқ ҳаёти билан чуқурроқ танишиш имконини беради. 1939 йилдан умрининг охиригача Туркия Буюк Миллат мажлиси ноиб, Туркиянинг ЮНЕСКО даги вакили бўлган Р.Н.Гунтекин 1956 йили, даволанишга борганида Лондонда вафот этади.

Рашод Нури ёшлигиданоқ адабиёт ва санъатга қизиқар, айниқса, халқ эртакларини завқ билан тингларди. Университетда машҳур адабиётшунос Ҳамдулло Субҳий, шоир Меҳмед Окифлардан сабоқ олган Рашод Нури адабиётга биринчи жаҳон урушининг бошларида, театр муаммолари ҳақида тақризлар, мақолалар, пьесалар ёзиш билан кириб келди. Даврининг илғор ёзувчиси Ҳолид Зиё Ушоқлигилни (1866 – 1945) устоз билиб, унинг асарларидан руҳланди. «Бир кун асар демоққа лойиқ бирор асар ёзолсам, бунинг учун Холид Зиё Бейга бурчлидирман», дея ёзганди Р.Н.Гунтекин. Ёзувчи дастлабки ҳикояларидаёқ оддий кишилар турмуш тарзини акс эттиришга ҳаракат қилди. 1920-йиллар «Рожилд Бей» (1919), «Сўнмиш юлдузлар» (1923), «Тангри мусофири» (1927), «Лайли ва Мажнун» (1928) каби бир қанча ҳикоялар тўплами нашр қилинди. Адиб ҳикояларида миллий озодлик кураши воқеалари, оддий кишиларнинг қаҳрамонликлари ва урушда ҳаммадан кўп талафот кўрган халқининг дард аламлари акс эттирилади. Рашод Нури болалар тарбияси ва оилавий муносабатларга оид ҳикояларида («Ишқий мактублар») жами-

ятни соғломлаштириш учун мустаҳкам ахлоқий принциплар бўлиши кераклигини уқтиради. У реалист ёзувчи сифатида ўша давр турк халқи ҳаётини ўз ҳикояларида ҳаққоний тасвирлади. Р.Н.Гунтекин турли жанрларда ижод қилса-да, унга адабий шуҳратни романлари келтирди.

Адибнинг биринчи романи «Сирли қўл» (1920) аса-рида ёзувчи уруш туфайли бойлик орттиришга интилган, маънавий тубан кетган шахслар ҳаётини очиб беради. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай деб ёзганди: «Сирли қўл» роман жанридаги менинг биринчи ишимдир. Мен маълум маънода чекланган, содда, маънавияти соф одамнинг воқеалар таъсирида, уруш туфайли олиб сотарга... ахлоқсиз типга айланганлигини кўрсатмоқчи эдимки, бундайларни биз ўша вақтда кўп учратардик. Мен ўша даврнинг бир қатор ўзига хос томонларини, ўша давр ахлоқини чизиб бермоқчи эдим». Асар қаҳрамони камбағал йигит Шараф помешчик уйида ўқитувчилик қилиб юриб, хўжайиннинг қизи билан севишиб қоладилар. Куёв бўлгач, Шараф қайнотасининг ёрдамида коммерсия ишига ўтади ва тезда савдо оламида кўзга кўринган кишига айланади. Шараф кунлардан бир кун чиройли, аммо ахлоқсиз аёл билан танишиб, кейинчалик унга боғланиб қолади. Шу туфайли оиласидан ажралган йигит ахлоқсиз юришлари оқибатида қарзга ботади. Уни бутунлай таназзулдан «сирли қўл», яъни, хотини отасининг ёрдами билан қутқариб олади. Йигит тавба-тазарру қилиб оиласига қайтади.

Ёзувчи бош қаҳрамон мисолида ахлоқсизлик одамни қанчалик тубанликка етаклаши, шу орқали ёшларнинг тарбиясига таъсир қилиши, ўша вақтда ҳаққоний «сирли қўллар» ҳокимият тепасида тургани ҳолда, бойлик орттириш учун ҳар қандай тубанликлардан қайтмасликларини маҳорат билан кўрсатиб бера олган. Шунинг учун ҳам роман бир қанча ўзгартиришлар билан нашр қилинади.

Ёзувчининг кўпгина асарлари қаҳрамонлари ёшлардир. Гап замон зиддиятлари ҳақида борадими ёки Туркия қишлоқларидаги аҳвол, деҳқонлар турмуши ҳақидами, бундан қатъи назар, ёзувчи жараёнга кўпроқ ўша давр ёшларининг кўзи билан қарашга, Туркиянинг келажаги бўлган ёш зиёлилар ақли билан ёндошишга интилади. Рашод Нурига оламшумул шуҳрат келтирган «Чолиқуши» романида бу жиҳат яққол кўзга ташланади. Романнинг ёзилишига муаллиф ижодини бошлаб берган асарларидан бири – «Истанбуллик Қиз» пьесаси асос бўлган. Пьеса унчалик муваффақият қозонмаган бўлса-да, романдаги Фариди миллионларнинг севимли қаҳрамонига айланди. Роман бош қаҳрамони ёш ўқитувчи Фаридадир. У аммаваччаси Комронни севади, лекин тўй арафасида Комроннинг хиёнати туфайли аммасиникидан (Фарида онасидан эрта ажралганлиги учун бу ерда яшарди) бош олиб чиқиб кетади. Романнинг асосий ғояси ўша давр учун муҳим бўлган турк жамиятида аёл эрки масаласидир. Ёш ўқитувчи Фариди ҳаёти орқали кенг халқ оммаси ҳаётининг реалистик тасвири берилади. Роман Фариданинг кундаликлари шаклида ёзилган. Дунёни бола кўзи билан, кейинроқ вояга етган қиз кўзи билан кўриш, унинг қалби билан ҳис қилиш тарзида берилиши турк адабиёти учун янгилик эди. Фариданинг Зайнилар қишлоғида ёзган кундалигидан ўрин олган қуйидаги лавҳалар диққатимизни тортади: «Мен болаларга бир оз ҳаёт ва шодлик ҳам бериш тилагида эдим. Афсуски, бу тилакка етишнинг иложи йўқдек кўринади.

Бу қишлоқнинг уйларида, кўчаларида, мазорларидаги сингари болаларида ҳам қора ғамгинлик бор эди. Рангсиз лаблари кулишнинг нима эканлигини билмас, ҳаракатсиз, ҳамиша ғаму ҳасрат тўла кўзлари доимо ўлимни ўйлаётгандек кўринади».

Маориф тизимини яхши билган ёзувчи бюрократ мудирлар, кўр-кўрона Ғарбга сажда қилувчи чаламул-

лалар образини ҳам, оч бўлса-да виждонли, софдил меҳрибон оддий одамлар ҳаётини ҳам бирдек маҳорат билан чизади. Жамиятдаги иллатларнинг сабаби маърифатсизликда, ахлоқий ноқисликда деб билган ёзувчи бош қаҳрамонини ўқитувчи қилиб танлагани бежиз эмас. У Фариди тимсолида ички дунёси бой, миллат фидойиси бўлган инсонни таърифлайди. Асар воқеалари бош қаҳрамон тилидан ҳикоя қилиниши, туйғуларни теран тасвирлашга ва қаҳрамон бошидан кечирган ҳолатларни китобхонга юқишида қулайлик яратган.

Ёзувчи ёш авлоднинг қора қисматини реалистик бўёқларда чизаркан, ўзининг болаларга «ҳаёт ва шодлик» беролмаслигидан афсусланади. Рашод Нури йигирмага яқин романлар ёзди. Деярли барча асарларида ёзувчи ёшлар ҳаётини ижтимоий воқелик билан боғлаб кўрсатади. Замон иллатларининг ёшлар онгига таъсири, муҳим ахлоқий муаммолар ҳақида фикр юритади. «Хазон резги» ва «Тамға» романлари шу жиҳатдан характерлидир. Али Ризобей ҳукумат ишида суяги қотган, лекин ҳалоллиги, тўғрисўзлиги учун амалларидан ажраб, охири ишлаб турган «Олтин япроқ» ширкатидан ҳам ҳайдалади. Али Ризобей фарзандлари Шавкат, Фикрат, Нажло, Лайло, Ойшаларнинг «ахлоқий тарбиясига кўп эътибор берган», шунинг учун у фарзандларининг «ор-номусли, биллурдек тоза, олмосдек мустаҳкам»лигига шубҳа қилмайди. Али Ризобей ишдан кетгач, оилада ҳам қадрли пасая боради. Моддий етишмовчилик туфайли уйда жанжал авжига миенади, тарафма-тараф бўлиб «жангга отланишади». Хуллас, аввал бошқаларга намуна бўлган оила, энди ичдан чирий бошлайди. Оқибат Али Ризобейнинг ўғли қамалади, қизлари «ёмон йўлга» кириб кетади. Хасталанган Али Ризобейнинг куни «биллурдек тоза» қизининг ҳафтада бир келадиган никоҳсиз эрига қолади.

Роман қаҳрамонларининг характерини очишда ёзувчи психологик таҳлилга алоҳида эътибор берган.

Номусли оила ёшларининг шароит туфайли тубанлашувини секин-аста усталик билан очиб боради. Гарчи ёзувчи тузум ҳақида бирон нима демаса ҳам, асар орқали оила таназзулига ўша тузум, ахлоқ нормалари сабабчилигини очиб беролган.

«Тамға» романида Иффатбейнинг оилали жувон Водияга бўлган муҳаббати ҳикоя қилинади. Иффатбей севгилисига доғ туширмаслик учун ўғри «тамға»сини олади. Водиянинг ҳам севишига ишониб, не-не қийинчиликларни бошидан кечирган романтик руҳдаги Иффатбей севгиси рад этилгач, «пуч орзуга учиб, умрини бекорга» ўтказганлигини кеч тушунади.

Рашод Нури романлари мавзу жиҳатдан ранг-барангдир. «Муҳаббат симфонияси» «Чолиқуши»га ўхшаш лиризмга бойлиги, ишқий-руҳий йўналишдаги асар бўлса, «Тегирмон» сатирик романдир. «Қон даъвоси», «Яшил кеча» романларида ижтимоий руҳ устувор. Шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятни ёзувчи «Яшил кеча» асарида Шоҳин афанди образи орқали акс эттирган. Шоҳин афанди Истанбулда қолишни истамай узоқ Сариева қишлоғига бориб ўқитувчилик қилади. Сариевада Шоҳин афанди жоҳил, маърифат душмани бўлган диндорларга қарши курашади. Аввал диний мактабда ўқиган Шоҳин афанди ўзининг йўли хатолигини англаб, ўқитувчилар институтига кирган ва бор билимини халққа бериш учун бу қолоқ қишлоққа келган эди. Шоҳин шу йўл билан жоҳилликка қарши курашмоқчи. Тенгсиз курашда кўп машаққатларни бошидан кечириб, ҳатто босқинчиларга хайрихоҳлик билдириб, улар кетгач ўзларини Ватан фидоийси қилиб кўрсатган маҳаллий амалдорларнинг сотқин, иккиюзламачилигини кўрган Шоҳин афанди якка кураш йўлидан қайтиб, «Янгилик туғилаётган» Анқарага кетади.

Р.Нури Гунтекин бу романида турк адабиётида биринчилардан бўлиб, ўз идеали йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган, онгли равишда ўзини халқ ишига ба-

ғишлаган курашчи образини яратди. Нозим Ҳикмат «Яшил кеча» романида кўтарилган мавзу ўша давр Туркияси учун ҳам жуда муҳимлигини бежиз таъкидламаганди. Бу асар жаҳолатпараст диндорларга қарши яратилган жаҳон адабиётининг яхши намуналари қаторидан ўрин олган.

Рашод Нури романларидаги воқеалар аксари турк ёзувчилари асарларидан фарқли равишда ватанпарварлик руҳининг устуворлиги, воқеаларнинг марказдан узоқда кечиши билан ажралиб турадики, бу ёзувчининг ҳаётни яхши билишидан далолатдир.

«Ачиниш» (1926) романи қаҳрамони Муршиднинг куйидаги гаплари ёзувчи асарларидаги ижобий образларнинг хусусиятларини умумлаштиргандек кўринади. Муршид кундалигида ёзади: «Мен янги ҳаёт бошлаш учун ўзимга программа туздим: 1) доимо виждон азобига қулоқ солиш; 2) ҳеч қачон қонун чегарасидан чиқмаслик; 3) ҳамкасблар билан доимо яхши муносабатда бўлиш; 4) ёлғон сўзламаслик; 5) пора олмаслик; 6) фақат хизматда эмас, оилада ҳам пок бўлиш; 7) шахсий манфаатдан бурчни юқори қўйиш. Ўз заррига бўлса ҳам доим ҳақиқат учун курашиш». «Ачиниш» қаҳрамонининг асосий принциплари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги кўриниб турибди.

Р.Н.Гунтекиннинг машҳур романларидан яна бири — «Оташ кечаси» 1942 йил нашр этилган. Романда сиёсий айблов билан Истанбулдан Маласияга сургун қилинган Камол Муроднинг бошидан кечирганлари, аниқроғи, Афифа (эркалаб Фофо дейишарди) номли жувонга бўлган муҳаббати ҳикоя қилинади. Романда қаҳрамонлар кўп эмас, аммо уларнинг ўзига хос хусусиятлари эса қоларли тасвирланган. Доктор Салимбей, қаймақом, Варвара Дуду, асар қаҳрамонига ошиқ бўлган қизлар ана шундай ёрқин чиққан образлардан. Ёзувчи иккинчи даражали қаҳрамонлар характери ни теранроқ очиш учун уларнинг ҳаётидан айрим лав-

ҳаларни асарга ҳикоя ичида ҳикоя тарзида киритади. Масалан: Варвара Дуду ва Кегам ҳикояси.

Романда воқеалар асосан икки шаҳар – Истанбул ва Миласда бўлиб ўтади. Оташ кечаси маросимида (Гулхан ёқиб ёшлар олов устидан сакраб ўйин тушадиган байрамона тадбир) Афифани илк бор кўриб ёқтириб қолган Камолбейнинг изтироблари, оилавий шароити яхши бўлмаган Афифанинг ҳам Камол Муродга муносабати романтик-психологик руҳда жуда теран тасвирланган. Воқеалар XX асрнинг биринчи чорагида бўлиб ўтаркан, давр руҳини, ёзувчи қаҳрамонлар тақдирини ҳикоя қилиш орқали қисқа жумлаларда бериб кетади.

Р.Н.Гунтекин бадиий тасвир устаси эканлиги бу романда ҳам яққол кўринган. Афифанинг Измирга кетиши кейинроққа қолдирилганлиги ҳақида хушхабар эшитган Камолбейнинг ҳолати шундай тасвирланади: «Аъзойи баданимни бир илиқлик қоплади. Ўчоқ олдида ўтиргандек сочларим тўзиб, жингалаклашганини, юзларим қизарганини ҳис қилдим, фақат вужудимгина эмас, балки эгнимдаги жонсиз кийимлар, енгларим ва почаларим, бўйнимда осилиб ётган бўйинбоғимга қадар жонлангандай бўлди».

Ёки:

«Тепага отиб тутаётган антиқа биллур идишни тушириб, синдириб қўйганини кўрган боладай даҳшатга тушиб титрай ва йиғлай бошладим. Айни пайтда кафтларимни очиб, ҳозир эслай олмайдиган, қандайдир бўлмағур гапларни валдираб, унга ёлвора бошладим».

Соф туйғуларнинг қадрига етмаслик, жамиятда мавқеи ўзгариб амалдор бўлгандан сўнг ўзига бино қўйиш оқибати кишини ёлғизликка олиб келиши асарда моҳирона ифодаб берилган. Одам ҳамини кўнгилдагини англаб етавермаслиги, гоҳида тушуниб етганда вақт ўтган бўлиши асар қаҳрамонлари тақдири мисолида яхши очилган.

Рашод Нури романлари халқ ибораларига бой, ширали тилда ёзилганки, бу асарни ўқишли қилиш билан бирга, ёш ёзувчиларга ҳам ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Жаҳон адабиёти намуналари қатори, Р.Н.Гунтекин асарлари бу вазифани аъло ўтаганлиги ҳақида машҳур озарбайжон ёзувчиси Исмоил Шихли шундай ёзганди: «Ўттизинчи йиллардаги озарбайжон студентлари кўлидан учта китоб сира тушмас эди. Улардан бири машҳур ҳинд ёзувчиси Р.Тагорнинг «Ҳалокат», иккинчиси турк адиби Рашод Нурининг «Чолиқуши», учинчиси эса ўзбек ёзувчиси А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи эди». («ЎзАС» 1985 йил, 1 ноябр).

Р.Н.Гунтекин китобхонни қаҳрамонлар руҳий ҳолатини чуқурроқ тушуниши, воқеалар ичига тезроқ кириши учун халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланди, асарларини кўп маъноли, оригинал воқеалар билан бошлашга ҳаракат қилди. Рашод Нури Гунтекин турк адабиёти тарихида ҳикоянавис, улкан наср устаси, драматург сифатида алоҳида ўрин тутди. Унинг кўплаб ҳикоялари, романлари, пьесалари бугунги кунда кўпгина жаҳон халқларининг маънавий мулкига айланиб, руҳий озуқа бериб келмоқда. Рашод Нури Гунтекин Меҳмед Окиф, Холид Зиё Ушоқлигил, Лев Толстой асарларидан илҳомланган, уларни ўзига устоз деб билган. Рашод Нурининг «Чолиқуши», «Тамға», «Яшил кеча», «Қондаъвоси», «Муҳаббат симфонияси» «Хазон резги» каби романлари, кўплаб ҳикояларини ўзбек китобхонлари севиб мутолаа қилишмоқда. Унинг романлари асосида илмий ишлар ёзилган. «Миршаблар ва гўзаллар», «Ҳалала» пьесалари ўзбек театр саҳналарида қўйилган. Д.Усмонова «Чолиқуши» романи воқеаларидан таъсирланиб, ўзининг «Фариданинг кундалиги» номли драмасини ёзган.

Бугунги кунда Рашод Нури Гунтекиннинг янги асарлари таржима қилиниб, аввалгилари қайта нашр



этилик ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинмоқ-  
да. Муҳаммад Бобоҳон Шарифнинг муваффақиятли  
таржимасида чоп этилаётган ушбу «Оташ кечаси» ро-  
мани ҳам ўзбек ўқувчиларига Рашид Нури Гунтекин  
бадий оламини англашда муносиб тўхфа бўлади деб,  
ўйлаймиз.

*Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,  
адабиётшунос, ЎзМУ доценти.*

Ойдиндан Миласга кетаётган почта аравасида беш киши эдилар: тўхтовсиз махорка тутатган ва тиззалари орасига қисиб олган қаҳва патниси устида қарта ўйнаётган икки нафар анжир даллоли, юзи чечак асоратидан ғалвир бўлган, овчи камзули кийган киши, сочига оқ тушган режиссёр ёрдамчиси, гоҳ мудраган, гоҳ бўялган соқолини титратганча ҳужжат ўқиган кекса жандарм.

Йўловчилар орасидаги олтинчи киши ҳам бор эдики, унинг чеҳрасини кўрган киши тасанно айтмай қолмасди. Бу ўн етти – ўн саккиз ёшлардаги ғайрати ичига сирмаган ажойиб йигитча эди. У қўлидаги узун хивич билан йўл четидаги ўтларни савалаб борар, баландликка тирмашган вақтлари арава тасодифан сал имиласа, югуришдан зерикмасди. Жуда чарчаб қолса, араванинг шотисига сакраб чиқар, тизгинларни қўлига олиб, бақириб-чақирганча айғирларни ниқтаб борарди.

Йигитча ҳайвонларнинг овозига тақлид қилишга фоят уста эди. Атрофдаги дала ёки қўраларда маъраган кўзиларга, мў-мўлаган сигирларга, ҳанграган эшакларга уларнинг овозидан ҳеч фарқ қилмайдиган сасда жавоб бериб, ҳамроҳларини ичагини уздиргудай кулдирадди.

Бир дафъа Муғлага кетаётган туя карвонига дуч келишди. Шунда у икки ялтироқ танга эвазига туялардан бирига миниб, ўн дақиқа юрмагунча кўнгли жойига тушмади.

Бу йигитча бир кун олдин Чинада каттакон хатарни бошидан кечирган бўлса-да, ақли кирмаганга ўхшарди.

Икки кун олдин тўхтаган давомли баҳор ёмғирларини натижасида сой тўлиб-тошган, кичик тахта кўприкларни ювиб кетганди. Арава ярмигача сувга ботгани сабабли кучли хўкизларнинг етовидагина нариги соҳилга ўта олиши мумкин эди. Йўловчиларнинг бўлса, ботинка ва пайпоқларини ечиб, почаларини шимариб, отга миниб ўтишдан бошқа чораси йўқ.

Йигитча бу можароларни Искандар Зулқарнайн ва Доро ўртасидаги урушга ўхшатар, катталарнинг қовоғи солиқ бўлган бир пайтда у, билъакс, шўху шодон эди. Бироқ сой кўпириб оқаётган жойда яна ўйин қиламан деди-ю, шиддатли оқим бағрида оти билан бирга оқиб кетди. Яхшиямки, қирқ-эллик метрча пастда бузуқ кўприкнинг тахталарини тўплаб олаётган бир нечта кишилар ўз вақтида йигитчанинг жонига аро кириб, уни қутқариб қолишди.

Ўша кечаси Чинада вайрона мусофирхона ўчоғи олдида тонггача иситмалаб алаҳлаб чиқди. Лекин қуёш чиқар-чиқмас, ҳеч нарса бўлмагандай, оёққа турди. Эндиликда устидаги кийим-бошигина бу фалокатдан дарак берарди, холос. Бейўғлидаги моҳир тикувчининг кўлидан чиққан камзули ва шиминининг аҳволини кўрган кишининг ичи ачимай қолмасди.

У кичик кўл сумкасида бир нечта ич кийим ва китобдан бошқа нарса бўлмагани учун ўчоқ тафтида бир амаллаб қуритган уст-бошини шу туришича кийишга мажбур бўлган, тоза инглиз матосидан тикилган қирмизи чизиқли ложувард камзули эса кулгили тарзда осилиб, торайган шимининг ғижимланган почалари болдирларига ёпишиб ётарди.

Аммо у бу аҳволи устидан кулиб:

– Кўп шукр, яхшиямки, кийим-бош дегани одамнинг эғнига ёпишиб туради. Агар Чина сойи фес\* им

---

\* Ф е с – эски замонларда туркларнинг қизил, цилиндрсимон бош кийими. Бу ва кейинги изоҳлар таржимонники.

сингари уларни ҳам олиб кетса, ҳолим не кечарди? – дерди.

Фесни тана учун ботинка ва ич кийим каби зарурий нарса деб ҳисоблайдиган режиссёр ёрдамчиси:

– Болам, бошингни ҳеч бўлмаса бир рўмолча билан ўраб ол, – деб насиҳат қилди.

Лекин у кўзларида қувлик ўйнаган ҳолда:

– Зарари йўқ, бейафанди. Намоз ўқимоқчи эмасман-ку. Шунақаси ҳам кўп яхши, – деб жавоб қилди.

Афтидан, бу йигитча учун ҳозирчалик, «кўп яхши» бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ эди.

\* \* \*

Тошлари кўчган, сон-саноксиз чуқурча ва хандакларга тўла шоссе ўша вақтлари ниҳоятда хароб бўлгани учун фақат иккинчи куни оқшомга яқин Миласга кириб боришга муваффақ бўлдилар. Арава шаҳарга кириб бораркан, йўл устида уч киши кўринди. Уларга бироз яқинлашгач, аравакаш ичкаридаги жандармга қарата овоз берди:

– Ҳофиз човуш, Қаймақомбей келяптилар.

Шу аснода аравакашнинг ёнида ўтирган йигитча қизиқсиниб сўради:

– Қайси бири қаймақом?

– Ўртадаги паст бўйли афанди.

Қаймақомнинг ҳамроҳлари, аксинча, узун бўйли эдилар. Қуёш орқа томонда бўлгани сабабли уларнинг юз-кўзини фарқлаш мумкин эмасди, шунинг учун йигитча олдин уни тўққиз-ўн ёшдаги бир бола деб ўйлади, кўп ўтмай соқолини кўриб, янглишганини тушунди.

Бу уч кишининг ёнига етиб борди дегунча, арава тўхтади, соқоли жандарм кўлида чарм муқовали дафтарни ушлаганча, ерга сакраб тушди ва қаймақомга салом берди.

– Нима гаплар, Ҳофиз човуш?

Жандарм:

– Тинчлик, бейим, – деди ва дафтар ичидан муҳрланган хатжилд чиқариб, қаймақомга узатди.

Қаймақом хатжилдни ҳовучламоқчи бўлгандек бир ҳаракат қилгандан сўнг, эҳтиёткорлик билан йиртди ва кўзойнагини тақиб хатни ўқий бошлади. Ёзувни яхшироқ кўриш учун орқадаги тепалик ортига ботаётган қуёш томонга ўтирилди, қошларини чимирди.

Ўнг томонида ҳассасига таяниб, узоқларга лоқайд қараб турган малларанг мўйловли оғайнисига паст овозда:

– Ёмон хабар, – деди.

– Тинчликми?

– Миласга бир кишини сургун қилишибди. Вилоят қаттиқ қўриқлашни буюрибди. Ҳар ҳолда, хавфли бир ҳариф бўлса керак. Бунақа ишлар менга ҳечам ёқмайди-да. Худди уйимга илон киргандай, хавотирланаман. Сургундаги кишини қўриқлаш кўп қийин иш, тамом вассалом...

Бу сўзларни аравакаш билан йигитча эшитаётганига парво ҳам қилмасдан, кўз қири билан ичкаридаги одамларга разм солди. Юзи чечакдан чўтир бўлган одамга кўпроқ тикилиб қолди. Ҳолбуки, тақдир юзини ана шундай қўрқинчли ҳолга туширган бўлишига қарамай, йўловчилар орасида энг ёқимтойи ва ювоши, ҳарқалай, шу бояқиш эди.

Қаймақом маҳқумни топганига ишонч ҳосил қилган бўлса-да, жандармдан сўради:

– Қайси бири у?

– ..?

– Азизим, сургун қилинган киши ким, деб сўраяпман.

Ҳофиз Човуш қийин аҳволга тушиб қолди, кўз ишораси билан қаймақомга ниманидир тушунтирмақчи бўлар, уддасидан чиқа олмай, энтикарди.

Йигитча аравакашнинг ёнидан ерга сакраб тушди, сурбетларча илжайиб:

– Жўнатилган маҳқум мен бандангизман, қаймақомбей, – деди.

Қаймақом эсанкиради, бир соқоли жандармга, бир уст-боши фикимланган, сочлари пахмайган, боридан ҳам ёшроқ кўринган йигитчага боқиб, бақрайиб қолди. Ниҳоят дудуқланиб:

– Нима деяпсан ўзи? – деди. – Маҳқум сенмисан? Шу бўйинг билан-а, тирмизак?

Қаймақомнинг худди озорламоқчи бўлган тахлит-да айтган бу «тирмизак» калимасида бироз меҳр ва оталарча муҳаббат оҳанги борлиги аниқ эди. Лекин йигитча бунини тушунмади. Мактабдан олиниб, полиция маҳкамасига олиб боришган кечадан бери у ўзини вояга етган деб билар эди. Кап-катта подшоҳни кўрқувга солган, полициячилар ва қуроли жандармлар кўриқчилигида узоқ жойларга бадарға қилинган киши, албатта, «муҳим» шахс эди. Неча кунлик кўрқув ва умидсизликнинг ягона тасалли бўладиган томони шу эди.

Камзулининг этагини тортиб, бармоқлари билан сочларини тузатиб олгач, ўзини салобатли ва жиддий кўрсатишга ҳаракат қилиб, сўради:

– Бўйимга нима қипти, афандим?

Қаймақом мулойимлик билан қаҳқаҳа отди:

– У маънода айтганим йўқ, болам, – деди. – Бўйингиз, мошоллоҳ, меникидан баланд. Фақат ҳали жуда ёш экансиз...

– Ўн саккиздаман, афандим...

– Лаббай?

– Ёшим ўн саккизда...

Бу гал қаймақом очикдан-очик уни масхара қилди, оғайниларига кулимсираганча, овозини пасайтириб:

– Ўн саккизми, а? – деди. – Нелар деяпсиз? Анча ёшга бориб қолибсиз... Пенсияга чиқишингизга ҳам озгина қолибди-да. Демак, «тирмизак» деганим ҳамиятингизга тегиб кетибди-да. Авф этадилар. Сизнинг ёшингиздаги кишига «тирмизак» дейиш тўғри бўлмайди... Фақат қулофингиздаги нарсани нима, исирғами, ажабо?..

КУТЎБХОНА

Қаҳқош кутубхона ва

Алишери Навоий унв. кутубхонаси

Китоб. 664200170

Беихтиёр кўлимни ўнг қулоғимга юбордим ва кула бошладим\*.

Сал олдинроқ бир боғ ёнидан ўтаркан, гилос ўғирлаган, бир нечтасини егандан сўнгра икки донасини қулоғимга таққан ва унутган эдим. Қаймақомга жиддий киши ролини ўйнамоқчи бўлиб қилган уринишим ҳайф кетганди. Чорасиз қолиб, ишни ҳазилга бурдим, гилосларни унга узатдим:

– Қабул қилсангиз, уларни сизга тақдим этай.

У кулиб, гилосларни олди ва ёноқларимни силади.

– Ўзаро муносабатларимиз ҳам мана шу гилослар каби ширин бўлсин, болам... Юкингиз борми?

– Кичкинагина кўл сумкам бор. Вақт зиқ эди, қолганларини орқамдан юборишади.

– Куп яхши. Ҳофиз Човуш юкингизни олиб кетаверсин, биз бўлсак, орқасидан секингина пиёда бораверамиз. Толиқмаган бўлсангиз керак?

– Ҳечам-да, афандим.

Бир четга чиқиб, аравага йўл бердик ва секин-секин шаҳар томонга юра бошладик.

– Исмингиз нимади. Камолбей эди шекилли, шундайми?

– Шундай афандим, Камол Мурод.

– Муроди ҳам бор денг?

– Шундай, афандим.

– Яъни, ҳам Камол, ҳам Мурод, шундайми? Эҳ-ҳе, сен қилмишингга яраша олган экансан-ку, болам.

– Тушунмадим, афандим.

Қаймақом изоҳ бермади. Зотан шунча гапни айтиб кўйгани учун унчалик мамнун эмасдек эди. Шу билан бирга оғайниларига кўзи билан маънодор ишора қилишдан ўзини тия олмади.

– Ҳам Камол, ҳам Муродбейни сизларга таништирай. Энди у Миласда бизнинг меҳмонимиз. Бу бейлар бўлса, менинг яқин дўстларим. Бу киши Салим-

---

\* Бундан кейинги воқеалар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади.

бей, униси Акифбей. Салимбей докторимиз, Акифбей жиноят ишлари бўйича суд раисимиз. Яъни, Оллоҳ сақласин-у касал бўп қолсангиз Салимбейга, яна Оллоҳ сақласин, бир ярамас иш қилиб қўйсангиз, Акифбейга.

Мен ҳозир элик ёшдаман. Бутун умрим мобайнида бошқа ҳеч ким билан бунчалик тез дўстлашиб кетмаганман. Шуниси ҳам борки, улар эс-хушли, катта одамлар. Мен бўлсам, она сути оғзидан кетмаган бир фўр бола. Яъни бир-бирига ҳеч мос келмайдиган иккита айри-айри оламнинг инсонлари эдик. Қолаверса, мажбурий бўлса-да, менинг маҳкум, унинг бўлса, ҳукмрон мавқеини ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Қаймақом хушфеъл ва хушчақчақ одам эди. Паст бўйли, янада тўғрироғи, пакана одамларда камданкам учрайдиган йўғон, тиниқ овози бор эди. Бироқ ора-сира қаҳқаҳа урган вақтларида бу сас бирданига хуштакдай чийиллаб қоларди.

Доктор Салимбей – қаймақомнинг новча, жигарранг сочли оғайниси эса, билъакс, ичимдагини топ, совуққон ва мағрур кўринарди. Аммо, кўп ўтмай, бу фақат тортинчоқлик меваси эканини тушундим. Салимбей камгап киши эди. Беш-ўн қадам ташлаганимиздан кейин менга бир гап айтиш заруриятини ҳис қилди шекилли, вазмин товушда:

– Милас сизга маъқул тушдимми? – деб сўради.

Қўлим билан орқадаги тоғ тепаликлари оралаб кетган арава йўлини кўрсатиб:

– Анави ердан жуда гўзал кўринади, – дедим.

Суд раиси уф тортиб деди:

– Ҳа шундай, фақат шарти шуки, у ердан бу ёқни оқшом пайти томоша қилиш керак.

Қаймақом эътироз билдирди:

– Бундай деманг, азизим. Яқиндан қараганда ҳам ёмон эмас. Сиз бошқа ерларни кўрмапсиз. Шаҳримизга нима бўпти? Бироз кўримсиз, шу холос.

– Шунинг ўзи етарли эмасми, азизим?..



Бу оқшом биринчи бор ўсмирликдан қутулиб, катталар сафига қўшилган эдим. Энди мен ҳам уларга ўхшаб сўзлашим даркор эди. Ўзимни ақлли кўрсатишга тиришиб:

– Тузалади, афандим, иншоолоҳ, тузалади, – дедим.  
– Мамлакат қирқ йил бу аҳволда қолиб кетмаса керак, албатта...

Қаймақомга бу гапнинг замирида қаттиқ танқид бордай туюлган бўлса керак, йўл ўртасида тўхтаб қолди. Аввало менга, сўнгра оғайниларига тикилди. Бир нарсаси демоқчидек тараддудланарди. Охири чидамади:

– Болагинам, исминг ҳам Камол, ҳам Мурод бўлгани етмагандай, зилдай оғир гапларни валдираяпсан. Афтидан, сен бекорга жазо олмаган кўринасан.

Ҳеч нарсани тушунмадим, кўзларимни катта очиб:

– Нега афандим? Нима дедим? – деб сўрадим.

– Мамлакатимизга нима қипти, бўтам?.. Соёи давлатларида гулдай бошқаришяпти.

– Худо ҳаққи, у маънода айтмадим.

Суд раиси орага кирди:

– Қаймақомбей, сен болапақирнинг миясини бўлмагур гаплар билан ғовлатяпсан.

Ҳаммамиз бирдан кулиб юбордик ва яна юришда давом этдик.

– Истанбулдан биринчи марта чиқишингизми?

– Ҳа, афандим.

– Истанбулда қариндош-уруғларингиз борми?

– Ўтган ҳафта бор эди, лекин бугун не бўлди, билмайман?

– Бу нима деганингиз?

Елкамни қисиб, киноя қилаётгандай жавоб бердим:

– Оиламиздагиларнинг баъзиларини, худди менга ўхшаб, ҳаво алмаштиргани жўнатиб юборишган бўлишса керак.

Масала нозик бўлгани учун ҳеч ким жавоб бермади.

– Демак, юкингиз йўқ.

– Орқамдан етиб келади, афандим... Бир кечаси мени тўсатдан мактабдан олишди-ю, бу ёққа...

– Тушунарли, тушунарли... Бу ерда қаерда яшамоқ-чисиз? Шуни айтайки, волидан келган фармойишга кўра, бу ерда хоҳлаганингиздай яшашингиз мумкин. Қаерда қолишни истайсиз?

– Билмайман-ку, афандим... Бу ерда ҳеч кимни танимасам.

– Эҳ, биз танишиб олдик-ку, шу етарли... Ўзим сизга жой топиб бераман.

\* \* \*

Тақа-тақ бекила бошлаган дўконлар орасидаги тор йўлдан тепага кўтарила бошладик. Суд раиси бир кўча бошида биздан рухсат сўраб, айрилди. Қаймақом докторга:

– Сиз нима қилмоқчисиз? Уйга кетасизми?

Доктор мужмал бир ишорат қилди, жавоб бермади.

– Кетиб ўтирманг, бўш уйда нима ҳам қилардингиз. Саид устаникида биргаликда овқатланамиз. Камол Мурод ўғлимизни ҳам биринчи кечасида ёлғиз қолдирмаган бўлардик.

– Қаймақомбей, яна уйдан қочиш учун баҳона қидиряпсан, шекилли?

– Йўқ... Бола ёнида бунақа нозик масалалар ҳақида гаплашмоқ жоиз эмас.

Саид устанинг ошхонаси чоғроққина экан. Қаймақом хийла узоқданоқ:

– Балиқ борми, балиқ? – деб қичқирди ва тасдиқ жавобини олгач, суюниб елкамга қоқди. – Сенинг оёқ изинг ярашди.\* Кичик тарафдан янги балиқ келганмиш. Маза қиламиз...

Қаймақом оёқ учига кўтарилиб, манқал ўчоқлар устида қатор тизилган бир нечта қозоннинг қопқоғини очиб, кўздан кечирди, кейин бизни ошхонанинг орқа томонидаги хос хонага бошлади. Бу ошхонанинг аслзодаларга ажратилган махсус хонаси экан.

---

\* Ёқди демоқчи.

Қирмизи рангга бўялган деворларни безаб турган сув париси ва натюрморт расмлар, шипга осиглиқ заррин лампага қарамай, қаймақом бу ерни негадир ғамгин деб топди ва орқадаги боғчага стол қўйдирди.

– Ёз келди деса ҳам бўлади, – деди у. – Бир фонар ёғдуси остида мана шу ерда ўтирсак, янада шоирона бўлади.

Бу жой докторга ёқмади шекилли, юзини буриштириб:

– Шу ҳам манзара бўпти-ю, – деди. – Ахлатхона-ку бу ер...

Қаймақом ҳамон қизғишлиги кетмаган кўкда порлай бошлаган юлдузларни кўрсатиб:

– Атроф вайрона, лекин шип обод, Салимбей, – деди. – Шип ниҳоятда гўзал. Қайси сарой куббасида бунақа зийнат ва дабдаба бор?! Ҳали атроф яна бироз қорайсин, Яратганнинг азалий қандиллари бор бўйи билан порласин... Ана шунда кўрамиз.

Доктор пулга сотадигандай кам айтадиган сўзларидан бирини сарф қилди:

– Қаймақомбейимиз шоирдир.

– Йўқ, азизим, шоир бўлиб қаерга борардик. Орасира эскича йўлда бир-икки мисра қоралаб қўямиз холос. Бори шу. Сиз шеърятни яхши кўрасизми, бўтам?

«Яхши кўраман» дейишга тилим бормасдан:

– Ўқийман, афандим, – деб қўяқолдим.

– Табиийки, янги йўлдаги шеърларни бўлса керак.

– Эски йўлдаги шеърларни тушунишим қийин, афандим.

– Адашингнинг шеърларини ҳам ўқийсанми?

– Адашим ким, афандим?

– Ҳали адашингнинг ким эканини билмайсанми, ҳам Камол, ҳам Муродбей?.. Сен азбаройи бир нарсадан чўчиганинг учун ўзингни адашингни билмаганга соляпсан, шекилли?.. Суд раиси ёнимизда эмас... Энди бемалол гаплашаверсак бўлади.

– ?!

– Адашинг ким эканини ҳақиқатан ҳам билмайсанми?

*Дудогинг ранги акс этмиш танангда,  
Энди очилган гул ундан ранг олмиш*

деган сўзлардан хабаринг йўқми?

– Йўқ, афандим...

– Адашинг юракни пайкондай тилгувчи шеърлар ёзарди. У ҳам сендай ёш вақтларида гурбат азобини тортган. Мана шу ерларга яқин ороларда, Қибрисда, Сақизда, Мидиллида ўтирган...

– Билмайман, афандим.

Қаймақом юзини буриштирди.

– Ундай бўлса, билмай қўяқол, ўғлим. Ҳарқалай, буларни мендан эшитиб билмаганинг яхшироқ. Мен, ижозат берсангиз, бу кеча балиқ билан бирга бир-икки қадаҳ бир нарса ичмоқчиман.

Салимбей кулимсираб:

– Бу турган гап, – деди.

– Яъни бу кеча мени бу ерга ичиш учун келди, демоқчисиз. Фижиллашамиз шекилли, Салимбей?.. Бўтам! Сенинг ёшингдагиларга қатъиян мумкин эмас, аммо биз сингари ёши бир ерга бориб қолганлар орасира бир-икки қадаҳ нўш қилса, ҳеч боқиси йўқ. Отангиз борми, Камолбей?

– Бор, афандим.

– Ичкилик ичадими?

– У ҳам гоҳ-гоҳ ичиб туради, афандим.

– Ундай бўлса сиз, бу Салимбей каби, менга таъна тоши отмайсиз. Фарзанд отаси қилган ишни айб деб билмайди.

Доктор Салимбей олдинига қаймақомни танқид қилгандай кўринган бўлса-да, Саид уста олдиға қадаҳ қўйганида эътироз билдирмади.

– Ие, сен сигарета чекасанми?

– Чекаман, афандим.

– Кошкийди чекмасанг...

Тўғриси айтганда, ашаддий кашанда эмасман. Истанбулдан чиққанымдан бери бу учинчи ёки тўртинчи қути бўлса керак. Ҳатто сигарета тутуни мени йўталтирарди. Бироқ нима қилиб бўлса-да, бунга ўрганишим керак эди. Ҳали аёлларникидай нозик лабла-римга, лоақал, бир сигарета қистирмасам, менинг во-яга етган, каттакон давлатни чўчитган сиёсий маҳбус эканимни қаердан ҳам пайқашлари мумкин?!

Рўпарамизда бир нечта йиқилган девор ва мўридан иборат вайрона кулба, ундан нарироқда йўл бор эди.

Бу вақтда кўча бўм-бўш бўлишига қарамай, қаймақом ҳар гал рақи\* ичмоқчи бўлганида курсидан тушиб, ерга чўнқайиб оларди. Унинг бу қилиғидан Салимбейнинг ҳар гал жаҳли чиқиб:

– Ҳам қочасан, ҳам довул урасан, қаймақом, – дерди.

У бўлса, уф тортиб:

– Бу ерларда сичқоннинггина эмас, деворнинг ҳам кулоғи бор, – дерди. – Атрофимизда чақимчи ва аблаҳ кишилар тўлиб ётибди. Менинг бир қадаҳ ичганимни кўрсалар борми, эртага «қаймақомни уйига замбилда олиб боришибди» дея миш-миш тарқатишади... Бир ўзим бўлганимда ҳам бошқа гап эди, парвойимга ҳам келмасди... Лекин не қилайки: «Бу вайронада авлоду аёл бор».

Шунга қарамай, учинчи қадаҳдан сўнг қаймақом авлоду аёлни писанд қилмай қўйди, боз устига бундан ҳам ошиб, уларни аччиқ ва истеҳзоли жумлалар билан ёмонлай бошлади.

Ёш йигит ёнида айтиб бўлмайдиган бирон сўзни орзидан қочириб қўйса:

– Камолбей, бўтам, – дерди, – сен энди ёшинг нуқтаи назаридан бўлмаса ҳам, вазиятингга кўра кап-кат-

---

\* Р а қ и – турк ароғи.

та йигитсан... Беҳудага риёкорлик қилмай қўяқолайлик...

Охирги қадаҳдан кейин қаймақом тамомила жўшиб кетди. Ҳаво салқин ва рутубатли бўлса-да, кўкрагини, бағрини очди, юлдузларга тикилиб, мен тушунмаган шеърларни маҳзун оҳангда ўқий бошлади. Кейин ёшга тўлган кўзлари билан менга юзланиб кўксига урди.

– Эҳ, ўша сенинг адашинг, болам... У мана шу порлаган юлдузлар орасида кезаркан, бирдан оёғи тойиб, орамизга тушган бир фариштага ўхшарди. Ким эканини асло сўрай кўрма... айта олмайман... Билхосса, қаймақом бўлганим учун исмини тилимга ололмайман, Камол Муродбей болам... Сенга унинг кўпдан-кўп шеърларини ўқиб берай. Аммо исмини мендан зинҳор эшитмайсан...

Охири кулимсираб:

– Номик Камолбей\* эмасми у, афандим? – дедим. – У ҳақда озгина эшитганим бор.

Қаймақом кўрқиб кетди ва менга танбеҳ берди:

– У нима деганинг? Оғзингга қараб гапир!.. Мен бу гапларни эшитмадим...

У ҳақиқатан ҳам қаттиқ кўрққан эди. Шу қадар кўрққандики, бояқишнинг кайфи учди ва бошқа шеър ўқий олмади.

Фикр ва аниқ бир калима ёмон жин каби руҳга кирган ониёқ таҳликали борлиққа айланиши мумкинлигини тушунадиган ёшда эмасдим.

---

\* Н о м и қ К а м о л (1840–1888) – XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган, Туркия адабиёти ва сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган машҳур турк шоири, ватанпарвар, ҳуррият учун курашган арбоб, журналист. 1876 йил 23 декабрда қабул қилинган биринчи Конституция ижодкорларидан бири бўлган. Инсон эркинлиги ва ҳуррият ғояларини тараннум этгани учун мавжуд сиёсий тузум томонидан таъқиб ва тазйиқлар остига олинган, бир неча бор қамалган ва сургун қилинган.

Кеча шу қадар сокин эдики, суҳбат орасида осма фонар ичида ёнган лампачирокнинг шитирлаши, дорга осиглиқ хўл латта-путталардан сизиб тошларга тушаётган томчиларнинг саси аниқ-тиниқ эшитиларди.

Доктор айтганидай, бу ер ҳақиқатан ҳам бир ахлатхона эди. Бир чеккада устма-уст қалашган газ балонлари, бўш шишаларга, бироз олдин мушуклар тақирлатиб ағдариб кетган чиқинди челагидан тўкилган сабзавот пўчоқларига, тош бўлаклари орасида жилдираган ёғли сувга тикилиб ўтирарканман, юрагимни бир панжа сиқа бошлаганини ҳис қилдим. Лекин қаймақомнинг янги бир гап сотиши билан яна кайфим жойига тушди.

– Оилангизнинг аҳволи қалай? – деб сўраб қолди.

– Ёмон эмас, афандим, – дедим.

– Буни сўраганимнинг боиси шуки, бу ерда сизга бироз пул керак бўлади. Ақчангиз борми?

– Тахминимча, бор бўлса керак, афандим.

– «Тахминимча» деганингиз нимаси?

– Пулим бор, лекин қанча эканини ўзим ҳам билмайман... Хайрлашаётган чоғимизда отам бир кичик ҳамён берганди.

Орқа чўнтагимдан оғзи сиқиб боғланган каштали ҳамён чиқардим. Чина сойига тушган вақтимда хўлланиб, янада қаттиқроқ тугилиб қолган тутунини тишим билан еча бошладим.

– Ҳозиргача очмаганмидингиз?

– Ёнимда бошқа пулим бор эди.

– Қизиқмадингизми?

– Отам: «Ишончлироқ жойингга яшириб қўй. Йўлларда очма, ўғирлаб кетишади», деб тайинлаганди.

Қаймақом кула бошлади.

– Ажойиб бола бу... қизиқиб ҳам кўрмаган. Воҳ-эй, барака топ-эй... Модомики, ҳозиргача сабр қилибсан, бундан кейин ҳам очмагин...

– Очиб, санаб кўрайлик, афандим... Кўрайлик-чи, менга етармикан?

– Етар, ҳар ҳолда, бу ерда етиб қолар... Етмаса, бир йўли топилар. Яна ўзинг биласан, хоҳласанг очиб кўр...

Қаймақом бунга мендан ҳам кўпроқ қизиқаётгани кўриниб турарди. Тутунларни ечишга уринаётган вақтимда унинг мендан ҳам кўпроқ асабийлашганини, кичик кўзлари сувсарникидай порлаётганини кўриб турардим.

Ҳамёндан олтинларни олдин ҳовучимга, кейин стол устига тўқдим ва санай бошладим.

Отам пулни эндигина вояга етган болалар учун энг катта таҳлика деб ҳисоблайдиган ва шу чоққача мени пулдан анча сиқиб келган одам бўлишига қарамай, бу гал кўли очилиб кетганди. Стол устида роппа-роса ўн саккиз Усмоний олтини бор эди.

Қаймақомнинг бошига қон тепганди, ҳансираб деди:

– Воҳ, худо асрасин, бу пул эмас, Қоруннинг хази-наси-ку!

– Зарур бўлиб қолса, отам яна юборади...

– Бу отага қаранг-а! Офарин... Оллоҳ бундай киши-ларни зиёда қилсин. Лекин болагинам, ақчаларингни яна бир марта сана-да, дарҳол жойига солиб қўй, ҳеч ким кўрмасин. Зинҳор ҳеч кимга валдирама ҳам. Сен ҳали бир ғўр боласан!

Ён атрофдан юзларча кўзлар тикилиб тургандек хавотирланиб, ваҳимага тўла кўзлари билан тевааракка олазарак бўлганича: «Буларни тезда йиғиштириб ол!» деди.

У, асосан, ошхонадагилардан хавфсираётган эди. Мен олтинларни ҳамёнга соларканман, бир неча бор эшик томонга бориб келди, бақалоқ гавдасини оёқ учига кўтариб, деразалардан ичкарига аланглади.

Бояқишнинг иккита заиф томони бор экан: балиқ ва олтин.

Миласда яшаган икки йил ичида шу туфайли бо-шига икки бора ўлим таҳликаси тушганига гувоҳ бўлдим. Бир ёз кечаси бузилган балиқ гўшtidан за-



ҳарланди, замбилда касалхонага олиб боришди. Докторларнинг айтишига қараганда, муъжиза туфайли ўлимдан омон қолди. Бечоранинг касалхонанинг темир каравотига узала тушган яланғоч вужуди, сапсарғайиб кетган, доғ босган юзлари, жун босган, шишган қорни устида қовуштирилган кичик, юмилган кўллари, неча кунлаб бир офиз сўзлашга ҳоли бўлмай ётгани ҳали ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

Олтинга келсак, бу туфайли бошига тушган бало бундан-да бешбаттар бўлганди.

Машрутият инқилобининг\* илк кунларида оломон уни порахўрликда айблаб, бир судхўр яҳудий билан биргаликда бўйнига чириган помидорлардан гулчамбар осган ҳолда, тоғораларни даранглатиб, ахлат ташийдиган аравага ўтқазганча кўрқинчли маросим билан шаҳардан ҳайдаб чиқарган эди.

Кейинчалик халқ орасида бу жазони ҳаддан ташқари деб билганлар, ҳатто туҳмат қилишган деганлар чиқди. Ўзим бўлсам, ким ҳақ эканини билмайман. Лекин жуда яхши киши бўлишига қарамай, гоҳида зўрлаб кўлига тикиштирилган бир неча олтинни – худди ўша кечадаги каби хавотир билан атрофни кўздан кечиргандан сўнгра – кўзларини ўйнатиб, маънос ва паршон бир ҳолда чўнтагига отган бўлиши мумкин деб ўйлайман.

## II

Қоронғида тошларга урилиб-туртиниб, халқобларга тушиб чиқиб, тор, эгри-бугри кўчалардан ўтдик, баландликларга чиқиб-тушдик.

Атрофда бир-бирига ўхшаш вайрона ва қоронғи уйлардан бошқа ҳеч нарсани кўриш мумкин бўлмасан.

---

\* М а ш р у т и я т и н қ и л о б и – 1908 йилда содир бўлган ва Конституция қабул қилинишига олиб келган Ёш турклар инқилоби назарда тутилмоқда.

да, қаймақом икки одимда бир тўхтаб, менга тушунтирарди:

– Ҳожи Илёс маҳалласига кирдик. Уйларнинг бу аҳволига қарама. Бу уйларнинг эгалари қурумсоқлиги билан ном чиқарган маҳаллий бой одамлардир...

Яҳудийлар маҳалласи... Халқи бироз зиқна, бироқ шунга қарамай, у ер, бу ерда чироқ ёқишибди... Буларнинг орасида анча-мунчаси олтинининг саногини билмайди. Бироқ кўриниши, феъли-ҳуйига қарасанг, балиқнинг қўруғини еб юришларини кўрсанг, раҳминг келиб пул бергинг келади, лекин...

– Мана, Ҳисорбошига ҳам етиб келдик. Бу ернинг кўринишига ҳам алданма. Аҳолисининг катта ермулклари бор. Энг камбағалининг менга ўхшаш қаймақомдан нечтасини эшигида қулдай ишлатишга кучи етади.

Қаймақом фақат ўтиб кетаётган маҳаллаларни таърифлаш билан чекланиб қолмай, ора-сира тасбеҳини қоронғилик қаърига узатиб, кўринмаётган жойларга ишора қиларди:

– Анави томонда эски маҳалла бор. Мана шу тепаликдан сал кўтарилсак ва ойдин бўлсайди, ўша томонга қараб Ҳайитлини кўрган бўлардинг... Бу томонда Қовоқли, нариёқда Норанжали, Шамол тегирмони, Сариксой...

Докторнинг сояси, етти-саккиз қадам олдинда, гоҳ биз билан баравар юрар, гоҳ тўхтаб қоларди. Ичган бир нечта қадаҳ рақиси уни қаймақомга тескари ўлароқ, бутунлай гунгга айлантирди кўйди.

Бу давомли сукут ўша кечаси аллақандай кибр, гайриинсоний нарса ифодасидек туюлиб, мени чўчитган эди. Аммо, шунга қарамай, бу салобатли кишининг менга, бир мактаб боласига ўз оғайнисидек муомала қилишда давом этишини нима билан изоҳлаш мумкин эди, шуни тушунолмасдим.

Юнонликлар маҳалласига кириб бордик. Рўпарада черков, янада тўғрироғи бир монастир майдони

кўзга ташланди. Майдонда бир тўда одамлар ўтирар, болалар ўйнар, қатор тизилган қизлар майда-чуйда сотишарди. Шу чоққача қаерда яшашим кераклиги ҳақида сўзлашга вақт топмаган қаймақом:

– Рум маҳалласида фақат иккитагина армани оила-си бор, – деди. – Сиз улардан бириникида яшайсиз. Оила дейишга дедиму лекин хонадон фақат биргина армани мадемуазелидан иборат, холос... Юқори қаватдаги икки хонада бир неча кун олдингача Субҳибей исмли бўйдоқ юзбоши доктор яшар эди. Бахтингизга юзбошини Измирга жўнатишди, хоналар бўш қолди. Боя жандарм орқали мадемуазелга хабар юборгандим. Ҳозир кўзлари тўрт бўлиб кутяпти. Лекин мадемуазель билан ошиқ-маъшуқ бўлишга уринманг, қиёматни қойим қиламан, ҳа...

Мен уялиб, лабларимни тишлаганча, ваъда бера бошладим. Қаймақом ғўрлигим устидан бироз кулгач:

– Сени умидлантирмай қўяқолай, болам, – деди, – мадемуазель Варвара эликдан ўтган бир қариқиз. Анча олдинлар қаллиғи ўлган, ҳалигача мотам тутади ва Фарҳоднинг Ширини сингари куйиб-ёнади... Бояқишни болалар масхара қилиб ҳам юришади. Шу билан бирга у жуда яхши, покиза ва ишининг кўзини биладиган аёл. Сенга, худди Субҳибейга қараганидай, ғоят яхши муомала қилишига аминман.

Бизнинг маҳаллага кириб келишимиз бу ердагиларни янада жонлантириб юборди. Эшик олдида курсилар, пастак чорпояларда ўтирган аёл ва эркаклар, бизни кўриб оёққа қалқар эдилар. Қаймақом уларнинг ҳар биридан бир-икки оғиз ҳол-аҳвол сўраб ўтарди.

Янада ғалатиси шуки, доктор ҳам тилга кириб қолди. Бунинг устига ҳеч бир кутилмаган вақтда юнонча жуда эмин-эркин сўзлаб кетди. Баъзи эшиклар олдида узоқроқ туриб қолишидан у ерда ё бемор борлиги, ёки бирон хасталикнинг давоси ҳақида сўрашгани маълум бўлиб турарди.

Қаймақом менга унинг юнонча булбулдай сўзлашининг сирини очди.

– Салимбей критлик. Бу ерга кўчиб келган катта оиланинг бошидир.

Бир-бирини белидан кучган, бошларини бошларига теккизиб, булбулигўёдай тинмай гап сотганча савдо қилаётган қизлар ҳам бизга қизиқсиниб қараб қолишди. Ҳар бир эшик олдида тўхтаб ўтарканмиз, улар бўзчининг моксидек ёнимизга тез-тез келиб-кетишар, ҳар келишларида кўз қири билан бизни кузатишарди.

Шу чоққача эсимга ҳам келмаган униққан уст-бошим мени яна беҳаловат қила бошлаганди. Мумкин қадар ҳамроҳларимдан узоқроқ юришга, деразалар, эшиклардан тушган ёруғликдан нарироқ туришга ҳаракат қилардим.

Борган сари атрофимизда кўпайишган юнон қизлари орасида, ниҳоят, уй соҳибаси ҳам кўринди. Кутганимдай гавдаси бесўнақай, қошлари қалин, бурни ўроқдай кекса дуду\* эмас, қора кўйлак кийган, новча ва қоқсуяк бир аёл, шамолда қолган кўчатдай таманно билан секин юриб, бизни қарши олишга келаверди. Нафис тўқилган, чеккалари шокилалаи қора тўр шарфни бошидан ошириб, елкаларига ташлаб олган, эгнида қора шолрўмол, қўлида қора ҳарир дастрўмол, оёқларида локланган ялтироқ туфли бор эди.

Аммо деразалардан бирининг ёруғида бирданига кўзга ташланган юзи хунук эди. Агар танасига бу қора либослар ўрнига беш-олти метр амрикон бўзини ташлаб, қўлига узун дастали чалғини берсангиз, бу зулмат ажинасини бемалол ажал фариштаси деб таърифлаш ноўрин бўлмасди.

Аёлнинг қошиқдайгина юзи мурданики сингари оппоқ эди. Кичкина бурни, бамисоли юзининг ўрта-

---

\* Д у д у – ёши ўтган армани аёл.

сига садаф тугма қадаб қўйгандай, думалоқ ва япалоқ эди. Қошлари йўқ деса бўладиган даражада сийрак. Бу яккам-дуккам туклар устига сурма билан тортилган иккита нозик ҳилол ўттиз йилдан кейин пайдо бўладиган урфнинг узоқ муждаси каби туюларди.

Қаймақом калта қўлларини баланд кўтариб, катта тантана билан:

– Ҳўў, хоним қиз... Бу қандай малоҳат, бу қандай гўзаллик, – деди ва бизни бир-биримизга таништирди. Сўнгра бир кўзини қисиб қўйди-да, аёлга деди:

– Сен ҳеч қадримга етмадинг, етмадинг-да. Сенга Субҳибейнинг қўланса ҳидини йўқ қиладиган гулдай бир ижагир келтирдим. Қани, Оллоҳ сизларга тотувлик берсин.

Қариқизнинг уйи ўзи каби ингичка, узун, тор ва ён томонга бироз қийшайган ёғоч уй экан. Ўзи пастки қаватда яшар экан, юқоридаги қаватдаги икки хонани айвони билан менга берди.

Пастда тўпланган юнон қизларига бу кўримсиз устбошда бундан ортиқ кўринишга тоқатим дош бермади ва ҳамроҳларимдан рухсат сўраб, ўзимни ичкарига отдим.

### III

Қаймақом сингари, мен ҳам қарама-қаршилиқлар, зиддиятлардан яралган инсонман. Ҳеч қачон ўртача бир ҳолатда турмаганман, доим ўзимни ўтга, чўққа уриб ўрганганман.

Хонада ёлғиз қолдим дегунча, бирданига жасоратим сўнди ва қиладиган бошқа ишим қолмагандай, йиғлай бошладим. Йиғлаганда ҳам хўнграб йиғладим!.. Она кучоғидан айрилган ҳеч қайси қизалоқ бунақа шармандаларча хўнграмаган бўлса керак.

Фалокат ҳеч кутилмаган бир вақтда бирданига бошимга гурзидек урилган, мени гангитиб қўйган эди. Мактабдан Полиция маҳкамасига олиб боришган кеча

билан бу кеча орасида кечган ҳаётим тушга ўхшарди. Ҳеч бирини тушунтириб беролмайдиган балолар устимга дўлдай ёққан, юрагим зўриққан, чарчоқлар селдай босган, уйқусизлик гарданимда офир тош пайдо қилган, эҳ-ҳе... Бундай азобларнинг адоғи йўқдек кўринарди.

Ундан кейин атрофдагилар ва, ҳатто, ўзимга-ўзим зўраки сиёсий маҳбус ролини ҳаддан ташқари берилиб ўйнаган, асабларимни жуда толиқтирган эдим. Худди бир қиз боладай кўз ёши тўкишим, ҳар ҳолда, мана шу ҳодисаларнинг оқибати эди.

Ниҳоят, бу қадар бўшашишимнинг бошқа сабаби ҳам бор эдики, бу тафсилотларни энди бемалол изоҳлашим мумкин.

Менга ичига тушганим бу ҳаёт ҳар куни кутилмаган янгиликларга йўлиқтириб, алғов-далғов тарзда давом этадигандек туюлган эди. Ўн саккиз ёшли бола учун бунинг аччиқ томони бўлиши билан бирга, қизиқарли ва завқли жиҳати ҳам йўқ эмасди. Ҳолбуки, бир ҳафта кечмай, ўзимни йўлимнинг поёнига келиб қолгандай ҳис қилар, айна янглиш хаёллар натижасида, бу гал умримнинг сўнгига қадар мана шу хонада ҳаракатсизлик ичида яшашга мажбум этилганман, деб ўйлар эдим.

Бироз олдин менга тасалли беришга уринган қаймақом кўлларимни қисиб, Салимбейга эшиттирмасликка уриниб, паст товушда:

– Ғам ема, – деганди, – бу ҳам ўтиб кетади. «Тонг отмай туриб, истиқболим гулдай очилар»\*. Бир-икки йил ўтмай, авф этиларсан. Бир-икки йил дегани кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади.

Ёши бир ерга борган киши учун йил дегани ҳақиқатан ҳам кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. Лекин мендай ўн саккиз ёшли йигитча учун бу боши-кети кўринмайдиган узоқ масофа эди.

---

\* Шеърдан парча.

Азобларим, ким билсин, қанча узоқ давом этган бўларди. Яхшиямки, шу аснода эшик тақиллаб қолди. Варвара Дудунинг овози эшитилди:

– Кечирасиз... Кийимларингизни берсангиз, сиз уй-фонмай туриб, дазмоллаб қўярдим, – деди, меҳрибонлик билан.

Юзимни кўрсатмаслик учун дарҳол тескари ўтирилиб олдим. Ўзимни каштали кўрпа устига ташланган қўл сумкамдан бир нарса қидираётганга солиб, ҳуштак чала бошладим. У мени эшитмади деб ўйлаб, гапини такрорлади.

Дастрўмолда усталик билан бурним ва кўзларимни артиб, кулдим:

– Кўйлагимни берсам, ўзим нима қиламан, кечки кийимим йўқ.

– Мен кечалик кўйлақларимдан биронтасини бериб тураман.

– Қандай бўларкин?

– Бир кеча учун ҳеч нарса қилмайди... Кўнглингизга келмасин, гулдай топ-тоза.

– Аслида кўйлақ мендан жиркансин, чунки йўлдан келганман.

Бу ҳазилимдан мадемуазель қотиб-қотиб кулди. Кўп ўтмай даҳлиздаги сандиқнинг қулфи жаранглаб очилди, қопқоғи тарақлаб ёпилди ва аёлларнинг атир ҳиди уфурган, дазмолланган ва топ-тоза қора кўйлагини олиб келди.

Кўйлақнинг кўкраги бурмали, ёқаси ва енглари энли қора уқалар билан зийнатланган эди. Сал ўтмай ўзимни дудунинг, узун бўйига қарамай, тиззаларимга етмаган бу уқали аёл кўйлаги ичида кўрдим дегунча, ҳалиги умидсизликларимни шу заҳоти унутдим ва тентакларча хохолаб кула бошладим. Кейин мени шайтон оздирдими, ойнали кийим жавонининг уст бўлмазидаги қора тўрли ва қора укпарли сомон шляпани бошимга қўндирдим. Ниҳоят, шу алфозда охириги саҳ-

ни кўринишини кўрсатиш учун пастга, дудунинг хонасига меҳмонга бордим.

Ҳеч нарса қариқизни бунчалик кулдирмаган бўлса керак. Либосимнинг биргина камчилиги бўлган, лойга беланган эркакча ботинкаларимга қараркан, кулгидан кўзларига ёш келди.

– Ҳай, кўп яшанг... Қачондан бери бундай мириқиб кулмаган эдим.

Мадемуазель Варваранинг ажойиб феъли бор эди. Ботинкаларимнинг аҳволидан мендан кўра у кўпроқ уялди ва:

– Кечиринг... бу хаёлимга ҳам келмабди. Сизга шиппак беришни унутибман, – деди ва ташқарига чопди. Кейин тавалломга кулоқ ҳам солмай, ерга чўккалади, ботинкаларимни ечди, оёқларимга аёлларнинг бир жуфт каштали шиппагини кийгизди.

Яхшиямки, ўша куни эрталаб Чина мусофирхонасида янги пайпоқ кийгандим. Акс ҳолда, жиринглайдиган сандикдан аёлларнинг бир жуфт қора чулкисини чиқаришига ҳеч қандай шубҳа қолмаган бўларди.

Мен дудуга бир кўриниб, дарҳол хонамга қайтиш мақсадида бу масхарабозликни қилгандим. Лекин у мени зўрлаб азиз меҳмонларига ажратилган оромкурсига ўтқазди, жавонидан кумуш идишларда ширинликлар чиқариб қўйди, ўз қўли билан ширинликларни қошиқда менга едирди, бинафша ликёри ичирди.

– Бу кийимлар сизга жуда ярашди-да, – деди. – Офатижон мадемуазель бўлдингиз қўйдингиз. Субҳибей, нимасини яширай, сиздай хушчақчақ одам эди, яхши одам эди, лекин сиздай ҳазилкаш эмасди.

Мадемуазель бир орада ҳарир қора шляпанинг тагида боридан ҳам малларанг кўринган сочларимни тузатиш ва пешонамни астагина силаб қўйишдан ўзини тия олмади.



Кўча тинчиб қолганди. Аммо биз ҳануз юзма-юз ўтирар, у ёқ бу ёқдан суҳбатлашардик. Мадемуазель Варвара мен билан бирга ичган бир қадаҳ бинафша ликёридан қизишиб қолганди. Бир вақт бўйнини эгиб, бир фожиали роль ўйнаётган актрисадек, овози титраб сўради:

– Сиз ҳали она сути оғзидан кетмаган боласиз. Не қилиб қўйдингизки, бу иш бошингизга тушди?

Қаймақом ҳеч кимга сездирмай, дудуга бир нарсалар дегани аён бўлди.

Дарҳол ўзгардим: шу аснодаги уст-бошимга кўп ҳам мос келмайдиган, муаммоси бор катта киши қиёфасига кириб, маҳзун бир тарзда:

– Ким билсин, – дедим.

Дуду бу жиддият олдида шошиб қолди ва уялди.

– Кечиринг... Бунини сўрамаслигим керак эди... Шунчаки гап орасида оғзимдан чиқиб кетибди...

#### IV

Эрта тонгда кроватнинг оппоқ чойшаблари устида ўйрондим дегунча мадемуазелнинг саволини ўзимга-ўзим бердим: ҳа, ҳақиқатан ҳам, бу ёшда мактаб партасидан олиниб, сургунга юбориладиган даражада нима қилган эдим?

Аъзойи баданим ва руҳиятим яхшигина ором олган эди. Тўшак устида бир томондан иккинчи томонга ағдарилган кўйи ўтган воқеларни кўз ўнгимдан ўтказа бошладим.

Муҳандислар тайёрлаш ўқув юртининг иккинчи босқич талабаси эдим. Бир-икки фандан заифроқ бўлсам-да, бир ярим ойдан сўнг бошланадиган имтиҳонлардан сўнг учинчи курсга ўтиш арафасида эдим.

Ўша куни ёзма иш топширгандик. Саволлар жуда осон эди. Ёзма ишимни бирпасда ишлаб бўлгач, сўрғич қоғозга қалам билан бир нарсаларни ёзиб, орқа қатор-

да ўтирган Ирфон исмли офайнимга узатдим. Бу Ирфон дегани бир ошпазнинг ўғли бўлиб, номига тескари ўлароқ, бориб турган аҳмоқ эди. Қоғозни тиззаларининг устига қўйиб, ғалати тикилиб қолгани, бунинг устига ажи-бужи ёзувни овоз чиқариб ҳижжалай бошлагани ўзини ҳам, мени ҳам балога қўйди.

Табиийки, икковимиз ҳам чиқмас балога учраганимиз аниқ. Устига устак таътилдан маҳрум бўлишимиз турган гап. Кечки машғулот пайтида бошимни чангаллаб, оқибати нима бўлишини ўйлаб ўтирган вақтимда эшик очилди. Ички ишлар мудирни менинг тартиб рақамим ва исминини айтиб, мудир хонасига чақирди.

Ўйга ботиб, парталар орасидан ўтарканман:

– Бу Ирфонбейни Худо урсин... Энди уйимиз қуядиган бўлди. Розини бўлинглар, – дедим.

Мудирнинг хонасида икки нафар бегона киши ўтирган экан. Улардан бири форма кийган полиция комиссари эканлиги менга ғалати туюлди. Лекин, унга тескари ўлароқ, мудир жушфеъл ва осойишта кўринарди. Ҳарқалай, юзимга боқмасдан:

– Камол афанди, – деди, – ҳозироқ ётоқхонага бориб, кишилик кийимларингизни кийинг... Жомадонингизни ҳам ҳозирланг.

Демак, мактабдан ҳайдаладиган бўлгандик. Бунинг устига ярим кечада, полиция кузатувида остида...

Пандавақига ўхшаб бақрайиб турмасдан, бир нарсалар дейиш керак эди. Хонанинг қандиллари бошим устида порларди. Дудуқлана бошладим:

– Мудирбей афанди... Мендан бир аҳмоқлик ўтди. Ишонинг, биринчи марта шундай бўлиши.

Бу гап мудир юзимга тикилди ва сўради:

– Нима биринчи дафъа?

Эзилиб, овозимни пасайтириб, дедим:

– Нусха иши, афандим...

– Сиз ҳали нусха кўчирганмидингиз? Кўп ёмон иш қилибсиз... Сиздан буни кутмаган эдим. Ҳарқалай, бу

ишнинг нусха кўчиришга алоқаси йўқ. Бу бейлар билан бир жойларга кетасиз...

– Қаёққа?

Энди шошиш ва дудуқланиш навбати мудирга келганди.

– Қаёққа дейсизми? Чўчийдиган ҳеч нарса йўқ, бўтам... Менга ишонасиз-ку, бейафандилар ҳам худди шундай... Ўзингиз кўриб турибсиз, бейафандилар маъмур одамлар... Хуллас, гап шундай бўтам. Бир жойларга кетасиз.

Тилимнинг учида бир қанча саволлар ўйнади: «Бор-йўғи шу бўлса, жомадонимни олишимнинг нима кераги бор? Қаёққа бораман ўзи?»

Аммо буларни сўрай олмадим. Чунки ичимда бир ҳис жавоб ололмаслигимни ва бу сукут мени баттарроқ кўрқитишини айтиб турарди.

Бош ролни, ҳозиргача ғиқ этиб оғиз очмаган бўлишига қарамай, мудирнинг ёнидаги оромкурсида ўтирган гардиши олтин кўзойнакли, тўладан келган, малла мўйловли зот ўйнаётганига шубҳа йўқ эди.

Кўз кўзга тушди дегунча у бирдан оёққа қалқди ва овозига мулойим тус беришга уриниб деди:

– Сиз билан бироз улфатчилик қиламиз, бўтам, – деди ва, ҳар ҳолда, менга далда бериш учун бўлса керак, ёлғонлади: – Отангиз пешонангиздан ўпиб кўяркан, сизга алоҳида салом айтди. Эртага эрталаб сизни кўришга келаркан.

Мудирнинг хонасида бўлиб ўтган гап-сўзлар шулардан иборат, холос. Тилим шу қадар тутилган эдики, юқорида янги кийимларимни кийиб, ашқол-дашқолларимни тўплар эканман, ётоқхона ходими билан ҳам сўзлаша олмадим.

Ниҳоят, Полиция маҳкамаси эканлигини эртаси кунни билиб олганим қоп-қоронғи ва тошдан кўтарилган бино эшиги олдидамиз. Кўш тавақали эшик устига осифлиқ каттакон фонар ёруғида милтиқ кўтарган иккита соқчи орасидан ўтдик.

Жавонлари дафтарларга тўла чоғроққина бир хонада ияги боғлиқ бир ёш зобит мендан исмим, туфилган жойимни сўради. Мени кузатиб келган оғайниларим эса ғойиб бўлишди ва қайтиб кўринишмади.

Ўша ва кейинги кечани ичида бир темир кроват, бир тахта ўриндиқ ва бир тахта жавондан бошқа ашё бўлмаган шипи, деразаси баланд бир хонада ёлғиз ўтказдим. Ким билади, кимдир жавонда «Ер остига саёҳат» деган эски ва қалин муқовали бир романни унутиб қолдирган экан. Ўзимни чалғитиш учун тўхтамай ўқий бошладим. Олтин гардиши бор кўзойнакли афандининг ваъдасига қарамай, отам фақат иккинчи куни тушга яқин кўриниш берди.

Ғалати бир ҳол! Икки йил олдин ўтказган енгил фалаж хуружидан сўнг ҳеч ўзига келмаган отамда тушуниб бўлмайдиган бир жонлилик ва нашъа бор. Ҳатто, ўнг оёғининг сал оқсоқлиги ва тилининг бироз дудуқлиги ҳам ўтиб кетганга ўхшарди.

Болалик вақтларимда мўйлови ҳали қоп-қора бўлган отам оҳори тўкилмаган формада қиличини шақирлатиб, казармадан қайтарди. Шу кунларини эслатадиган бир тарзда:

– Ўтиб кетсин, йигитча, қалайсан? – деб сўради, ёноқларимни силади ва кулди. Бироқ қайси айбим учун қамалганимни у ҳам айтмади.

Бу ерга келган кечам мен ҳақимдаги маълумотларни дафтарга қайд қилган ияги боғлиқ зобит ҳам ёнимизда. Отам, мендан кўра, бу зобит билан кўпроқ гаплашар ва унга «бўтам», «куролдошим» дея мурожаат қиларди.

Зобитнинг ниҳотда ҳурмат билан муомала қилишига ва гапини қаддини бироз роз тутган ҳолда доимо «миралайим»\* деб тугатишига қарамай, негадир отам-

---

\* М и р а л а й – майор

га ичим куйиб, ачиндим. Лекин унинг парвойи палак. Афтидан, яқиндагина Македониядан қайтиб келган зобитдан у ер ҳақида керак, нокерак бир нарсаларни сўради ва сўнгра, тасодифан эсига тушиб қолгандай, менга юзланиб деди:

– Камол, сен бир кичкина сафарга чиқадиган бўлдинг. Унчалик узоқ эмас, Миласга кетасан... У ерни, албатта, биласан. Милас Измирнинг энг гўзал туманидир. Ёшликда саёҳат қилиш жуда гўзал иш-да. Саёҳат одамни мактабдан кўра яхшироқ тарбиялайди. Мен мулозим сифатида Арзурумга кетган вақтимда нари борса сенинг ёшингда эдим. Ёки нари борса, бирикки ёш катта бўлгандирман. Арзурум қаёқда-ю, Милас қаёқда...

Бизнинг уйимизда сиёсат ҳақида гапириш тақиқланган эди. Бироқ у замон болаларининг қулоқлари доимо у ер бу ердан эшитган гаплар билан тўлган бўларди. Бу зобитнинг ёнида бирон гап гапирмаслик кераклигини англаб, дарҳол отамнинг сўзларига мос ҳолда гапиришга ўтдим:

– Албатта, отажон, жуда яхши бўлди... Зотан, мен саёҳат қилишни жуда яхши кўраман...

– Икки-уч ҳафтадан кейин онанг билан сени кўртгани борамиз. Ҳатто, ҳозироқ сен билан кетмоқчи эдик. Лекин баъзи муҳим ишларимиз бор.

– Қачон кетар эканман, отажон?

– Бутуноқ, болагинам... Бир-икки соатдан кейин.

– Онамни, акаларимни кўрмайманми?

– Онанг ҳам келмоқчи эди, лекин меҳмонлар келиб қолишди.

– Акаларим-чи?

– Улар бу ерда эмаслар, болагинам... Хайри аканг Бингазига тайин этилди ва кеча жўнаб кетди. Шукри аканг бўлса, Бағдодга.

– Янгаларим-чи?

– Табиийки, улар ҳам акаларинг билан бирга кетишди... Айтганча, сенга айтишни унутаёзибман. Шукри аканг кўлогаси\* бўлди.

– Жуда қувондим, отажон...

Отам яна мендан юз ўтириб, қисқа-қисқа кулганча, зобитга тушунтира кетди:

– Энди «унимизни элаб бўлдик, элакни деворга осдик» дегандик, лекин эртароқ қувонибмиз. Икки кекса кўл ушлашиб, Бингази билан Милас орасида бўзчининг моксидек бориб келадиган бўлдик. Бу орада Бағдод ҳам бор, лекин у узоқ ҳамда харажати кўп. Шу боис Бағдодни ўйламай турамыз.

Зобит шу орада уни чақирган човуш билан ташқарига чиқди. Отам унинг оёқ товушлари узоқлашишини пойлаб тургач, бирданига овозини пасайтириб, шоша-пиша:

– Камол, – деди, – Миласга борган вақтимда бемалол гаплашиб оламыз. Ҳозир эса икки оғиз сўз билан тушунтирай. Бу ҳақиқатан ҳам ташвишланадиган бир нарса эмас!.. Биласанки, Сабиҳа янганг валлиаҳд Рашод Пошо афандининг саройига мансуб оиладан. Янгангни келин қилиб туширганимизда доруссалтананага оид хонадоннинг не эканини билмагандик. Мени бутунлай кекса ва заиф деб билганлари учун одам ўрнида кўришмаганди. Бироқ сизлар, уч ака-уканинг айтган жойларимда истиқомат қилишларингиз учун ҳукми олий чиқарилган. Борган жойларингизда тамоман эркин бўласизлар. Буларни эсингда қолсин деб айтяпман. Аммо сен бу гапларни асло бировга айтма кўрма.

Ўша куни оқшомга яқин аскар тўла Ҳожи Довуд пароходига чиқиб, Истанбулдан жўнаб кетдим. Отам ваъда берган бўлса-да, негадир, мени кўргани бошқа келмади.

---

\* Кўлоға – султон замонида майор билан капитан орасидаги ҳарбий унвон.

Дастлабки кунлари янги ҳаётимга кўникиш осон кечмади. Энди бу ердан қутулмасам керак, деган ваҳима ҳеч ичимдан аримади. Бир неча кун, оқшомлари қош қораяркан, илк кечадаги бўҳронга ўхшаш аллақандай ғаройиб ҳиссиётларни бошдан кечирдим. Бироқ, тўғриси айтиш керак бўлса, бу ҳолат кўп давом этмади. Аслида, оиламга ёпишиб олган одам эмасман. Акаларим билан менинг орамда ёш фарқи хийла катта. Мен ҳали гўдак эканман, улар ётоқли ҳарбий мактабда ўқир эдилар. Белларига қилич осганларидан кейин эса дарҳол уйланишган ва рўзгорларини бошқа қилишганди.

Онам нуқул вафот этиб кетганлар ҳақида сўзлайдиган бадбин аёл эди. Минг ҳолдан биттасида кулиб кўйса, айб иш қилган одамдай, дарҳол пушаймон бўлар, «Нимамизга куламиз ўзи, ҳеч билмайман» дея уф тортиб қўярди.

Отамга келсак, у хушчақчақ ва тиниб-тинчимаган бир ҳарбий эди. Кейинчалик билишимча, онам уни уйга боғлашнинг уддасидан чиқолмаган экан. Отам кунларни казармада, кечаларни маҳалламиздаги қироатхонада ўтказар, аҳён-аҳёнда уйда қолган вақтларда борда дарахтларни пайвандлаш ва бутааш билан машғул бўларди. Пенсияга чиққанидан кейин кўп ўтмай хасталангач, уйимиздан бутунлай нашида кетди қўйди.

Уйдагилар мени жуда қаттиқ тутишган. Вайсақи ва ҳазилкаш бола эканлигимни асло ёқтиришмас, «Камол нега акаларига тортмади экан, нега бунақа енгилтак, ўйинқароқ бола бўлдийкан?» дея нуқул хафа бўлишарди. Кўчага чиқиш ва кўшни болалар билан ўйнашни тақиқлаб қўйишганди. Саккиз-тўққиз ёшлигимда оғайниларимдан ўрганган бир айб гапни уйда валақлаганим учун отам мени мактабдан чиқариб олган, бир йил уйда хусусий ўқитувчи ёллаб ўқитганди.

Таътил кунларида отам билан бирга боққа тушар, лекин қулоқларим болаларнинг кўчадан келаётган овозларида бўлар, юрагим зада бўлганча, пайванд ва буташ ишларида отамга кўмаклашардим. Отам гоҳида ўтлар, гуллар, япроқларни тўплатиб, ўсимлик оилаларини танитишга ҳаракат қилар ва буларни мактаб дарсликларидан ўрганиш имкони йўқлигини ифтихор билан айтиб кўярди. Аммо унинг назарий билими ҳам у қадар чуқур ва кенг бўлмагани учун ўсимлик оламиндан бор-йўғи беш-олти оиладан нарисини ўрганмадим.

Мактаб деган нарсани ҳеч қачон жиним суймаган бўлса-да, муҳандислар ўқув юртига кирганимда, худди турмадан чиққандай, суюнганман.

Энди бўлса, сургун бу озодлик уфқини тамоман кенгайтириб юборган, мени тўсатдан аралашадиган, бурун тикадиган одам бўлмайдиган катта майдонга чиқариб қўйган эди. Болалигимда эрталабки уйқуни жуда яхши кўрардим. Отам, аксига олиб, жиғимга тегарди. Тонгданоқ хонамга кириб, бош учимда турган графиндан бир ҳовуч сув олиб, юзимга сепарди.

– Қани тур-чи, йигитча, эрталабки уйқу одамни танбалликка ўргатади, ялқов ва галварсга айлантиради.

Муҳандислар ўқув юртида бу вазифа кекса тарбиячимизнинг зиммасига тушди. У, гарчи отам каби юзимга сув сепмаса-да, кроватимнинг оёқ тарафидаги темирларидан тутиб силкитар, уйқудан уйғотмагунча ёнимдан кетмасди.

Энди бўлса, мени безовта этмаслик учун, ҳатто, йўталишдан тортинган ва ҳар куни эшик ошиқ-маъшуқларини мойлаган кекса мадемуазелнинг уйида ўша кунларнинг аламини олиш учун роса ухлар, хонанинг ўртасига қадар тушган куёшни кўрмаслик учун қўлларимни кўзларимга бостириб, у ёқдан бу ёққа ағдарилиб ётар эдим.

Кўпчилик қариялар сингари, отам ҳам мактубларида лирик нарсалар ёзишни урдалай олмасди. Расмий тазкираларга ўхшаш ва сулс ёзуви каби йирик



ҳарфлар билан ёзишига қарамай, бир саҳифанинг ярмига ҳам етмайдиган мактубларида менга тасалли берадиган калима топишдан ожиз қолди дегунча, бо-яқиш дарҳол почтага пул тўлаб мактубни жўнатар ва, ҳеч шубҳасизки, бу менинг маҳзун кўнглимга энг яхши романдан кўпроқ таъсир қиларди. Пул борасида шаҳарчанинг энг бадавлат одамларидан ҳам бойроқ эдим.

Боз устига қаймақом мени бир неча юз қуруш маош бериладиган муҳандис ёрдамчиси лавозимига жойлаштириб қўйди. Лавозим ободонлаштириш кондуктори деб аталарди. Кундузлари Ободонлаштириш бошқармасида майда-чуйда ишлар билан шуғулланар, беш-ўн кунда бир бош муҳандис билан бирга ёхуд бир ўзим атрофдаги йўл ва кўприк қурувчилари ишини назорат қилиб қайтардим.

Қаймақом ора-сира кўзларини маънодор қисиб: «Сен бошқа гапларни қўй, менга қулоқ бер. Бу ерда амалиётда ўрганадиган нарсаларинг ўқув юртидаги дарслардан янада фойдалироқ бўлади. Келажақда, худо хоҳласа, яна ўқишни давом эттирсанг, кўрасан, ишларинг беш бўлади!», дерди.

Ишим сувқоғоз устига баъзи режалардан нусха кўчириш., йўл қурилишларининг ҳисоб-китобини қилиш ва ҳафтада бир марта йўриқнома тарқатишдан иборат бўлгани ҳолда бир нави муҳандислик амалиёти ўтаётганимга ўзим ҳам ишониб қолгандим.

Лекин бир нави мавқе таъминлагани ва шаҳарча аҳли, амалдорлар орасида нуфузимни кўтаргани мен учун Ободонлаштириш кондукторлигининг энг завқли томони эди. Ёшим кичик бўлишига қарамай, никоҳ ва суннат тўйларига чақиритар, байрам ва тантаналарда Миласнинг энг моҳир тикувчисига тиктирган камзулимни кийиб, амалдорлар сафига қўшилардим, кап-катта кишилар менга ўз тенгидай муомала қилишарди.

Нега сургун қилинганлигим шаҳарча учун бир сир

эди. Хайрлашаётган вақтимизда отам айтган бир-икки офиз гапни, қизиқиши ва айёригига қарамай, ҳатто қаймақом ҳам офиздан ололмади.

Отамнинг ҳеч кимсага офиз очмаслик тўғрисида берган ўгити сукутимнинг ягона сабаби эмасди. Қандайдир яширин жамият аъзоси бўлганимга, ўқув юртидаги ўртоқларимни инқилобга ундаганимга, Европага қочмоқчи бўлганимда ушлашганига оид анча-мунча миш-мишлар қулоғимга чалинарди. Ҳатто, маҳалладаги бироз тентакнамо кекса юнондан меннинг подшоҳга бомба отганим тўғрисидаги гапни эшитгандим.

Катта акам, билмайман, қайси шаҳзода аъёнининг қизига уйлангани учун сургун қилинганини билиб қолишса, шаҳарчадаги обрўйимга путур етган бўларди. Ёши каттароқ танишларим мендан гап олишга уринганларида сирли кулимсираб, «ҳа энди» деб кўяқолардим. Лекин бу «ҳа энди» деган калима уларга жуда пурмаъно бўлиб туюларди.

Шаҳарчада ўтаётган ҳаётимдан шикоятим йўқ, лекин, аслида, Черков маҳалласидаги уйимда вақтимни завқли ўтказардим. Орадан ўттиз йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, мадемуазель Варваранинг чеҳраси, жонли ҳайкалдай, ҳануз кўз олдимда.

Миласга келган кунимнинг эртасига бошидан ўтган, бир романга мавзу бўлишга арзирли можароларни гапириб берганди. Айтишига қараганда, ўттиз йил муқаддам Миласнинг энг кўҳлик қизи бўлган экан. Шаҳарчанинг барча турк, армани, юнон, яҳудий йигитлари унинг кетига тушган эканлар. Ҳатто шу қадарки, онаси уни кўчага, мусулмон қизлар сингари, паранжи-чачвон билан чиқаришга мажбур бўлган эмиш.

Бу уйнинг тахта, тошларининг тили бўлса, тинмай қатнайверган совчилар уйнинг остонасини емириб юборганини сўйлаши мумкин эмиш. Уларнинг орасида Юсуф алайҳиссалом сингари гўзал, Сулаймон пайғамбардек бадавлат ва қудратли йигитлар бўлганмиш. Лекин кўнгил дегани учун бой ёки камбағал, кекса ёки

ёш, чиройли ёки хунукнинг фарқи бўлармиди?! У Кегам исмли бир йигитга ўлардай ошиқ бўлиб қолган.

Аввало онаси, қолаверса, маҳалладагиларга бу ёқмабди ва икки ёшни бир-биридан айириш учун кўлларида келганини қилишибди. Бироқ Кегам ҳам, у ҳам аҳдида қаттиқ туриб олишибди. Йигит шу остона остида тонг оттирар, сочлари қировдан сумалак боғламагунча кетмас эмиш.

Ўзи ҳам шу кулбанинг ичида тинмай кўз ёши тўкармиш. Ҳатто, кўзларига тушган оқ ўша замондан қолган ёдгорлик эмиш. Охири, рўпарадаги черковнинг попи инсофга келибди ва мадемуазель Варваранинг онасини ошиқ-маъшуқларни қовуштиришга кўндирибди.

Лекин шунча уқубатдан кейин, тўйга ўн беш кун қолганда бояқиш Кегам зотилжам касалига чалиниб, бирдан ўлиб қолса бўладими денг! Қиз севгилисини черковда тобут ичида кўрди дегунча ўлгунича қора кийиб, мотам тутишга ва ҳеч қачон турмушга чиқмасликка қасам ичган эмиш.

Мадемуазель Варвара кўзига неки чиройли нарсани кўринса, ҳаммасини Кегамга ўхшатарди. Сариксой бўйидаги янги ниҳоллар Кегамнинг бўйи, оқшом палласи Нораңжазордан эсан илиқ ва ифорли шамол Кегамнинг нафаси, хонасидаги Биби Марямнинг кичкинагина сурати олдига тизилган оппоқ ва нозик шамлар Кегамнинг бармоқлари эмиш.

Ҳатто, ора-сира «Мен у дунё-ю, бу дунё сизнинг қиёматлик опангизман» дея қаламдай нозик бармоқлари билан ёноқларимни силаган пайтлари ўзимнинг ҳам бир томондан Кегамга ўхшатилганимни ва Оллоҳ раҳмат қилгур қалифи каби эркалатилганимни ҳис қилардим.

Мадемуазелнинг хонасида Биби Марям суратидан ташқари Кегамнинг қора ҳарир уқалар билан ўралган катталаштирилган фотосурати ҳам бор эди. Аммо унинг фотосурат дегулик ҳоли қолибдими дейсиз?!

Куёш ва нам таъсирида суратда юз-кўзга ўхшаш нарса қолмаган. Доғ-дуғ, шиш, моғор, пашша ахлатлари билан бўяб-бежалган бу думалоқ юзда йилларнинг аёвсиз қаҳрига дош беришга қодир бир жуфт қош ва мўйлов омон қолганди. Бироқ мадемуазель Варваранинг хаста кўзлари бинафшаранг ҳалқалар ичидан унга муҳаббат билан боққанида Кегамнинг кўзлари бурни, лаблари, ҳатто, бу лабларнинг маънодор табассумини бор бўйи билан аниқ-равшан кўрарди.

У нақадар бахтиёр эди, ҳатто, мен ҳам бахтли эдим. Чунки Кегамнинг юзини янада аниқроқ кўрган тақдиримда фаройиб бир ҳаяжон ичида тинглаганим бу ишқ ҳикояси мени бунчалик ошғуфта этмаслиги аён эди. Мадемуазель Вараварага келсак, унинг кулгили даражада хунуқлиги ҳечам кўзимга ташланмасди. Бу, балки, ўша вақтдаги ёшлигимга хос нуқтаи назардир.

Кечалари суҳбатлашаркан, кулимсираб:

– Лампачироқнинг пилигини бироз пасайтирайми, мадемуазель, икковимизнинг кўзимиз учун ҳам фойдали бўлса керак деб ўйлайман, – дердим.

Дудунинг овозида шунчалик мазлум бир оҳанг, узун ва озгин қоматининг ҳаракатларида шундай бир адо бор эдики, қоронғида сўзларини тинглар эканман, ҳикоя қилаётган гўзал қизни ўнгимда кўргандай бўлдим.

Мадемуазель Варваранинг бўйни жуда узун ва қилтириқ эди. Бу бўйин бошининг оғирлигини кўтаролмаётганга ўхшар, боши ёнга, ўнг елкасига сал оғишар ва қариқиз, сўзларкан, бошига кўлини тиргович қиларди. Бу унинг, хусусан, уялган ва уялиш керак бўладиган бир гапларни сўзлаган вақтларига хос бир ҳаракат эди. Нозик елкалар кўтарилар, тахтадек текис кўкраги бироз чўқар, кўкси устига бостирган кўллари сойда чўмиларкан, уни беҳосдан устига биров келиб қолган яланғоч аёл тарзига соларди.

Ўша вақтлари мадемуазель Варвара каби юрагимнинг тўрида роса мавжланган бир ишқ бор эди ва ҳар ҳолда, уй бекаси билан бир-биримизни бу қадар яхши тушунишимизнинг сабаби ҳам шу бўлса керак.

Севгилим собиқ маҳалламдаги қўшни қиз бўлиб, исми Малак эди. Ҳозир Истанбул дорулмуаллиминикида ўқиётганди.

Малак бизга қўшни бўлган кезларда мен билан тенгдош, яъни ўн бир-ўн икки ёшлардаги жингалак сариқ сочли, ол ёноқли, узун киприкли, оч мовий кўзли, оғзи ва бурни кичкинагина, тўладан келган бир қиз эди. Пушти матодан қилинган қалпоғи, бурмали кўйлаги билан худди универсал дўкон витринасига қўйилган қутидан кўчага чиққан кўғирчоқдай кўринадиган бу Малакдан-да чиройлироқ қиз бўлиши мумкинлигига ўша вақтлари ақлим бовар қилмагани учун дарҳол уни севиб қолган ва уйланишга қарор қилган эдим.

Сочларимни катта кишиларга ўхшаб тараш, катта кишилардек галстук осиш, узун шим кийиш каби жозибалар билан унга ёқишга интилардим.

Ҳарқалай, Малак ҳам мени бироз ёқтирарди, шекилли. У вақтлари уялиш ишқ белгиси ҳисобланарди. Ҳар икковимиз ҳам шарттаки ва, ҳатто, бироз бетгачопар бўлсак-да, юзма-юз келган чоғларда вазмин тортиб қолишимиз ва гаплашишга журъат қилолмаслигимизни бундан бошқача изоҳлаш мумкин эмас. Уйдан гоҳо рўмолча, атир шиша каби майда-чуйдаларни олиб чиқиб, бир-биримизга ҳадя қилишимиз ишқимизнинг иккинчи аломати эди.

Бироқ Малак ўн учга кирди дегунча, бирданига бўйи ўсиб кетди ва ҳижобга кирди. Ваҳоланки, мен паст бўйлигимча қолавердим. Унга етишиш орзусида, мўйловим тезроқ чиқсин деб, нуқул юқори лабимнинг устини қирардим.

Отамнинг Қамбар исми соқоллари оппоқ адъютанти бўларди. У бутун ёшлигини аскарликдан қочиш би-

лан ўтказган ва охири эллик ёшларида қўлга тушган. Қамбар, хиёл тентакнамо бўлса-да, жуда яхши одам эди.

Ёлғиз қолганим учун бу Қамбар билан сирдош дўстга айлангандим. Лекин у бир куни кўзларини қисиб: «Бир қарич бўйингга сенга мўйловни ким қўйибди?» дея мени аёвсиз калака қилган, бу эса сўнгги умидимни чиппакка чиқарганди.

Малак энди мени назарга илмай қўйганига шубҳа бўлиши мумкин эмасди. Энди бўйи узун, қора ипак ҳижобга ўралган бу қизнинг гоҳо онасиникидан кўчага чиққанини кўриб қолсам, менга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қоларди.

Зотан, маҳалларимиз ҳам ўзгарганди. Шундан кейин Малакни учратмадим ва ишқимнинг биринчи пардаси шу тариқа ёпилди.

Бир неча йил кейин бошланган янги пардага келсак, сахна бундай бўлди: Шаҳзодабошидаги трамвай бека-тида одам гавжум, вақт бўлса, бир Рамазон оқшоми.

Малак, уни ташлаб кетган вақтимда қандай бўлса, ҳамон ўшандай. Ўзимнинг юз-кўзим қанчалик ўзгарганини билмайман. Лекин бўйим Малакникидан бир қарич ўсган. Муҳандислар ўқув юртининг ҳозирги ҳошияли формасидан ўша вақтдаги, ўлса ўлиги ортиқ, башанг формаси ориқ гавдамнинг барча нуқсонлари-ни бекитиб турарди. Оқшом вақти, қош қораяётган паллада кўзларимиз бир лаҳзага тўқнаш келди. Қора ҳижоб ўраган Малакнинг юзлари янада қизарганини, кўзлари пирпираганини кўрдим. Бу кўз уриштириш-дан кейин икковимиз ҳам билинар-билинемас табас-сум қилиб, бошимизни ён томонга бурдик.

Ҳалқа янгидан боғланган эди. Энди ҳар шанба куни отамнинг юзимга сув сепишини кутиб ўтирмай, эрта-лабданоқ ўрнимдан сакраб турар, энагаси билан До-рулмуаллимига кетаётган Малакни пойлашга чопардим.

Доимо айни кўча бошида учрашамиз. Севгилим-нинг кўзлари бир неча сония пирпираб менга тики-

лади, дудоқларига оний рамгин табассум қалқади. Ўша замондаги ишқ ана шундай эди ва бу иккови-мизнинг бир ҳафта давомида ўртанишимизга етарли бўлганди.

Ҳозирда Малакнинг шанба кунлари мени бекордан бекорга кутишларини, кечикди деб ўйлаб, секинроқ қадам ташлашларини ўйлаб, юракларим тилка-пора бўларди.

Эндиликда буларни эсласам, кулгим қистайди. Мадемуазель Варварага бир неча бор ҳасратларимни тўкиб солишга жазм қилдим. Аммо бояқиш аёл ўз оламига бўғзига қадар ботган бир тентак эдики, Кегамга алоқаси бўлмаган бирон-бир гап қулоғига кирмасди. Ўй-хаёлларига халақит беришгандай, маҳзун қиёфада сўзларимни тинглар, икки гапнинг бирида сўзимни бўлиб, гапни ўз дардига бурарди. Устига устак, Малагимни Кегам билан қиёсламоқчи бўлувди, менда нафрат уйғонди ва қайтиб бу ҳақда оғиз очмасликка қарор қилиб, мум тишладим.

Лекин шу ўринда ҳам бироз хижолат бўлиб, бир нарсани эътироф этишим даркор. Мен Малакка мадемуазелнинг Кегамга садоқатининг мингдан бирича ҳам садоқатли бўла олмадим.

Миласга келганимга бир ой ҳам ўтмасдан бечора қизга юзсизларча хиёнат қилдим ва етти ухлаб тушга кирмайдиган ғаройиб можароларга киришиб кетдим.

Буни батафсилроқ айтиб беришим лозим.

\* \* \*

Черков маҳалласи қишда ботқоққа, ёзда иссиқдан жизранак, чанг-тўзонга ботган майдон атрофига тизилган қийшиқ-мийшиқ эскича қурилган уйлардан иборат маҳалла эди. Ёз жазирамасида бу майдон ўртасидан ўтишга юрагим бетламагани учун чеккадаги томларнинг қисқа сояси остидаги ўйдим-чуқур тош йўлкадан ўтиб, уйга келиб-кетардим.

Кундузлари эркаклар ва хотин-қизлар ишга, болалар черков мактабига кетишар, маҳаллада фақат кампирлар ва чоллар қолишарди.

Деразалар ёпиқ, пардалар туширилган бўлишига қарамай, кўча эшиклари ҳар доим очиқ бўларди. Ҳадеб сув сепиладиган ярим қоронғи ҳовлиларда тўқима шалвор кийган, қора рўмол ўраган кекса аёллар дастгоҳда газмол тўқишар, гўдакларнинг беланчакаларини чайқатишар, бошига оқ дока ўраган, болдирлари яланғоч, кўримсиз ва иркит хотинлар кўшиқ айтиб, кир ювишарди.

Лекин оқшомга яқин, қуёш ботди дегунча, манзара бирданига ўзгариб кетарди. Уйларнинг кулранг деворларида ғаройиб бўёқлар пайдо бўлар, кундузги ёруғда кўзга ташланмайдиган узум ва чирмовуқлар кўринар, очилган деразаларнинг олди райҳон ва бошқа анвойи гуллар ўтқазилган тувакларга тўлиб кетарди.

Болалар черков деворининг четидаги эшикдан бақириб-чақириб майдонга отилиб кирар, одамлар уйларида кўчага тошиб чиқарди.

Худди бозор очиладигандек, эшикларнинг олдига каравотлар, харрақлар, чиғириқлар, кўзалар, сабзавот патнислари чиқар, бўйралар тўшаларди. Кундузи газмол тўқиган шалворли кампирлар энди чиғириқ айлантлар, бир нечта ёш аёл бир жойга тўпланиб, кўкат тозалар ёки дўлма ҳозирларди. Кўндоқдаги гўдаклар, энгил хасталардан тортиб ётиб қолган қарияларга қадар Черков маҳалласининг барча аҳолиси бу маҳалда кўчага чиқарди.

Меҳмондорчиликлар ва сийловлар шу ерда қилинар, майда-чуйда пул ва мерос даъволари шу ерда бекор қилинар, тўй ва сеп савдоси шу ерда пишириллар, айбдор болалар шу ерда дўппосланар эди. Кун ботиши арафасида оқшом сайрига чиққан черков бош попи ҳар бир эшик олдида тўхтаб, суҳбатлашар, баъзиларида ичкаридан тантана билан чиқарилган оромкурсига ўтириб, қаҳва ёки ликёр ичарди.



Черков маҳалласи фақат майдон атрофига тизилган уйлардангина иборат эмасди. Майдон теварагидаги уйларда, асосан, киборлар истиқомат қиларди. Асосий кўпчилик бўлса, орқа кўчалардаги кулбаларда яшар ва қош қорайди дегунча, завқ-шавқ, шовқин-сурон билан оломон ҳолида ораликдаги йўллардан майдонга тўкиларди.

Бу чоғда майдонга барча ясан-тусан қилиб чиқарди. Ёш хотин-қизлар энг янги кўйлаklarини кийишар, ойлаб қадалиб ўтириб, кўз нури тўкиб тўқиган каштали, танга ва мунчоқлар билан безатилган рўмол ва ленталар, қалайи тақинчоқлар, мум дурлар билан бошлари, елкалари, кўкраklarини безатиб олишарди. Эркаklarнинг кўринишига келсак, уларнинг безаги мунчоқ, лента, қалайдан иборат эмасди, албатта. Гарчи сочлари таралган, кўйлаklarининг устига елка ошириб каштали шарф ташлаб олган бўлсалар-да, тирсаклари ейилиб кетган эски камзулда, тиззалари осилиб қолган беўхшов шимда, орқаси босилган бошмоқларда хотинлари, севгилиларининг ёнида жуда ғариб ва нотавон кўринишарди.

Шу билан бирга, ўрганиб кетганлари учун, аёл ва эркаklarнинг кийиниши ўртасидаги бу аччиқ нотенглик ҳеч кимнинг кайфини учирмас эди.

Қош қорайди дегунча, эшик ва деразалардан кучлироқ ёғилаётган мовийранг нурлар остида янада киборлашган ва гўзаллашган ёш аёл кўримсиз эрининг бўйнига эҳтирос ила осилар, кўкси, оёқларига чиппа ёпишган оппоқ зиғир кўйлак, топ-тоза туфли кийган, сочлари ҳурпайган оқсуяк талабага ўхшаш ёш қиз белбоғли, ямоқли калта тўн кийган қаллиғини қувалашдан зерикмасди.

Сайру томоша алламаҳалгача давом этар, икковлон ёки учовлон бўлиб, бир-бири билан қўлтиқлашган қизлар гоҳ бошларини бир жойга келтириб кулишиб, гоҳ кўшиқ айтишиб, у ёқдан бу ёққа бориб келишарди.

Кўчаларга бир нечта чироқ остириш учун маҳалла йиллаб баладия\* билан олишган, ниҳоят харажатнинг ярмини черков, ярмини халқ кўтариб, Измирдан каттакон ҳашаматли чироқ олиб келиб ўрнатишга муваффақ бўлган.

Харажатлар кўпайиб кетмаслиги учун фақат ой чиқмаган кечаларда ёқиладиган бу ҳашаматли чироқ остида баъзан йиғилишлар ўтказилар, давра ўртасида йигит-қизлар кўл ушлашиб патефон ёки волинка садолари остида рақс тушишарди.

Варвара Дудунинг уйи кема мачтасига ўхшаш йўғон устунда туришига қарамай, маҳалланинг энг муҳташам биноларидан бири эди. Эндиликда мен билан бу уйга фавқулудда бир бойлик кириб келган ҳисобланарди.

Дуду, фаройиб кўринишига қарамай, ғоят тежамкор ва эпчил уй бекаси эди. Егулик олиш учун берган бир неча лирам унинг кўлида бир неча юз лиралик кучга эга бўлар, уйимизни ҳашаматли меҳмонхонага айлантирарди.

Мадемуазель айни вақтда ўзини кўз-кўз қилишни жуда ёқтирарди. Қишлоқларини остонасида соатларча куттириб қўйиб, пишлоқ ва сарёғларни савдолаша-савдолаша энг арзон баҳода сотиб олар, кўшниларга тоттирар, бир неча кунда бир сўйилган семиз куркаларни етилтириш баҳонасида кўча эшигининг илгагига осиб, келган-кетганга кўрсатарди.

Сомса ва ширинликлар солинган патнисларни тандирхонадан уйга келтириш учун, албатта, маҳалладагилар энг гавжум ва оч бўладиган вақтни кутарди. Менга келсак, ўзим ҳам хўжакўрсинчиликда мадемуазель Варварадан ҳеч қолишмасдим. Бироқ меники бошқача эди. Айниқса, отам орқамдан жўнатган кийим-кечак жомадони етиб келгандан кейин ҳар куни

---

\* Б а л а д и я — туман ёки шаҳар ҳокимлиги.

бошқача кийиниб кўчага чиқишдан, турли-туман кўйлақларим, бўйинбоғларим, туфлиларимни кўз-кўз қилишдан жуда лаззатланардим. Дастлабки кунлари негадир қизлардан тортинган, нуқул маҳалланинг кексалари ва болалар билан ошночилик қилгандим.

Бу менинг ўзим ҳам билмай қилган ғоят моҳирона сиёсатим бўлди. Юнон қизларига дуч келган ерда шилқимлик қилиш шаҳарчада одат тусига кирган бир вақтда ўзимни улардан четга олишим Черков маҳалласида менинг ориятли ва офир-вазмин йигит сифатида ном чиқаришимга сабаб бўлди. Бошқа томондан бу хатти-ҳаракатим қизларнинг ҳамиятига теккан ва уларни аста-секин менга яқинлашишга ундаётган эди.

Бир куни уйга эртароқ қайтиб, улардан бирини мадемуазель Варвара билан бирга кийимларни дазмоллаётган ҳолда учратдим. У маҳалланинг машҳур Стематуласи эди. У камбағал ва тўшакка михланган амакисининг ёнида кўни-қўшнининг кўмаги билан катта бўлган, кимсасиз бир қиз эди...

Стематула маҳалланинг энг эркин ва шаддод қизларидан эди. Оқшомги сайру томошаларда эркаклар билан беҳаё латифалар айтишар, шу туфайли ёмон от чиқарганди. Шунга қарамай, мени кўрди дегунча, айб иш устида кўлга тушган одамдай, чўчиди ва қочиб кетмоқчи бўлди.

Мен унга фақат бош ирғатиб салом бердим ва ёнимдан қочиб ўтишига йўл қўймаслик учун эшикни тўсиб, Дуду билан гаплаша бошладим.

Қорачадан келган, қоп-қора сочлари жингалак, кўзлари ёниб турадиган, бурнининг учи сал кўтарилаган Стематула гўзал қиз эди. Лекин ҳозирги вақтда шундай деяпман. Йўқса, ўша вақтда ўзим гўзал деб билган типга мос келмагани учун уни писанд қилмаган ва ҳеч бир завқ олмагандим.

Маҳалла қизлари орасидан биринчи бўлиб шу Стематула билан дўстлашдим. Кейин наригилари, ҳовуч-

дан дон чўқишга ўргатилган қушлардек, ўз оёқлари билан битта-битта келавердилар.

Кўп ўтмай уларнинг сони беш-олтитага етди. Ўша вақтда берган аҳамиятим нуқтаи назаридан уларнинг исмлари ҳануз ёдимда: Мариянти, Эленича, Деспина, Рина, Миерис, Пенелопича (лекин уни қисқа қилиб «Пича» деб чақиришарди). Фақат узун, пўрим сочларим, алламбало бўйинбоғимнинг ўзи уларни менга жалб этмаганига иқрор бўлишим даркор. Бунда дастурхонимиздаги мисли йўқ мўл-кўлчиликнинг ҳам, ҳарҳолда, бир роли бўлганди.

Мўл-кўлчилик ва хўжакўрсинчилик ҳирси мадемуазель Варваранинг маънавиятини заифлаштирди. Мен келмасдан бурун ойда бор-йўғи уч мажидия\* сарф қилиб, қитчилик ичида яшаган вақтлари ўтакетган зиқна бўлган қариқизнинг қўли борган сари очилиб кетди, ора-сира қизларни орқа боғчадаги стол атрофига тўплаб, мураббо, пишлоқ, сомса зиёфатлари берадиган бўлиб қолди. Албатта, улар ҳам, шунга мос равишда, қариқизга уй ишларида ёрдамлашар, овқат пишириш, идиш-товоқ ювиш билан жавоб қайтаришар эдилар.

Шу билан бирга мен уйда бўлган вақтда қизларнинг бўсаға ҳатлашлари тақиқланганди. Бўйдоқ йигит эканимни важ-корсон қилиб, Дуду уларга алоҳида танбеҳ ва насихатлар қилганни қизларнинг юриш-туришидан пайқаб олардим. Қизлар билан муносабатларимда маҳалани ташвишлантирадиган ҳеч нарса йўққа ўхшарди. Боз устига қизлар билан суҳбатимиз нуқул кўчада, одамлар орасида, маҳаланинг кўзи олдида бўлиб ўтарди. Қиз дўстларимнинг ҳеч бири билан узоқ вақт ёлғиз қолганимни кўришмаган.

---

\* М а ж и д и я – Султон Абдулмажид замонида зарб қилинган, қиймати 20 қурушга тенг бўлган кумуш танга.

Қолаверса, қизлар ҳам маҳалладагиларга нисбатан фавқулодда нозик ва айёрона ҳаракат қилишганини айтиб ўтишга мажбурман.

Черков майдонига кириб келган вақтимда улардан битта-яримтаси, худди тасодифан тўқнаш келгандек, мен билан юзма-юз бўлар, йўлини ўзгартириб, анча-гача ёнма-ён юрар, қирқ-элик қадамдан сўнгра яна тасодифан олдимизга чиққан бошқа гуруҳга топшириб, орқага қайтиб кетарди. Гоҳо ўзим уларни йўл ўртасида ташлаб, болалар ёхуд маҳалланинг кексалари билан шакаргуфторлик қилардим. Аммо бу йўсиндаги муносабатлар вақти-соати билан бошқача тусга ўтмаслиги мумкин эмасди. Қиз дўстларим орасида майда-чуйда рақобат, ҳатто қизганиш аломатлари ва миш-мишлар майдонга чиқа бошлади. Улар орасида энг ҳушёри ва айёри Рина бўлиб чиқди.

Бир оқшом бу Ринани черков майдонидан хийла узоқ кўчада учратдим. У қўлида кичкина сават кўтарганча, бозордан қайтаётган экан. Менинг ҳам бозорда баъзи ишларим борлигига қарамай, йўлимни ўзгартирдим. Ёнма-ён юриб, суҳбатлаша-суҳбатлаша маҳаллага қадар бирга келдик. Ҳатто, бир ора саватини кўтаришмоқчи ҳам бўлдим, аммо у қатъиян рад қилди.

Рина ҳам сулув бўлса-да, ўша лаънати дидимга тўғри келмасди. Бирга бўлган вақтларимизда кенг ва силлиқ пешонаси, фавқулодда гўзал лаблари ва бурнидан кўз узолмасам-да, ёноқлари сепкилли, калласи хиёл сапчабош бўлгани учун уни ёқтиришга арзийдиган қиз эмас, деб ҳисоблардим. Шунга қарамай, ёнма-ён юрган ўша оқшом негадир юзидаги сепкиллар ва бошининг салгина узунчоқлиги менга жуда ёқиб қолганини ҳис қилдим.

Эртасига кечки пайт қўлида яна ўша сават бўлган Ринани худди ўша ерда тасодифан иккинчи марта учратдим...

Орада ўтган бир кунни айтмаса, уни учинчи марта йўлимнинг устида кўрдим дегунча, яйраб кетдим. Ри-

нани бугун анча куттириб қўйган бўлсам керакки, оёқ устида туришдан чарчаган, бир хароба уй эшиги олдида ўтирганча кашта тўқий бошлаган экан. Бехосдан мени боши устида кўрди дегунча, талмовсираб қолди ва қизариб кетди.

– Кимни кутиб ўтирибсан, Рина? – дедим кулимсираб.

Сал иккиланиб тургач, ёлғонлади:

– Отам бозордан қайтиши керак эди...

Мен ўзимни ишонганга солдим:

– Жуда яхши, ундай бўлса, кутақол...

Юра бошладим, Рина қайтиб ўтирмади. Беш-ўн қадам ташлагач, бошимни ўгириб, унинг орқамдан аста-секин келаётганини кўрдим.

– Отангни кутишдан воз кечдингми?

Бир нарсаларни англаганимни билдирадиган табасум билан Ринага қарадим.

У ҳам кулди ва айёрлиги фош бўлганига энди аҳамият бермаслигини кўрсатадиган бир тарзда елкаларини қисди.

– Кутмайдиган бўлдим, кетаверай.

Бу пайтда кўча кимсасиз, янада тўғрироғи, бўм-бўш эди. Бошқа вақтлари тўхтамай сўзлашган бўлсакда, бу гал негадир тилимиз тутилганга ўхшарди. Ёнма-ён борарканмиз, кўзим бот-бот Ринанинг юзига кетарди. Қиз нигоҳимни дарҳол сезар, титраганча менга тикилар ва кулимсирарди.

Бир ора бир нарса дейиш учун:

– Рина, саватингни менга бер, мен ҳам бироз кўтарай, – дедим.

Қиз чўчиб кетди:

– Сиз кўтармоқчимисиз? Йўқ, бўлмайди.

– Жуда бўлади-да... Сен чарчагансан...

– Уят бўлади... Кўрганлар нима дейди?

Ринанинг фикрича, бирга, ҳатто ёнма-ён юришимизни кўришса, унчалик айб ҳисобланмасди. Лекин

саватини кўтарсам, буни маҳаллада кечирилмас айб деб билишлари турган гап эди.

Бу қизга нисбатан бу оқшом ичимда бир нарсалар кўпира бошлади. Узунчоқ бошини қучоғимга олгим, сепкилли юзини силагим, дудоқларидан бўса олгим, хуллас, мушук болани ўйнагандай, уни эркалагим келарди. Буларнинг иложи бўлмагани учун саватни ушладим, юзларим оташ ичида ловуллаб:

– Буни менга бер... кўтармоқчиман, – дедим.

Рина жон-жаҳди билан саватга ёпишди. Фақат кўлларининг кучи етмаслигини билгани учун саватнинг бир четини тиззаларининг орасига қисиб олди. Бироқ тортқилашнинг қочиб бўлмас зарурияти остида кўлларимиз ва сочларимиз бир-бирига тегди дегунча, икковимиз ҳам ҳансираб тўхтадик.

У саватини яна кўлига осди ва юра бошладик.

– Жуда қайсар экансан, Рина.

– Мен қайсар йўқ. Аммо қачон кўрадилар айб кўп...

Сиз менинг саватимни олган кўришади, катта айб...

– Нега айб бўларкан, ахир биз дўст эмасмизми?

– Сиз бошқа одам...

Маҳалланинг менга ҳурматини ҳеч бир нарса бояқиш қизнинг бу соддаларча сўзлари ва буларни айтаркан, юзига қалққан ҳурмат ифодаси қадар яхши кўрсатиб беролмасди.

Ринани ўзимга бунчалик тобе кўришдан гурурланиб кетдим ва безбетларча таклиф қилдим:

– Мен Норанжазорга сайрга кетяпман. Мен билан борасанми?

Шу заҳотиёқ рад қилди:

– Бўлмайди. Қачон кўрадилар, кўп айб айтадилар...

Кейин онам... Сиз биласиз, менинг онам...

Айёрона қаҳқаҳа отиб кулди, бир кўзини қисиб, кўли билан калтак ишораси қилди.

– Бўпти, ундай бўлса, бир ўзим кетавераман.

Миқ этмай яна ёнма-ён беш-ўн қадам юрдик, бир кўча бошига келдик.

– Шу ерда ажралишамиз, мен кетаман.

Рина каловланди. У бу қисқа фурсат ичида нима-ларнидир ўйлаганга ўхшар, оёқларининг учига босиб жим турарди.

– Бир гап айтмоқчисан, шекилли?

Атрофимиз одамга тўлиб кетгандай, шивирлади:

– Сизники ҳозир кетади, – деди. – Меники, балки кейинроқ бошқа йўлдан келади. Ҳеч ким кўрмайди.

Ҳайрат! Рина учрашув таклифини қабул қилган эди! Демак, кўп ўтмай у билан Норанжазорнинг бир бурчагида ёп-ёлғиз, қўл ушлашиб, балки...

Лекин бу хаёл уйғотган ҳаяжонга қарамай, энди мен чўчидим. Агар тўсатдан қўлга тушиб қолсак, балки Рина онасидан бир неча шапалоқ еган ва бир-икки кун уй қамоғида қолган бўларди. Лекин менинг ашқол-дашқолимни кўтариб, маҳалладан қочишдан бошқа чорам қолмасди.

Қолаверса, бошқа таҳлика ҳам бор эди. Рина билан муносабатларимиз қалинлашса, бу ҳақда Мариянти сўзсиз эшитган ва орамиз бузилган бўларди. Ҳолбуки, ҳозир атрофимдаги етти қиздан менга энг мақбул бўлгани у эди.

Мариянти бутун юз-кўзи, туриш-турмуши билан менинг Истанбулдаги Малагимга ўхшаш гўзал қиз эди. Платина рангидаги сочларининг қалин ўримлари куёш нурида тилладай ялтирар ва юрган вақтида белидан пастда соланарди. Ҳозир тушунимча, бу Мариянти бироз тентакроқ қиз эди. Лекин бу уни дугоналари орасида энг ҳиссиётчан ва вазмин қилиб кўрсатар, ғайриихтиёрий равишда олдимдаги обрўсини оширарди.

Ёшларни эҳтиросга берилишда айблаймиз. Ваҳоланки, ёшлар мавжуд низомлар, қабул қилинган қоидаларга кексалардан кўпроқ риоя қилишади. Бугунги тушунчам билан яна Черков маҳалласига қайтиш, айна ҳаётни яна қайта бошдан кечириш имкони бўлсайди, албатта, бир жоҳиллик қилган, Мариянтининг ҳайкалкидай оппоқ бадани, даста-даста ялти-



роқ сочларига қарамай, ундан воз кечган, юпқа қир-мизи дудоқларининг устида билинар-билинемас тук-лари бўлган, бурнининг нозик катаклари балиқ жаб-раси каби тўхтовсиз ўйнаган, етти қиз орасида энг кўримсизи ҳисобланиши лозим бўлган Пичани ундан афзал кўрган бўлардим.

Ўша оқшом Ринани Норанжазорга олиб боришдан воз кечишим ҳақиқатан ҳам кароматга ўхшаш ҳо-ди-са бўлганди. Чунки унинг уч кундан буён мени ярим йўлда қаршилаш учун қилган болаларча айёрлиги шум Стематуланинг назаридан қочмаганди.

Стематула ўша оқшом ва эртасига мени у ер бу ерда тутиб, тинмай Ринани ёмонлади. Стематулага маҳал-лада ориятсиз қиз десалар-да, аслида энг орсиз қиз Рина эмиш. Танбал, ёлғончи, очкўз, бетарбия эмиш. Дуч келган йигитга, ҳатто, оилали катта кишиларга жилпанглар экан. Мабодо, мени ҳам қўлга илинтириш-га уринса, итариб ташлашим лозим экан.

Стематула кейинчалик менга майл кўрсатган бар-ча дугоналарига нисбатан айни гапларни айтганди.

Бечора қиз маҳалладаги паст мавқеини билар, ўзи ҳақда хомхаёлларга бормасди. Шу билан бирга, менга қандайдир яқинлик қилган, майл билдирган ҳар қан-дай қизни ташвишдан лабларини тишлаган ҳолда ёмонлар, алдамоқчи бўлганига мени ишонтирмагун-ча ёнимдан кетмасди.

Шу билан бирга бу бемаъни қизғанчиқликда кўп ўтмай Стематулага яна бир шотир пайдо бўлди: бу уй бекаси Варвара Дуду эди...

Ора-сира қизлар билан ёронликни сал қалинлаш-тирдим дегунча, кекса мадемуазель дарҳол буни се-зар, менга Стематула сингари очик сўзлашга журъат қилолмагани учун қизларнинг устига тушиб кетарди. Ўз ҳаддини билмай, ўзини менга тенг деб ўйлаган, йир-тиқ бошмоғи билан пешимдан чопган бу кўча супур-гисини, бу ақдан озган ошгуфтани ер билан бир қилар-кан, бояқиш қиз деяри йиғлагудай бўлар, юзида Сте-

матуланики сингари болаларча аламзадалик ва ғазаб аломатлари зоҳир бўларди.

Мен бўлган вақтлари уйга Стематуладан бошқа қизни киритмаслик Варвара Дудунинг принципига айланганди. Бироқ айёр Стематула аста-секин қариқизнинг қаршилигини синдирди, нариги дугоналари учун ҳам айна имтиёз берилишига эришди.

Стематула менга, мен бўлсам, Варвара Дудуга айтиб, бир жума оқшоми орқа боғчада зиёфат ташкил этдик. Бир қарашда бу зиёфат қаймақом, черковнинг бош попи Хрисантос ота ва маҳалла оқсоқоли Лефтер афанди шарафига уюштирилганди. Таклиф қилинганлар орасида доктор Салимбей ҳам бор эди. Лекин у хаста бўлгани учун келолмади.

Варвара Дуду маҳалладагиларга яна ўзини кўз-кўз қилиш имкони топилганидан ғоят мамнун бўлди. Қариқиз бир кесак, бунинг устига бировнинг кесаги билан икки эмас, тўрт эмас, бешта қушни урадиган бўлганди.

Аввало, Милас қаймақомини уйида меҳмон қилаётганди. Бу унга, бамисоли Усманийлар давлатига ўз уйида зиёфат бергандек, улкан шараф бўлиб туюлаётганди.

Мадемуазель негадир қаймақомни яхши кўрмас ва мавриди келди дегунча, уни ёмонлашдан ҳузурланарди. Аммо зиёфат масаласи кўндаланг қўйилди дегунча, бирданига орзидан бол томиб қолди. Сўйдирган иккита курканинг патини кўча эшига олдида қўни-қўшниларга юлдираркан, қўлларини белига тираб:

– Қаймақом дегани нима деганини яхши биласизлар, – деди. – У шавкатли подшоҳ ҳазратларининг вакили демакдир. Сиз унинг бўйига парво қилманг. Миласда қаймақомдан буюги фақат Оллоҳ бўлади.

Мадемуазель Варваранинг иккинчи мақсади бош попнинг кўнглини олиш эди. Қариқиз ҳар якшанбада черковга борар ва фурсат топди дегунча авлиёларнинг

расмлари олдига шам ёқарди. Бир куни бу ишени шундай изоҳлади:

– Рум насронийларини жиним суймайди. Нима қилай, Миласда мендан бошқа армани йўқ, шунинг учун арман черкови ҳам йўқ... Эҳ, барча диндорлар ўз мачитига, синагогига, черковига борсин-у, мен зиндиқларча ўз уйимда ўтирайми? Биласиз-ку, мусулмонлар учун масжид топилмаган вақтда черковда намоз ўқиш вожибдир. Қолаверса, бир оёғимиз гўрда бўлса. Бир куни келиб Қодир мавло мени Кегам билан қовуштиради... Ўлигим итнинг мурдасидай кўчада қолсинми? Хрисантос отанинг қора кўзларини кўраман деб ўлиб турганим йўқ. Валекин қачондир ўлсам, унга муҳтож бўламан. Гуноҳларимни у сўраб олади...

Бояқиш қизнинг попни қўллашининг асл сабаби шу эдики, у сўнгги дамда ёлғиз қолишдан ва жанозасиз дафн этилишдан қўрқарди. Шу боисдан зиёфатимиз – қўшни давлат дипломатларига дастурхон ёзишдек – сиёсий тус олган эди.

Маҳалла оқсоқолини таклиф этиш билан Варвара Дуду маҳалла сиёсий ҳаётида муҳим мақсадни кўзлаган эди. Лефтер афанди маҳаллада баобрў киши бўлишидан ташқари, ҳукумат ва идораларда танишлари кўп бўлган собиқ усмоний амалдорлардан эди. Кексайган Исо тасвирига ўхшаш нозик, сийрак соқоли мазлум юзи бош попникидан кўра кўпроқ руҳоний кўринса-да, тили-жағли одам эди.

Варвара Дуду у ҳақда:

– Билсангиз, у фаришта қиёфасидаги шайтоннинг худди ўзи, – дер эди. – Ундан қўрқмаган, Оллоҳдан ҳам қўрқмайди. Тўнғизлиги тутса борми, маҳаллани бошига кўтаради.

Зиёфатга тайёргарлик уч кун олдин бошланди. Бир тўй учун шунчалик катта тайёргарлик кўрилади деса бўларди.

Черков маҳалласи аҳлининг барчаси хизматимизга сафарбар қилинди. Уй бошдан-оёқ супириб-сидирил-

ди, боғча тозаланди, гўё меҳмонлар ётоқхоналарда овқатланадигандек, кроватларнинг темирлари тозаланиб, ялтиратилди. Стематуланинг ким эканлиги мана шу тайёргарлик кунларида аён бўлди. У ошхона ишларида Варвара Дудунинг ўнг қўлига айланди. Бироқ бу шайтон қиз майда-чуйда ишларни бажартириш учун нариги дугоналарини ҳам битта-биттадан уйга киритишга муваффақ бўлди.

Уй бекаси ошхонада Деспина билан хамир ёзиб, дўлма ҳозирлар экан, Мариянти боғчада санчқи, пичоқ дасталарини тозалар, Пича эшик олдида кўкат саралар, Эленича билан Рина даҳлиздаги катта стол устида дастурхонларни дазмоллар эди.

Мен, муҳандиснинг тафтишга кетганидан фойдаланиб, бир неча кунга ишхонадан жуфтакни ростлагандим. Эгнимга оқ кўйлак кийган, оёқларимга шиппак илиб, сохта паҳлавон янглиғ бир пастга тушар, бир юқорига чиқар, гўё тайёргарлик устидан назорат қилардим. Аввалига ошхонага кириб, Варвара Дуду билан анча гап сотдим. Сўнгра кўларимни чўнтагимга тикқанча, кўча эшиги олдида чиқдим ва Пичанинг сабзавот саралашини кузатдим. Турли нуқтадан қарасангиз баъзи чеҳраларни таниб бўлмай қоларкан. Ё Раббий! Пичанинг дўнгроқ пешонасини ярмигача қоплаган сочлари, қалин қора қошлари, узун киприклари, узунчоқ ияги тепадан қараганда, рўпарадан ёки ён томондан қарагандагига нисбатан, тамомила бошқача кўринарди. Оёқларим остида ўтираркан, гоҳо бошини кўтариб юзимга боққанида оғзи, дудоқлари билинар-билинемас туклар остида янада қизилроқ ва намли кўринар, асабларимни қитиқларди. Шимимга паф во қилмай, кўкат чиқиндилари устига ўтирдим-да. кимнингдир оёқ товуши эшитилгунга қадар ёки эшик ғижирлагунча Пичага кўмаклашавердим.

У ердан яна хуштак чалганимча, боғчага, Мариянтининг ёнига бордим.

Мариянти кўзлари сўқир бўлиб қолгани учун ишламай қўйган бир заргарнинг қизи эди. Ўз вақтида дастгоҳининг бошида ўтириб, тилла билакузуклар ясар экан, бу ота ҳар ҳолда салобатли, ғамхўр ва жиддий бўлмаган. Ёш қиз эрта тонгданоқ маҳалла болаларига пул тутқазиб, сойдан олиб келтирган қум билан маъданларни ялтиратар, ҳадеб қуёшга тутиб кўрар, агар устида бирон доғ-дуғ кўрса, бошқатдан тозалашга тушиб кетарди. Бу қиз билан муносабатларимни келиштиришдан энди умидим узила бошлаганди.

Мариянтига яхши кўриниш, кўзларида бир қувонч ёки меҳр уйғотиш мақсадида олдиндан тайёрлаган энг қизиқ гапларим унинг ёнида бирпасда чиппакка чиқарди.

Туркчаси чала дейишим тўғри бўлмайди. Чунки кўчадаги сотувчилар билан савдо қилганида дугоналарининг ҳаммасидан ҳам яхшироқ сўзлашарди.

Мени ҳали бола, сўзларимни шунчаки бўлмағур алжираш деб ўйлармиди? Бундай деб ҳам бўлмайди. Чунки ўзи орада бир гапириб қўйганида маълум бўлардики, сўзлари меникидан ҳам оддийроқ ва қуруқроқ.

Булар кўриниб турган очик ҳақиқат бўлса-да, мен бу жуссадор грек ҳайкалига аҳмоқлик тамғасини уролмас, чиройли (ҳозиргилар Грета Гарбога ўхшатиши мумкин бўлган) чехрасининг ортида ўзга дунёга оид асрорлар бор деб ўйлашдан ўзимни тия олмасдим.

Этагини йиғиштирган ҳолда чўнқайиб ўтирган Мариянти келганимни сезгач, бир лаҳзага бошини кўтариб, менга боқди, жилмайди, сўнгра яна ўз ишида давом этди.

Бир марта мувозанатини йўқотиб, думбасининг устига йиқилиб тушди ва оёқлари юқорига кўтарилиб кетди. Дарров кўлларига ёпишиб, уни турғаздим ва хавотирланганимни сездирдим.

Нариги қизлардан биронтаси шу йўсинда йиқилганида борми, камида бир ҳафта кулган ва гапирган

бўларди. Лекин у фақат: «Ҳеч нарса бўлгани йўқ, оғ-  
римади» деди ва этагининг чанг-чунгини диққат би-  
лан қоқди-да, яна ишини давом эттираверди.

Тепасидан тушаётган қуёш нури остида Мариян-  
тининг сочлари толим-толим бўлиб ялтирар, юзлари  
порлар, пешона териси янада шаффофлашар, майда  
қон томирларининг нафис тўри кўзга яққол ташла-  
нар эди. Енгил шабада бўз кўйлагининг кенг ва очиқ  
ёқасидан елкалари ва кўксининг мумкин қадар сўнгги  
нуқталаригача ёриб кирар, билинар-билинемас тукла-  
рини терисининг устида чайқатарди.

Мариянтини бунчалик гўзал нур ичида бу қадар ях-  
шилаб томоша қилиш, балки, кейинчалик эрига ҳам  
насиб бўлмаса керак. Лекин ўзи миқ этмаганидек,  
ичингдан кўпириб-тошиб чиққан энг ҳаяжонли  
сўзларни ҳам, гармсел каби, бир лаҳзада қовжиратиб  
ташлаган қизнинг боши устида қанча туриш мумкин?  
Шу боисдан қошиқ ва санчқилар назорати учун етар-  
ли бўлган муддатдан кейин орқага ўтирилиб кетишга  
мажбур бўлдим. Фақат шуни айтишим керакки, ўша  
вақти ўйлаганимдай бу маҳрумият мен учун муҳим  
эмасди.

Ҳа, Мариянти гўзал эди. Бу қизни ёқтирмаган ки-  
шини эстетика мутахассислари калака қилишлари  
турган гап. Лекин не иложим борки, ёқтирган ва,  
ҳатто, севиш лозимлигига чинданам ўзимни ишон-  
тирган бу қиз юрагимга таскин бўладиган бирон гап  
айтмади.

Юқорида қўшиқ куйлаган ва ора-сира қўлидаги  
дазмол билан дераза олдига келиб-кетиб турган юзи  
сепкилли, қиррабурун Ринага келсак, иш бутунлай  
бошқача тус оларди. Эҳтимол, у билан Эленичадан  
ташқил топган дазмолчилар гуруҳини энг охирида тарк  
этишимнинг сабаби ҳам шу эди.

Яна ўша вазминлик билан юришда давом этиб, пил-  
лапоялардан чиқарканман, қадам товушларимнинг ва  
ҳуштагимнинг оҳанги ўзгарарди.

Мариянтининг ичимдагини топлигига қарама-қарши ўлароқ, Рина ҳамиша ҳушёр ва нозли эди. Келганимни кўрди дегунча, дарров дазмолни бир четга кўйиб, шоша-пиша кўллари билан сочларини тузатар, юз-кўзларига оро берар, кўйлагини текисларди. Ҳатто, бир марта кўкрагининг тугмаларини ечаётганини кўриб қолдим. Лекин у бу ҳаракатини пайқаганимни тезда фаҳмлади ва тугмани яна илиб кўйди.

Рина билан Эленичанинг ишини томоша қилиш завқли эди. Фақат, аксига олиб, икки дақиқа ўтмай, Стематула зинапоядан ҳарсиллаб чиқиб, тепамизда туриб олар ва кўзлари билан бизларни таъқиб остига оларди. Устига устак тўхтовсиз жаврар, жаззаки қайна-налардек, қизларни тинимсиз турткилар, кайфияти-мизни бузар эди.

Рина билан орамизда галати келишув содир бўлганди. Стематула бошини ўгирган заҳоти Рина боши билан маънодор ишора қилар, тилини чиқарар, уни масхара қилар эди. Шу билан бирга Стематуланинг хўжайинчилиги узоқ давом этмас, тўрт-беш дақиқадан сўнг пастдан Варвара Дуду бақриб қоларди:

– Стематула... Яна қаёққа гум бўлдинг, Стематула?..

Стематула жаҳл билан елка қисиб кўяр, Дудуга жавоб бермасди.

– Чарчоқдан жоним бўғзимга келди ошхонада... Бирпас тин оламанми, йўқми?

Бир гал Дуду яна:

– Стематула деган бетарбия... Қайси жаҳаннамга кетдинг? Ўчоқда қозон тагига олов қаланган, – деб бақирди дегунча қиз менга ёлворди:

– Илтимос қиламан, Камолбей, «Стематулани бақ-қолга юбордим» денг.

Аммо ўзини бу сўзларни эшитмаганга солган Рина сотқинлик қилди, мендан олдин ҳаракат қилиб, Дудуга қичқирди:

– Стематула бу ерда, мадемуазель!.. У керакми? Ҳозир боради.

Бир лаҳзада Стематуланинг юз-кўзи буришди, ранги бўзарди. Агар мен бўлмасам, қутурган хўроз каби Ринага ҳужум қилиб, юз-кўзини тимдалаб ташлаши аниқ эди.

Бир аччиқ гап айтмоқчи бўлиб бир неча марта ютинди, сўнгра бошини қуйи солиб, ўйчан ҳолда пастга туша бошлади.

Иш шу билан битса, олам гулистон бўларди. Аммо Стематула зинапояннинг ўртасида тўсатдан бошини яппин тезлигида ўгирди ва Ринанинг унга тақлид қилаётганини кўриб қолди.

Бу дафъа мен ҳам қўрқиб кетдим. Стематула Стематулалигини қилган ва уйда қиёмат кўпган бўларди. Лекин бундай қилмади. Бир неча пиллапоя кўтарилгандан кейин кўлларини белига тиради. Ринага донадона қилиб юнонча бир нечта сўз айтди. Сўнгра алампидан чиққандай, шоду хуррам бўлиб, пастга югуриб тушиб кетди.

Қизлар ғайриихтиёрий равишда кўлларини юзларига бостириб олишди. Мен фавқулодда бир гаплар айтилганини тушуниб, хонамга қочдим ва эшикни кулфладим.

Бироздан кейин қулоғимга йиғи товуши эшитилди. Эшикдан мўраладим ва Ринанинг стол устига мук тушганча хўнграб йиғлаётганини кўрдим. Эленича унинг устига эгилиб, сочлари ва пешонасини силар, паст овозда нималардир дер эди.

Гапга аралашшим лозим бўлди. Уларга яқинлашиб:  
– Нима бўлди, Рина? – дедим.

Эленича қизлар орасида туркчани энг кам биладигани эди. Сал иккиланиб тургач:

– Шуки, Стематула сўзлаган кўп ёмон, – деди, – жуда айб, Стематула ёмон қиз...

Жанжал катталашадиганга ўхшаб қолди. Калламга бир фикр келди ва Эленичага буюрдим:

– Қани Эленича... пастга туш... Стематулани бу ерга чақириб кел...



Эленича қаттиқ кўрқиб кетди ва ялинишга тушди:

– Йўқ Камолбей... Сизники Стематулага бир гап айтади... Стематула қачон жаҳли чиқар, бундай қаттиқ бақирар... Илтимос қиламан, Камолбей...

Мен оёқ тирадим:

– Кўрқма, Эленича. Унга бирон ёмон гап айтмайман. Уни, албатта, олиб кел...

Юз-кўзимдан Эленича ишонч ҳосил қилди. Пастга тушиб, Стематулани даҳлизга чақирди ва улар шивирлашиб гаплаша бошладилар.

Рина хўрсина-хўрсина йиғлашда давом этаётганди. Ёнига яқинлашдим:

– Рина, ёш бола бўлма, – дедим, – бунчалик йиғлайдиган нима гап бўлди? Бу сенга ярашмайди. Стематулани калака қилдинг, у ҳам сенга жавоб берди. Нима деганини тушунмадим, аммо, ҳар ҳолда, тарбиясиз, фалон-писмадон деган бўлса керак. Қани, бошингни кўтар-чи, бир кўрай.

Эленича каби, мен ҳам унинг устига энгашдим. Аммо қўлим унинг сочига тегиши билан икковимизни ҳам ток ургандай бўлди. Шунда мени жаҳлга ўхшаш бир нарса гирдобига олди, ўзимни тутолмай, Ринани қулоқларидан тутиб, бошини мажбурлаб столдан кўтардим ва юзини юзимга қаратдим.

Бошқа гап калламга келмагани учун:

– Келин бўладиган кап-катта қиз, уялмайсанми? – дея унга пўписа қилгандай бўлдим.

Юзини ёш қоплаган, сочлари тўзғиган. Лаблари шишган, ёноқлари ҳўл, бурун катаклари керилган, стол четига тираган пешонасида иккита қирмизи чизиқ пайдо бўлган эди. Қўлларим остидаги қулоқлари оловдек ловуллаб ёнаётганини сезиб турардим. У фақат рўмолчаси билан бурнини артар, бошқа ҳаракат қилмай, юзини қўлларим ичига қўйиб берганди.

Мен: «Бунақа йиғлоқи бўлсанг, ҳеч ким сени олмайди, севмайди» сингари сабабсиз жаҳлимга унча ало-

қадор бўлмаган гапларни гўлдирашда давом этарканман, бир сочиқ олиб, Ринанинг чаккалари, бурни, лаблари, юзларини ситамкорона арта бошладим.

Даҳлизда кесик ва ҳаяжонли овозда бир-бирини ачитаётган Стематула билан Эленича, бизнинг аҳволимиздан беҳабар эдилар.

Рина ўзини сал босиб олди, энди тасаллига эҳтиёжи қолмаган бўлса-да, юзини қўлларим орасидан тортиб олмади.

– Энди мен кетаман, Камолбей... – деди.

– Сени мажбуран ушлаб туролмайман, – дедим. – Кўнглинг шуни тусаётган бўлса, кетақол... Лекин бу иш тўғри бўлмайди.

– Кетаман, Камолбей... Энди бу ёмон қизни кўришни истамайман. Нима деганини билмайсиз-да?.. Оҳ, жуда ёмон гап айтди!..

Бошини исёнкорона тарзда орқага тортди, кўкраги тирсақларим орасидан ўтиб, кўксимга тегди.

Ўша пайтда тахминимча, тахминимча эмас, муқаррар равишда бир ғалва чиқаришимиз тайин эди. Лекин ниҳоят келишувга эришган Стематула билан Эленичанинг оёқ товушлари эшитилди, шу заҳоти Ринанинг бошини яна столга қўйдим ва бир неча қадам тисарилиб, жиддий қиёфада кута бошладим.

Стематула қилган ишидан пушаймон ва чўчиб турарди. Ҳатто, менинг уришиб беришимдан ва ҳайдашимдан кўрқаётган эди.

Мен ҳакамлардек жиддий тарзда икковини ҳам койий бошладим:

– Бу сизларга айб эмасми?!.. Кап-катта мадемуазеллар бир-бирингиздан болаларча хафа бўляпсизлар... Бири наригисини масхара қилади, униси бўлса, юрагини вайрон этадиган гаплар айтади... Стематуланинг нима деганини унча тушунмадим, лекин, ҳар ҳолда, қандайдир аччиқ, оғир гаплар айтди шекилли, бунақа нохуш жанжалга нима дейишимни ҳам билолмаяпман. Сизларга таассуф билдираман.

Нима дейишни билолмаслигимни айтиб, тўғри га-  
пиргандим. Нутқни яхши бошлаган, лекин ҳақиқатан  
ҳам у ёғига нима дейишни билмай турардим. Ҳарфа-  
лай, бунинг унчалик кераги ҳам йўқ эди. Қилмоқчи  
бўлган ишимни, зотан, олдиндан ўйлаб олгандим.

Қатъий буйруқ оҳангида:

– Икковингиз ҳам мени кутиб туринг, – дедим ва  
тезда хонамга кирдим.

Ойнаванд жавонимни ағдар-тўнтар қилиб, олмоқ-  
чи бўлган нарсамни ахтарар эканман, ора-сира та-  
қарига кулоқ солишдан ўзимни тия олмадим.

Даҳлизда тик этган овоз йўқ эди. Қизлар кўп ўтмай  
айтишимни билдирган қароримни кўрқув ва қизиқиш  
билан кутиб туришарди.

Кўлимда майда-чуйда нарсалар билан эшикни оу-  
ган палламда юзим ҳамон жиддий эди. Лекин энди  
чеҳрамда хиёл табассум бор эди.

– Учовингиз ҳам стол атрофига келинг-чи, бир  
кўрайлик. Нега қаққайиб турибсиз, гапимни тушу-  
мадингизми?

Қизлар бошларини ҳам қилганча, кўрқа-писа стол-  
га яқинлашдилар. Рина билан Стематуланинг олди-  
биттадан ипак рўмолча, Эленичанинг олдига бир шиша  
атир қўйдим.

= Булар сизларга ярашув совғалари. Буларни олинг  
ва дарҳол кўз олдимда ярашинглар...

Камбағал Черков маҳалласида мол ҳирсидан куч-  
лироқ куч мавжуд эмас. Кўчада ўйнайдиган болалар-  
га қадар ҳар бир киши кўлидаги энг ёмон қақир-  
қуқурни, йигирма чақалик албан паккиси ёки бирор  
тунука қутини ҳам мол деб билиб, устида титраб-  
қақшайди. Маҳаллада вақт-вақти билан чиқиб тура-  
диган уруш-жанжалларнинг асосий сабаби ҳам шу.

Ора-сира кўчадаги кулбаларнинг биридан дод-фар-  
ёд эшитилиб қолади. Кўп ўтмай биламизки, оқшом  
палласи черков майдонида қўлтиқлашиб сайр қилган  
қизлардан бирини ё қирга олиб кетиб ёки шаҳарчада

бир кулбага ва ёхуд дўконга қамаб, номусига тегишган. Бояқишни тинчитиш учун ваъда қилинган бойлик ё уч кулоч газмол ёки ялтироқ тўқали бир туфлидан иборат бўларди, холос.

Ғўрлигим учун топган чорамни доҳиёна деб билардим. Ҳаммасининг қиймати бир кумуш мажидиядан кўп бўлмаган нарсалар бу уч нафар қиз учун беҳисоб катта бойлик ҳисобланарди.

Рина билан Стематула ипак рўмолчаларни силай-силаё қатлаб, сандиқларига бекитиши ва фақат катта байрам кунлари ёки турмушга узатилаётган пайтлари чиқаришлари турган гап. Эленича атирини томчитомчидан ишлади, ким билади, неча ой ёки неча йилга етказганидан сўнгра кесма биллурга ўхшаш шишани ленталар билан ўраб, безак ўрнида ойнасининг олдига қўйиб қўйса ажаб эмас.

Стематула ва Рина хўмрайиб турган бўлсалар-да, стол устидаги нарсаларга кўз қири билан қарай бошладилар.

Мен ҳарамдаги жориялардан жаҳли чиққан шаҳзодадек ер тепиндим:

– Қани бўлларинг, нимани кутиб турибсизлар?

Қизлар ҳадяларни қайтиб олиб қўяди деб ўйлаб, бир ҳаракат қилдилар. Лекин бундай ниятим йўқлигини тушунди дегунча, яна олдингидай серрайиб қолишди.

Эленича оловлана бошлади. Яраш ташаббуси йўққа чиқса, энг катта зиённи у кўрган бўларди. Шу боисдан чидаб туrolмади, ниҳоятда ширин ва ишонтирадиган овозда дугоналарига юнончалаб бир нарсалар дейишга киришди.

Варвара Дудунинг деворга осилган ойнасига киши билмас кўз ташлаётган ва бармоқлари билан сочлари, кўйлагининг букланган ёқасини тузатаётган Ринада юмшаш аломати зоҳир бўлди.

Фақат Стематулагина қошларини чимирган, қора кўзларида ёввойиларча ўжарлик акс этган ҳолда олдинга бақрайиб тураверди. Қарасам, бу ишни яхши

гап билан битириб бўлмайдди. Стематула билан Рина-нинг кўларини қатъият билан ушладим ва бир-бирига яқинлашишни буюрдим:

– Менга қаранг, охирги марта айтяпман. Ё ярацисизлар ёки ҳозироқ ажралишамиз ва бундан кейин йкковингиз билан ҳам гаплашмайман.

Бу гап Эленичанинг ғайрати жунбишга келди:

– Қани бўлақолинглар, айб, жуда айб... Камолбей шундай қилишингизни хоҳлаяптилар.

Жанжалкашлар бошларини ҳам қилган ҳолда ўқрая-ўқрая бир-бирига кўл узатишди.

– Э бунақаси кетмайди, бунақа совуқдан-совуқ ярашилмайди, – дедим кулиб. – Бир-бирингизни кучоқланг ва ўпишинг.

Шундай деркан, чаққонлик билан қизларни кўларимнинг орасига олдим ва калла уриштиришга шай турган кўчқорлардек, каллаларини бир-бирига уриштирдим.

Стематула яна бир марта қаршилиқ кўрсатишга уриниб кўрди ва тишламоқчи бўлгандек, тишларини иржайтирди. Лекин бошлари тўқнашган пайтда қирра бурни дугонасининг чаккасига тегиб эзилган Рина кўзининг қири билан менга боқди ва Стематуланинг дудоқларидан қаттиқ-қаттиқ ўпди.

Жанжалга барҳам берилганди. Атирини икки кўли билан кўксига босиб олган Эленича ўзича жуда муҳим бўлган масаланинг сирини сўради:

– Булар-ку жанжаллашди, ярашишди... Аммо менга нега атир?..

Гавдаси, агар Мариянтини истисно қилсак, дугоналарининг ҳаммасиникидан йирик бўлишига қарамай, Эленичанинг юзи болаларникидай кичик эди. Ҳар икки гапнинг бирида бўлар-бўлмасга кулган чоғида чаккасида кулдиргич пайдо бўлар, кичкина кўзлари гўштдор ёноқлари ва бироз қавариқ қовоқларининг ичида йўқолиб кетар, ҳўл нур томчисига ўхшаб қоларди.

Эленичанинг кулдиргичига кичкина бармоғимни секингина босиб, жавоб бердим:

– Чунки сеники жуда яхши қиз... Сеники ҳечам жанжал қилмаган...

Шундай дегач, зиналардан сакраб пастга тушдим. Ошхонада менга тескари турганича ўчоқдаги ўтинни туташтириш учун пуфлаётган Варвара Дуду:

– Қиз бўлмай кетгур Стематула қайси мозорда қолдинг? – деб бақирди ва орқасидан уят сўзлар билан сўкинди.

Лекин орқасига ўтирилиб мени кўргач, шундай эсанкиради ва уялиб кетдики, агар қўлида қозон-позон бўлса, албатта, тушириб юборган бўларди. Бояқиш қариқиз бу шармандаликни ойларча унутмади: Юзма-юз суҳбатлашаётган чоғларимизда кулимсираб қолсам, ўша воқеани эслаяпти деб ўйлаб, гапидан адашар, ялпоқ бурнининг учи қизариб, кўзларини олиб қочарди.

## VII

Ҳа, зиёфат гўё қаймақом, поп ва оқсоқол учун берилаётганди. Бироқ аслида улар, хайрия жамияти зиёфатларининг олий ҳайъат аъзолари каби, шунчаки хўжакўрсинга чақирилган эдилар.

Бўйдоқ йигитнинг бир тўда қизни уйига чақириб, вақтичовлик қилишига ҳукумат кўз юмган тақдирда ҳам, маҳалладагилар исён кўтарган бўларди. Лекин энг юксак мартабали вакилларни орамизга олиш билан ҳукумат, черков ва маҳалланинг ҳимоясини таъминлагандан сўнг масала ҳал. Бозор баҳонасида уйимизнинг олдини тўлдирган халойиққа эшикни тақа-тақ ёпиб, кечаси билан кўрқмасдан ўйнаб-кулсак бўларди.

Орамизда бир нечта қизнинг бўлишига биров фикр эта олмасди. Қаймақом, бош поп ва оқсоқолни меҳмон қилиш учун тузалган дастурхонга хизмат қилиш, ҳатто, уларнинг бурчи ҳисобланарди.

Қизлар энг янги кўйлаklarини кийиб, худди тўйга бораётгандек, тақинчоқларини таққандан кейин белларига ҳошияли пешбандларини боғлаб олишди ва товоқ, патнис, графин ушлаган ҳолда дастурхон тева-рагида парвонадек айлана бошладилар.

Қаймақомни стол бошига, ўнг томонига бош попни, чап томонига оқсоқолни ўтқаздик. Учови ҳам расмий кийиниб келишган. Қаймақом узун белбурма камзул, оқсоқол погонлари сўкилган ҳарбий гимнастёркага ўхшаш қайтарма ёқали юнг камзул кийган, кўкраги-га кумуш мажидия медали тақиб олганди. Бош поп-нинг кўкрагида туя қўнғироғи катталигида феруза ва зумрад тошлар қадалган кумуш хоч соланар эди.

Бироқ маросимнинг бошида Варвара Дуду бир қовун тушириб қўйди ва қисқа муддатга кайфияти-миз бузилди. Қариқиз уй бекаси сифатида меҳмон-ларга биттадан «Хуш келибсиз!» деганидан ва анча-мунча шоирона сўзлар билан ҳар бирига алоҳида та-шаккур билдирганидан кейин қора каштали рўмол-часини юзига босиб, йиғлай бошлади. Бу оний кўзёш-ларининг боисини тушуна олмай, бир-биримизга ҳай-рон бўлиб бақрайишиб қолдик.

Стематула билан Мариянти Дудуни қўлтиқлаб, жўмрак ёнига олиб боришди ва крахмалли ёқаси ҳўл бўлмаслиги учун бўйнига бир пешбанд боғлиб, юзини ювишди.

Қариқиз бироздан кейин хотиржам ва хижолато-муз қиёфада дастурхон ёнига қайтиб келди. Каштали рўмолчаси кир бўлмаслиги учун этагининг остидан бошқа рўмолча чиқариб, бурнини артгандан кейин бўҳронининг сабабини айтди:

– Кегам тирик бўлганида эди, у ҳам ҳозир орамиз-да бўларди. Онам тўйимиз учун бир зиёфат бериш ни-ятида эди. Бечора ўттиз йил олдин ўлиб кетди. У вақт-лари бунақа камбағалчилик йўқ эди, ҳамма нарса ошиб-тошиб ётарди, фақир-фуқарони тўйдириш учун уч қўйни узум япроғи билан боқар эдик. Оллоҳи Ка-

рим Кегамнинг ёшлигига ачинмаган бўлса ачинмагандир, лекин Черков маҳалласининг фуқаролари ачинса бўларди-ку.

Меҳмонлар жони сиқилган бир ҳолда: «Нима ҳам қилардик, ўлим Оллоҳнинг иродаси. Ҳаммамиз ҳам бир куни ўламиз» қабалидаги тасаллилар билан гапни қисқа қилмоқчи бўлдилар. Аммо Дуду вазиятни тушуниб етмади, қаллиғини тобут ичида қандай кўрганга оид ўринсиз хотираларини сўзлай бошлади.

Ўтиришнинг мазаси қочди. Марҳум Кегам бу кеча зиёфатга чақирилмаган меҳмон бўлиб келиб, ошга пашша бўлиш ва ҳамманинг кайфини учирини истейдодини намойиш қилаётган эди. Барака топгур Хрисантос ота марҳумларга оид ишларда касбининг устаси фаранги экан. Ўтирган ерида йўғон гавдасини ростлади, тепадаги кўринмас руҳлардан илҳом олиб, илоҳий бир овозда ваъз ўқий бошлади: «Худо нени истаса, шу бўлади. Ўлганларни безовта қилмаслик керак, гўрларида тинч ётишсин. Тиловатдан бошқа чорларда ва ҳайитдан бошқа кунларда марҳумлардан сўзланса, уларнинг суяклари қаттиқ оташда қуяди».

Ваъз фақат Варвара Дудунинггина эмас, ҳаммамизнинг этимизни жунжиктирадиган даражада таъсирчан эди. Дастурхондан узоқроқда, қоронғилик қўйнида турган Мариянтининг чўқина бошлаганини, Рина оташин қизиқиш билан узунчоқ бошини чўзганини кўриб турардим.

Попнинг сафсата сотаётганини сезган қаймақом ҳам:

– Хусусан, бизнинг динимизда мотам бутунлай ҳаромдир, мадемуазель. Бундай қилинса, Оллоҳга ҳам хуш келмайди, – дея аравани қуруқ опқочди дегунча Варвара Дудунинг дами ичига тушиб кетди ва бу ердан даф бўлди.

Бу ҳодисадан кейин қаймақом билан Хрисантос ота кайфиятни кўтариш йўлини тезда топишди. Қаймақом рақи, поп шароб ота бошлашди, ичкиликни таш-



лаш мажбуриятида қолган кекса ва касалванд оқсоқол олдидаги ялпиз суви солинган қадаҳни уриштириб, уларга кўшилишиб турди.

Лефтер афанди рангини бироз булғатиб, рақига ўхшатиш учун ялпиз сувига озроқ оддий сув аралаштирди. Жавони дорихонадай тўла бўлган Варвара Дуду:

– Шифобахш арпабодиёним бор, Лефтер афанди, – деди. – Қошиқ билан бироз эзиб олиб келайми? Ялпиз сувига кўшсангиз, рақига янада кўпроқ ўхшайди...

Оқсоқол ароқни ташлаганлар учун кайф қилишнинг янги усули топилганидан олдинига қувонди. Лекин арпабодиёнли ялпиз сувини кўтариб, бир-икки қултум ичганидан кейин қадаҳни жирканиброқ стол устига қўйди ва чўчиброқ деди:

– Бу кеча сизлар учун бир қадаҳ ҳақиқий рақи ича қолай, – деди. – Бир қадаҳ ўлдирмаса керак, ахир... Аммо, ўтинаман, мадам эшита кўрмасин.

Варвара Дуду оқсоқолни шантаж қилиш воситаси топилганидан мамнун бўлиб:

– Бу асти бўладиган гапми? – деди. – Менинг оғзим қулфлоғлиқ. Шундай дегач, бармоқлари билан қизларга пўписа қилди: – Мабодо, мадам Анжеликага ёки бошқа бирорга Лефтер афанди рақи ичди десангиз борми, нақ тилингизни кесиб оламан.

Овқат яримлаганда қаймақом қизларни кўрсатиб:

– Воҳ, воҳ... Мадемуазеллар бизга хизмат қиламан деб чарчаганлари етмагандай, оч ҳам қолишяпти, – деди.

Дарҳол фурсатдан фойдаланиб, икки кун олдин пишитиб қўйган режамни амалга оширишга киришдим.

– Тўғри айтасиз, бунга мен ҳам рози эмасман. Қанийди, улар ҳам бир четга ўтиб, овқат еб олсалар, яхши бўларди.

Варвара Дуду буни одоб қоидаларига зид деб топди ва эътироз билдирди:

– Меҳмонлар овқатланиб бўлмасдан бурун бундай қилиш мумкинми ўзи? Очликдан қоринлари таталамагандир?! Худога шукр, ошхонада овқат дегани тўлиб ётибди. Овқатланишга улгуришади.

Лекин даврадагиларнинг ҳаммаси мени қувватлади. Ахир, қизлар ҳам бу уйга меҳмон-ку. Боғчанинг бир чеккасига ўтиб, таомларини ейверсинлар, орада лозим бўлиб қолса, дастурхонга қарашиб юборишади.

Қариқиз ошхона тартиби бузилишидан, тартибқоидаларининг ағдар-тўнтар бўлишидан даҳшатга тушиб, ўрнидан турди. Лекин бизнинг режамиз жадал амалга оша бошлади.

Иккита кичик стол олдинма-кетин боғча эшигидан чиққанини ва қизларнинг кўлида ишком остига юрганини Варвара Дуду ҳайрон бўлиб кузатиб турарди. Бир неча дақиқа ичида бу столларнинг усти оппоқ дастурхонлар, идиш-товоқлар билан ясатилди, атрофига боғчанинг у ёқ бу ёридан стуллар келтириб қўйилди.

Мен комедия ўйнашда давом этиб, бошимни кўтариб, устимиздаги осма чироққа қарадим.

– Боғчанинг у томони қоронғи. Мадемуазеллар нима еяётганини кўролмайдилар. Столларни бу томонга бироз яқинлаштирсангиз.

Столлар яна ҳаракатга келди ва қадамба-қадам биз томонга яқинлаша бошлади. Мен ҳануз юқорига тикилганимча, ёруғликни таъминлаш билан шуғулланавердим:

– Бўлмайди. Ҳали қоронғи. Яна бироз яқинлашинг... яна бироз... – дея сўзланардим.

Оллоҳ рози бўлгур қаймақом:

– Болалар, бўладиган иш бўлди, столларни бирлаштиринг, – деди ва Варвара Дудунинг яна бир фарёди остида столлар бирлаштирилди.

Мен столлар бирлашган жойда ўтирардим. Қизларнинг «оқ теракми, кўк терак» ўйинига ўхшаш тала-

шишларидан сўнгра ёнимдаги стулни Стематула эгаллади.

У буни, аввало, эпчиллик, нариги дугоналарига қараганда имтиёз деб ўйлар, севинчдан бошимнинг устида чой қайнаётган самовардек пиқиллаб куларди. Бироқ бироз кейинроқ Рина рўпарамдаги стулдан менга узунчоқ бошини узатганини кўриб, истиқболда хатога йўл қўйганини тушунди ва қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. У билан ёнма-ён ўтирибмиз, ора-сира бирикки оғиз сўзлашиш учун ўтирилсак, бир-биримизни кўрамиз. Ваҳоланки, Ринанинг осма лампачироқ нури остида сепкиллари сезилмаётган ва сеҳрли порлаётган юзи нақ менинг рўпарамда, кўзлари кўзларимда эди.

Эътиборимни ўзида ушлаб туриш учун бояқиш Стематуланинг ишлатмаган ҳийласи қолмади. Ҳатто, баъзан ўзига қаратишга мажбур қилиш учун қўлимни тортишга ҳам журъат қиларди. Бироқ бу ғайритабиий ҳолат атиги ярим дақиқа давом этар, шундан кейин бошим, дастлаб, дастурхон тўрида ўтирган катталарга, сўнгра рўпарамга буриларди.

Варвара Дуду қизларни дастурхонга ўтқозиш учун ишлатилган ҳийлани тушуниб етганди. Аммо жаҳли чиқмади, фақат кўз кўзга тушганда «Ҳа шумтака, шунақа ҳийлаларинг бор экан-да!» демоқчи бўлгандек маънодор кулимсираб, бош чайқар, бармоғи билан пўписи қилиб қўярди.

Рина бир орада менга катталарга эшиттирмасдан бир нарса айтмоқчи бўлгандек, эгилиб юзини юзймга яқинлаштирди. Стематуланинг жони чиқиб кетди, ҳуштак чалганга ўхшаш асабий ва таҳдидли сасда:

– Кўзингга қара, Рина, – деди, – бурнинг жуда узун-а... Камолбейнинг оғзига кириб кетишига сал қолди-я...

Ринанинг жаҳли чиқмади, фақат тилини чиқариб тишлари ва лабларини яламоқчи бўлгандек бир ҳаракат қилди, сўнгра тепадаги чироққа қаради ва елка учирди:

– Нима иложим бор?.. Худонинг хоҳиши шу, – деди.

Дастурхон устида янги жанжал чиқишидан қўрқдим ва қошларимни чимириб, Стематулага танбеҳ бердим:

– Яна нима бўляпти ўзи?

Бечора қиз бурнига чертилган мушукча каби дарҳол жим бўлди ва бошқа сасини чиқармади.

\* \* \*

Зиёфатни янада вақтичоғлик билан ўтказиш учун ўша кечаси қўшнилардан бир патефонни вақтинча олиб турмоқчи бўлгандик. Лекин Варвара Дуду бу ишнинг попга нисбатан ҳурматсизлик бўлишини айтиб, бизга қарши чиққанди. Аммо биз бунга муқобил равишда бошқа таклифимизни қабул қилдирдик. Қўшни уйда мадам Анжелика исми камбағал кирчи хотин яшар эди. Патефон шу мадам Анжеликанинг боғчасида, тахта тўсиқнинг орқасига жойлаштирилдиган ва кекса мадам ора-сира пластинка қўядиган бўлганди.

Аксига олиб, кир юувчи хотиннинг кекса эри шу кечаси бирданига касалланиб ётиб қолди. Аммо, шунга қарамай, бояқиш хотин ортиб қолган овқатларни беришга ваъда қилганимиз учун, нон-туз ҳурмати деб остонамиздан узоқлашмади, орамиздан кимдир тахта деворни тақиллатиши билан дарҳол патефонни ишлатиб юборарди.

Хрисантос отани ўйлаб, дастуримиздан мусиқадан олиб ташлаганимиз ҳолда, энг ғалатиси шу бўлдики, мусиқадан энг маза қилаётган у бўлиб чиқди.

Мадам Анжелика ўқишни билмагани учун дуч келган пластинкани қўяр, шу тариқа туркча пешрав ёки ашуладан кейин юнонча ғазал, унинг орқасидан халқ ўйин оҳанглари янграрди.

Хрисантос ота тўсатдан бироз аввалроқ чалинган бир туркча ашулани яна эшитгиси келиб қолди денг! Янада ғалатиси шуки, ашуланинг илк мисрасини чер-

ков қўшиқларига сал мос оҳангда хиргойи қилиб, Ҳожин Орифбей деган бастакорнинг исмини тилга олди.

Дарҳол ўрнимдан сакраб турдим.

– Мадам Анжелика пластинкалардаги ёзувларни ўқий олмайди, рухсат берсангиз, патефонни бу ерга келтирайлик, – дедим ва қизларни орқамга эргаштириб, тахта девор томонга юрдим.

Патефонни тахта девор устидан ошириб оларкан, уни тушириб юбориш хавфи бор эди. Лекин кўчадан айланиб бориш кўп вақт олади, деб ўйлаганимиз учун чириган тахталардан бирини кўпордим ва патефонни пластинкалари билан ўзимиз томонга ўтказдим.

Зиёфат бошланган вақтда кўпроқ жиддий масалалардан сўзлаган бош поп менга Демосфен бўлиб кўринганди, энди бўлса, бора-бора ўзидан кетиб, кулгили қиёфага кирди ва ҳатто, сал фарқини айтмаса, Аристофанга ўхшай бошлади.

Беҳуд бўлган, хаста ва соддадил қария каби кўринган Лефтер афанди бўлса, ўз-ўзича бутунлай бошқа олам эди ва Варвара Дудунинг кўрққанида жон бор экан. Танимаган кишиси, билмаган мамлакати ва мишмиши йўқ эди. Энг ҳайрон қоларлиси шу эдики, роса аёвсиз, аямасдан ҳажв қилган бир чоғда, сўзларини ғоят тарозига солган ҳолда, қаймақом билан попни чўчитмайдиган бир йўсинда айтарди. Катталар ҳақида бирон нарса демоқчи бўлса, гапни ҳамиша дуо-ю ҳамду санодан бошларди.

\* \* \*

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Варвара Дудунинг таом борасидаги кутилмаган сийловлари тугаб-битмаётган эди.

У ора-сира икки дақиқа ғойиб бўлганидан кейин яна лаган ёки патнис кўтариб дастурхонга қайтди дегунча, бош поп ноумидларча кўларини кўтарар:

– Эҳ мадемуазель! Эҳ мадемуазель! Бунақа таом ҳам борлигини нега олдиндан айтиб қўймадингиз, қорин-

да бўш жой қолдирган бўлардим, – дея йиғлагудай бўларди.

Лекин товоғидаги таомни бироз ҳидлагандан ва гўзал расм томоша қилаётгандай, узоқ тикилиб тургандан кейин, янгидан ғайрати жўш уриб кетарди.

Варвара Дуду бозорни баҳона қилиб, уйимиз олдида тўпланган халойиққа қарши эшик-деразаларни зичлаб бекитганди, аммо овқат ҳидини олган бир нечта бола орқадаги бўш боғча деворидан ичкарига ошиб ўтиб, тахта девор тирқишларидан бизни томоша қилишга киришган эдилар. Мен уларни анча илгари сезгандим. Бироқ Варвара Дудунинг гавғо кўтаришидан кўрққаним учун овозимни чиқармаётгандим.

Кўча-кўйда ҳар доим Сими деган кичкина болакайни учратардим. Ҳеч кими йўқ, дайди итлар каби чиқиндилар билан кун кечирар, кечалари черков ёнидаги катталиги итнинг инидек келадиган кулбада тунарди.

Қизлардан эшитишимга қараганда, маҳаладагилар Симини бултурга қадар паноҳига олиб келишган, кечалари уйларининг ҳовлисида тунашга рухсат беришган. Лекин болапақир ул-бул ашёларни ўмара бошлагандан кейин кўрқиб қолишган. Энди уни қайси очиқ эшик олдида кўриб қолсалар, тош ва таёқ билан қувиб солишарди.

Ўша кечаси боғчадаги болалар орасида Сими ҳам бор эди. Аммо у оғайнилари каби тахта девор тирқишидан боқишни етарли деб топмай, ерга узала тушиб ётиб олган, чанг-тўзон босган саватдай сочли бошини тахта девор остидан ичкарига тикқан, ёввойи сачратқи тўпининг орқасига яшириниб олганди.

Варвара Дуду, ҳарқалай, бир вақт болаларни сезиб қолди ва қўлига оташкурак олиб, уларга ҳужум қилди. Табиийки, болалар дарҳол қочишди. Бироқ бечора Сими калласини чиқариб ололмади ва, бурнидан қопқонга илинган сичқон каби чийилаб, оҳ-фарёд ура

бошлади. Нима бўлса бўлсин, болани ичкарига олиш ва бир чеккада бир-икки луқма овқат едиришга қарор қилиб, ўрнимдан сакраб турдим. Лекин кеч қолгандим. Бояқиш Сими ейдиганини аввалроқ Варвара Дудунинг қўлидан еб, бақира-бақира қочди.

\* \* \*

Хуллас, ўша кечаги зиёфат жуда вақтичоғлик билан ўтди. Фақат қаҳва тортилган вақтда поп Хрисантос афанди бироз уйқута толиб қолди. Ҳадеб кўзлари юмилиб кетар, уйқусираган ҳолда илоҳий рўёлар ичида Варвара Дудунинг дўлмалари, ширинликларига кулимсираб боқиб қўярди.

Лефтер афанди ҳам галати бўлиб қолди. Лекин у ухламаётганди. Билъакс, кўзлари ҳар вақтдагидан ҳушёр боқарди. Курсисида қаддини ғоз тутганча қимирламай ўтирар, лекин гоҳ-гоҳ ҳиқичоқ тутиб, қалқиб кетарди. Қаймақомга келсак, у, аксинча, қизларни атрофига тўплади ва гуноҳни бўйнига олиб, бироз шўхлик ҳам қилди, шекилли. Лекин ёши катта кишиларнинг болаларга одоб доирасида валақлаши мумкинлигини билмайдиган ёшда бўлганим учун буларни оталарча бир ҳазилга йўйдим ва ёмон фикрга бормадим.

Ҳа, зиёфат жуда шоду хуррамлик билан ўтди. Охирги паллада Лефтер афанди ўзидан кетиб қолиб, бизларни шошириб қўймаганида, балки янада узоқроқ ўйнаб-кулган бўлардик.

## VIII

Бир ҳафтадан кейин оташ байрами бўлди. Шаҳарчанинг бошқа томонларидан анча-мунча мусулмон ва яҳудий томошабинлар келгани учун Черков майдони ҳар вақтдагидан кўра кўпроқ гавжум бўлди.

Қоронғи тушганидан сўнг майдонда ва кўча ораликларига тўда-тўда гулханлар ёна бошлади. Фақат бола-

лар ва ўсмирларгина эмас, балки кексалар ҳам олов устидан сакраб ўтишар, бу орада бир-бирига тўқнашиб йиқилиб тушганлар бўлар, қийқириқ, қаҳқаҳа, кўшиқ саслари майдонни бошига кўтарарди.

Черковнинг доимо ёпиқ дарвозаси ланг очиқ. Кўнғироқ дарангларди, байрам либосларини кийиб олган маҳалла катталари гуруҳ-гуруҳ бўлиб ичкарига кираверишди.

Стематула мени эшик олдида ушлади.

– Камолбей, сиз бормайсизми? – деди. – Черков одамга тўлиб кетди. Томоша қилиб келасиз.

Қиладиган бошқа ишим йўқлиги учун камзулимни кийдим ва Стематулага эргашдим.

Рина бир неча кундан буён кўринмаётган эди. У ёқ бу ёқдан қулоғимга чалинган гапларга қараганда, яна онаси калтаклаб, қамаб қўйган эмиш. Бу кеча байрам муносабати билан гуноҳидан ўтилиб, черковга юборилган бўлиши мумкин эди. Черков ёки боғчанинг бир бурчагига қисиб, «ўтиб кетгани рост бўлсин» деб, уни бироз уялтиришдан жуда хурсанд бўлган бўлардим.

Эшик олдидаги столга терилган шамларнинг энг қимматидан иккита сотиб олдим, биттасини Стематулага бериб, черковга йўл олдим. Лекин у кўлимдан ушлаб:

– Ҳали бошланмаган бўлса керак, – деди. – Боғчада бироз сайр қилишни хоҳламайсизми?

Ён томондаги монастирнинг ҳовлисидан чоғроқ, лекин сердарахт боғчага ўтиларди. Монастир атрофи баланд дарахтлар билан ўраб олингани учун шу чоққача бунни сезмаган эдим.

Кўпини танимаганим ўн-ўн икки қиз бу ерда олов устидан сакраб, хурсандчилик қилаётганини кўриб, тўхтадим ва попларга ёқмайдиган бирон айб иш қилиб қўйишдан чўчиб, орқага қайтмоқчи бўлдим. Лекин қизлар мени зўрлаб, ораларига олишди ва бир-икки марта гулхан устидан ҳатлашга мажбур қилишди.



Қизлар орасида биттаси бор эдики, менга ўхшаб ёт ва тортинчоқ кўринарди.

У гулхандан бироз узоқда катта дарахтга суянганча турар, шохларнинг сояси остида юз-кўзи кўринмас, узоқдан томошабин бўлишдан бошқа нарса ис-тамаётгандек туюлар эди.

Аммо, аксига олиб, барча қизлар унга сирачдек ёпишиб олишганди. Ҳаммаси худди балда бўлаётган рақсга таклиф этмоқчидек ёнига яқинлашар, кўлидан ушлаб, ўзлари билан бирга гулхан устидан ҳатлатишга ҳаракат қилишарди. Бунда ўзаро рақобатлашишарди.

У ҳар гал бироз тараддудланиш билан бирга ҳеч бирининг раъйини қайтармас, олов олдида бироз тўхтаб тургач, чўчинқираб ва ношудлик билан сакрарди. Бу нўноқлик устидан қизларнинг кулмаётгани, бошқаларга қилганлари каби, орсизларча қаҳқаҳа отмаётгани кишини ҳайрон қолдирарди. Кулсалар ҳам кичикнинг катта, хизматкорнинг хўжайин устидан кулганига ўхшаш сассиз, хушомадгўйларча бир назокат билан кулишарди.

У, ҳойнаҳой, шаҳарчанинг бадавлат юнон савдогарларидан бирининг қизи бўлса керак.

Рина ҳақида бирон маълумот олиш мақсадида бир ора Эленичани ёнимга чақириб, унинг ким эканини сўрадим. У кўзларини катта очиб:

– Юнонистондан келди, – деди. – Унинг ота жуда катта одам... Тушуняпсизми?

– Тушуняпман... Демак, бу ерда меҳмон экан-да...

– Ҳаа... Шундай...

Черков маҳалласида менга бир шаҳзодадек муомала қилишларига ўрганганим учун бу кеча отаси «жуда катта одам»нинг қизи даврасида иккинчи мавқега тушишим бироз ҳамиятимга текканди.

Қизларнинг мен билан уни, жамоанинг иккита энг муҳим кишисини бир-бирига таништираётгани ғалати эди. Уларнинг эътиборсизлигини тушуниб, ўзим танишишга қарор қилдим ва ёнига яқинлашдим.

Обрўйимни кўп ҳам ўйлаб ўтирмай, қизга мурожаат қилиш учун қандай гаплар топганим ҳозир эсимда йўқ. Лекин у кибор ва такаббур мадемуазелларда унчалик учрамайдиган бир тараддуд билан менга юнонча жавоб берди. Бу қизнинг туркча билмаслиги эҳти-молини негадир ўйламаган ҳам эканман. Мушкул ва-зиятга тушиб қолдим. У билан сўзлашишга муваффақ бўлолмаганимдан сўнгра, каллани қуйи солиб, орқага қайтишдан хафа бўлган бўлардим. Барака топсин, Сте-матула ёрдамга келди ва ўртамизда таржимонлик қила бошлади.

Аммо, шунга қарамай, негадир орамиз исимади ва бир неча куруқ сўзларни валақлаганимдан сўнг кетиш-га мажбур бўлдим. Кибор мадемуазелга иккинчи мар-та черковда дуч келдим. Бу сафар ёнида дугоналари йўқ эди. Бироз олдин оташ ўйинини томоша қилган-дагидек, бу ерда ҳам бир чеккада, лоқайд томошабин каби, дуо ва ибодатларга бефарқ қараб турарди.

Халойиқни зўрға оралаб, қадамба-қадам юриб, чер-ковнинг у ёғидан бу ёғига ўтдим. Рина йўқ эди. Зотан, агар у бу ерда бўлса, узунчоқ юзи билан бир жойдан чиқиб келмаслиги, ҳатто, тўғридан-тўғри мени ахта-риб топмаслиги мумкинмиди?! Катта айб қилган бўлса керакки, байрамга қарамай, онаси уни ҳибсдан озод қилмаган. Норанжазор ёхуд бошқа бирон ерда ёт эр-как билан айланиб юрганида қўлга тушган бўлса-чи! Стематулага ишонадиган бўлсак, бу қиздан ҳар нар-сани кутиш мумкин эди.

Адашиб бир кекса мадамдан кечирим сўраркан, кўзларим ғайриихтиёрий равишда халойиқ орасидан нариги томонга сузилди ва бегона мадемуазелнинг менга тикилиб турганини кўриб қолдим.

Бироз олдинроқ боғчада менга шунчалик совуқ муомала қилганидан кейин бу қарашни қандай ту-шуниш мумкин? Қўлга тушганини тушунди дегун-ча, бирдан кўзларини опқочиши, ҳатто, буни етарли деб билмагани учун устуннинг орқасига яширинмоқ-

чи бўлгандек ҳаракат қилишида ҳам бир маъно бор эди.

Ибодат маросими энг муҳим жойига келганди. Жуб-басининг устидан заррин безакли ҳашаматли пўш кийиб олган бош поп оғир-вазмин овозда ниҳоятда таъсирчанлиги сезилиб турган жумлалар ирод қилар, йиртиқ кўйлаклари устидан каштали ипак пўшлар кийган маҳалла болалари бир овоздан мақомга жўр бўлишарди.

Пастак лавҳлар ёнига тиз чўккан халойиқ орасида ўтирган бир нечта дўстимга кўзим тушди. Энг олдинги сафда минбардаги шамлар ёруғида сариқ сочлари ялтираётган Мариянти, ора-сира рўмолчаси билан кўзларини артиб, кўз ёши тўкаётган Эленича, мен сотиб олиб берган оҳанжама шамни бутун черковга кўз-кўз қилмоқчидек бошининг устига кўтариб олган Стематула... Бояқиш Стематула бу қимматбаҳо шамни ёққани учун умрида фақат бир дафъа, бу кеча бутун маҳалладагилардан устун бўлганди. Иккинчи шам бўлса, менинг қўлимда калтак каби соланарди. Лекин гап-сўз бўлишдан қўрққаним учун уни ёқишга журъат қилмаган эдим. Мабодо, Ринани кўриб қолсам, шамни унга берган бўлардим, аммо унинг келмаслиги энди аниқ эди. Ҳа, бу масалада сўзсиз бирон эркакнинг қўли бўлиши керак. Бу, балки, юраётганида шалворининг чўнтагига қўлини тикиб, ичидаги тангаларни жиринглатадиган хотинбоз тужжор, балки маҳалладаги шалоқ юнон йигити бўлиши мумкин эди...

Исириқ ва тер ҳидларидан нафасим қисиб, кўзларим ёшлана бошлади. Эшик томонга йўл олишга чорланаркан, кўзим иккинчи марта бегона мадемуазель турган бурчакка тушди ва диққат тортадиган шунча нарсаларга боқмай, яна менга қараб турганини кўрдим.

Режа ўзгариб кетди. Эшик олдида боргандан кейин такрор орқага қайтдим ва халойиқни одим-одим ора-лаб, у турган томонга яқинлаша бошладим.

Қиз нариги томонга қараб турарди ва унинг бу томонга ўтирилмаслигига ишончим комил эди. Яна шуни ҳам аниқ ҳис этардимки, у менинг аста-секин ўзига яқинлашаётганимни ва халойиқ орасидан ёриб ўтиш учун қаттиқ куч-ғайрат сарфлаётганимни билиб турарди.

Орамизда тўққиз-ўн қадам масофа қолгунча илгарилаганимдан сўнг тўхтаб, ҳеч тортинмай унга тикилиб туравердим. Тортинмасдан дедим, чунки халойиқ олдиндаги ёруғ, расми ва илоҳий саҳнадан бошқа нарсага эътибор қаратадиган аҳволда эмасди. Қиз ҳам, унга тикилаётганимни билса-да, табиийки, мен томонга қиё ҳам боқмади.

Чеҳрасини ён томондан кўриб турардим. Рўпарадаги девордаги бошида заррин ҳалқа, қучоғида гўдак бўлган Биби Марям сингари, у бир томондан ёшгина қизга, иккинчи томондан ёш аёлга ўхшаб кўринарди. Ҳаво жуда иссиқ бўлишига қарамай, бошини каштали қора шарф билан сиқиб боғлаган. Эгнида эркакларнинг кулранг енгил пальтоси, ёқасини кўтариб олган. Пальто остидан ложувард кўйлагининг қат-қат бурмали этаклари, оёқларидаги пошнаси баланд қора туфлилари кўриниб турарди.

Черковдан чиқаётганда яна бир марта унга тўқнаш келдим. Бу гал у тортинмай бош ирғатиб, менга салом берди ва такрор атрофини қуршаган қизлар билан халойиққа қоришиб кетди.

\* \* \*

Эртасига эрталаб кўчада Стематулани ёнимга чақириб, дедим:

– Стематула, сенинг билмаган нарсанг йўқ... Бир гап сўрайман. Лекин тўғриси айтмасанг, орамиз бузилади.

Қиз менга ҳайрон бўлиб қаради ва кулди.

– Нега энди сизга ёлғон сўзлар эканман, Камолбей?

– Сўз берасанми?

– Сўз бераман.

– Нимани сўрашимни биласанми?

– Биладан, Рина қаерда эканини сўрамоқчисиз.

Бирданига шошиб қолдим. Стематуланинг сиримни бунчалик тез билиб олгани ва мен билан шу даража очиқ сўзлашишга журъат қилгани жонимни сиққан эди. Жеркиброқ:

– Нима демоқчисан, Стематула, – дедим. – Рина билан нима ишим бор? Нега энди у ҳақда сендан сўрар эканман?!

Стематула шошиб қолганим учун ўзимни жаҳлим чиққандай кўрсатмоқчи бўлганимни тушунди ва кўзларимга тикилиб жавоб берди:

– Нима, мени билмайди, деб ўйлайсизми, Камолбей?

– Хўш, нимани биласан?

– Хоҳлаётган бўлсангиз, айтаман.

Вазият таҳликали эди. Нима бўлса бўлсин, қизни қутқариш лозим эди.

Овозимни яна бир парда кўтариб, хизматкорга дашном бергандек:

– Жим бўл, – дедим, – бунақа бўлмағур гапларни эшитишни ҳам хоҳламайман. Сендан бошқа нарсани сўрамоқчиман. Рина-пина деб, билмайман, турли бўлмағур гапларни вайсаяпсан. Рина ким бўпти?.. Аслида, сен билан гаплашиб ўтирган ўзим аҳмоқман.

Орқамга ўгирилмамай тез-тез юриб кетдим. Стематула бироз серрайиб турганидан кейин, орқамдан югуриб келди.

– Пардон, Камолбей, мендан хафа бўлдингизми? Сизга нима қилдим?

Хатар тамомила ўтиб кетганини сезиб, тўхтадим. Шу билан бирга, ўзимни ҳали юшаманга солиб:

– Жуда айб иш қилдинг, Стематула, – дедим. – Рина, сен, Пича, Мариянти, Эленича – ҳаммангиз менинг дўстларим бўласиз. Ҳамиша ўйнаб-куламиз, ҳазил-ҳузул қиламиз. Бунақа бемаза гаплар валақлашнинг нима кераги бор?

– Мен сизга бирон ёмон гап айтдимми?

Стематула ёлғондакам соддалик билан кўзларини катта-катта очди, чўқиниб кўйди.

– Бир гап айтмадинг, лекин мен оғзингни очгандан ўпкангни кўраман.

– Пардон Камолбей...

– Тасанно Стематула... Иш дегани шундай бўлиши керак. Қачон Ринани кўрсам, у билан худди сен билан, Пича, Мариянти билан гаплашгандай гаплашаман. Аммо уни кўрмай қолсам, нега энди қизиқишим керак?

Стематула енгил тин олиб, сўзларимни тасдиқлади:

– Тўғри айтаётирсиз, Камолбей.

– Албатта, тўғрисини айтяпман...

– Мендан нимани сўрамоқчи эдингиз?

– Сендан бир нарса сўрамоқчимидим?.. Ҳа, айтмоқчи, сўрамоқчи эдим. Лекин эсимдан чиқардинг. Нимани сўрамоқчи эдим, а?.. Ҳа, эсладим. Бугун оқшом палласи кўрган мадемуазель ким эди, Стематула?

– ...

– Анави черков боғчасида кўрган мадемуазель. Ниҳоятда гўзал қиз экан. Кўзлари, тишлари, сочлари шунақа гўзал эканки...

Мадемуазелнинг кўзлари, тишларини ярим қоронғида чалакам-чатти кўрганим учун шу онда, олдимда бўлса, эслашим даргумон эди. Лекин ҳар қандай қизга нисбатан майлимни яширишга мажбур эмаслигимни Стематулага билдириб қўйиш ва Рина масаласини орадан кўтариш учун ўша қизни кўкларга кўтариб мақтай кетдим. Бир оташ кечасида бир кўриниб кетган бегона қизни ёқтириб қолганимни бемалол, хавфсиз рамай айтаверишим мумкин. Аммо ҳар куни учрашиб турадиган ерли қизлар ҳақида валақламаслик лозим эди.

Кўзида ёш айланган, сўлиган Стематула бу уйдирмамга учганига кўпам ишонмадим. Бироқ у ўзини ишонганга солишни янада мақбул топди.

Шунга қарамай, у ёт қиз ҳақидаги саволларимга тужжорқ жавоб бермаётган, аллақандай гаплар гўлдираётган бўлса-да, сайроқи Эленичанинг «Унинг ота Юнонистонда катта одам, жуда бой одам» деган гапидан нарига ўтмади.

– Бу мадемуазель қачон келди?

– Бир ҳафта... ўн беш кунча бўлди, шекилли... Аниқ билмайман.

– Нега келибди?

– Бу ерда амакиси бор. Жуда катта одам.

– Миласдами?

– Ҳа-а.

– Нима иш қилади у?

– Билмайман. Катта тужжор.

– Тужжор эканини билар экансан-ку!

– Мен билмайман, шунақа дейишади...

– Жуда яхши, Стематула. Раҳмат сенга.

Стематуладан айрилиб, юра бошладим. Лекин маҳалла ҳудудидан ўта бошлаган бўлсам-да, у орқамдан қолмади.

– Камолбей, сизга бир гап айтмоқчиман.

– Нима гап?

– Сизга айтмоқчи бўлган гапим шуки... Лекин ҳеч кимга айтмайсиз.

Яна бир муаммо кўндаланг бўлганди.

– Бўпти, Стематула, – дедим. – Ҳеч кимга айтмайман.

– Қасам ичасизми? Агар айтсангиз кўп ёмон иш бўлади, кўп ёмон. Чунки менга ҳеч кимга айтмайсан, дейишган.

– Тушунарли Стематула, ҳеч кимга айтмайман.

– Оқшом вақти қизлар сизга ёлғон сўйладилар. Ўша мадмуазель юнон эмас, усмонийдир.

– Яъни сизлар каби, усмонийлар табаасими?

– Йўқ, ундай эмас. У усмоний қизи. Мусулмон.

– Чин сўзингми?

– Нега энди ёлғон айтарканман?

– Хўш, унда нега туркча билмайди?

– Туркча билади, лекин атайлаб туркча сўзламади.

Сизни тушунмасин деб...

– Хўш, сизлар билан нукул юнонча сўзлашди-ку...

– Юнончани жуда яхши билади. Чунки критлик.

Доктор Салимбейнинг синглиси бўлади. Оташ кечасини кўриш учун меҳмон бўлиб келган.

– Бу жуда ғалати, Стематула. Демак, мусулмон бўлгани учун яширинча келибди-да.

– Э-э-э-й... Усманийлар черковга бормайди. Балки, акаси ҳам билмаган бўлса керак. Буни Стематула айтди, деб ҳеч кимга айтмайсиз-а...

– Хавотирланма, Стематула.

– Катта раҳмат, Камолбей.

Шу билан бирга Стематуланинг сири фақат шундан иборат эмас экан. Салимбейнинг синглиси ўзини танитмасдан мени кўрмоқчи бўлган ва йўлини топиб, мени черковга чақириш вазифасини Стематуланинг зиммасига юклаган экан. Демак, мен ўзим билмаган ҳолда совчига кўринган қиз ҳолига тушганман.

– Менинг билишимча, Салимбейнинг биргина синглиси бор. У ҳам бўлса, измирлик бир савдогарга турмушга чиққан. Бу қиз қаердан чиқди? – дедим.

– Ўша измирлик тужжорга турмушга чиққан қиз худди шунинг ўзи. Биз, ҳаммамиз, мадемуазель деймиз, аммо у мадамдир.

– Шунчалик ёш бўлатуриб-а? У сизлардан ҳеч фарқ қилмайди-ку.

– Уни чодира, ҳижобда кўрсангиз, бундай демайсиз. У турмуш чиқди, тўрт йил олдин...

Стематула яна хоч чиқариб, қасам ичди ва биз хайрлашдик.



Оташ кечасидан сўнг бир неча кун оралаб биринкетин содир бўлган икки ҳодиса мени анча хуноб қилди. Булардан бири Миласдан икки нафар йигитчанинг Европага қочиб кетиши бўлди.

Поп ва оқсоқолнинг фикрича, бу ҳаракат подшоҳ афандимизга қарши қилинган кечирилмас нонкўрлик эди. Аммо ғалатиси шу эдики, бу воқеа ҳақида гапир шаркан, ҳар икковининг ҳам кўзлари кулиб турарди. Зиёфатдан кейин мен билан ошночилиги қалинлашган Лефтер афанди бир оқшом уйимга кирди ва нохуш бир хабарни айтди.

Ўша куни тушдан кейин маҳаллага иккита жандарм келиб, ундан менинг уйимга кимлар кириб-чиқшини суриштирибди.

Шу кечаси ухладим, десам гирт ёлғон бўлади. Эртасига азон билан қаймақомнинг ёнига югурдим ва масалани тушунтирдим. У хавотиримни эрмак қилиб, чаккаларимни силаб кўяркан, менга тасалли берди:

– Хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ... У одамларни мен юбордим. Бу болалар қилган аҳмоқликдан сўнг марказ бизни бироз обориб-опкелиши турган гап. Бу орада сен ҳақингда ҳам баъзи гапларни сўраб қолишлари мумкин. Анқайиб ўтирмаганимни кўрсатиб қўйиш учун вазиятни текширттирдим. Сен бу ишлар орқасида нима борлигини билмайсан. Ҳар эҳтимолга қарши қўлда қороз бўлгани авлодир.

Қаймақомнинг мендай кичик болани нега сургун қилишганига қизиқиши ҳануз сўнмаганди. Ора-сира оғзимдан гап олиш учун мени гапга солар, лекин мамлакат ва режим ҳақида мен билмайдиган бир қанча маълумотлар беришдан бошқа натижага эриша олмасди.

У вақтда сургунга юборилган кишиларни жўнатилган жойидагиларнинг кўзини очган қандайдир зиёли

тарғиботчилар деса бўларди. Лекин мен бунинг тамомила тескариси бўлиб чиқдим.

Адабиёт иштиёқманди бўлган қаймақом тез-тез Номик Камол, Зиё пошо\* ва Танзимотнинг бошқа катта арбобларининг шеърларини ўқир, уларнинг маъносини тушунтириш баҳонасида менга мамлакатнинг тобора жарга қулаётганини очикдан-очик кўрсатиб берарди.

Шуни ҳам айтишим керакки, шу вақтгача қаймақом доимо эҳтиёткорона ва устини пардалаб гапирганди. Бечора очикроқ гапириб юборганини пайқаб қолса, чўчиб кетар, ҳожати бўлмаган изоҳлар беришга киришар, мамлакатда бўлаётган ҳодисалардан беҳабар бегуноҳ, беғубор подшоҳни дуо қилишга тушиб кетарди.

– Ўша болалардан жаҳлим чиққандай кўринишни вазифам тақозо этади, – дерди у. – Оллоҳ паноҳига олгур муттаҳамларни бугун қўлга туширсам, билакларига намоийшкорона кишан ураман. Аммо юрагим шундай ўртанадики, шундай ўртанадики!.. Ҳақиқатни билишни истасанг, айтайки, иккови ҳам биллурдай тоза йигит. Қочиб кетиб, хўб иш қилдилар. Қочоқлар Европада бир жамият ташкил этишибди, газета ҳам чиқаришаётганмиш. Барча давлатларни ўз фойдаларига ўзгартиришга ҳаракат қилишаётганмиш. Муваффақ бўлишадими, йўқми, бу бошқа масала... Лекин, ҳеч бўлмаганда, қўлларидан келган ишни қилишмоқда. Ҳарқалай, маҳалладаги қизлар билан яширинча дон олишишдан яхшироқ ҳаракат бу.

---

\* **З и ё К ў к а л п** (Зиё пошо) (1876–1924) – Туркия ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётига жуда катта таъсир ўтказган олим, мутафаккир ва давлат арбоби. Ватанпарварлик ва миллатсеварлик руҳидаги асарлари замонаси кишилари онги ва руҳиятида инқилобий ўзгаришлар содир бўлишига сабабчи бўлган. Олим ўша давр сиёсий тузуми томонидан таъқиб ва тазйиқ остига олинган.

Охирги жумлалар менга нисбатан залворли, оғир қилиб айтилганди. Бироқ кизариб, бошимни ҳам қилганимни кўргач, чидай олмади, қаҳқаҳа отиб кула бошлади.

– Очирғини айтайми? Парво қилма. Бу ҳам нариги болаларга қилган жаҳлимга ўхшаш, шунчаки бир гап. Ёш йигит, албатта, бир ишлар қилиши лозим. Ҳеч бўлмаса, маҳалла қизлари билан шакаргуфторлик тарзида бўлса ҳам, майлига. Акс ҳолда, бизга ўхшаб, бир бурчакда пўпанак босиб қоласизлар.

Бояқиш бу гапларни сўзларкан, кўзлари хиралашди, нафас олиши қийинлашгандек, бошини орқага ташлаб, қўли билан кир ёқасини бўшатди.

\* \* \*

Иккинчи воқеага келсак, отам билан онам бир режа тузишганди. Ажралишган кунимиз отам Полиция маҳкамасидаги зобитга айтганидек, икки кекса қўл ушлашиб, умрининг охирги йилларини бизларнинг орқамизда кезиш билан ўтказадиган бўлишганди.

Биринчи сафар Траблусга бўлиши керак эди. Мактубларида ёзишларига кўра, аввало, Траблусдаги ўртанча акамни бориб кўришлари, сўнгра ёз охирларида менга навбат келиши керак эди. Лекин денгиз ҳавоси ёқмайдиган онамнинг анча мазаси қочгани отамни режага ўзгартириш киритишга, Измирда қирғоққа чиқиб, аввало Миласга келишга мажбур қилганди. Уларни тоғда, шаҳарчадан уч-тўрт соат узоқликдаги булоқ бўйида кутиб олишга кетдим.

Ҳали тамоман тузалиб кетмаган онамга фойтуннинг ичида тўшак тўшаб беришган экан. Бечора аёл мени қуёшдан қорайиб кетган, йўл назорати учун махсус тиктирган овчи кийимимда, бошмоқларимни чанг босган ҳолда кўрди дегунча, йиғлай бошлади.

Отам ўтган бир неча ой ичида сезиларли даражада чўкибди. Ўзини олдингидай бақувват деб ўйлаб, аввалига онамнинг йиғлоқилиги устидан кулмоқчи бўлди.

Лекин дағаллашган ёноқларимдан ўпган вақтида ўзи ҳам йиғлаган бўлса керакки, бошимни узоқ вақт кўксидан қўйиб юбормади ва менга юзига боқиш имконини бермади.

Тоғ довонидан аста-аста тушган ўша оқшомни ҳеч қачон унутмайман ва онам билан отам доимо кўз олдимда ўша кунги чехралари билан намоён бўлишади.

Онам елкасига малларанг рўмол ташлаб олган ҳолда тўшак устида қаддини кўтариб, отамнинг кўкрагига бош қўйиб ўтирарди.

Мен бир неча қадам орқада уларга эргашиб келар, отимнинг бошини араванинг ёнидан айирмас эдим. Шунчалик яқинда борардимки, от ёларини силкитса ҳам онам чўчиб кетар, бошини отамнинг қўлтирига тикар эди.

Онам, балки, мени акаларимдан ортиқроқ яхши кўрмасди. Аммо, ҳарқалай, улар ўзини тутиб олган ҳарбий кишилар эди. Совуқчашма ҳарбий мактабига ёзилган кунларидан бошлабоқ, бир куни узоқ жойларга кетишлари мумкинлиги тўғрисидаги фикрга кўнгандилар. Қолаверса, иккала акам ҳам уйланган. Шу сабабларга кўра ва, айниқса, ёшим кичиклиги учун онам мен ҳақимда энг кўп ташвиш тортарди. Бу ғуссасига ёт элда мустақил ҳаёт кечираётган ўғлининг ёнига меҳмон бўлиб бориш ғурури қоришиб кетган бояқиш она бир томондан йиғларкан, иккинчи томондан, кулар эди.

Отамнинг хурсандчилиги уникидан кам эмасди. Черков маҳалласидаги турмушимни мумкин қадар камроқ гапириб, бор кучимни расмий вазифамни таъриф-тавсиф қилишга сарф қилганим учун мени нуқул йўлларда, кўприк устида ишлайди деб ўйлар:

– Чарчасанг керак... Лекин шуни билки, бунақа чарчаш кишининг аъзойи бадани ва руҳан соғломлиги учун жуда фойдалидир, – деб кўярди.

Тахминимча, бу уч киши ҳеч қачон ўзларини бир-бирига бунчалик яқин ҳис қилмаган бўлсалар керак.

Айб бўлса-да, шунга иқрор бўлишим керакки, уларни тўрт кўз бўлиб кутганим йўқ эди. Отамдан телеграмма олган куним, ҳатто, бироз шошиб ҳам қолгандим.

Бироқ тоғдаги булоқ бошида уларнинг юзларини кўрган ондан бошлаб ҳамма нарса ўзгариб кетди. Ёлғизлик азобини улардан узоқ қолган кунлардагидан кўра янада кучлироқ ҳис қилар, шунча вақтдан буён уларсиз қандай қилиб бахтиёр бўлганимга ҳайратлар эдим.

Арава силкинган вақтлари онамнинг боши отамнинг кўксига уриларкан, ичимда бу бош ўз кўксимга текканга ўхшаш ҳиссиётлар оғушида қолардим. Агар болалик чоғларимда уларни бир-бирига бу қадар яқин кўрганимда, балки доим шундай ҳиссиёт ичида бўлган бўлардим. Лекин бу кутилмаган севги инқирозимиди ёки шунчаки қўмсашмиди, билмадим? Билганим шуки, бу саодатли кунларнинг интиҳоси эканлигини, яқинда уларсиз қолишимни ўйлаб, оёқларим остидаги учи-кети кўринмаган чексиз водийда ҳавосиз қолгандек, бўғилардим.

Хонамни онам билан отамга бериб, ўзимга қаршидаги кичкина хонада жой ҳозирлатдим.

Варвара Дуду яна этакларини белига боғлаб олганди. Қиз дустларимнинг айримлари эндиликда уйимизга ҳеч чўчимамай, кириб-чиқишарди. Лекин мен энди улардан олдингидай завқ туймас, ёлғиз қоладиган вақтимда ўзимни янада бахтсиз ҳис қилишимни сезардим.

Варвара Дуду билан онам тез тил топишишди. Отам боғчадаги ишком узумларини буташи, тахта деворни таъмирлаш каби ишлар билан машғул бўларкан, мадемуазель кроватнинг бош учига ўтириб, онамга Кегам ҳикоясини сўзларди.

Бу ҳикоя онамга, янги фожиа бўлгани сабабли, жуда қизиқ туюлганди. Ҳатто шунчаликки, бу воқеани онамнинг оғзидан яна бир марта эшитишга тўғри келди. Онамга ёқиб қолганини тушунганим учун ўзимни

бу воқеани биринчи бор эшитаётганга солиб, диққат ва қизиқиш билан қулоқ солдим.

Бояқиш онам, хурсандчилиги ва мамнунлигига қарамай, тўшакдан туролмаётган эди. Унинг касаллиги фақат кема чайқалиши оқибати эмаслиги очиқ-ойдин бўлганди.

Учинчи куни отам билан кенгашиб, доктор олиб келишга қарор қилдик. Шундай қарорга келишимиз билан, табиийки, биринчи бўлиб доктор Салимбей эсимга тушди.

Онамда бироз чарчаш ва шамоллаш натижаси бўлган енгилроқ жигар хасталигидан бошқа нарса топмаган Салимбей ундан кўра отамга кўпроқ диққат билан қараб қолди. Ишини битиргач, отамдан:

– Бейафанди, сиз Критда бўлганмисиз? – деб сўради.

– Ҳа... Бир вақтлар икки йилча бўлганман.

– Бурсали мингбоши\* сиз эмасмисиз?

Отам бирданига шошиб қолди..

– Ҳа, Ханяда менга «Бурсалик мингбоши» дейишарди.

– Ханядагилар ҳозир ҳам сизни «Бурсалик мингбоши» дея эслашади. Рухсат беринг, кўлингизни ўпай.

Отам кўлини опқочмоқчи бўлди, лекин Салимбей унинг бир эмас, иккита кўлини ҳам ушлаб, қайта-қайта ўпаверди, ҳамишаги совуқ жиддийлигига ҳечам мос тушмайдиган ҳаяжон ичида титрарди...

– Мени танимадингиз. Шундай бўлиши ҳам керак. У вақтлари мен ёш бола эдим. Мен Иброҳимбей Сқлавакининг ўғлиман, мархум Жалол Сқлавакининг укасман.

Бу Сқлаваки деган исм менга ҳам нотаниш эмасди. Болалик чоғларимда отамнинг оғзидан бу исмни кўп бора эшитганимни эслайман.

Салимбейнинг ҳаяжони отамга ҳам юқди.

---

\* Мингбоши – майор.

– Ёдимга тушди, болам. Энди эсимга тушдингиз, – дея докторни ёноқларидан ўпа кетди.

Бироздан кейин Салимбей онам билан менга изоҳ берди:

– Хонимафанди, биз, ханяликлар, ҳаммамиз бурсалик мингбошининг ўғли ҳисобланамиз. Эҳ, қани энди, Критга унга ўхшаш яна бир нечта мингбоши юборганларида эди. Васос қутуриб кетганди. Мусулмон қишлоқларига босқин қилар, қуролисиз бола-чақаларни аёвсиз қирар эди. Биз Ханяда қамалда қолгандик. Қалъа дарвозалари тақа-тақ ёпиб қўйилган. Ҳимояга ўтмаслигимиз кераклиги ҳақида Истанбулдан фармон келган. Лекин бурсалик мингбоши фармонга қулоқ солмади. Орқаваротдан туриб, аҳолини соқчилар қўриқлаб турган қурол омборларини яғмолашга даъват қилди. Шу туфайли шаҳардан ташқарида мудофаа кучлари майдонга келди. Қишлоқлардан қочганлар биздан паноҳ истаб келар, қуролангандан кейин Васоснинг қароқчи тўдаларига ҳужум қилиб, тоғларга ҳайдаб юборар эдилар. Биз томонларни эгаллашдан умидини узган Васос узоқ қирғоқдаги бир нечта мусулмон қишлоғини босишга йўл олди. Ўшанда яна бурсалик мингбоши бизга ёрдамга келди. Акам Жалолбей Сқлавакига: «Нега бақрайиб турибсиз?! «Фуод» пароходининг капитани фидойи киши. Сизларни ўша ёққа олиб боришдан асло бош тортмайди. Хоҳласангиз, мен сизлар учун у билан яширинча гаплашиб берай. Энг жасурларингиздан бир нечта юз киши қуролини олиб, у ёққа борсин. Қароқчиларга қарши толеингизни бир синаб кўринг», дедилар.

«Фуод» кемаси бандаргоҳдан йўлга чиққан вақтни ҳеч қачон унутмайман. Ҳали кичкина бўлганим учун акам менинг боришимга рухсат бермади. Қайиқларда пароход томонга йўл олган кўнгиллиларнинг гоҳ уни-сига, гоҳ бунисига «Мени олиб кетинглар» деб ялиндим.

«Фуод» пароходи тирбанд бўлиб, ўрнидан қўзғалди. Аммо улар бурундан айланиб ўтди дегунча, бир юнон

зирҳли кемасига дуч келишди. Тахта устига зирҳ қопланган бўлса-да, бу кема бизникидан жуда кучли эди. Йигитлардан бир қисми капитанга абордажга олишни таклиф қилган, бортдан ошиб ўтиб, болталар билан хужум қилмоқчи бўлган. Аммо бир қисми розилик бермаган. Бечора «Фуод» оқшомга яқин яна бандаргоҳга қайтиб келди. Лекин мингбошининг иши унутилмади.

Отам энди оқарган бўлса-да, ҳануз яхши кўрадиган шопмўйловини ўйнаганча, бу ҳикояни тинглар, гоҳ мамнун, гоҳ хижолатомуз ва маъюс ҳолда бош чайқаб ўтирарди.

Салимбей ҳаммамизнинг қариндош эканимизни айтиб, бизларни уйига олиб кетмоқчи бўлди ва онам тўла оёққа туриб кетганидан кейин меҳмонга бориш тўғрисида отамдан ваъда олмагунча оёқ тираб тураверди.

Отам ҳиссиётларини очиқ сўзламайдиган, айниқса, мақтов сўзлари айтишни ҳеч уддалай олмайдиган укувсиз бир киши эди. Салимбей оиласи ҳақида фикрини у кетганидан сўнг бизга айтиб берди.

– Бу қандай оила эканини сизлар билмайсизлар-да, – деди. – Бобоси асли текиртоғлик бўлган, чегара минтақасидаги урушда асир тушган. Бечоранинг оёқларига кишан уриб, йигирма йилга яқин тош ушаттиришган. Кейин у бир йўлини қилиб, Критга қочган ва у ерда бола-чақали бўлиб, юртига қайтиб боролмаган. Асирлик вақтида уни «Сқлаваки» деб чақиритаркан, бу, ҳойнаҳой, «асир» деган маънони билдирса керак. Бояқиш озодликка қовушганидан кейин ҳам негадир бу ёмон хотирадан қутулишни истамаган ва фамилиялари Сқлаваки бўлиб қолган. Салимбейнинг отаси Иброҳимбей Сқлаваки мен у ерга бормасимдан сал олдин вафот этган экан. Оролдагилар уни ниҳоятда ҳурмат қилишар ва яхши кўришар экан. Катта ўғли Жалолбей ҳам шерюрак йигит эди. Бечора йигит, Салимбей айтиб берган воқеадан кейин кўп ўтмай, юнон



қароқчилари томонидан пистирмага туширилиб, шаҳид этилди. Бу доктор Салимбей ўша вақтларда сен тенги ёхуд сендан сал каттароқ ёшда эди. Ҳарқалай, ҳали мўйлови ҳам чиқмаганди. Аммо у сен каби бўйдан берган, онасининг эркатойи бўлган бола эмасди. Қўлида қурол билан бизнинг кўнгиллиларга қўшилиб, юнон қароқчиларига қарши ҳужум қиларди.

Ғалати ҳодиса! Бир неча кун олдин қаймақом Европага қочган ёшлар ҳақида сўзлаганида қилганидек, бугун отам ҳам мени камситаётганди. Бунинг устига отам, фикрини яширишни билмагани учун, қаймақомникидан кўп оғир сўзлар билан дакки бераётганди.

Бехосдан:

– Ота, менинг ҳам шунақа ишларга аралашишимни хоҳлармидинг?\* – деб сўрадим.

– ?..

– Мамлакатнинг ишлари чатоқ. Бир чоҳга қулаш арафасида турибмиз. Ҳақиқат, адолат, ҳуррият йўқ. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Энг яхши мисол ўзимиз... Акаларим билан мен нима айб қилдикки, бизларни сургун қилишди?.. Шу ёшингизда сизни йўл азобини тортишга мажбур қилдилар.

– ?..

– Бўйдан берган онасининг эркатойи бўлган болалар эс-ҳушини йиғиштириб олмаса, иш чатоқ... Хўш, ўзинг шундай деб ўйламайсанми, ота?

Булар қаймақомдан ярим-ёрти эшитган гапларим бўлиб, табиийки, уларни фақат отамнинг дашномига қарши такрорлаётган эдим. Лекин бояқиш отамнинг идрок чегарасидан жуда ошиб кетган бўлсам керакки, юзи қизариб кетди, мўйлови диккайди, қўл ишорати билан мени жим бўлишга мажбур қилди.

– Бу қанақа бўлмағур гаплар? Кимдан ўргандинг?

---

\* Турклар яқинларини, шу жумладан, ота-оналарини ҳам сенсирайдилар.

– Ёлғонми?

– Ёлғонми, тўғрими, билмайман... Бироқ, аниғи шуки, булар сенинг, менинг ақлим етадиган гаплар эмас. Бинобарин, каллангдан шунақа фикрлар жой олгани учун жуда хафа бўлдим. Шунини билиб қўйки, бунақа нарсалар ҳақида ўйлаш ва сўзлаш ҳар нарсани ҳар кимдан яхши биладиган Ҳазрати олийлари афандимизнинг иродасига мухолифликдир... Унга қарши чиқиш асло мақбул эмас.

Отам энди жим ўтиришимни хоҳлаётганини тушундим. Лекин яна бир саволни илова қилишдан ўзимни тия олмадим.

– Хўп, майли, ота. Аммо ўзинг ҳам Критда исён кўтарган экансан-ку.

– Ол-а, ким айтди бунақа аҳмоқона гапларни?..

– Салимбей айтди-ку!

Отам довдиради. Лекин бу зиддият билан қўлга тушганини сезган кишининг довдирашига ўхшамасди.

– Йўқ, болам... Подшоҳнинг иродасига қарши чиқиш ҳеч қачон ҳаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтмаган. Унинг амри бўлгани учун уч фарзандимнинг сургун этилишига ҳам қулдек мутеларча таваккул ила рози бўлдим. Сен янглиш тушунгансан. Подшоҳ Критда аскарларнинг юнонларга қарши урушмаслиги тўғрисида амр берганди. Ҳарбий сифатида бунга бўйсуниб лозим эди. Аммо улар тажовуз қилгани учун мен фақат аҳолига жони ва ор-номусини ҳимоя қилиш имконини бердим. Подшоҳ ҳам, қолаверса, инсондир. У ҳам янглишган бўлиши мумкин эди. Вазиятни яқиндан кўрса, аминманки, у мени ҳақли деб топган бўларди. Крит мусулмонларининг аҳволини кўриб, кишининг юраги шу қадар эзилардики, бир неча бор устимдаги формани ечиб ташлаб, оғайним Жалолбей Сқлаваки сингари ёки қалъа дарвозасини ташлаб, ташқарига чиққан ҳар қандай киши каби, қўлимга милтиқ ёки болта олиб, тоғларга Васосни қидиришга кетиш ўтида ёндим. Ўлимдан кўрққаним учун эмас,

подшоҳга қарши исён кўтаришдан қўрққанам учунгина бундай қилмаганман. Қаердан каллангга келганини билмадим-у, лекин бу фикрларинг менга ҳеч мақбул бўлмади, болам.

Шу гапларни айтганидан сўнг отам қути устидаги ток қайчини олиб, аста-аста пастга тушиб кетди.

Қаймақом, бир иш чиқишига ишонмаса-да, ёшларнинг, ҳеч бўлмаса, бироз бош кўтаришига тарафдор эди. Бояқиш отам бўлса, бу гапни хаёлига ҳам келтира олмасди. Ҳар ҳолда, бу насл инқилоб қиладиган насл эмасди.

\* \* \*

Эртасига оқшом чоғи ишдан қайтиб келаётгандим. Черков маҳалласига яқинлашганимда рўпарадан келаётган аравага кўзим тушди. Ичида иккита чодирали аёл ва битта эркак бор эди. Фесини ҳар доимгидек дол қўйиб кийгани ва орқасидан қараган вақтда ҳам учи чаккасидан бироз чиқиб турадиган узун малларанг шопмўйловидан бу кишининг Салимбей эканини танидим, терс қараганча, уларга боқмай, ёнларидан ўтдим.

Доктор, ҳойнаҳой, сингилларини отам билан онамга таништириш учун олиб келган бўлса керак. Аравадаги аёлларнинг бири оташ кечаси черковга келган қиз эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмасди.

Кўчамизнинг бошида Стематулага дуч келдим. У офзимни очишга йўл қўймай, янгиликдан хабар берди:

– Хабарингиз борми? Черковда кўрган мадемуазелинги тушдан кейин сизларникига меҳмон бўлиб келибди.

Ўзимни тутолмай:

– Ҳай, Олоҳнинг балосига йўлиққур, – дея мингилладим. Бу сўкиш ишдан қайтишимда йўлиқиб, идорасида мени бир соатдан кўпроқ гапга тутган бир адвокатга қарши қаратилган эди. Ишимдан чиқар-чиқ-

мас, тўғри уйга қайтганимда, албатта, улар билан кўришган бўлардим.

Гарчи аёл меҳмонларга кўринишим лозим бўлмаган номаҳрам ёшга етган бўлсам-да, бизни яқин қариндоши деб билишини айтган Салимбей, оёқ устида бўлса-да, мени сингилларига таништирган бўларди.

Черковда ўзини сохтакорона равишда бошқача таништирган ва туркча билмайдиган қилиб кўрсатган ёш жувоннинг менга юзма-юз келган вақтда нима қилишини кўриш ажойиб иш бўларди.

## Х

Бир оқшом отам:

– Эртага ишдан вақтлироқ қайт... Бизларни Салимбейлар меҳмонга чақиришди, – деганида ғайририхтиёр:

– Мени ҳамми? – дедим.

У ҳайрон бўлди.

– Мен ҳамми, деганинг нимаси? Албатта... Салимбей сени укаси деб билишини айтди-ку!

Бу шундай. Лекин мени меҳмонхонада ўтқазиб, Крит жангларига оид қизиқ воқеаларни эшитишга, улар билан бирга овқат ейишга мажбур қилишлари турган гап.

Бизни зўрлаб олиб қолишларидан чўчиб, сумкасига батист, атир каби нарсалар солаётган онамнинг бу тадбиркорлиги устидан эрмак қилиб:

– Ҳеч хавотирланма, онажон, – дедим. – Мен бор эканман, ҳеч гап бўлмайди. Бир неча соатдан кейин уйга соғ-омон қайтамиз.

Салимбейнинг уйи шаҳарчанинг нариги чеккасида, Кулик йўлининг бошида экан. У Сқлаваки оиласининг Критдаги учи-кети йўқ ерларинининг бир қисмини арзон-гаровга сотган, қўлига тушган пулнинг бир қисмига бир юнон савдогарининг уйини сотиб олганди.

Салимбей ҳам, отам сингари, боғ-роғ ишларига қизиқарди. Арава келганини эшитди дегунча, қўллари тупроқ ҳолда кўча эшигига чиқди ва четига каштан, эвкалиптлар экилган йўлдан бизни уйга бошлади.

Йўл шунчалик узун эдики, ярмидан ўтар-ўтмас, Салимбей онамни бир четдаги тўқима каравотда бироз тин олдиришга мажбур бўлди. Отам атрофдаги дарахтлар орасидан боғ чегараларини билишга уришиб:

– Бейим, бу ер катта майдон, қўрғон экан, илойим буюрсин, – деди.

Доктор ғамгин оҳангда:

– Қалъадан ташқаридаги боғимизни билардингиз, – деди. – Сал бўлса-да, ўхшайди, шундай эмасми?

Илгаридаги кенг, оч яшил ранга бўялган уйнинг пешайвонида кўринган қора кийинган иккита аёл олда кичкина қизалоқ билан тўғри биз томонга кела бошлади.

Улардан бири черковдаги мадемуазель эканини дарҳол пайқадим. Лекин шуниси ғалатики, икковининг ҳам боши очиқ ва кўринишига қараганда, ҳеч қандай тортиниш аломати йўқ эди.

Онам билан отамнинг қўлларини ўпишди, сўнгра ҳар нарсани тортинмай қилишга ўрганган одамдай, менга қўл узатишди. Салимбей уларга қарата фақат «сингилларим» деди ва уйга томон юра бошладик.

Отам билан доктор йўл четдаги бир кўчатзорга киришди. Ишкомга кўтариладиган узум новдасига ўхшаш бир нечта ниҳоллар атрофида эгилиб-туриб қўлларини силкитиб, бир-бирига нималарнидир туншунтира кетишди. Бу жой, ҳар ҳолда, боғнинг қизиқувчан меҳмонларга кўрсатишга арзирли бурчаги бўлса керак.

Онам икки аёл ўртасида секингина қадам ташлар, мен улардан тўққиз-ўн қадам орқада борардим. Ҳозирча менга ҳеч ким эътибор бермаётган эди. Қўлларим шимимнинг чўнтагида, ўзимни теваракдаги да-

рахтларни томоша қилганга солар, уларнинг гап-сўзларига қулоқ тутардим.

Қирқ ёшларда кўринган катта опа туркчани бизнинг Стематуладан ҳам ёмонроқ сўзлар, сўз топишга қийналиб қолса, онамнинг боши оша синглицидан сўрарди.

Пешайвондан ойнаванд даҳлизга, даҳлиздан кенг меҳмонхона ёки айвонга ўтдик. Бу ерда бизнинг фақирона дастурхонимизга ҳечам ўхшамайдиган шоҳона дастурхон ёзилган, усти биллур ва чинни идишлар билан тўлдирилган эди.

Икки аёл онамни ён томондаги кичик хонага кийим алмаштиришга олиб кириб кетишди, боғда бўлгани каби, бу ерда ҳам мени ёлғиз қолдиришди.

Фақир Черков маҳалласидаги ўзимга бўлган қатъий ишончим, арзанда шаҳзода қилиқларим йўқ бўлди қолди. Дастурхон атрофидан секин айланиб ўтиб, рўпарадаги деразага яқинлашдим. Дераза тоғдаги баланд қалъа девори каби бирданига бошланган ва этакка қадар чўзилган зайтунзор ва анжирзорга очилар экан. Бу Салимбейнинг орқа томондаги боғи экан. Қўлларимни дераза раҳига тираб, анчагача дарахтзорни томоша қилдим, сўнгра яна аста юриб, дастурхон атрофидаги саёҳатимни тамомладим.

Усталик билан эшикдан сирғалиб чиқиб, эркаклар ёнига боришни мўлжаллаётгандим. Лекин онам кирган хонанинг ёнидаги пиллапоя бошида қора кийинган учинчи аёл пайдо бўлди. Агар олдига пешбанд тутмаганида, уни оила аъзоларидан бири деб ўйлаган ва, эҳтимол, қўл сиқиб кўришган бўлардим.

Оқсоч менга бош ирғатиб салом берди. Ҳарбийларга хос дейиш мумкин бўлган катта ва гурс-гурс одимлар билан олдимдан ўтди ва чапдаги ёпиқ эшикни очди, менга «Марҳамат, кириш» деди.

Бу ер антиқа нарсалар сотиладиган дўкон каби ора-лаб ўтиш мумкин бўлмаган даражада минг турли ашёларга тўлиб кетган меҳмонхона экан. Садаф тошлар

билан зийнатланган араб мебеларидан ташқари, катта-кичик столлар, ўтириб сигарета чекишга мўлжалланган харраklar, ичи ва усти биллур идишлар, турли майда-чуйдаларга тўла жавонлар, ажамий сўзана ва гиламлар осилган деворларда қиличлар, катта-кичик суратлар, эшик ёнидаги чоғроқ ёзув столи устида ёзув қуроллари, беморларнинг нафас олишини текширишда ишлатиладиган махсус тиббий асбоблар бор эди.

Бу хонада мени гирдобига олган сабабсиз сиқилишдан жаҳлим чиқди. Гўё буни билдирмаслик учун, оқсочга бир бемаъни савол бердим. Яхшиямки, у туркча билмас экан. Хиожолатомуз тарзда юнончалаб бир нарса-лар деди ва деразалардан бирини очиб, чиқиб кетди.

Нимадир қилиш мақсадида фесимни чиқардим, сигарета харраги устидан бир сигарета олиб, тутатдим, сўнгра қўлларимни чўнтагимга тикиб, девордаги суратларни томоша қила бошладим. Булар, ҳойнаҳой, Сқлаваки оиласининг ёдгорликлари бўлса керак. Суратларнинг бир қанчаси катталаштирилган ва камкўсти яхшилаб бўялган эди. Погонли ва кўксига кўп орденлар таққан бир ҳарбийнинг ёнида бир-бирини қучоқлаб турган қароқчи башара уч нафар йигит, сал нарироқда бир матрос, кейин жубба кийган, саллали бир мўлла, намат кўлохининг устидан юнг газмол ўраган серсоқол, шалвор кийган деҳқон, улардан пастда ва юқорида кўзларини йиртар даражада очиб, фотоаппарат объективига бақрайган саккиз-ўн ёшли ўғил болалар... Энг ғалатиси шуки, ҳаммасининг феси, доктор Салимбейникига ўхшаб, дол қўйилган ва барчасининг кўли, белида, елкасида қурол бор эди. Ҳатто, каттакон салласи, қалин кўзойнаги, кенг шалворига қараганда қумурсқага ҳам озор етказмайдиган диний арбоб бўлиб туюладиган кекса мулланинг тиззалари устида ҳам тўппонча бор эди.

Кўзларим ғайририхтиёрий равишда деворга осилган қурол-аслаҳалар орасидан бу кекса мулланинг тўппончасини қидира бошлади.

Отамнинг айтганича бор экан. Бечора Сқлаваки оиласи асрлар бўйи бутун бола-чақаси билан умумий сафарбарликка чиқиб, Крит учун жанг қилган эди.

Расмларнинг томошаси битгандан кейин ёзув лавҳаларига навбат келди. Яқиндан бери менда чиройли ёзувга қизиқиш пайдо бўлганди. Ёзувимнинг ниҳоятда ажи-бужилигини кўрган қаймақом анчадан бери менга мажбурий ҳуснихат дарслари ўта бошлаган эди. Ўзига маъқул бўлган байт ва қитъалардан баъзиларини машқ сифатида ёзар, сўнгра менга диққат билан кўчиртирарди.

Турли-туман ишларни эпласам-да, негадир чиройли ёзиш кўлимдан келмасди. Бу менинг туғма нуқсоним бўлса керак. Шунинг учун бўлса керак, қаймақомнинг бутун куч-ғайрати батамом чиппакка чиқарверди. Аммо, шунга қарамай, кўп ўтмай шеърларнинг маъзини чақишдан завқлана бошладим.

*Булбул чаманидаги гулга кўз тикканнинг,  
Саҳни гулзори умидида тиканлар битсин.*

Ёки:

*Нур сочган юзин моҳи ҳилол деб ўйлама,  
Меҳр нурин зарраси ёрга бўйин эгдирар*

сингари маъносини ҳеч тушунмайдиган байтлар эски адабиётга қизиқишимнинг маъзини ташкил қиларди.

Бечора қаймақом:

*Томоша қилгил қошу кўзим, келсин баҳорим,  
Ҳақ ичра фано бўлажак қатраמידурман мен.*

тарзидаги байтларни оҳ ура-ура ўқир экан, ҳар ҳолда, менда ҳуснихатга иштиёқдан кўра, бошқа нарсаларни уйғотиш мақсадини кўзларди.

Хонага аста-аста чўкаётган қоронғиликка қарамай, гоят аниқ-равшан кўриниб турган лавҳалар маъноси-



ни чақишда давом этарканман, кимнингдир йўталганини эшитдим. Сигаретам деярли тугаёзган бўлса-да, ҳали оғзимда эди. Эшик очилиб, отам, ундан кейин Салимбей хонага кириб келишди. Сигаретани ташлаб, тугунни елиш учун қилган хатти-ҳаракатимни отам пайқаб қолди. Дашном оҳангида:

– Дикқат, – деди, – яна элнинг уйини ўтга бериб ўтирмайлик.

Бирор айб устида қўлга туширса, менга таъна-ю маломат қилиш отамнинг одати эмасди. Дашном ва огоҳлантириш ишини онам орқали амалга оширар, агар бўлмаса, бошқа хонада туриб мен эшитадиган баланд овозда сўзланар эди. Бироқ бегона жойда бўлишимизга қарамай, билмайман, негадир бугун аксини қилаётганди:

– Яшавор азамат... Сени кўрмаган вақтимдан бери анча ўсиш бор... Қулоқларингни бир чўзиб қўймасамми?!

Буни қаранг, иш чаппасига кетса кетар экан, худди шу лаҳзада онам билан Салимбейнинг сингиллари ҳам остонада кўринди, эски мактаблардаги машҳур жазо саҳна-сиғнага ўхшаш бир саҳна юз берди.

Барака топгур Салимбейнинг отамни қўлидан ушлаб, девордаги суратлар орасидан марҳум Жалолбей Сқлавакининг суратини кўришга олиб боргани туфайли дикқат бошқа томонга тортилди.

Меҳмонда эканман, менга кичкина боладай дашном беришгани иззат-нафсимга қаттиқ тегди. Ҳатто шунчаликки, бу қуроли ва фесини дол қўйган мужоҳидлардан қайси бири муҳтарам шаҳид эканига ичимда заррача қизиқиш уйғонмади.

Овқат маҳали икки аёл яна онамни ўртага олишди, отам билан Салимбей ёнма-ён ўтиришди. Дастурхоннинг нариги бошида ёлғиз қолган мен бечора билан туркча билмайдиган оқсочдан бошқа ҳеч кимнинг иши бўлмади. Бу хонадоннинг овқат тарқатиш усули ўзгача экан. Оқсоч олиб келган таомларни оларкан, ҳеч ақл

бовар қилмайдиган уқувсизликлар қилардим. Кўп шукрки, барча ўз иши билан машғул эди.

Доимо гапни оғзидан қармоқ билан чиқариш мумкин бўлган Салимбей отамни таомдан чалғитиб, нуқул Крит ҳақида гапирар, унутган ҳодисаларни унга зўрлаб эслатишга уринарди.

Отам ёлғон гапиришни жуда ёмон кўрарди. Лекин доктор шунчалик туриб олгандики, бечора нафас ростлаш учун гоҳо: «Ҳа, эсладим» дейишга мажбур бўларди.

Аёлларга келсак, улар тамоман бошқа олам эдилар. Салимбей отамга унутган хотираларини эслатишга қандай қатъият кўрсатаётган бўлса, улар онамга кўпроқ овқат едириш учун шунчалик ҳаракат қилишаётганди. Онам, зотан, овқатни оз ерди. Бошидан ўтказган касаллик унинг иштаҳасини бутунлай қочирганди. Лекин икки кун олдин бир қошиқ шўрва билан бир ликопча муҳаллеби\* едиришга уринганимизда мени ва Варвара Дудуни ёнидан қувиб солган онам, уларнинг бола ёки қуш боқаётгандек, оғзига зўрлаб овқат тиқишларига индамай рози бўлаётган эди.

Черков маҳалласидаги бизнинг тентак қизларнинг чуғурлашлари остида қаймақом, поп, оқсоқол Лефтер афанди билан таом еган кечам қаерда-ю, бу кеча қаерда!

Ҳеч ким менга эътибор бермаётганидан юракланиб, аёлларни кузата бошладим. Оташ кечасидаги мадемуазель ўша кечадагидек жиддий, бироқ тамомила бошқа инсонга айланганди. Черковда бир неча марта менга қараганини кўриб қолган вақтимда орамизда қандайдир можаро шабадаси эсиб қолганди. Лекин у энди этаги узун қора кўйлак кийган, сочини у вақтларда бола-чақали хотинларда урф бўлган тарзда ду-

---

\* М у ҳ а л л е б и (ёки маҳаллеби) – ширгуручга ўхшаш таом

малоқ шаклда турмаклаб олган ва бутун кўриниши билан менинг оламимга бутунлай ёт ёш жувон эди. Мен бўлсам, ҳалигина отамдан эшитган даккидан кейин, мактаб боласига айланган эдим.

Энди ҳадеб онамга эгилиб кулган вақтида унинг чап ёноғида пайдо бўладиган кулдиргичидан бошқа нарса менга қизиқ бўлмай қолганди. Тўғриси айтиш керак бўлса, юзи гўзал. Ўзини анча олдирган ва бироз кулгили ҳолга тушган опасига ўхшаши одамнинг кайфини бузадиган бир ҳол эди. Ҳаётнинг катта ҳақиқатини кашф этган одамдай, ўзимга-ўзим: «Бу ҳам беш-ўн йилдан кейин шу аҳволга тушади!» дедим.

Оташ кечаси унинг истаги билан черковга чақиртирилганим мени бир неча кун қутқуга солганди. Аммо ҳозирги эътиборсизлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу шаҳарда кўп гап-сўзга сабабчи бўлган сургундаги бир болани кўриш ҳавасидан бошқа нарса эмасди. Ёки бу ҳам Стематуланнинг бир уйдирмаси бўлиши мумкин эди.

Хуллас, бу кечада мен қизиқадиган ҳеч нарса қолмади. Аста-секин ўз оламимга фарқ бўла бошладим. Бир кундан кейин бош муҳандис билан Куликда ўтказишимиз лозим бўлган тафтиш ҳақида ўйлай бошладим. Кейин Черков маҳалласига қайтдим. Муғлалик тамаки тожири билан унаштирилиш арафасида турганини эшитганим Мариянти, уч-тўрт кундан буён безгак билан касалланган Пича, кўчага чиқишига руҳсат берилган бўлса-да, негадир бизникига келмаётган Рина хаёлимга келди.

Рина билан мен ҳақимда узунқулоқ гаплар тарқалганига чинданам ишона бошлагандим. Бу миш-мишни, эҳтимол, Стематула тарқатгандир. Агар ҳақиқатан шундай бўлиб чиқса, бу қизни сўкиб ҳайдашим ва қайтиб бизнинг кўчага йўламайдиган қилишим лозим.

Шулар ҳақида ўйлаб ўтирар эканман, олдимдаги товоқнинг четига пичоқни аста-аста ураверибман. Қат-

тикроқ тақиллатган бўлсам керакки, бир вақт отам бирдан менга юзланди:

– Нима бўлди? Энди барабан чалишга ўтдикми? – деди.

Дарҳол ҳушёр тортдим. Лекин кеч бўлганди. Отам шу кечадаги тушуниб бўлмайдиган тескаричилиги билан менга яна бир карра дакки берди:

– Бўтам, инсон ё бола бўлиши керак ёки катта одам. Бола бўлса, барабан чалади, аммо сигарета чекмайди. Катта бўлса, сигарета чекади, лекин барабан чалмайди. Ё у, ёки буниси! Бошқача бўлиши мумкинлигига ақлим етмайди. Шунақа эмасми, бейим?

Бу савол Салимбейга қаратилганди. Бу сафар у ҳам қовун туширди, балки гапи чала қолгани учун, унчалик фарқига бормай:

– Айбга буюрманг, бейафанди, – деди. – Камолбей ўғлимиз сигарета чекмайди. Бир чеккан бўлса чеккандир-да, қайтиб бу ишни қилмайди.

Салимбей шу топда бундан ҳам ўтказиб: «Қани, бир тавба қилгину отангнинг кўлини ўп!» деса, уни ҳам қилган бўлардим.

Бу хонадонда бутун ғуруримни, энди мустақил ҳаёт кечираётган сиёсий мажҳум обрўйимни, ўзим ҳам билмай, бой бергандим. Бундан ҳам ғалатиси, ҳадеб хотинлар олдида турткиланган кичкина бола вазиятига ҳам кўниб кўяқолгандим.

Биринчи дашном каби, бунисини ҳам хижолатомуз сукут ичида ичимга ютдим ва анчагача бош кўтаришга журъат қилолмадим.

Боз устига отам Салимбейга нуқул мен ҳақимда сўзлай бошлади:

– Нариги фарзандларим эс-ҳуши жойида, ўзини тутиб олган кишилар. Лекин бу бола ҳақида кўп ташвиш тортаман... Мусофирчиликда жуда ёлғиз, жуда назоратсиз қолди. Азиз бейим, модомики, орамизда азалдан ошночилик бор... Оллоҳ розилиги йўлида унга кўз-қулоқ бўлинг. Оталик, акалик қилинг. Бундай

бўлар деб ўйламайман-у лекин бир чатоқ иш қилиб қўйса, менга икки қатор ёзиб юборсангиз кифоя. Шундай қилсангиз, мен орқайин бўлиб юрган бўлардим...

Отамнинг бунақа серзарда бўлиб қолганини, феъл-хуйидаги ўзгаришнинг сабабини олдинга тушунмаган эдим. Бироқ овқатдан кейин қаҳва ичилаётган вақтда қилган бир ҳаракати ўшангача эътибор бермаганим кўп нарсани бир лаҳзада аён этди қўйди. Отам қаҳвасини тўкиб юборишдан кўрққани учун финжон\* тутган ўнг қўлининг остига чап қўлини тиргак қилиб ўтирар эди. Қаҳва ичмоқчи бўлганида, эгилар, боши ва лабларини қийинчилик билан финжонга узатарди. Озғин бўйнининг икки томонида иккита қалин томир ўқдай бўртиб чиққан эди. Шунда тушуниб етдимки, қадди-қоматини ва оппоқ мўйловини тик тутишга ҳануз катта куч-ғайрат сарф этишига қарамай, отам энди ундан хафа бўлиш мумкин бўлмайдиган ёшга борган бир қарияга айланганди. Салимбейга мен ҳақимда сўзларкан, айтган бир жумласи менга ғалати туюлди: «Бола мусофирчиликда назоратсиз қолди». Отам авваллари хотинлар кўп ишлатадиган бу «мусофирчилик» калимасидан негадир жаҳли чиқар, қачон бу сўзни эшитса: «Мамлакат ичида мусофирчилик дегани қандай гап ўзи? Менинг ёнимда бунақа бемаъни гапларни сўзламанг!» дегувчи эди.

Энди ёлғизликка ўрганганим учун овқатдан кейин ўзим билан ўзим бўлиб, боққа чиқдим, уй олдидаги йўлда у ёқдан бу ёққа юра бошладим.

Бу йўлнинг четларидан боғнинг турли томонларига кетган тор йўлкалар бор эди. Бир ора бу йўлкалардан бирига ўтдим ва шамол тегирмонли полиз қудуғи томонга йўл олдим. Чеккадаги тахта тарновлардан си заётган сув бу ерда кичикроқ ботқоқликлар ҳосил қилганди.

---

\* Ф и н ж о н – қорни катта, оғзи кичикроқ стакан

Қоронғида ботқоққа тушиб кетмаслик учун диққат билан секин-секин олға босаётганимда қудуқ томонда бир ит вовуллаганини эшитдим ва қайтишга чоғландим. Лекин шу лаҳзада бир аёл саси эшитилди, у: «Сопа Флора, сопа... Скасе пулими?»\* деб ўшқирди ва ит бирдан жим бўлди.

Қудуқнинг нариги томонидаги дарахтлар орасида бир аёл кўланкаси пайдо бўлди. Бир неча одим отгач, кўлидаги саватга ўхшаш нарсани ерга ташлади, этаклари атрофида айлана бошлаган оқ лайчани ипидан ушлади, кейин яна юкини кўлига олиб, мен томонга кела бошлади.

Гавдасининг уст қисми шохларнинг қуюқ сояси остида кўринмаётгани учун, ён тарафдаги яланғоч даладан урилаётган хира ой нури остида фақат оёқлари, савати ва итини кўра олдим. Шунга қарамай, Салимбейнинг кичик синглисини осонгина танидим.

Мен билан гаплашилмаслигини бу хонадоннинг қондаси сифатида қабул қилганим учун ўзимни четга олдим, полизга бир қадам ташладим. У буни итдан кўрқди деб тушунган бўлса керакки: «Кўрқманг, тишламайди» деди.

Ёшларда бетайин ғурур бўлиши ҳаммага маълум! Салимбейдан кейин энди бу ёш хотиннинг мени паноҳига олмоқчи бўлгани нафсониятимга тегди. Аҳмоқона журъат билан:

– Сизга йўл бермоқчиман, хоним, – дедим, – бўлма-са, итдан нега кўрқар эканман?

Айни чоғда даъвомни исботлаш учун кўлимни итга узатдим. Кўппак бирданига жаҳл билан ириллади ва билагимни тишлаб олди. Яхшиямки, бу Флора зараридан шовқини кўпроқ тасқара лайча эди. Лекин, шунга қарамай, кўйлагимнинг енгини йиртган, чап кафтимнинг жимжилоққа туташган жойини қонга белаган эди.

---

\* Сопа, сопа. Скасе пулими – Ўчир, ўчир. Бор йўқол! (грекча).

Мен, ўзимни кўпшакка тишлатиб бўлса-да, жасоратимни исбот қилолганимдан мамнун ҳолда: «Ҳеч нарса бўлгани йўқ, афандим. Арзимаган бир нарса» дея қўлимни орқамга яширдим, лекин ёш аёл хавотирланиб, ярамни кўрмоқчи бўлиб оёқ тираб олди.

Бизнинг замонамизда одамларни ит тишлаши кундалик воқеа саналарди. Итда турган жойида бирдан ташланиш, оғзидан сўлаги оқиш каби очиқдан-очиқ қутуриш аломати йўқ бўлса, тоза бўз билан яра боғланарди, тамом вассалом.

Ит тишлаганини ичкаридагиларга билдиришни истамаганимиз учун қудуқ бошига бордик. Қатронли тарнов тубида қолган сув билан қўлимнинг қонини ювдик. Сўнгра ўртасидан иккига бўлинган чит рўмолчам билан яра боғланди.

Ёш жувон ярани боғлар экан, гоҳ Флорани юнонча-лаб уришар, гоҳ мен билан гаплашарди.

Менга нега сават кўтариб келганининг сабабини тусунтирди. Боғ чеккасидаги бир новдада вақтидан эртароқ пишган уруғсиз узум бор экан. Онамни сийлаш учун Флорани ёнига олиб, узум узгани келган экан. Шу орада саватдаги узум бошларидан бирини менга бермоқчидек бўлди. Аммо, ҳарқалай, қоронғи кечада қудуқ бошида бўлса-да, ёш йигит бўлган меҳмонга ўз қўли билан узум едиришни ортиқча деб билган бўлса керакки, воз кечди.

Туркчани, опасига қараганда жуда яхши гапирарди. Ҳатто, менимча, акаси Салимбейдан ҳам яхшироқ сўзларди.

Бунинг унга айтганимдан сўнгра, ўша кечаси черковда нега туркча гапирмаганининг сабабини сўрадим.

– Ким эканимни билиб олишингизни истамаганим, – деди. – Опам билан сизнинг маҳаллага меҳмонга келдик шу кеча. Қизлар мени черковга олиб боришди. Критда ҳамини қаерни хоҳласак, ўша ерга бораверардик. Аммо бу ерда бўлмайди.

Бироз иккиланиб тургач, қўшиб қўйди:

– Онага айтасизки, мени ўша кечада черковда кўрдим деб, бир юнон мадемуазели деб ўйладингиз?

Нимадан кўрқаётганини тушундим. Бундан бироз мамнун ҳам бўлиб:

– Мен боламидим, ойимқиз? – дедим. – Сиз истамаган ишни нега қиларканман?

– Мерси\* ...

Гўё уни янада кўпроқ ишонтириш учун бир номуносиб иш қилдим: бояқиш Стематуланинг менга қаттиқ қасам ичтириб айтган сирини сотиб:

– Мен, зотан, ким эканингизни билиб олгандим, – дедим. – Лекин амин бўлаверинг, ҳеч кимга айтмадим.

– Стематула сўзлади сизга?

– Ҳа. Аммо сиз бунинг учун ундан ранжиманг.

– Ранжимаيمان.

– Мен уни сотиб кўйганимни ҳам айтмайсиз...

– Сиз шундай бўлишини хоҳласангиз, айтмаيمان.

Лекин Стематула кўп ёмон қиз.

Кайфияти бузилган эди. Ҳар ҳолда, Стематула менинг унинг илтимоси бўйича чақирилганимни сотиб кўйганидан шубҳаланаётган эди, шекилли. Бироқ бу нозик масала бўлгани учун индамади.

Онам Сқлавакиларнинг қизларига мафтун бўлиб қолганди. Ўша кечаси қайтарканмиз аравада, уйда ва эрталабданоқ ётоқхонасида унда шу пайтгача ҳеч кўрмаганим бир ҳаяжон билан нуқул улар ҳақида сўзлади.

Катта опа тул экан. Йигирма йилча олдин Критда оқсуяк оиланинг фарзандига турмушга чиққан, бир йил ҳам ўтмай, эри кечаси қилинган босқинда юнон қароқчилари томонидан шаҳид этилган эди. Бояқиш хотин ўшандан бери мотамда эди. Ёшларга хос гаддорларча шафқатсизлик билан:

– У ҳам иккинчи Варвара Дуду десанг-чи, онажон, – дедим. – Ҳарқалай, унга қараганда озгина бўлса-да,

---

\* Мерси (фр.) – Раҳмат, ташаккур



муродига эришгани учун янада бахтли ҳисобланиши даркор.

Онам тажовузимни сезмади.

– Йўқ ўғлим, – деди, – Варвара Дуду, лоақал, бир ёстикқа бош қўймаган. Буники янада ачинарлироқ...

– Шундайдир онажон, – дедим, – нима бўлса ҳам ўлганга бўлган, қутулган. Омоҳ қолганларни қўласин.

Бояқиш аёл ичини тортиб, сўзларимни тасдиқлади:

– Айтганинг келсин, болам.

Салимбейнинг сингиллари онамга таржимаи ҳолларини муфассал айтиб беришган, фақат кенжа қизнинг ҳаётидаги баъзи жиҳатлар қоронғилигича қолганди, назаримда.

Сқлавакилар оиласи Критдан Миласга кўчганларидан кейин ҳали ўн олти ёшда бўлган Фофони (ҳақиқий исми Афифа эди. Бироқ оила даврасида унга Фофо дейишар, онам бу исмни ҳеч тилга олгиси келмасди) измирлик савдогарга узатишган экан. Аммо ёш жувон йилнинг ярмидан кўпини Миласда ўтказар экан. Бу ғайритабиий ҳолат, ҳатто, онамнинг эътиборини тортганди.

– Эрининг исми айтилди дегунча, қиз бечоранинг кайфияти бузилаверди, – деди у. – Дарҳол мавзуни бошқа томонга бураверди. Бу яхши аломат эмас. Ё севмайди ёки бу киши хотинбоз, бир саёқ бўлса керак.

Кейинчалик, улар билан муносабатларимиз анча қалинлашгач, маълум бўлдики, онамнинг ҳар иккала тахмини ҳам тўғри экан.

Рифқибей бир гиламфуруш бойнинг ўғли эди. Аввалига ўқиш, кейин иш баҳонасида неча марталаб Европага кетган, қилган бебошликлари билан отасининг аҳволини анча оғирлаштириб қўйган. Отанинг вафотидан кейин эса ишхоналари бутунлай синиб, йўқ бўлиб кетган. Рифқибей ҳозирда у ер бу ерда чакана савдо билан шуғулланар, жуда ақлли, корчалон киши бўлгани учун анча-мунча пул топаркан. Аммо пул топган билан уни сақлай олмагандан кейин бунинг нима аҳамияти бор?!

Бу киши қимор ўйнармиди ёки ашаддий хотинбозмиди? Ёхуд аввалги давлатини такрор тиклаш кўйида оз-моз топганини ҳам ҳавога совурадиган бир бадбахтмиди? Бу муаммонинг тагига ҳозиргача етган эмасман. Фақат, аниғи шуки, у уй соҳиби, яхши оила бошлиғи бўлишга ноқобил бир можаропараст эди.

Афифа унинг иккинчи хотини эди. Биринчи хотини бир вақтлар Европадаги ўқишини чала ташлаб, уйга қайтганида олиб келган пиренейлик француз қиз эди. Юра бошлаган ва тилга кирган бир чиройли қизчалари бўлишига қарамай, Рифқибей бу хотинни бир неча йил кейин юртига қайтариб юборган ва аёлнинг ахлоқан бузуқ чиққанини ҳамда ўзининг миллий ва ватанпарварлик туйғулари бирдан жўш уриб кетганини бунга сабаб қилиб кўрсатганди.

Кичик сингласига куёв танлаш масаласига ниҳоятда талабчанлик билан ёндошган Салимбейга бу бева, устига боласи бўлган кишидаги мана шу олий туйғулар жуда маъқул бўлганди.

Бояқиш доктор куёвининг ахлоқий бузуқлигини англаган вақтда бўёқ хуми синган, Афифа Рифқибейга турмушга чиққан, бунинг устига яна бир кичкина Сқлавакини дунёга келтириб бўлганди.

Жувон, ҳойнаҳой, бадбахт эди. Умрининг ярми, балки ундан ҳам кўпроғи Миласда, акасининг уйида кечарди.

Шу билан бирга, Салимбей оиласининг барча аъзолари дардларини яширишни биладиган вазмин ва мағрур кишилар эдилар. Ҳатто кейинчалик, бир-биримиз билан апоқ-чапоқ бўлиб кетганимиздан кейин ҳам бизга ички сирларини тамомила очмадилар, айниқса, куёвидан бир оғиз шикоят қилмадилар.

Буларнинг ҳаммаси онамнинг жудаям ақлли аёл бўлмаса-да, тажрибали рўзғор бекаси сезгиси билан тўғри келган гаплар ва воқеалардан чиқарган хулосаси, оғиз очгандан ўпкаларини кўра олгани натижаси эди. Салимбейнинг оиласидагилар Афифанинг узоқ

вақт Миласда яшашини эрининг иши тақозосига кўра доимо четда бўлиши билан изоҳлар эдилар.

Ҳозир уч ёшга яқинлашган кичик Сқлавакини Измирда, Рифқибейнинг онаси ёнида олиб қолганларининг сабаби нимада? Буни изоҳлаш учун бечоралар роса ёлғонни тўкиб солардилар: буви билан невара бир-бирини жуда яхши кўришаркан, ҳали тажрибасиз ва оми бўлган Афифа болага бувисидек яхши қарай олмасмиш. Миласнинг об-ҳавоси болалар учун Измирникидан ёмон эмиш ва ҳоказо ва ҳоказо.

Онамнинг фикрича, Рифқибей болани гаров тариқасида олиб қолган эди. Болакай, қушбозларнинг чақриш ва тутиш учун қўядиган қушлари сингари, узоқдан туриб сайратилар ва шу йўл билан ёш аёлнинг қисқа вақтга бўлса-да, яна тузоққа тушиши таъминланарди.

Отамнинг тахмини онамникидан бироз фарқли эди. Измирдаги бувининг қўлида бироз мол-мулк қолган. Рифқибей фақат кампирни ўз томонига оғдириш ва бу мулкни нариги меросхўрларга бермаслик учунгина болани бир восита қилиб олган.

Менга келсак, масаланинг бу жиҳатлари билан ҳеч ишим йўқ эди. Биринчи марта кўрганнимда кичкина юнон қизи деб ўйлаганим тўрт йил илгари турмушга чиққан аёл, кейинроқ эса уч ёшли боласи бор она бўлиб чиққани мени ҳайрон қолдирганди.

Ҳа, ҳар ҳолда, бу Салимбейнинг хонадонида одатдан ташқаридаги ҳодисалар бўлаётган эди. Афифа, жуда ёш бўлгани учун, боласидан бўлак яшашга рози бўлиши мумкин. Лекин Салимбейнинг Сқлавакилар сулоласига мансуб кичик боланинг исмини ҳам айтмаслиги, унинг Измирда бегона тарбия олишига чидаб юриши ҳеч табиий кўринмасди. Докторнинг меҳмонхонаси деворида фесини дол қўйган, қурол ушлаган мужоҳидлар кўрғазмасида бу боланинг сурати ҳеч қачон жой олмаслиги аниқ эди.

Отам билан онам қирқ кун меҳмон бўлишди. Ҳали ёзнинг ўртаси бўлгани учун янада кўпроқ қолишлари мумкин эди. Лекин бечоралар ўз режаларининг ҳали биринчи қисмини бажараётгандилар. Миласдан чиқиб, Траблусга борадиган, камида қирқ-элик кун кенжа акамнинг кўнглини олганларидан сўнгра, Истанбулга қайтадиган эдилар. Бу ишларнинг барчаси ҳаво ўзгармасдан, куз изғиринлари бошланмасдан илгари битиши лозим эди.

Ўтган кунлар эмас, бу кунларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, тушунча ва туйғулар кишининг эсида қолади. Айниқса, менинг ўша вақтдаги аҳволу руҳиям каби, руҳ ва таннинг саноқли ҳолат ўзгаришларидан бирига тўғри келган кеча ва кундузлар борки, бизда бу лаҳзадан нариги лаҳзага ўтгунга қадар ўлчаб бўлмайдиган замонлар ўтгандай хотира қолдиради.

Отам билан онамнинг Черков маҳалласидаги уйимда ўтказган қирқ кун менга энди қирқ ойдаи узоқ кўринмоқда. Гоҳ кўча-кўйда кундалик маъносиз юмушлар билан, гоҳ уйда улар билан бирга ўтказган вақтлар бошқаларидан унчалик фарқли эмасди. Аммо ҳақиқатда бу вақтлар нималигини билмаганим галати нарсалар билан лиқ тўла бўлгани шубҳасиз.

Деярли ҳар кун пешиндан сўнгра ёқимли шабада эсарди. Кўшнилариинг айтишича, бу Милас ёзларида шу чоққача ҳеч кўрилмаган фавқулодда воқеа эди.

Варвара Дудунинг крахмалланган оппоқ дарпардалари боғичидан қутулган кема елканлари янглиғ ҳилпирар экан, юзма-юз ўтириб ҳеч унутилмайдиган лаҳзаларни бошдан кечирардик.

Фақат кичиклигимдагина эмас, бўйим уникидан ўтганидан, мўйловларим билина бошлаганидан кейин ҳам онам учун болалигимча қолгандим. Орамизда бир-биримизга айтадиган гапимиз қолмаган даражада катта тафовут бор эди.

Аmmo ўтган бир неча ой мобайнида бу тафовут ўз-ўзидан йўқ бўлди. У энди мен учун тенгдош ҳам эмас, балки менга ишонган, бутун ожизлиги ва заифлиги билан ўзини менга топширган синглимга ўхшарди. Манглайдаги оппоқ сочлари, юзидаги ажинларига эътибор қилдирмайдиган даражада болаларча масъум кўзлари билан менга боқар, куларди.

Бу лаҳзалар асносида оиламизнинг барча сирларини, ҳатто ўзининг асрорларини ҳам менга узундан-узоқ сўзлаб берди, бир вақтлар отам билан ўртала-рида бўлиб ўтган келишмовчиликларни ҳам яширмади.

Онамнинг характерида ҳам асос эътибори билан қандайдир ўзгариш содир бўлганди. Ёшлигини сурункали ланжлик ва бадбинлик ичида ўтказган бу кампир энди борини шамолга совурган бир вақтда янги бошланаётган ҳаёт олдида тургандек, болаларча умид ва орзу-ҳавасга кўмилиб, ҳаяжонланарди. Меникига солиштирганда жуда кичик ва ориқ вужуди билан кўлтиғимга киради, хонада, айвонда узоқ айланамиз, деразалар олдида, ойна қаршисида туриб қоламиз. Ҳатто, ёшлигида ҳам ҳеч кимга нисбатан ич-ичдан чиқмаганига амин бўлганим бошқача меҳр билан менга боқар, мени қучарди.

Кейин яна тўшаги устида ўтириб, юзларига тикиламан, оташдек ёнаётган ҳовучларини кафтларимга оламан.

Нималар ҳақида гаплашганимизни ҳозир хотирлай олмайман. Зотан, онамнинг айтганлари эсда қоладиган гаплар эмасди. Баъзан юзимга боқиб, жавоб кутган вақтлари айтаётган гапларини етарли даражада тингламаганимни англаб, мушкул вазиятга тушиб қолардим.

Онамдан кейин навбат отамга келарди. Варвара Дудунинг шапалоқдек боғчасида буталадиган новда, шакл бериладиган дарахт қолмагани учун, у энди тахта деворни таъмирлаш ва бўяшга тушган эди.

Онам мени энди кап-катта йигит деб билаётганига тескари ўлароқ, у менга ҳануз бола деб қарар ва орадаги масофани сақлашга уринарди. Бирга бўлган вақтларимизда жуда кам гаплашардик. Олдинлари Истанбулдаги уйимизнинг боғида қилгани каби, мени яна наботот борасида имтиҳон қилар, ўсимлик оилаларини фарқлашни ҳалиям ўрганмаганимни билди дегунча, қаттиқ масхара қиларди.

Эътирозга ҳеч чидамайдиган бўлиб қолганди. Айтганларини борича қабул қилмаган вақтларим ажин қоплаган ва ингичкалашган бўйнида ўша иккита кўкимтир томир бўртар, кўзларида оний жаҳл яшиндай чақнаб, мени тилкаларди.

Бир кеча бу ноҳақликларга қарши исён кўтардим. Тўғриси айтганда, унча қаттиқ ботадиган гап ҳам эмас, бор-йўғи: «Отажон, нима, болага айландингми?» деганга ўхшаш бир гап айтдим. Шу заҳоти хафа бўлди: «Тур хотин, тўрва-халтани кўтарадиган пайтимиз кепти. Отасига «бола» деган катта жанобнинг уйида қиладиган ишим қолмади. Бўл тез, бу ердан тезроқ даф бўлиб кетайлик!» деб туриб олди. Жигибийрон бўлганча, бизларни яраштириш учун куйинган онамга ёпиша кетди. Аммо бунақа инжиқликларига қарамай, отамнинг мени яхши кўриши аниқ эди. Кеч қолган вақтларим эшик олдига чиқиб, йўлимни пойлар, ҳатто, баъзан ҳассасини олиб, мени кутиб олишга чиққан вақтлари бўларди.

Бир қанча вақтлардан кейин, ташқарига чиқадиган бўлсам, менга эргаша бошлади. Арава опкелиш таклифини доимо рад қилар, шахдам қадам ташлашга уриниб, олдимга тушарди. Лекин кўп ўтмай, ўнг оёғи тобора оғирлашиб, тупроқ устида судрала бошлаганини кўрар ва қаттиқ изтироб чекардим. Агар йўл устида арава йўлиқмаса, кўзига чалинган ўтларни текшириш баҳонасида, чўнқайиб ўтирар ва анчагача ҳордиқ чиқарарди.

Мен кезадиган жойларни кўриш, гаплашадиган одамларим билан танишишга қизиқарди. Шу тариқа

хукумат идораларининг хоналари, адвокатхона ва тижоратхоналарни бирма-бир айланиб чиқдик.

У айрим кишиларнинг унга тавозе бўлиб кўринган бефарқлигига лоқайд қараганча, Критдаги кичик ва аҳамиятсиз можаролар ҳақида мунозара бошлар, менга қилганидай, бошқаларга ҳам инжиқлик қиларди. Бироқ бироздан кейин жаҳдан тушгач, қилганига пушаймон бўлар, ранжитдим деб ўйлаган кишиларнинг кўнглини олиш учун бу гал қаттиқ қайғуриб, ўзини пастга ургудай даражада ялинишга, айбга буюрмасликларини илтижо қилишга тушиб кетарди.

Қаймақомми, бош муҳандисми, баладия раисими, хуллас, дуч келган кишига мени тавсия этиши унинг яна бир ожизлиги эди. Илтимос қиларкан, ҳимоясиз бир бола ҳақида гапираётгандек, кераксиз қайғуриши ва куюнчаклик қилиши ҳамиятимга қаттиқ тегарди.

Ҳолбуки, бир вақтлар шу отамни дунё таяниши бўлган ягона устун деб билардим! Унинг қартайгани юрагимни мисли ўқдек поралар, ичимда нега ва кимга қарши эканини билмаганим исёнлар уйғотарди.

Ниҳоят, вақт етиб келди ва бир куни тонг қоронғи-сида эшигимизнинг олдида фойтун тўхтади. Аравани ўраган хотин-халаж ва бола-чақалар қуршовида яна онамга тўшак тўшадик. Отам катта сафарга чиқаётгандек, ташвишланар ва ҳаяжонланарди. Июль ойининг иссиғига қарамай, аскар шинелидан тикилган қалин пальтосини қийволиб, ҳассасини қамчидай ўйнатганча, буйруқлар берар, аравага егуликлар солинган саватлар, сув шишалари ташитарди.

Мен уларни, ҳеч бўлмаса, Ойдингача кузатишни мўлжаллаётгандим. Отам, беҳудага чарчашимни айтиб, бунга эътироз билдирди. Шу аснода қаймақом ҳам сўзга аралашди ва бироз сиқилиб, шаҳарча ҳудудидан чиқишим тўғри бўлмаслигини айтди. Отам: «Кўряпсан-ку, бейафанди ҳам идора бошлиғи сифатида шаҳарчадан чиқишга рухсат бермаяптилар» деди. Аммо кайфияти бузилди. Калласидан шу масала кет-

мас, бошқа нарсалар ҳақида сўзлашилган чоғда ҳам ҳадеб: «Сен ҳали боласан. Балки дилинг сиёҳ бўлар. Ҳа энди, бугунми, икки кундан кейинми, барибир, ажралишамиз-ку», деди.

Салимбейлар яна бир катта навозиш кўрсатдилар ва бизни аравада Монастир тепалигининг этагидаги дарахтзорга қадар кузатиб қўйдилар. Мен отимни фойтуннинг орқа эшиги ёнида ҳайдаб борардим.

Онам ҳадеб қуёшга қарар, вақт ҳали эрта эканига қарамай, қоронғига қолишимдан чўчиб, орқага қайтгин, деб ёлворарди. Ўзим охирги чегара деб ўйлаган ҳозирги Муштоқбей булоғига боргунга қадар бу ўтинчларга кулоқ осмадим.

Йўловчини кузатишларимизда айрилиш онлари кўпинча сув бошида бўлганига диққат қилганман. Онадўлининг деярли ҳар бир шаҳарчасида айрилиқ булоғи ёки жуда бўлмаганда, биронта кичик чашма ёки сой бор.

Сўнгги лаҳзаларда отамнинг қовоғидан қор ёғарди. Онамга қош-кўзи билан таҳдид қилиб: «Менга қара! Мен унақа йиғи-пиғи деган нарсани кўришни хоҳламайман. Ҳарбийнинг хотини ҳам ҳарбий бўлиши даркор. Баҳорда, албатта, яна келамиз-ку... Билиб қўй, агар йиғлайдиган бўлсанг, худо ҳаққи келмайман!» деб бақира кетди.

Ажралишганимиздан кейин улар кутмаган ишни қилдим. Отимни бута устидан сакратиб ўтдим-да, бўш дала ичидан чоптира кетдим ва улар мени энди кўрмаймиз деб ўйлаган бир лаҳзада тўсатдан қаршиларида пайдо бўлдим. Бу ўйинни бир неча бор такрорлаш ниятида эдим. Лекин шуни ўйладимки, охири бу ўйинга ҳам барҳам бериш лозим бўлади ва ўшанда бечоралар йўлнинг у ёқ бу ёғидан яна чиқиб келишимни кута бошлайдилар, қаршидан келаётган отлиқни мен деб ўйлаб, маҳзун бўладилар.

Улардан қатъиян айрилганимдан кейин бирданига елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Ўзимни негадир



шоду хуррам ва бахтиёр ҳис қилдим. Мендан атиги беш-ўн дақиқалик йўлда, бир-икки километр нарида бўлсалар-да, юз-кўзлари кўз олдимда узоқ бир хотира янглиғ эс-эс гавдаланар, ҳуштак чалиб, бошим устига эгилган шохларни қамчилаганча отимни ҳайдаб кетарканман, бу бефарқликка ҳайрон бўлардим. Уялиш лозим бўлган бир бефарқлик эди бу. Лекин бир-икки соат сўнгра оқшом палласи ҳам янгидан вужудимни қамраганини, ичимни ит таталай бошлаганини ҳис қилдим.

Бу ёмон ҳиссиётлардан қутулиш учун улар келмасидан олдинги кунлардаги ширин хотираларни, отамдан чўчиб, ҳар бири ҳар тарафга тўзиган Мариянтилар, Эленичалар, Пичаларни ўйлай бошладим. Ҳатто, не бўлса бўлсин, Рина билан ишни бироз пишитишни ўзимга-ўзим ваъда қилдим. Аммо буларнинг ҳеч бири менда кутилган юпанч ҳиссини уйғотмади, юрагимни жонсиз ва ҳаракатсиз оғир тошдек босаверди.

Шунга муқобил равишда ҳозир тоғнинг нариги бағрига тушаётган кексаларнинг қаерга борганларини, бунақа пайтларда бир-бирига айтиладиган тасалли сўзларини битирганларидан сўнгра, ҳар бири бошқа томонга тикилиб жим қолганларини, худди уларнинг ёнида тургандай, кўриб турардим.

Мактабда бир ўқитувчимиз бизларга юрак нима-лигини тушунтираркан, уни тортиб босиладиган насосга ўхшатган эди. Қон ўрнига туйғуларни ҳаракатга келтирадиган қалб ҳам ишлаши нуқтаи назаридан озми-кўпми худди ўшанга ўхшаган бир нарсадир. Ҳам ёки қувончларимизнинг ташқи сабабларида аниқ тафовут бўлмагани ҳолда, бир қарасангиз, оғир моддаларнинг ҳужумига гирифтор бўлган қалбнинг қопи ёрилгудай, бир қарасангиз, бир онда ҳаммаси кўринмас дарчадан ташқарига улоқтирилган, бўм-бўш ва тап-тақир...

Мен, яратилишим нуқтаи назаридан, латтачайнародам эмасман. Вақт-вақти билан мени қаттиқ хуруж-

лар тутмаган деб бўлмайди. Буларни ҳозир, ҳатто, кулиб айтаётирман. Бир марта, ҳатто, ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Лекин бу бошқаларга эмас, фақат ўзимга қарши бир хўжакўрсинга қилинган иш, қутқу бўлмаганига амин эмасман. Айрим кишиларда умр бўйи давом этадиган катта эҳтирослар ва юксак фикрлардан бенасиб қолганман. Айниқса, қирқдан кейин қота бошлаган томирлар, юқорида айтганим, ўткинчи хуружларнинг давоми ва шиддатини йилдан-йилга сусайтирмоқда. Бирон касалликка йўлиқмасам, тана ва асабларим номаълум бир балога учрамаса, бундан кейин келадиган ҳақиқий кексалик кунлари учун ҳам бундай таҳликадан заррача кўрқмайман.

Хулоса шуки, мендаги бос-торт насосининг ишлашида ҳозиргача, фақат бир истиснони айтмаганда, биронта нуқсон кўрилмаган.

Истиснога келсак, бугунгача одатдан ташқарида бўлган бу ҳол қизилча, қизамиқ, бўрма каби санокли болалар касалликларига ўхшар, хасталикнинг авж нуқтасига еттунига қадар ҳолат ўзгаришларидан ўтган ёш вужуднинг хасталик асоратидан азобланишини эслатар эди.

Онам билан отамни кузатиб қайтган ўша оқшомда мени домига олган бу хасталикнинг илк хуружларини улар келган куни ва яна тоғдан тушиб кетаётганларида ҳис қилгандим ва бу тутқаноқ кейинчалик ҳам мени бир неча бор озми-кўпми йўқлади. Лекин энг ғалатиси, бу галги бўҳрон йўлнинг деяли айни нуқтасида бошланган ҳамда онам ва отамдан биридан ажралиб қолишим мумкинлиги ҳақидаги фикр бунга туртки бўлганди. Бироқ бу сафаргиси воқеадан олдинги туйғуга ўхшаш алақандай гумон эмас, қатъий ишонч тарзида юзага чиққан эди. Анча вақтлар ўтгач, улардан ҳақиқатан ажралиб қолган кунларимда ўша оқшомдаги хаёлнинг изтироби қадар эзилган эмасман.

Бу бевақт ғуссанинг маъноси нима эди? Бевақт деганим шуки, бу романтик ғамни авваллари, яъни ма-

салан, уйдан ётоқли мактабга ўтган, анча кейинроқ, ёлғиз бошим билан Миласга сургун бўлиб келган кунларда ҳис қилишим керак эди. Ҳолбуки, мактабга борган кечаси ғам у ёқда турсин, шунчаки бегоналик ҳиссини ҳам туймагандим. Ҳўлланган, сўнгра қуриган тор ва калта уст-бошда, лойга беланган ботинкаларда, қулоғимга қистирган гилосларни соллантириб, бу тордан тушган оқшом ҳам озми-кўпми шундай бўлган.

Икки қариянинг бир неча кун уйимда қўноқ бўлиб, қайтиб кетиши қаеримга, нимага шикаст берган эдики, ҳижрон азобида бунчалик қаттиқ ўртанмасам? Ҳарқалай, мен соғлигида ҳеч билинмайдиган, лекин бирон жойи тешилган вақтда сал нарсага ҳам оғриқ берадиган тишга ўхшардим. Гап ўша тирқишнинг ўрни ва сабабини аниқлашда қолганди. Айтганимдай, кейинчалик ҳам бу ҳақда кўп бош қотирсам-да, буни ҳали ҳозиргача билолганим йўқ.

Хасталигим кундан-кунга аста-секин кучаяверди. Ҳеч нарсага қизиқмай кўйдим. Олдинлари жуда яхши кўрадиганим Черков маҳалласи менга ўтакетган чиркинлик ва қашшоқлик ўчоғи бўлиб туюларди. Теварак-атрофдаги одамлардан фақат Варвара Дудугина, у ҳам онамнинг ҳаётига алоқадор бўлгани учун, мени бироз ҳаяжонлантирар эди.

Боғчада отам бўяган ёхуд таъмирлаган тахта деворга, кўчада чарчаб, чўнқайган жойларга боқар эканман, тасвираб бўлмайдиган ғалати ғам-ҳасрат ва умидсизлик инқирози кўйнига тушардим.

Ўзимга мутлақо эътибор бермай кўйдим. Олдинлари юриш-туришимга ғоят эътибор берган ҳолда, энди сочларим ўсиб, таралмасдан ётар, шимимнинг почалари чанг-тўзонга беланар, оҳанжама бўйинбоғларим ёқасини кир босган, тугмаси узилиб тушган кўйлагим устида осилиб ётарди.

Енгимнинг тугмаси тушса, менга уни Варвара Дудуга қадатишдан кўра, илмоқ билан илиб кўйиш осонроқдек туюларди.

Бошмоғидаги тешикни оёғининг бармоғи билан кенгайтиришдан ҳузурлаган бир саёқдек, иплари боғланмаган ботинкамда сайр қилишдан кайф қилардим. Ишларим, идорадаги қоғозларим ва ҳисоб-китобларим ҳам ўлда-жўлда эди. Қашшоқлик ва дарбадарликка менда қандайдир иштиёқ ва эҳтиёж пайдо бўлганга ўхшарди.

Ҳозир кўча-кўйда дайдиларни кўриб қолсам, тутмаси бўлмагани учун бели ип билан боғланган камзулларига, у ер бу ери сўкилган пальтоларига тикиламан. Бу даражадаги девоналикни йўқлик ва қашшоқликдан бошқа нарсалар билан изоҳлайман.

Мендаги ўзгаришни биринчи бўлиб қаймақом сезди. – Худо ҳаққи айт, сенга нима бўлаётир, бўтам? – деб сўради ва жавоб олмагач, бир кўзини қисганча гапир кетди: – Яна маҳалладаги қизларнинг бири жигаримиздан урган бўлмасин. Мабодо, шундай бўлса, бунинг учун азоб тортишнинг ҳожати йўқ. Қайсисини истасанг, тўрт-беш аршин газлама эвазига... Буни қара, буни қара-я, сенга нималарни ўргатяпман ўзи?!

Шаҳардан кўра қирлар мени ўзига торта бошлаганди. Миласга нафасни қайтарадиган жазирамадан кейин ёмғирли куз мавсуми келди. Бош муҳандисдан руҳсат олиб, Кулик, Бодрум томонларда узоқ айландим, кўп кечалар йўл ишчиларининг чодирларида тунадим.

Касаллигимнинг бир нишонаси ҳам қир-адирлардан завқланиш, одамлардан қочиб, жониворларга яқинлашиш бўлса керак. Шу нуқтаи назардан, боши устида қушлар ин қурган девона Мажнунни бизнинг катта пиримиз ҳисоблаш лозим. Фақат у эмас, Фарҳод, Карам, Қамбарни\* ҳам, муайян аёл шаклида та-

---

\* Фарҳод, Қамбар (ёки Али қамбар) – туркий халқлар орасида машҳур севги дostonлари қаҳрамонлари. Карам – «Карам ва Асли» турк халқ дostonи қаҳрамони. Ривоятга кўра, ҳақиқий исми Мирза бўлган йигит тушида кўрган севгилиси Хонсултонни унинг боғида учратиб, ёноғидан ўпган пайтда

жаллий қилган савдолардан қочиш учун созини синдириб, чўлу тоғларга қочган машҳур бахшиларни ҳам шу қаторга қўшмоқ керак.

Бироқ ҳозирда онам билан отам, янада тўғрироғи, гоҳ униси, гоҳ буниси мен учун бир баҳона эди. Шу аснода яна улар билан бирга яшай бошласам, касалликдан фориғ бўлармидим? Менимча, йўқ. Тахминимча, бирининг тўшағи бошида, наригисининг тоқ қайчиси, бўёқ қутилари ёнида озроқ ўтиргандан кейин яна қирларга қочган ва узоқларда ҳасрат доғида ўртанган бўлардим.

Қаймақомнинг адабиётга иштиёқи фақат ёд олган байтларини такрорлаш билан чекланмасди. У янги китоблар ўқишдан ҳузурланар, тақилавериб ипдай бўлиб қолган галстугини алмаштирмайдиган даражада хасис ёки камбағал бўлса-да, Истанбулда янги китоб чиққанини эшитиб қолса, албатта, олдирадди.

Бояқиш ўзини менинг ақлий тарбиямга масъул деб билгани учун, бир томондан, хуснихат машқ қилдирар, эски байтларни ёдлатар, иккинчи томондан, бу китоблардан баъзиларини менга ўқитиш учун жон койитарди. Айниқса, дастлабки вақтлари «Рафаэль» деган роман таржимасини менга, албатта, ўқитаман, деб қаттиқ туриб олганди. «Жуда муҳим асардир. «Иқдом» газетаси танлов эълон қилиб, бу романни уч катта ёзувчига алоҳида-алоҳида таржима қилдирди. Уни дарс китобидек ўқишинг лозим, айни чоғда калималарни ҳам ўрганасан» дерди.

---

қиз «Карам айла, мени расво қилма» деб ялинади. Шундан кейин йигитга «Карам», қизга «Асли» деб ном беришади. Минг азобуқубатлар тортиб, севгилисининг васлига эришолмаган Карам охирида бир оқ урганида оғзидан отилиб чиққан оловда ёниб ўлади. Сочини супурги қилиб, унинг кулларини тўпламоқчи бўлганида кул ичидаги чўрдан ўт чиқиб, Аслихон ҳам ёниб кетади.

Уйимизда ҳеч ким китоб ўқимагани ва, зотан, «Нури Муҳаммадия» китоби ва Фузулий девонидан бошқа китоб бўлмагани учун менда китоб ўқишга ҳавас уйғонмаган эди. Қаймақом берган «Рафаэль»ни ўқир эканман, кўчада биронта қизнинг овозини эшитиб қолсам, дарров бир ишим чиққанини эслар, ўқиётган саҳифанинг четини буклаб, китобни бир четга отардим.

Бодрумда ишчиларнинг чодирларида ўтган кунларнинг бирида нимадир бўлиб, сумкамда қолган бу китобни очдим, жисмим ва руҳимнинг ҳар вақтдагидан кўпроқ ланж эканига қарамай, бу дафъа уни қўлимдан қўймай ўқиб чиқдим. Роман қаҳрамони, агар хотирам панд бермаса, Савуа тоғларида танҳо кезган, кечалари шалолалардаги бўм-бўш ва вайрона сув тегирмонлари ичида тунаган ва чўнтагидаги шамни ёқиб, китобини ўқиган менга ўхшаш бир йигит эди. Устига-устак у сил касалига йўлиққан бир аёлни севиб қолади. Кунларнинг бирида қайикда сайр қилишаркан, у қўлини арқонча билан қизнинг қўлига боғлаб, ўзини сувга ташлаб ўлмоқчи бўлади.

Ҳар ҳолда, бу роман менинг ўша вақтдаги хаста аҳволу руҳиямга мос китоб эди. Агар бу китобни олдинроқ ўқиганимда, моҳиятан ҳаётнинг ўзига оид бало-қазолар учун китоблар айбдор деб биладиган соддадил ахлоқчилар сингари, мен ҳам, балки, ноумидлигим учун айбни қисман китобга ағдарган бўлардим.

Бояқиш қаймақом тишини тишига қўйиб, «Рафаэль»ни яна бир марта ўқишим учун шунчалик оёқ тирадики, китобни кундузлари дарахт соясида ёки ғорларда, кечалари атрофини қанотли ҳашарот булутлари ўраган чодир фонуслари ёруғида ёдламоқчидай такрор-такрор ўқирдим. Касаллигимнинг бу илк даври, романимнинг қаҳрамони сингари, тоғларда кезаркан, йиқилиб оёғимни синдириб олган кунга қадар давом этди.

Бу фалокат кичикроқ сой ёқасидаги харсангнинг биридан иккинчисига сакраган вақтимда содир бўлди. Юзим, қўлларим шилинган, ўнг елкам билан чап оёғимда енгил оғриқлар бор. Оёғимнинг оғриғи ва уюшганига унча парво қилмай, юзимда из қолдириши мумкин бўлган яраларга кўпроқ эътибор бериб, сув билан ювдим. Бир дарахтдан синдириб олган таёққа таян-таяна пастдаги чодирлар томонга тушдим.

Ишчиларнинг ҳарпутлик ўнбошиси биринчи ёрдам кўрсатиб, яраларимни боғлади. Қирилган жойлардан ҳануз қон сизаётган яралар устига тамаки босди, сўнгра оёғимни ўз усулида уқалаб қўйишни фойдали деб билди. Ишчилардан бирига мени белимдан ушла-тиб, оёғимни бор кучи билан бир неча бор тортди. Шу билан агар оёғим чиққан бўлса, яна жойига солиб қўйган бўлди.

Чодирдаги тўшагимга узанган вақтимда эртасига соғайиб, оёққа туриб кетишимга шубҳам йўқ эди. Аммо ярим кечага яқин мени қаттиқ иситма тутди ва болдиримнинг тиззамга қадар бўлган қисми эрталаб-гача анча шишди. Яхшиямки, ўша вақтлари Миласда ҳарбийларни даволайдиган иккита доктор бор эди ва уларнинг бири жарроҳ эди.

Суяк аҳамият берадиган даражада синган экан. Йигирма кунгача қимирламай ётишимга қарор берилди.

Қаймақом мендан ва мендан кўпроқ ўша кечаси чодирда оёғимни солиб қўйган ўнбошидан қаттиқ жаҳли чиқди. Бояқиш бир лаҳза ҳам бошим устидан кетмайдиган даражада вафодорлик кўрсатаётган бўлса-да, ҳадеб:

– Баттар бўл... Худо ҳаққи, хурсанд бўлдим, – деди. – Қайсарлик қилдинг. У ерларда сенга пишириб қўйиб-дими? Ўзинг аҳмоқлик қилдинг, ақлсиз бошининг жафосини оёқ тортади, дейдилар. Мақол сўзма-сўз тўғри чиқди. Кўрасан, чўлоқ бўлиб, ҳассага таяниб юрасан

ҳали... Лекин шу ўнбоши деган тўнғизни кўрган заҳоти башарасини уриб ёрмасам, одам эмасман. Йиқилган вақтингда синиқ-миниқ бўлмагани аниқ. Ўша тўнғиз оёғингни тортиб, синдириб қўйган. У-ку бир каллаварам экан, лекин эс-ҳушли, саводли бола бўла туриб, ўша тўнғизга ўзингни даволатганинг учун яна баттар бўл...

Касалхонада оёғимни ўраб боғлашгач, Салимбей замбилда опчиқтириб, аравага миндирди, ўзи қаршимдан жой олди.

Бироздан кейин араванинг бошқа томонга бурилганини кўриб:

– Йўлдан адашдик, шекилли, – дедим.

Салимбей:

– Йўқ, тўғри, – деди, – бизникига кетяпмиз.

Мен ташвишландим:

– Йўғ-эй, бейафанди, қандай бўларкин?

У бироз қовоқ солиб, менга дашном берди:

– Қандай бўлишини сиздан сўраганим йўқ-ку. Бу ерда мен бор эканман, бошқа жойда даволанишингиз мумкинми?

– Бейафанди, менинг уйим у ёқда...

– Буниси ҳам ўз уйингиз. Мен акангиз эмасманми? Бурсалик мингбоши икковимизнинг ҳам отамиз эмасми? Болалик қилманг. Яхшими, ёмонми, бир доктор назорати остида бўлишингиз лозим. Қолаверса, катта опа сизга Варвара Дудудан яхшироқ қарайди.

Салимбей туркча сўзлаган вақтларида сингилларининг исмини тилга олмас, «катта опа», «кичик опа» дерди.

Доктор хасталик давримда менга ҳақиқатан ўз оиласи аъзосидек ғамхўрлик қилди.

Хонам уйнинг иккинчи қаватида жойлашганди. Бу хона ўша вақтда Измирда бўлган кичик опага, яъни Афифага қарашли эди. Дераза қаршисидаги кроватимда ётиб, хонанинг бир қисмини, Кулик ва Ойдин йўллари айрилган нуқтани ва Монастир тоғини кўришим мумкин эди.



Катта опа менга ҳар қандай профессионал ҳамширадан кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиб, парвариш қилди. Бу бечора, ўз ҳаётида машғул бўлишга арзирли нарса қолмагани учун, бошқаларга кўмаклашиш билан ўзини овутадиган ноумид аёллардан эди. Вақтинча бўлса-да, азоб тортаётган киши бўлганим учун мени ўзига яқин олди ва яхши кўриб қолди.

Юзимга қўнган пашшаларни елпишга қадар устимда парвона бўлар, ёлғизликдан зерикмаслигим учун ҳадеб ишини ташлаб ёнимда ўтиришга келарди.

Лекин мен билан сўзлашай деса, туркчани яхши билмасди. Ажабо, билган тақдирда ҳам, билмайман, узоқ вақт бир-биримизга айтадиган гап топармидик?

Ўрганиб кетгани учун сукут қилишдан зерикмаслиги кўриниб турарди. Яна-да ғалатиси, жим ўтиравиришдан сиқилиб кетишим мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Катта опа деворда чиқиллаган соат, ўчоқ бошида хуриллаган мушук ёлғиз киши учун етарли нарса эканига ишонадиганлардан эди ва, ҳар ҳолда, унчалик ноҳақ ҳам эмасди.

Ора-сира иши бўлмаган вақтлари тинмай тўқиган каштасидан, мен бўлсам, тўхтовсиз варақлайверганим учун куз япроқлари сингари сарғайиб, буришган саҳифалардан бош кўтариб, кўзларимиз тўқнашиб қолса, у сал кулимсирар, бироқ эркакларнинг кўзига узоқ боқишга ўрганмагани учун кўп ўтмай, бошини эгиб оларди.

Гоҳо, мени чарчаган деб ўйлаб, каштасини тиззаларининг устига ташлаб, қўлларини кўксига қовуштирганча, биров калта бўйнини ташқаридаги манзара томонга бурган пайтлари ҳам бўларди.

Кўп бора Варвара Дудуда ҳам кўрганим бу ҳол менга ноумид қолган барча аёлларга хос ҳолат бўлиб кўринар ва бундай лаҳзаларда катта опага нисбатан ҳис қилган шафқат туйғум унинг менга нисбатан ҳис қиладиган шафқат туйғусидан кам бўлмасди.

Шу билан бирга Салимбейнинг уйида ётарканман, ташқари билан алоқам бутунлай узилиб қолгани йўқ. Хусусан, Варвара Дуду деярли ҳар куни мени кўрган келарди. Бояқиш қариқиз бир марта Стематула билан Пичани ҳам эргаштириб келди. Мен ройиш кўрсатсам, балки наригиларини ҳам олиб келган бўларди.

Хусусан, фалокатга учраганим Черков маҳалласида катта ҳаяжон уйғотган эди. Бош поп билан оқсоқол Лефтер афанди ҳали касалхонада ётган вақтимдаёқ кўшнилари номидан мени расман кўриб кетишганди.

Варвара Дуду ҳар гал кичкина шишаларда норанжа пўстидан махсус тайёрланган шарбатлар, бинафша ликёрлари олиб келар, улар орасидан баъзан қиз дўстларимнинг катта-кичик гулдасталари, ўз кўллари билан тўқиган рўмолчалари каби совғалар чиқарди.

Варвара Дуду бошқа жойда ётиб даволанишимдан қаттиқ ранжиган, буни ўзи учун ор-номус деб билган эди.

Уй эгаларининг ёнида ғоят хушомадгўй бўлса-да, хона бўш қолди дегунча, дарҳол уларга қарши нима-ларнидир сўзлашга киришарди.

– Беморнинг тагига ўзимизнинг юмшоққина сатинимиз турганда, буйрадек дағал чойшаб ҳам ташлайдими? Графиндаги сувнинг ҳаммом сувидан фарқи йўқ-ку! Чанқаган пайтингда сенга шу сувни ичиришадими, а? Мен сенга яхшироқ қарамасмидим?

Шу кунлари мени тез-тез йўқлаб турганлардан бири қаймақом эди. Икки-уч кунда бир марта, ташқаридаги об-ҳавога мос равишда, ё чанг-тўзонга ёки лойга беланиб, хонамга кириб келар, кўлидаги пакетни тўшагимнинг устига отиб, соатлаб ўтирарди.

Қаймақом Варвара Дудуга ажойиб ҳазиллар қилар эди. Хонамда у билан кўришиб қолса, гоҳ кулиб, гоҳ қошларини чимириб, гапга киришарди:

– Ҳой қиз, сен яна шу ердамисан? Мен бу ишдан шубҳалана бошладим. Сен Кегам раҳматлининг бош-

могини томга улоқтириб, бу келишган йигитни ўйнаш тутганга ўхшайсан, шекилли.

Қарикиз ҳазилга ҳазил билан жавоб берса, масала ёпилган ва, балки, қайтиб бу ҳақда оғиз очилмаган бўларди. Лекин Варвара Дуду гапни жиддий деб ўйлаб, уялар, сиқилар ёхуд жаҳли чиқар ва бизни соатларча кулдирадди.

Бу қанақа қаймақом ўзи? Бунақа бўлмағур сўзлар сўзлаш унингдек кап-катта, ўқиган, саводли зотга ярашадиган ишми? Фоний дунёдан кечган, эллик ёшига кирган Варвара Дуду жимжилоқдай бола ҳақида бунақа фикрга бориши мумкинми? У мени яхши кўрган бўлса, ўз укасидай, ўғлидай яхши кўради.

Қаймақомнинг ҳадялари китобдан иборат эди. Бечора китобларини кийим-бошидан ҳам яхшироқ кўрса-да, қўлимдаги «Рафаэль»нинг кирланиб, титилганидан мамнун бўларди. Чунки бу менинг ўқиган одам бўлаётганимнинг аломати эди.

Қоғоз халтадан роман ёки тушунишим осон бўлган шеър мажмуасини чиқариб, ёнимга қўйгандан кейин сўз бошларди:

– Жума куни ташлаб кетган «Иффат» қандай?

– Ўқидим.

– Ана ёлгон таширатган сулма...

– Нега энди ёлгон сўзлашим керак, афандим?

– Ўқимасдан туриб «ўқидим» дейиш энг катта ёлгон бўлгани учун. Қара, ҳозир сени бир қўлга туширайки... Бир кўрайлик, «Иффат»даги докторнинг исми нимаиди?

Мен кулиб, докторнинг ва романдаги бошқа шахсларнинг исмини айтдим.

– Баракалла, худди мен истагандай ўқий бошладинг. Лекин бунинг учун оёғинг синиши керак экан-да.

«Бир ёмоннинг бир яхшиси ҳам бўлармиш».

– Яқинда туриб кетаман, афандим.

– У пайтда бошқа йўлини топаман... Сен сургундасан. Мен бу ернинг қаймақоми эмасманми? Бу жило-

винг кўлимда демак. Бир ёлфончилик қиламан. «Қочишга урингани учун абадий турмада ўтириши лозим» қабалида бир қоғоз қоралайман-у, сени бир жойга зиндонбанд қиламан. Истайсанми, йўқми, ўқийсан. Мен ўйлайманки, бироз ўқиганимизда бу ҳолга тушмаган бўлурдик. Майли, бир гап бўлар, сенга бугун «Аскар ўғли»ни олиб келдим, уни ҳам ўқишинг даркор. Машҳур Аҳмад Расимбейнинг асари. Бош қаҳрамони сенинг отангга ўхшаш бир ҳарбий. Аммо, табиийки, у жуда ёш, гўр, хизматни эндигина бошлаган пиёда мулозими.\* Романда олижаноб ва фариштадек қизни кўрасан. Қаллиғи 313 жангида чўлоқ бўлган бўлса-да, унга тегади. Айниқса, шундай бир жойи борки, қойил қоласан. Қўлтиқ маросимида\*\* келин эрининг чўлоқлигини билдирмаслик учун уни шундай усталик билан қўлтиқлаб, пиллапоялардан баайни қушдек учириб ўтадики, ўх, афандим, ўх!

Қаймақом кўча бошида қавариқ малҳами, доғ кетказадиган совун сотадиган сайёр сотувчилар каби, молини мақтаганидан ва менда романга озми-кўпми қизиқиш уйғотганига ишонч ҳосил қилганидан кейин келажақдаги ишлар учун ваъдалар қилди:

– Ҳозирча сен буларни ўқи. Кейин сенга янада каттароқ асарларни ўқишга бераман. Адашингнинг «Жазми»си, измирлик бир ёш ёзувчининг «Мовий ва Қора» номли ғоят гўзал романи бор. Уларни ўқисанг, дунё асрорларини англайсан.

Қаймақомнинг ҳар келишида роман қаҳрамонлари исмини сўрашдан иборат имтиҳонидан озми-кўпми муваффақият билан ўтишимга қарамай, мен бошқа асарларни шунчаки юзаки варақлаш билан чекланар ва яна «Рафаэль»ни кўлга олардим.

---

\* Мулозим – лейтенант.

\*\* Қўлтиқ маросими – тўйда куёв келинни қўлтиқлаб меҳмонлар орасидан олиб ўтадиган маросим.

Қаймақом бир-икки марта китоб ўрнига Кулликдан эндигига келтирилган тирик балиқ олиб келганди. Бечора мени кўрсин деб балиқларни хонамга қадар олиб келганидан сўнг, туркча билмайдиган оқсочни чақирар ва узундан-узоқ таъриф-тавсиф қилгач, балиқни ўз қўли билан унга топширарди.

Балиқ пишган кунлари Салимбей, табиийки, қаймақомни ҳам кечки овқатга олиб қолар ва у билан ҳазиллашарди:

– Қаймақом, биласанки, олиб келган балиқларингни ўзингга едирмагунча кетказмаймиз, ҳатто ҳайдасам ҳам кетмайсан. Нега бу ёққа келаётганинда уйингдагиларга қаерда эканингни айтмайсан, оқшом палласи сени қидиришга мажбур қиласан?

Қаймақом ҳадеб соатини чиқариб, «Мен кеч қоламан» деб бақирар ва ҳар гал унга ўн дақиқалик охириги муддат берилса-да, кўпинча ярим кечадан ўтганда кетарди.

Бу кекса одамни нашъали десак, том маъноси билан нашъали эмас, закий, маълумотли, шоир десак тагин том маънода шоир эмас эди. Бечоранинг ҳамма нарсаси, бўйи каби, ярим эди. Лекин унинг кишига доимо бир нарсалар ваъда қиладиган ва куттирадиган феъли-ҳуви бор эдики, у билан утган вақтларнинг доимо кўнгилдагидек бўлганига ва тез ўтиб кетганига ҳайрон бўлардингиз.

Ўйлайманки, у билан ҳозир учрашиш мумкин бўлганида мени айни ҳаяжон билан бир жойларга судраб олиб борган ва элик ёшимда энди ҳеч қандай асрору қизиқиш қолмаган бир ҳолимда ҳам мени нималарнидир куттиришга муваффақ бўлган бўларди.

\* \* \*

Салимбейларникида бетоб ётганимнинг иккинчи ҳафтаси эди. Бир куни ярим кечаси бош учимдаги шамни ҳали ўчирмасимдан сукунат қўйнидаги уйда ғалати ҳаракатлар бошланди. Боғдаги Флора тўхтамай

хура бошлади, хоналарнинг эшиклари очилиб ёпила-  
верди, пастдаги айвондан кимларнингдир қаттиқ-  
қаттиқ сўзлашгани эшитилди.

Баъзи кечалари шаҳар ташқарисида тамаки кон-  
трабандачилари билан посбонлар орасида тўқнашув-  
лар содир бўлар, эртасига бир-икки киши ўлгани ёки  
яралангани маълум бўларди. Калламга биринчи кел-  
ган нарса Салимбейнинг олдига шаҳарча касалхона-  
сига олиб бориб бўлмайдиган даражада оғир яралан-  
ган кишини олиб келишган бўлса керак, деган ўй бўлди.  
Аммо, шуниси ғалати эдики, пастда эркаклардан кўра  
аёллар кўпроқ шовқин кўтараётган эдилар. Бироздан  
кейин улар юқоридаги айвонга чиқишди ва мунозара  
энди юнонча давом эта бошлади. Нима дейишаётган-  
нини, табиийки, тушунмаётган эдим. Аммо Салимбей-  
нинг жуда жаҳли чиққани, катта опа ҳаяжондан  
бўғриқаётгани сезилиб турарди.

Яна-да ғалатиси, бу даҳанаки жангда оқсоч ҳам иш-  
тирок этаётган, Салимбей ора-сира «овозингни ўчир»  
деб ўшқирса-да, парво қилмаётган эди.

Шу орада қулоғимга таниш овоз, Афифанинг саси  
эшитилди ва шу ондаёқ нима гаплигини тушундим.

Бояқиш кичик опа бу дафъасида ҳам Измирда  
ўтиролмаган ва, ким билади, нимадир бўлиб, ёнфин-  
дан қочгандай, ярим кечаси Миласга қайтиб келган  
эди.

Тўғриси айтиш керак бўлса, шу лаҳзада ўз вазия-  
тимни бу бадбахт ёш аёлникидан бешбаттар деб бил-  
дим. Ётган хонам, ҳойнаҳой, уники эди. Унга бошқа  
хона топиб беришларига шубҳа бўлмаса-да, бир ёш  
йигитнинг эридан ажралиш арафасида турган жувон  
билан бир уйда яшаши ғалати туюларди. Ҳар ҳолда,  
эртадан қолдирмасдан Салимбейга вазиятни тушун-  
тириб, арава чақиртириб, Черков маҳалласидаги ижа-  
ра уйимга кўчишим лозим.

Масала, мен ўйлаганимдан кўра, жиддийроқ бўлса  
керак. Баҳс-мунозара бир соатдан кўпроқ давом этди.

Салимбей жим қолди дегунча, катта опа сўз бошлар, у гапини тугатгач, оқсочга навбат келарди.

Гоҳида ҳаммаси бараварига гапирар ва ўшанда шовқин бирданига кучайиб кетарди.

Афифага келсак, у кўпам сўзлайдиган аҳволда эмасди. Ора-сира ҳаммасидан паст овозда сўзлай бошлар, лекин кейин тўсатдан хўнграб, кейин жим бўларди.

Бир ора шовқин бирдан тўхтаб қолди. Кимдир айвон ёнидаги тор даҳлизга кириб, аста-аста эшигимга яқинлашди, ўн беш-йигирма сония турганидан сўнгра яна оёқ учида юриб, орқага қайтди. Уйда бегона одам борлиги эндигина эсларига тушган бўлса керакки, ҳарқалай, буни унутиш масаланинг жиддийлигидан бошқа нарсанинг далолати эмасди.

Айвондаги баҳс-мунозара шундан кейин шивир-шивир тусини олди ва сал ўтгач, уй яна сукунатга чўмди.

Эртасига эрталаб Салимбей билан катта опа биргаликда хонамга кириб келишди. Юз-кўзларидаги чарчоқ аломатидан улар кечани беҳаловат ўтказганликлари билиниб турарди.

Ҳар икковида ҳам менга нисбатан хижиллик аломатини сезиб, вазиятдан чиқишга ҳаракат қилдим. Ўзимни ҳеч нарса сезмаганга, сезган бўлсам-да, ҳеч нарса тушунмаганга солиб:

– Бир нарса сўрамоқчи эдим, кечаси алламаҳалда кимларнингдир сўзлашгани қулоғимга чалинди, – дедим. – Юнонча бўлгани учун, табиийки, тушунмадим. Фақат гапирганлардан бирининг сасини Афифа хонимнинг овозига ўхшатдим.

Салимбей:

– Ҳа шундай, ярим кечаси тўсатдан кичик опа келиб қолди, – деди.

Ўйинни яна давом эттиришга уриниб:

– Ярим кечага қолганига қараганда, арава фалокат-малокати бўлмагандир, иншооллоҳ, – дедим.

Катта опа изоҳ бериш учун мақбул баҳона топганига хурсанд бўлиб деди:

– Ҳа, арава кўп ёмон... Отлар, нима десам экан, кўп чатоқ... Тоғда оёқ билан юрдилар кўп... Хаста бўлдилар ҳаммаси...

Салимбей сингисининг заиф туркча билан ёлғонлар тўқишга уринганидан жаҳли чиқди ва юнончалаб юмшоққина дашном берди. Сўнгра мендан узр сўрагандай бир тарзда:

– Сиз ёт эмассиз, – деди, – сиз бизга укасиз. Сизга ёлғон сўзлаш аҳли вафога номуносиб эканини катта опага тушунтириб қўйдим... Бир оилавий ихтилоф бор. Бир воқеа бўлиб, Афифа бизга телеграмма ҳам юбормай, йўлга чиқишга мажбур бўпти. Яхшиямки, бир танишимизга йўлиқибди. Кечгача, албатта, бу ерга етиб олиш учун Ойдиндан кеча тонгга яқин йўлга тушишибди. Арава фалокат-малокати бўлмаган...

Бояқиш Салимбей менинг дуч келган ёлғонга алданишимни вафо аҳлига номуносиб деб билган эди. Лекин ундан ҳам ўтиб, ҳамма гапни айтиш оиланинг ўшандай кучли сир сақлаш анъанасига ҳам мувофиқ бўлмасди. Шунинг учун кичик опани телеграмма юборишни ўйлаб ҳам ўтирмай, ҳам ичида бу томонга жўнашга мажбур қилган ҳақиқий сабабни шундан кейин менга на биров айтди, на мен сўрадим.

Сўхбатимизнинг охирида ўзимни гоёят яхши ҳис қилаётганимни ва энди Черков маҳалласига қайтмоқчи эканимни айтганимда Салимбей оила бошлиғига хос салобат билан мени яна бир марта уришиб берди ва журъатимни сўндирган овозда:

– Вақти келганида буни ўзим сизга айтаман, – деди.

### XIII

Афифа ўша куни оқшомга яқин хонамга кирди ва кроватнинг оёқ учида туриб, ҳол-аҳволимни суриштирди.

Юзига қараганда, дам олганга ўхшарди. Кечаги танглиқдан кейин узундан-узоқ ювингани юзининг



қизиллиги ва майда-майда ўрилган сочларининг хўллигидан билиниб турарди.

Пешиндан сўнг хонамга ҳеч келмаган катта опа уни ёш гўдакдай тиззаларининг орасига олиб, соатлаб сочларини ўриб, тасалли берган бўлса керак.

Хонага кирган вақтида чақнаётган кўзлари ва овозидаги хурсандчилик мени бироз шошириб қўйди. Ўзи ҳам шундай бўлишини хоҳлаган эди, шекилли. Эҳтимол, эшикни очишдан олдин даҳлиздаги тошойнада ўзига оро берган ва буни машқ қилган. Шу билан биргаликда, мен ҳам ётган жойимда артистлик қилиб, ундан қолишмаётган эдим. Эрталаб Салимбей билан катта опага нисбатан ўйнаган ўйинимни унга ҳам такрорладим ва ўзимни ўз дардимдан бошқа нарсани ўйламаётганга солдим.

Икки кўли билан кроватнинг оёқ учидаги темирларни ушлаб туришидан дарров қайтиб кетмоқчи экани билиниб турарди. Лекин мен оёғимдан шикоят қилдим дегунча, фикрини ўзгартирди, оҳистагина дераза томонга юриб, ҳар доим катта опа ўтирадиган оромкурсига ўтирди.

Фалокатга йўлиққанам унинг учун ҳали янгилик эди. Тоғда қандай йиқилганим, биринчи кечани чодирда қандай ўтказганим, ўзимни ўнбошига қандай даволатганимга оид тафсилотларни аввалига чинакамига берилиб тинглади. Бироқ, кўп ўтмай, кўзларида ҳорғинлик, хатти-ҳаракатларида сустлик аломатлари зоҳир бўла бошлади.

Юзи шундоққина кўз ўнгимда сўлғинлашди, манг-лайида, дудоқларининг чеккаларида ажинлар, қовоқларининг остида кўкимтир ҳалқалар пайдо бўлди. Ҳатто, соч толаларининг айримлари оқара бошлади. Агар моддий томондан бу мумкин бўлмаганида, бу сочларнинг кўз ўнгимда оқаришига ишонмаган бўлардим.

Ора-сира уйқудан уйғониб кетгандек, сесканиб қаддини ростлар, охирги сўзларни такрорлаб ёки са-

вол бериб, мени тинглаётганини кўрсатиб қўймоқчи бўларди.

Ниҳоят, борган сари кучаяётган бу ҳорғинликка бас келолмаслигини тушунди ва оёққа қалқди, кўзлари яна хонага кирган вақтдагидек, равшан тортиб, жавон устидаги романларни кавлаштирди.

Улардан бирини олиб кетиб, ўқимоқчи эканини айтди дегунча, «Рафаэль»ни тавсия қилдим. Лекин, шу заҳоти пушаймон бўлганим учун, китобни узатган заҳоти орқага тортдим. Яхшиямки, у бу китобни олишни истамади. Балки китобнинг катталиги ёки саҳифалари кирланиб кетгани учун олгиси келмагандир. Унинг ўрнига, ҳозир номи эсимда йўқ, қирмизи муқовали романи олди ва хонадан чиқиб кетди.

Кун кетидан кун ўта бошлади. Бўҳрон аста-секинлик билан давом этаётган эди. Лекин уйдагиларнинг юриш-туришида буни ошкор этадиган ҳеч қандай аломат кўринмасди. Кейинги кунларда Критдан келган айрим ёмон хабарлар Салимбей учун биринчи ўринга чиққанди. Доктор шахсий ташвиши, қалбининг бир бурчагида ўзини беҳаловат этадиган масаласи бўлмаган кишиларга хос ҳаяжон билан бу хабарларни тушунтирар, баҳслашар, ҳукуматдан ғазабланиб, оғзидан ўт сочарди. Бошқа томондан, катта опа ҳам шу йўсинда қишга қизгин тайёргарлик бошлаб юборган эди. Юнон деҳқон аёллари сингари, бошини қора мато билан боғлаган, этагининг почаларини белбоғига қистирган, совқотгани учун яланғоч қўллари ва оёқлари сабзидек қизарган ҳолда уйдан боққа, боғдан уйга бўзчининг мокисидай қатнаб, ўчоқ мўриларини тозалатар, узум япроқлари ва зайтундан тузлама ҳозирлар, дарахтлардаги охирги ҳосилни тўплатиб, меваларини қуритишга остирар, тахта каравотларга тўшалган матолар устига кесма хамир, помидорларни, бизнинг ёнғоқли колбасага ўхшаш узум елимшакларини қоқи қилиш учун ёярди.

Катта гавфо чиққан вақтларда уйнинг асосий аъзоларидан бири салоҳиятида оила мажлисларига қатнашган ва хўжайинининг «овозингни ўчир» деб ўшқиршига қарамай, бақира-бақира ўз ўй-фикрини айтган Мина (Амина) яна ўша кундалик ҳаётдаги аҳамиятсиз оқсоч мавқеига тушганди.

Афифага келсак, у ҳам бир неча кун ичида анча ўзига келиб қолди. Фақат бошдан ўтказган бўҳрондан қолган енгил саросима, денгиз тўлқинларида узоқ вақт чайқалгандан кейин қирғоққа чиққанларнинг гандираклашларига ўхшаш бир ҳолати бор эдики, булар, негадир, ҳануз ўтиб кетмаётган эди.

Кўпдан буён болаларнинг бир ожизлигига эътибор бераман. Улар ўзларидан икки-уч ёш катта баъзи болаларга қойил қолиб юришади ва бу болаларга, улардан анча катталарга қараганда, осонгина бўйсундилар.

Кичик опа менга қандайдир таъсир ўтказар эди. Биринчи марта меҳмон бўлиб келганимиздан бери мен унга ҳаддан ташқари аҳамият берар ва суҳбатлашарканман, баъзида гапираётган гапларимни унутиб қўядиган даражада тортинар эдим.

Ниҳоят, Салимбей билан катта опанинг синглиси бўлгани туфайли вазминлиги ва сокинлиги менга сирли улугворлик яломати бўлиб туюлар, бу ҳаётда ҳам даги бор журъатни синдирарди.

Бунда, балки, эндигина вояга етган ўсмирларга хос хасталик бўлган писанд қилинмасликнинг, кўҳлик ва аслзода аёлга кулгили кўринишдан кўрқишнинг ҳам роли бор эди. Шунинг учун Афифа билан орамизда (Салимбей, катта опа ва қаймақом билан бўлганга ўхшаш) дўстлик юзага келиши мумкинлигини тасаввур этолмас, узоқ вақт юзма-юз ўтириш мажбурияти чиқса, ўқувчиларини хусусий сайрга олиб чиққан мудир билан сўзлашиб қолган мактаб боласидай тилим тутилиб, анграйиб қолишдан чўчир эдим.

Ниҳоят, унинг бола десанг болага, катта десанг каттага ўхшамайдиган, бу иккиси орасидаги бир ажойиб

жонзодга қандай муомала қилиши ва қандай сўзлаши кераклигини белгилаб олиши ҳам осон эмасди. Хонамга ҳар киришида доимо оёғимнинг аҳволи қандай эканини сўрар-сўрамас, кетишга чоғлангандай ҳолатда қўларини кроватнинг темирларига тираб туриши, балки, шунинг натижаси бўлса керак. Аммо икковимиз ҳам сўзлашадиган мавзу топишга уринмасак-да бамисоли ўз-ўзидан калласига келиб қолгандай, бир нарсалар ҳақида сўз бошлар, деярли фарқига бормаи илк вазиятини ўзгартириб, хона ичида айланар, опасининг курсисига ўтириб қоларди. Боз устига баъзи келишларида шу қадар узоқ қолиб кетардики, келган чоғида қуёш уни бу оромкурсини бироз чеккароққа суришга мажбур қиладиган даражада кучли нур сочган бўлса, ёнимдан айрилган вақтлари қош қорайган, чироқлар ёнган бўларди.

Катта опа билан каттакон чинни хумга тўлдирган куз мевалари шарбати каби ҳеч тотини ва бўйини йўқотмайдиган классик мавзуимиз бор эди, яъни қаймақом менга, мен унга берган романлар ҳақида суҳбатлашар эдик.

Бизнинг замонамизда танқид ҳали урф бўлмаганди. Ўқиган асаримизни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилар ва маъқул бўлган жиҳатларини бир-биримизга қайтадан айтиб берардик.

Афифа гапдонлик борасида опаси ва акасидан катта фарқ қиларди. Сўзга бошладими, фикр ва сўзлар осонгина қуюлиб келар ва дуч келган бир мавзу ҳақида у ердан бу ерга сакраб, узоқ сўзларди. Унинг айтган сўзларини бошқа бировдан эшитсам, билмайман, қандай деб топган бўлардим? Таҳсил ва фикрлаш савиям уникидан озгина баланд бўлганлиги учун, эҳтимол, анча оддий деб топган бўлар эдим. Лекин, айтганимдай, ёшимиз ўртасидаги фарқ, турмушга чиққан ва болали аёл вазияти ва, балки, Сқлавакилар хонадонининг ўша маълум воқеалар туфайли орттирган обрўсига аввалбошдан тан берганим учун, унинг

ҳар бир сўзини деярли ҳайрат билан тинглардим. Ўрганиб қолганим учун, унинг сукутга тушишидан чўчий бошлагандим. Опаси каби, у сал бўш қолди дегунча, чўнтагидан мато чиқариб, кашта тўқишга тушиб кетарди.

Бир куни нима тўқиётганини сўрадим.

– Шунчаки бир нарса, – деди, – кўйлак ёқаси.

– Ўзингизгами?

– Йўқ, кичкинага... Измирга юбораман.

Овозида ва туриш тарзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса-да, қовун тушириб кўйдим, деб қулоқларим-гача қизариб кетдим.

У қуёш томонга ўтирилиб, каштаси устига эгилганча, сукут сақлаган вақтларда мен ҳам китобимни очиб, ўқишга тушиб кетардим. Аммо, кўп ўтмай, кўзларим ғайриихтиёрий равишда сатрлардан айрилар, сал қимирлаши билан опқочишга тайёр ҳолда юзига тикиларди.

Кичик опанинг чеҳрасига диққат билан боқиш учун бундан яхши фурсат бўлмасди. Унинг чеҳраси ён томондан қараганда рўпарадан қарагандагига нисбатан жуда бошқача, гўзал кўринарди. Деразадан ўтиб ён томондан тушаётган нур, мен томондаги ёноғини сояда қолдираётган бўлса-да, бу бошнинг – пешонасининг уст қисмида сариқ, қуш тукидек майин сочлари бошланган нуқтадан – бўйин чуқурчасига қадар бўлган қисмини, худди рассом қалами остида аниқ ва маҳорат билан чизилган асардек бўрттириб кўрсатар, катаклари нозик, грекларникидай қирра бурнини суяклари кўринадиган даражада шаффофлаштирарди.

Бола ахлоқи, ривоят қилганлари қадар, соғлом нарса эмас. Бу лаҳзаларда кичик опа ҳақида ўйлаганларим опаларнинг каттасими, кичигими, бундан қатъи назар у ҳақда хаёлга ҳам келтириш мумкин бўлмаган ва, айниқса, Салимбей ҳар икки гапининг бирида такрорлайдиган бечора аҳли вафонинг на маъносига, на оҳангига ярашадиган нарсалар эмас эди.

Ўйларим у ёки бу даражада деярли ҳамиша бир хил бўларди: Афифа турмушга чиққан жувон, боласи бор. Бу бола осмондан тушмаган. Демак, кичик опанинг Варвара Дудунинг деворидаги мумқоғозга чизилган Биби Марям тасвирига ўхшаш мунислигига ишонмаслик даркор.

Тўрт йиллик турмушида, ким билади, бунақа хуфтон вақтларида хонасида неча марта эри билан ёлғиз қолган ва ораларида, эҳ-ҳэ, нималар, нималар бўлмаган...

Бу дақиқаларда нур унинг чеҳрасига яна чизиклар чизишда давом этади, юзининг бериги томонларига бироз ёйилиб, уни бамисоли мой ва зардек жиллантиради. Нозик бурун катаклари ҳам ҳануз ўшандай пушти ва шаффоф. Юмилгандай туюладиган киприкларининг учидаги бир томчида зиё шуълаланади, лаъдай қип-қизил дудоқларининг четида ва устки тишларида ҳам нам ялтирайди...

Ўша дақиқалардаги тушунчамга кўра, Рифқибейнинг, ҳаттоки, бир кеча бу ёш аёлдан узоқ яшашга жазм қилиши ҳам Оллоҳнинг ақл бовар қилмас жумбоқларидан бири эди.

Шу билан бирга, унинг хос хонасида чала-чулпа кўрганим фотосуратдаги Рифқибейнинг немисларникидай қора мўйловли, ўртасидан фарқи очилган жингалак сочли юзи, кўп ўтмай, ўртадан кўтарилар ва Афифа билан хилватда юзма-юз қолар эдик.

Лекин бир оқшомда у юзига қўнган кўринмас ҳашаротдан беҳаловат бўлгандай, оний силкиниб, бошини кўтарганида шунчалик ёмон қўлга тушдим ва шарманда бўлдимки, кейинчалик нечоғли қулай шароит бўлса-да, унинг юзига бунчалик ошуфта қарашга юрагим бетламади.

\* \* \*

Қаймақом кун ора мени йўқлашда давом этар ва келган вақтлари ёнимда Афифа ўтирганини кўрса, хурсанд бўларди.

Бир гал ўзини тўхтатолмай:

– Худо ҳаққи, шу критликларнинг маданиятлилига беш кетаман, – деди. – Шу қоч-қоч балосини, ҳеч бўлма-са, оила даврасида йўқ қилиб жуда яхши иш қилиш-ган-да. Қара, опа-укадек жуда чиройли ўтирибсизлар. Худо ҳаққи, буни кўриб, одамнинг баҳри дили очила-ди... Саҳардан оқшомгача соқол-мўйлов кўравериш-дан бешиб кетади киши...

Афифа ҳам қаймақомни қандайдир ёқтирарди. Уни қачон кўрса, юзи шу заҳоти мулойимлашар, тил-га кирар, қаймақомнинг ҳар бир гапига куларди. Ҳатто шу даражадаки, бояқиш баъзан, чунончи, Фузулийдан мисол келтирган бир байтнинг маҳзун жиҳатларини ёниб-куйиб бизга тушунтиришга ҳаракат қиларкан, Афифанинг кулганини кўриб қолар ва кул-гили жаҳл билан: «Қизим, бунинг нимаси кулгили экан?!» деб бақириб берарди.

Бир куни, билмайман, қайси романдаги бемор қизнинг ўлим олдидан севгилисига сўзлаган охириги гапларини тушунтира бошлади. Бечора шу қадар жўшиб кетдики, кўзлари ёшланган ҳолда овозини худди романдаги қизга ўхшатиб, сўзлай бошлади. Орқасида ўтирган Афифа ўзини тутолмай пиқиллаб кулганини эшитиб, қаттиқ жаҳли чиқди ва масха-раомуз тарзда:

– Бу Сқлавакиларнинг бошқалар еб, улар қуруқ қол-гандай доим хўмрайган юзларини кулдириш, Оллоҳ-нинг инояти билан, фақат бизга насиб бўладиган бир имтиёздир, – деди. – Чунончи, бей биродаримиз ҳам ойда, йилда бир марта лабларининг чети билан бизга табассум ҳада қилиб кўядилар.

Ваҳоланки, бечора кичик опа бу ўринда мутлақо бе-гуноҳ эди. Кичкинагина, соқолли бир қариянинг хас-та қизга тақлидан овозини ўхшатиб, кўзларидан ёш тўкиб гапираётгани Афифага ғалати туюлгани учун кулиб юборганди.

Шу билан бирга, Афифани кулдиришдан қаймақомнинг ўзи ҳам жуда хурсанд бўлар ва бояқиш шундай қилиш учун баъзан масхарабозлик ҳам қиларди.

Қаймақомнинг бегона киши сифатида гоҳо орамизга кириши Афифа билан мени узоқлаштириш ўрнига, аксинча, яқинлаштираётганга ўхшарди. Боз устига қаймақом бўлган жойда вазият бирдан ўзгариб кетар, сўзлашиш муаммоси деган нарсга йўқ бўларди. Иккинчи томондан, у очиб берган йўлдан осонгина юрар, ёлғиз вақтларимизда бир-биримизга айта олмайдиган гапларни бемалол сўзлардик. Қолаверса, бу лаҳзаларда кичик опанинг менга нисбатан катталиқ иддаоси ўртадан кўтарилар ва анчагача тенгдош дўстларга айланардик.

Ниҳоят, Афифа кулган вақтларида жуда гўзаллашиб кетар эди. Шунга айтишим мумкинки, бу ёш ва гўзал аёлнинг ўзим ҳис қилган, сабабини билолмаган катта камчилигини бу кекса киши туфайли кашф қилдим.

Ора-сира кичик опанинг сал-пал жигига тегиш учун қаймақом бошқа йўлларни ҳам топар эди. Суҳбатларимиз кўпинча китоблар ҳақида бўлгани учун қаймақом баъзан бир аёл билан эркак ўртасида бўлиб ўтган ишқ можаросини ёлғондакам қайғу ёки жиддийлик билан тушунтирган вақтлари номуносиб тафсилотларга берилиб кетар, ҳатто, бир қисмини ўзи тўқир эди.

Буларни тинглар экан, Афифанинг лабларидаги табассум йўқолар, юзлари оқаринқирар, пастки лабини сал тишлаганча, қўлида каштаси бўлса, унга эгилар, йўқ бўлса, бошини бошқа томонга бурарди. Мен ҳам уялиб, бошимни қуйи солгандек бўлар, шу билан бирга, кўз қирим билан унга боқишдан ва бояқиш аёлнинг хижолат тортаётганини кўришдан ажойиб завқ туйишдан ўзимни тўхтата олмасдим. Бу ўйин бироз давом этгач, қаймақом ёлғондакам ҳайрат билан кўзларини катта-катта очиб:

– Нега кулимсираяписизлар, очилиб-сочилиб кулсангиз-чи, – дерди. – Бу қанақа жиддийлик?... Ҳа, тушун-



дим, тушундим, пардон қизим, пардон.\* Мажлисизмида аёл борлигини унутиб, бироз бепарда гаплар айтиб юборибман, шекилли... Айбга буюрманг, мен энди кексайган одамман, гоҳо қаерда ўтирганимни унутиб қўяман.

Қаймақом бир куни менга ҳам ташланди. Шундай эздик, бир неча кеча ухлай олмадим.

Оёғим тузалиб қолган эди. Лекин ора-сира бармоғини босганида суягим оғриганидан Салимбей ташвишланар, «Нега ўтиб кетмади бу, шу чоққача ўтиб кетиши керак эди», дея сўзланарди.

Шу боисдан Черков маҳалласидаги уйимга қайтишимга, табиийки, рухсат берилмади. Ҳолбуки, мен, хусусан, кичик опанинг хонасини олганимни тушунганимдан кейин анча сиқила бошлагандим.

Бир куни шу ҳақда шикоят этганимда, қаймақом кўзларини айёрона қисиб, бош чайқади.

– Сенми, сен, – деди. – Черков маҳалласидаги қизларни соғиниб қолдинг, шундайми?..

Сўнгра Афифага ўтирилди:

– Афандим, Варвара Дудунинг уйи, биров эшитмасин, бамисоли Ҳазрати олийларининг саройига ўжшаб қолди... Қизлар тиқилиб кетган... Бу кичик бейимиз турли-туман хурилиқоларни атрофига жамлаб олган. Худо сақласин, бир шармандалик содир бўлади-ёв. Йигитимизнинг жингалак сочлари билан ипак бўйинбоғларини деб, ҳойнаҳой, бир жиноят чиқади, шекилли... Ошиқ бўлган қизларнинг бири сочини юлган, бошқаси, сири фош бўлиб, онасидан калтак еган, яна қайси бирини айтай? Ёлғонми? Қани, инкор этиб кўр-чи, бир кўрайлик. Буларни қаердан билди, деб мендан ҳайрон бўларсан? Мен қаймақомман, қаймақом полиздаги қўриқчи эмас... Баъзан кўз олдимизда давлат хазинасини ўмариб кетадилар, билмай қоламиз. Аммо

---

\* Пардон (фр.) – кечирасиз

бунақа хотинбоз олифталарни шартта қўлга тушираман. Ёлфонми? Хийла кеч қолдинг, бор, анави Ринами, нимаиди, чўлоқ оёғинг билан ўшанинг орқасидан чоп ва онаси унинг ҳам бир оёғини синдирсин. Ўшанда иккита чўлоқ Норанжазорда оқсоқлана-оқсоқлана оймомани томоша қилишга чиқсин. Қани, йўқ деб кўрчи, яна бир нечта шармандаликларингни тўкиб ташлайман. Сен бир анграйиб қол, опанг ҳам ҳайратга тушсин...

Менинг инкор этиш у ёқда турсин, тўшакда ётган жойимда бармоғимни қимирлатишга мажолим қолмади. Пешонамдан терлар куюлаверди. Бошқа бировнинг ёнида бўлса, парвойимга ҳам келмасди, лекин Афифанинг ёнида...

Яхшиямки, қаймақомнинг бу сўзларини у ҳам тўғри деб топмади. Қошларини чимириб, Салимбейни эслатадиган жиддийлик билан:

– Йўқ, йўқ, туҳмат қияпсиз, – деди. – Муродбей унақа ёмон йигит эмас. У ҳали ўзи бола-ку...

#### XIV

Ниҳоят, бир куни Салимбей оёғимнинг оғриқли суюлтига бармоғини босганида, тишимни тишимга қўйиб, ҳеч қаерим оғримаганини айтдим ва ўша куни пешинга яқин Черков маҳалласидаги уйимга қайтдим.

Варвара Дудунинг жума кунларини асос қилиб, бармоқ букиб қилган ҳисобига қараганда, ўзгаларникидаги меҳмонлигим йигирма саккиз кун давом этган эди. Қариқиз аравада қайтиб келганимни кўрди дегунча, алданган маъшуқадек истифно билан «Кет, энди менга керагинг йўқ. Қаердан келган бўлсанг, ўша ёққа кет!» деб бақирса-да, бир ўзимнинг юришимга рози бўлмади ва қаймақомнинг «Аскар ўғли»даги келиндай, мени қўлтиқлаб, зинапоядан юқорига олиб чиқди.

Бояқиш Дуду беморни қандай парвариш қилиш кераклигини ўзи ҳам билишини кўрсатиб қўйиш учун

соғайганимни ҳисобга олмай, мени мажбурлаб тўшакака ётқизмоқчи бўларди.

Ўша куни Черков маҳалласида гўё кичикроқ байрам бўлди ва деярли барча қўшнилар оқсоқол билан бош поп бошчилигида мендан ҳол-аҳвол сўрашга келишди.

Кишилик кийимларини кийиб олган қиз дўстларим ҳам уй ичида ўралашишар, катталар билан гаплашаётганимда айвондан туриб менга қўл силкитиб қўйишарди. Ҳатто, бир марта уларнинг орасида Ринанинг узун юзи ҳам кўриниш берди.

Лекин Салимбейнинг уйида ўтказган узоқ ёлғизлик асносида жуда соғинган бўлсам керак, деб ўйлаган бу халойиқдан ўзим кутган шавқу завқни тополмас, хонамда ўзим танҳо қоладиган онни сабрсизлик билан кутар эдим.

Барвара Дуду ярим кечага яқин охириги меҳмонни кузатиб, кўча эшигига темир тамбани ургач, рўпарамдаги оромкурсида ўтириб, чакак уришга келди. Галнинг индаллосига қараганда, кўпдан буён биргаликда эсга олинмаган Кегам ҳақида суҳбатлашишимиз аён бўлди.

Аммо кроватим билан дераза ўртасидаги оромкурсида ўтириши менга кичик опанинг орқадан урилаётган қуёш нурлари остида четлари шаффофланиб қизарган садаф юзини эслатди ва қариқизнинг шу чоққача менга ёқмаган хунук афти кўзимга чидаб бўлмайдиган даражада жирканч бўлиб туюлди.

Бошқоронғи вақтларида асабий бўладиган айрим хотинларга хос инжиқлик билан кўзларимни юмдим ва ухламоқчи эканимни айтиб, бояқиш мадемуазелни хонамдан ҳайдаб чиқардим.

Афифани севиб қолганимни бир неча кундан бери сезгандим. Лекин қанчалик севишимни ўша кечаси хонамда ёлғиз қолган вақтда тушуниб етдим. Шуниси ғалатики, Истанбулдаги Малакка, бу ердаги Мариянти ва бошқаларга нисбатан ҳис қилган ўткинчи ҳавас-

ларни катта севги деб ўйлаган бир ҳолда, ёшлигимнинг энг гўзал бир неча йилини барбод қилган бу бало дастлаб бошланган кезларида менга шунчаки ёқтиришдан иборат безарар ва енгил бўлиб кўринганди. Катта севги дегани шумикан, билмайман? Лекин ўша кечадан эътиборан бошланган изтиробларимни, бошқаларга нисбатан бунга ўхшаш ҳиссиётни, ҳатто озгина бўлса-да, сезмаганимга қараганда, жуда бўлмаганда, фақат ўзимга хос деб билмоқ керак.

Ўттиз билан қирқ беш ёш орасида бўлганимда бунинг аксини ўйлаб, кўп бора ўзимни-ўзим масхара қилганман. Камолот ёши дейилган ва қулай фурсат топилди дегунча моддий манфаат, мавқе, хўжакўрсинчилик, ҳукмронлик ва шу каби нафслар кетидан тўхтамай қувилган том балоғат ёшида инсон учун ишқ фақат муҳокама ва таҳлилга қодир, етук ақл ҳамда қалбга солинадиган бир солиқдир. Эндигина вояга етаётган ўсмирнинг ҳеч нарсасини жиддий деб ўйламаганимиз учун, табиийки, ишқ савдосини ҳам жўн деб биламиз.

Бироқ ҳозирда тушунчаларим ўзгарган ва ҳаётнинг маълум босқичларини босиб ўтиб, тажрибаси ошган, пишган одам сифатида энди болани янада кўпроқ тушунадиган савияга яқинлашдим деб ўйлайман. Эндигина бошланган ҳаёти зиддиятлар, мураккабликларга тўла эканини ҳис қилаётган ва, айтиш вақтида, истиқболлини тайёрлаётган чоғида бир ёш йигитнинг оташин ёнишларига, ҳали шаклланиш ҳолатида бўлган ақл-зеҳнининг мувозанатини ларзага келтирган турфа кўришлари, беҳисоб оташлари ва, ниҳоят, узоқ давом этган ожизликларининг ҳолдан тойдирувчи рам-андуҳлари ва изтироблари билан кечган камида уч-тўрт йил ақлдан оздиргудек даражага олиб борган бир ишққа катта ишқ дейилмаса, қайси бирига айтиш кераклигини мен энди билмадим. Шу билан бирга бу фикримга қаттиқ ёпишиб олмаганимни ҳам айтишим даркор. Бу, балки, оёғим синишидан олдинги кунларда

мени қамраган англаб бўлмас қандайдир хасталикнинг қисқа умридан кейин яна рўй берган давоми ёки янада хавфлироқ бўлган иккинчи босқичи эди. Устига-устак ҳар икковининг аломатлари орасида ошқора ўхшашлик намоён бўлаётган эди. Ҳар иккови ҳам юрагимни лангиллатиб ёққан алдамчи мурувват ва шафқат бўҳрони билан бошланган. Ҳар икковининг изтиробларида ҳам кўзга ташланадиган бир сабаб бўлмаган ҳолда, муайян кун ва лаҳзада, денгиз сувининг кўтарилиши ва пасайишига ўхшаб, муайян кучайиш ва сусайиш аломатлари кўринарди. Ниҳоят, иккови ҳам менда бир хил даражада ланжлик, ҳар қандай ҳаракат ва фаолиятга айна даражада нафрат уйғотган эди. Столим устида ағдарилган сиёҳдондан сиёҳ томчи-томчи тўкилаётганини кўриб турсам ҳам кўлимни узатиб, тўғрилаб қўйиш истаги уйғонмас эди. Шундай деб ўйлайманки, бу вақтда менинг жисмоний ҳолатимни доктор текшириб қолса, юрак ва ошқозонимдан бошлаб, барча аъзоларим даҳшатли даражада хасталанган деб топиши муқаррар эди.

Чексиз изтиробларимнинг ягона малҳами энди фақат Афифа эди. Онам билан отам шу даражада йўқ бўлиб кетишдики, бечоралардан ора-сира келган мактубларни очиб ўқигим келмаган вақтларим ҳам бўларди.

Тонгга яқин қаттиқ уйқуда беҳуд ётган вақтларимда, миямда кимдир тўсатдан чироқ ёққандай, сесканиб уйғонар, пардалар, дераза қопқоқлари орасидан сезила бошлаган ғира-шира тонгнинг хира нури остида тушуниб бўлмайдиган қандайдир кўркүв ва умидсизлик вужудимни қамраб оларди. Бу ғира-шира ёвду борган сари ёришиб, қуёш кўк юзида бир томондан нариги томонга аста-секин сузиб ўтади, лекин буни мен ҳеч илғамас эдим.

Афифанинг хонамга қадам ранжида қилишлари мен учун фавқулудда бир бахт бўлганини нега пайқамганим, имконим борлигида бу ҳолатни нега яна бир

неча кун давом эттирмаганим учун ўзимни ўзим ер эдим.

Касаллигимнинг бу даврида мен кечадан кундузчалик кўрқмасдим. Неврастения ва бошқа шунга ўхшаш асаб касалликлари билан қуёш нури орасида қандайдир боғлиқлик бор, деб ҳисоблайдиган айрим докторлар буни, балки, кечанинг янада оромбахш ва сирли ойдинлиги билан изоҳлар. Лекин бунинг ойдин кеча таъсири остида ўнгда ва тушда тезда намоён бўладиган ўзгарувчан тушунчалар, шипдаги бир новдани кўз, чеҳрага ўхшатган ғулғулалар, уйқу билан сергаклик ўртасидаги турли-туман ҳосилалар ва қадимгиларнинг важд ва фарқ бўлиш ҳолати дейдиган ҳолга ўхшаш ҳаяжонлар ҳосиласи бўлган айрича олами бўлганини ҳам унутмаслик лозим.

Ниҳоят, кеча ичидан тонг қандай рангда чиқиши номаълум бўлгани учун умидга бироз ўрин қолдирган ёпиқ қутидир.

Ўттиз йилдан кўпроқ бурунги бу оташин ишқда ҳали-ҳануз қутулмаганим яна бошқа муаммолар ҳам бор. Аффифа менга доимо жиддий муносабатда бўлганди. Муомаласида нозу карашма билан менга умид ва хаёл беришда айблайдиган ҳеч нарса йўқ эдики, бунга унинг, асосан, феъли йўл қўймасди. Ҳатто, аксинча, у менга ўта жиддий, оқила опанинг укасига ҳокимона ва менсимай қарашига ўхшаш муносабатда бўларди.

Ўз ҳаётида энг катта бўҳронни бошдан кечираётган бўлса-да, менга бу ҳақда оғиз очиш эҳтиёжини сезганини эсламайман. У менга шунчалик таъсир ўтказган эдики, мен ўзимча бирон гап сўрашга журъат қилсам, ҳайратланиб тикилиб қолган ва «Болаларнинг бунақа ишларга аралашини тўғри эмас!» қабилдаги зилдай ва совуқ жавоб билан оғзимни ёпган бўларди.

Ҳа, Аффифа мени ташвиқ этадиган ҳеч қандай ҳаракат қилмаган, яқинлик кўрсатмаган эди. Лекин, эҳтимол, мени жизганақ қилган нарса ҳам орамиздаги шу

тушуниб бўлмайдиган масофа ва унинг ўзини аслидагидан бошқача қилиб кўрсатиб, бу масофани муаммо ҳолига олиб чиқиб қўйгани эди.

Ҳаётим сурункали суратда унинг дарди билан ўтар, унга оид нарсаларни тўхтовсиз ўзгартирар, илоҳийлаштирар эдим. Бунинг далили шуки, Афифадан ҳар бир айрилиш оралиғидан кейин уни яна кўрган вақтимда худди хунуклашгандек, янги қиёфага киргандек бўлардим.

Уни истаган вақтимда кўриш имконига эга бўлатуриб, ўзимни узоқ муддат бундан маҳрум этганимни ўзим ҳеч тушуна олмайман.

Ҳали ҳеч кимнинг бирон нарса сезишининг имкони йўқ эди. Салимбей мени расман уйининг боласи деб билар, ҳар учраганида: «Бизникига келмаяпсиз, айб иш қиляпсиз!» дея менга таъна қиларди. Бундай демаган тақдирда ҳам, икки куннинг бирида эшикларини тақиллатиб, беозор безбетлик билан: «Нима қилайлик, мени ўзингиз шунга ўргатиб қўйдингиз, сизни кўрмасам туролмайдиган бўлдим» десам ҳам, мени суюниб қарши олиши муқаррар эди. Лекин, ким билади, негадир болаларча шубҳа билан нимадандир чўчиб, тортинар, негадир шундай қилолмас, оқшом вақтлари уйларининг орқа томонидаги тепада ўғридек ўралашиб, уни узоқдан кўришга уринардим.

Тинмай Афифани уйлайверганим учун кўпинча юзкўзини унутиб қўярдим. Уларнинг уйида бемор бўлиб ётган кунларимда катта опа қўлимга тутқазган бир альбомда унинг ҳам суратлари бор эди. Улардан бирини ўмариб, чўнтагимга солмаганим учун ўзимни ҳеч кечира олмасдим. Сурати йўқлиги учун узоқ вақт Афифанинг қўлида бўлган бир китобни оромкурсим ёнидаги сигарета столчасига қўйиб, китоб орқасида Афифанинг қўллари, вужуди ва чеҳраси намоён бўлишини кутиш билан ўзимни овутардим.

Унинг бунақа ҳадеб тасаввур этавериш натижасида – қўлда олиб юрилавергани учун ранги ўнгиб кет-

тан қоралама расм сингари – хиралашган чеҳрасини қайтадан тиклаш учун яна бошқа усуллар қўлаган ҳолларим ҳам бўларди.

Масалан, ёмғирли қиш кунда уни биринчи марта кўрган жойимга, монастирнинг попларга ажратилган махсус ички боғчасига кирган ва бунинг учун, албатта, бирон жўяли сабаб кўрсатиш керакдай, соатларча калла қотирганимни хотирлайман.

Оташ байрами кечаси Афифа остида турган ва суянган дарахт мен учун титрамасдан ёнига яқинлашиб бўлмайдиган бир муқаддас нарсага айланганди. Яланғоч шохлари орасидан шивалаётган ёмғирга парво қилмас, чириган япроқларга тўлган халқоблар орасидан у сакраб ўтган гулханнинг ўрнини топишга уринардим.

Бир якшанба кунни эди. Яна шу эҳтиёж тақозоси остида бола-чақаларга араллашиб, черковга кирдим. Ўзимни Аристиди афанди исмли истеъфога чиққан ҳарбий аптекачи гармон чалиб, маҳалла болаларига айттираётган диний қўшиқни тинглаётганга солиб, халойиқ ичида ўралашар, ёқаси кўтарилган кулранг енгил сафар пальтоси кийган, сочларини, қулоқларида солланган иккита мўъжаз тилла исиргани ҳам қоплаган қора рўмол ўраган кичик опани устунлар орасидан кўришга уринардим. Менинг бундай ҳолга тушишимда, ярим вайрона, ярим қоронғи жойларни кезиш майлимда, ҳар ҳолда, ўқийвериб баъзи жойларини ёдлаб олган «Рафаэль»нинг ҳам анча таъсири бўлса керак.

Оёғимни тузалди деса бўларди. Лекин узоқ юрганнимдан кейин Салимбейни хавотирга солган суякда сал оғриқ ҳис этаётганим учун, ҳассамни ҳали ташламаган эдим. Бу ташқи кўринишимга борган сари ортаётган эътиборсизлигимни янада бўрттириб кўрсатар, кўринишим билан ички оламимдаги тушкунликнинг бир аломатига айланиб борарди.

Бир оқшом яна Салимбейларнинг орқасидаги тепадан қайтдим. Оёғим ҳар доимгидан кўпроқ оғрига-



ни учун, лойга беланган ботинкамни чиқариш баҳонасида кўча эшиги орқасидаги курсига чўкдим.

Рўпарамда кўлларини белига тираган ва шубҳа тўла кўзлари билан юзимга синчиклаб қараган Варвара Дуду:

– Сенинг оёғингда яна бир гап борга ўхшайди, – деди.

Кулишга уриниб, инкор қилдим. Бу гал унинг жаҳли чиқди.

– Бунинг нимасини яширасан? Ҳозир, келаётганинда диққат билан кузатиб турдим. Анчагина оқсаётган эдинг.

– Сенга шундай туюлгандир. Ахир, кўлимда ҳасса бор-ку...

– Оғримаса, нега ҳасса олиб юрибсан?

– Бу менга жуда ёқиб қолди. Ҳасса олифталик белгиси...

Дуду уф тортди.

– Олифталик бўлса, майлига-я, ким билади, яна қаерларда санқигансан. Ботинкамга бир қара.

Этакларини ҳимариб, ерга чўнқайди, ботинкамни еча бошлади. Бир томондан, тўхтамай жаврайверди:

– Сен бир ажойиб одам чиқдинг. Бу юришинг менга ҳеч ёқмаяпти. Бунақа кетаверса, отанга бир мактуб ёздираман. Биласан-ку, ҳамма мендан кўради.

«Сен Камолбейга ғамхўрлик қилмаяпсан!» дейишади. Менинг нима айбим бор. Камолбей мени одам ўрнида кўрмаса, кўлимдан нима ҳам келарди!

– Ким шундай деди, мадемуазель?

– Ким бўларди? Салимбейнинг сингиллари!

Титрай бошладим.

– Уларни қаерда кўрдинг?

– Шу ерда. Сенга айтиш ёдимдан чиқибди. Икки кун илгари Аристидининг қизлариникига меҳмон бўлиб келишган экан. Бу ерга ҳам киришди. Сени келмаяпти, деб бир шикоят қилишди, бир шикоят қилишди-ки, асти кўяверасан. Худди сен ҳар доим уларни-

кига боришга мажбурдай. Тўғриси айти, мен ҳам сендан бироз шикоят қилдим. Уйда ҳеч ўтирмаслигини айтдим. Жиғибийрон бўлишди. Жиғибийрон бўлиб қолишгани йўқ. Бу менга таъна тоши отиш учун бир баҳона бўлди. Гўё мен сенга сўзимни ўтказа олмаётган эмишман. Гапимни олмаган кишини нима ҳам қила олардим?..

Варвара Дуду беморлик вақтимда менга қараш шарафини ундан олиб қўйган Салимбейларни ҳануз кечира олмаётган эди. Устига-устак катта опа билан Афифанинг уйимизга келиб, уни айблагандек гапиргани қариқизни бутунлай қутуртириб юборганди.

– Айниқса, кичик қиздан шундай хафа бўлдим-ки... Таомилга кўра, меҳмон дегани қаердан жой кўрсатсанг, шу ерда ўтиради, қаҳва, ликёр ва нима берсанг, шуни ичади, сўнгра «Оллоҳга топширдик» деб хайрлашиб кетади. Бир роман китобини топгилари келиб қолибдими-эй. Бунинг ҳам ўз йўли бор, таомили бор... Бу ерда биз полиз кўриқчиси бўлиб ўтирганимиз йўқ-ку. Биз ҳам ўзимизга яраша уй бекасимиз. Бунинг устига бир ёш жувоннинг бир ёш йигитнинг хонасига сўрамай-нетмай бостириб кириши бўладиган ишми? Кейин, аксига олиб, хонани ҳали саришгалашга улгурмаган эдим. «Бу қанақаси, хонанинг аҳволига қара?!» деб ёзғириб кетса бўладими. Бир бопламоқчи бўлдим, лекин сенинг юз-хотирингни қилдим-да... Аммо, барибир, айб сенда... Хонани ағдар-тўнтар қилиб ташлабсан-ку. Афандим, тушундингизми, сигир кирса, бузоғини тополмайди. Сен олдинлари бунақа эмасдинг-ку, нима бўлди сенга?

Варвара Дуду қаҳрдан бўғриқиб, ботинкамнинг ипларини ечолмаётгани, менга хизмат қилишни истаётган бўлса-да, имиллаётгани учун ўзи билмаган ҳолда жонимни сиқаётган эди.

Шу билан бирга, бу жуда яхши бўлганди. Қариқизнинг бунчалик жаҳли чиқмаганида, хабарни эшитган

заҳотим эсанкираганимдан, албатта, гумонланган бўлар эди.

Ўзимни босиб олганимдан кейин сўрадим:

– Нега бу гапни менга олдинроқ айтмадингиз, мадемуазель?

Дуду бирдан довдиради ва:

– Унутдим, эсимга келмади, – дея ёлгон сўзлади ва бунга аччиқ ситам илова қилишдан ўзини тутолмади. – Бунчалик хурсанд бўлишингни билганимда, унутмаслик учун рўмолчамнинг учини тутиб қўйган бўлардим.

Кечки овқат пайти менинг бироз турткилашим билан яна шу баҳсга қайтган қариқиз хонимлар дўқпўписа қилганини, агар кўп айланавериб, оёғимни уринтириб қўядиган бўлсам, мени яна мажбурлаб уйларига олиб кетишларини айтишибди.

Бу гап ҳазилдан бошқа нарса эмаслиги аён эди. Лекин Варвара Дуду пўписани жиддий деб ўйлаб, бу таҳдид ўзи сингари, мени ҳам чўчитади деб ўйлаб: «Кўрдингми, энди менинг гуноҳим йўқ. Салимбей ажойиб киши, сени яна турмага солгандек, бир хонага қамаса, ҳеч аралашмайман!» деди.

## XV

Ўша кеча ҳаётимда санокли кечалардан бири бўлди. Афифа уйимга келган, хонамгача чиққан бир вақтда уйда бўлмаганимдан, аввалига, жинни бўлаёздим. Бунини энди қайтариб бўлмайдиган бир фурсат деб ҳисоблардим.

Лекин бироз вақт ўтгач, воқеадан қаттиқ қақшган асабларим юмшагач – кечанинг таъсири ёрдамида – тасавурумда катта имконлар олами пайдо бўла бошлади.

Салимбейлар уларни зиёрат қилмаётганимдан шикоят қилишган эдилар. Демакки, эртадан қолдирмасдан уйларига бориш мен учун, ҳатто, бир вазифага айланганди. Бунинг учун остоналарида бошимдан ўтка-

задиган ҳаяжонга қарши озроқ жасорат бўлса бас. Афифани яна бир бор кўрмоқ! Менга барча бўҳронларимга хотима бериш учун шунинг ўзи етарли бўлиб кўринарди. Ҳолбуки, бу зиёратдан кейин унинг кети бўлмаслиги мумкин эди. Модомики, менга ўз боламиз дейишаётган, ичимдаги фасоддан ҳалигача ҳеч кимнинг хабари йўқ экан, ўзимни боримдан кичик ва аҳмоқ бола қилиб кўрсатиш, кичик опага фақат бошини бошқа томонга бурган чоғларида ўғринча боқиб имкони ўз қўлимда эди.

Уларнинг уйига бориш бу қадар қулай бўлгани ҳолда бунга нималарнидир моне деб билганимни англамас, ўзимдан-ўзимнинг жаҳлим чиқар эди.

Аъзойи баданимда ғалати ҳолат, ўзимни тўрт томонга уриш эҳтиёжи пайдо бўлганди. Хона ичида айланар, айвонга чиқар, эртасига Варвара Дудунинг рўпарасида туриб олиб, у билан гаплашаркан, ўзимни бирт болаларча тутишни тажрибадан ўтказардим.

Қулоқларимнинг шанғиллашига, ойнадан менга боққан ёшга тўла кўзларнинг ловуллаб ёнишига қараганда, катта бўҳронни бошдан ўтказаётганим аниқ эди. Узоқ давом этган ланжлигимнинг қандайдир ҳосиласига ўхшаш бу ҳаяжон мени барча имкониятлар чегарасидан ташқарида турган аллақандай ғалати оламга судрар, ҳаяжонли умидлар ва хаёлларга буркарди.

Тагин аллақандай фалокатга учрашим ҳам жуда мумкин эди. Ҳатто, атайлаб бирон жойимни синдиришга ким ҳам тўсқинлик қиларди? Буни эшитган заҳоти Салимбей мени яна аравага ўтқазиб, худди ўша хонага олиб борган бўларди. Афифа яна ҳар куни кроватимнинг оёқ учида туриб, мен билан гаплашган, сўнгра дераза олдидаги оғ эмкурсига ўтириб, юзини қуёшга тутган бўларди. Ҳунинг учун, ҳатто, бирон фалокат ёки қасд қилишнинг кераги бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Эртага Салимбейни бирон жойда учратиб, оёғимдаги оғриқ ҳалиям қолмаётганини айтсам, дарҳол хавотирланиб, мени уйига олиб борган бўлар-

ди. Ҳа, бу шунчалик қулай бўлса-да, нега ҳафталар мобайнида ўзимни-ўзим беҳудадан беҳудага қийноқларга гирифтор қилдим?

Бўҳроннинг тобора кучайиб, алаҳсираш даражасига етганини ўзим ҳам билиб турардим. Сумкамда оёғим қаттиқ санчган кечалардан қолган уюштирувчи кукунлар бор эди. Ҳар ҳолда, бу афюн қоришмасидан иборат бир нарса бўлса керак. Улардан бир пакетчасини сувга аралаштириб ичдим. Лекин у, қаттиқ оғриқни сал-пал камайтиргандек бўлса-да, таъсир қилмади. Тўшакда ўйга ботиб ётарканман, ҳушимни йўқотгудек бўлавердим. Шу лаҳзаларда ўйлаган нарсаларим бирданига рўёга айлангандай туюлди ва бу ҳолат шу шаклда давом этаверди. Ёнимда тургандай туюлган Афифаннинг қўллари, этакларига ёпишиб йиғлар, имкони бўлмаган нарсаларни сўзлардим. Бу алаҳсирашлар шу қадар кучли эдики, ҳушимни йўқотганимдан сўнг, балки, илк сониядаёқ сесканиб уйғонганимда унинг устимга эгилган қомати ҳозиргина йўқолганини кўрар, кўз ёшлари билан намланган юзимда нафасининг ҳовурини ҳис қилардим.

Аммо, кўп ўтмай, вужудсиз ва рангсиз тушунчалар оламидан яна рўёларнинг имкониятлар ва жаёлотга бой оламига тушардим ва бу шу тариқа давом этаверарди.

\* \* \*

Эртасига саҳарда тўшакда яна ҳар доимгидек бадбахт ва ноумид уйғонганимни айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин бир оташ кечасининг жазаваси ичида берилган бўлса-да, қарор қарордир. Ҳеч қандай умидим бўлмаса-да, кийиниб кўчага чиқдим. Салимбейни ахтариб топиш ниятида эдим. Агар шаҳарга тушган бўлса, не қилишимни кейин ўйламоқчи эдим.

Аммо, кўп ўтмай, уни бозор ичидаги бир адвокатнинг идорасидан топдим. Ёнида кўринишидан кам-

бағал бұлған бир нечта критлик муҳожирлар бор эди. Доктор уларга атрофдаги қишлоқлардан биридан ер ажратилиши учун ваколатнома тайёрлаётган, кучли ҳаяжон ва жаҳдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар билан нуқул юнончалаб гапираётган эди.

Салимбейни кайфияти бузуқ бир пайтда учратгандим. Бўсагадан ҳатлар эканман, атайлаб оқсоқландим, ҳассамга таяниб, ўтирган вақтимда оёғимни ғайритабиий вазиятга солдим, лекин у буларга эътибор бермади. Шунга қарамай, ҳол-аҳволимни суриштирган чоғда:

– Ёмон эмас, доктор, лекин оёғим озгина оғрияпти, – дедим.

Оғриқ айтганимдан кучлироқ эканини англамоқ учун юзимни биров буруштирдим, кўзларимни юмдим.

Салимбей ўзгаргандек бўлди ва мени идоранинг орқа томонига олиб ўтиб, дарҳол оёғимни кўрмоқчи бўлди. Фақат мен ботинкаларимни ечишга уринаётганимда, у яна ўз масаласига қайтди, бошини ўтириб, такоран критликлар билан сўзлаша бошлади.

Асабий титраган бармоқлари билан оёғимнинг оғриқли жойини топишга уринаркан, бир кун олдин Варвара Дуду қилганидай, мени азоблаб, ҳақиқатан ҳам жонимни сиқди. Текширувни битиргач:

– Мошоллоҳ, шиш-пиш қолмабди, – деди. – Лекин сиз тинч ўтирмаётган, кўп юраётган экансиз. Эҳ, биров гумоним бор, аммо не ҳам қилардик, сиз Истанбулнинг боласисиз-да.

Доктор критликлардан бирига ишора қилиб, деди:

– Шу бояқишни кўряпсизми? Уст-бошига эътибор берманг. Аслида у бадавлат деҳқон бўлган. Деҳқончилик қилиш учун ер-суви, зайтунзорлари, ҳар нарсаси бор эди. Эшигида тўққиз-ўн қарол нон ерди. Энди сояи давлатларида калла суягини сирқиратаётган бир парча кўрғошиндан бошқа нарсаси қолмади. Оллоҳ ҳеч кимни бундай балога гирифтор қилмасин. Нега

чўчиюпсиз? Ҳарқалай, ўзингизни кўпам чарчатиб кўйманг, тўшакка узанинг, кўлингизга китобингизни олинг... Ким сизни мажбур қиларди, азизим?

Бу вазиятда ҳассамни олишдан ва энди кераги бўлмаса-да, оқсоқланишда давом этиб, кўчага чиқишдан бошқа чорам қолмади. Фақат Салимбейнинг ёнидан чиқар эканман, ҳаяжон билан:

– Шунини айтмоқчи эдимки, – дедим, – хонимафанди опаларимиз кеча лутф кўрсатиб, меникига боришибди, уларни бориб кўрмаётганим учун хафа бўлишганини айтишибди. Биламан, айбим кўп... Аммо вақт тополмагандим.

Доктор елкамни силаб, кулди.

– Маълум, маълум... Черков маҳалласи қизларидан вақт ортармиди? Майли, соғ бўлинг! Кутамиз...

Кутамиз, аммо қачон? Чақирилмай борадиган бўлсам, ўзимни эшикларининг тагидан орқага қайтиб кетадиган даражада нотавон ва беқарор деб билсам. Бундай мағлубият кутиб турган бир чоғда, билмайман, энди нима қилиш керак?

Шу аснода калламга бир фикр келди: қаймақом! Салимбейнинг сингиллари бир кун олдин меникига келишганини ва таъна қилиб кетишганини айтсам, мени боришга ундаши, ҳатто, балки, ўзи ҳам бирга бориши турган гап. Ёки бошқа иш қилиш ҳам мумкин. Бироз ҳаво олиш учун унга Кулик йўлида аравада кезишни таклиф қиламан. Чўнтагидан пул чиқмаганидан кейин қаймақом бунақа ишни рад қилмаслиги аниқ. Қолаверса, Салимбейларнинг уйи олдидан ўтаётганимизда бир йўлини топиб...

Қаймақом ёнимда бўлса, ўзимни ҳимоя остида бўлгандек сезишимни ва кўрқмаслигимни ҳис қилардим. У одатий хушчақчақлиги ва сергаплиги билан опаларнинг диққатини ўзига тортган, мен бўлсам, қандайдир панада ўтириб, Афифани тўя-тўя томоша қилган бўлардим. Фақат бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, пешин вақтини кутиш лозим.

Чаккаларимда кечаги бўҳронни эслатадиган аллақандай оғриқ, касал оёғимда бирданига пайдо бўлган енгиллик билан бозордан ўта бошладим. Газлама дўконларидан бирининг олдида турган аравага кўзим тушди. Бу Салимбейларнинг у ёқ бу ёққа борганда минадиган араваси эди. Ҳатто, отам билан онамни Монастир тепалигининг этагигача шу аравада кузатиб қўйишганди. Аравакаш тахта девор остида чўнқайиб ўтириб, қамчисини оёқларининг орасига олганча, нон еяётган эди.

Пешинга яқин ҳукумат меҳмонхонаси олдида менга учрашишини тайинлаш учун ёнига яқинлашдим. Кўзларим ғайриихтиёрий равишда дўкон томонга ўтирилди ва пештахта олдидаги курсида ўтирган катта опани таниб қолдим.

Аввалига бошимни қўйи солганча, атрофга қарамай, тез-тез йўлимда давом этавердим. Аммо қирқ-элик қадам юргач, бирданига орқага қайтдим ва айна ҳолатда дўкон томонга юрдим.

Катта опа бир тахта кути ичидан рангли ипак ип ўрамини танлаш билан машғул эди. Мени кўргач, қувониб ўрнидан турди ва дўконнинг тўрроғидаги пештахта олдида бизга орқа қилиб турган сингисига овоз берди:

– Фофо, қара, ким келди?!

Тахминларимнинг акси ўлароқ, жуда хотиржам эдим, ҳатто, кулимсираганча ёнимга келиб, оқ кўлқопли кўлини узатган Афифага тортинмай боқдим.

Опа-сингиллар, аввало, Истанбулдан мактуб олган-олмаганимни суриштиришди, сўнгра яқинда турмушга чиқадиган бир камбағал критлик қизга ҳадя олиш учун бозорга тушганини айтишди. Мендан кўра кўпроқ оладиган ашёси билан машғул бўлаётганликларига қарамай, ишларини битиргунларига қадар ёнларидан жилмадим. Ташқарига чиққан вақтимизда катта опа юзимга тикилиб:

– Бироз озиб кетганга ўхшайсиз, – деди.



Чодирасини юзигача туширган Афифа:

– Менга ҳам шундай кўринди, – дея тасдиқлади.

Аравакаш қизил рўмолчасидаги нон ушоқларини силкигандан ва отларнинг бошидаги ем тўрвасини чиқаргандан кейин, ўз жойига чиқди.

Катта опа:

– Энди бизларникига ҳеч келмайсизми, Камолбей?  
– деди.

Бошимни қуйи солиб:

– Нега энди келмас эканман, афандим, – дедим. – сизларни безовта қилгим келмади.

– Нега сиздан безовта бўлар эканмиз?! Эртага қайси кун? Чоршанба... Индинга тўйда бўламиз. Индиннинг эртасига, жума куни сизни овқат пайти кутсак бўладими? Аммо унутманг. Келмасангиз, уришиб қоламиз.

Ҳавода аравакашнинг қамчиси шақирлади, лой тошлар устида отларнинг тақалари тақиллади. Мени кўриш учун Афифанинг олдинга эгилганини ва ҳижоб остидан кулимсираганини кўз қирим билан кўриб қолдим. Араванинг орқа филдираги ботинкамнинг учини босиб ўтиб кетди.

Ўз жойимда қаққайиб турар, араванинг қандай узоқлашаётганини кузатар эдим. Рўпарадаги дўкондан бир савдогарнинг менга қарашидан ҳолимда қандайдир ғалатлик борлигини сезиб қолмасам, яна анчагача серрайиб турган бўлардим.

\* \* \*

Ёзнинг баъзи иссиқ кечаларида хонага бир қутурган ари кириб, кўрқинчли гўнғиллаганча, чироқнинг атрофида ўзини ҳар ёнга уради, хонанинг ичида айланиб уча бошлайди. Ари шунчалик шиддат билан учадики, танасининг ҳаракатини фақат деворлар, шипда катталашиб кўринган соясидан кўрасиз, бу махлуқнинг бунчалик кучни қаердан олганига, шунчалик азм ва жазава билан нимани хоҳлаётганига, нимани қуваётганига ҳайрон бўласиз.

Афифани кўргунга қадар ўтган икки кун ичида мен ҳам худди шундай, ўзини тўхтовсиз ҳар томонга уриш эҳтиёжи остида жазавага тушган бир йиртқичга айландим. Бу ойлаб давом этган ланжлигимнинг меваси бўлса керак.

Олдинлари одамлардан қочган бўлсам, эндиликда сал-пал таниш бўлган кишиларни ҳам ушлаб олиб, ҳаяжонли ва ноўрин севги изҳорлари билан бечораларни ҳайрон қолдира бошладим. Аввалига мени соғайиб, кайфи жойига тушди, деб ўйлаган Варвара Дуду ғайритабийй жазаваларимни кўриб, кўрқа бошлади. Каллайи саҳарлаб зинапоялардан икки пиллапоя сакраб тушганимни кўрган қариқиз:

– Нима қияпсан? Жинни бўлиб қолдингми? Яна оёғингни синдириб оласан-ку! – деб бақирди.

Мен жаҳлига парво ҳам қилмай, уни қучоқлаб, азот кўтардим ва юқорида айтиб ўтганим қутурган арининг жазавасига ўхшаш бир тезликда даҳлиз ўртасида гир-гир айлантира бошладим.

У олдинига оёғимни эсдан чиқариб:

– Вой-дод, чурранг тушади! – деб бақира кетди.

Сўнгра бу гапни қўйиб, «Бошим айланди, тушир, жинни бўлиб қоламан»га ўтди.

Янада ғалатиси, жазаваларимнинг Афифага оид ҳеч бир фикрга алоқаси йўқ эди. Тиш докторига бораётганда тиш оғриғи тўхтаб қолгани сингари, касаллигим бутун бўҳронлари билан бирданига ўтиб кетгандай бўлди. Ҳатто шунчаликки, фавқулодда бир тўсиқ чиқиб, ўша кун уни кўрмаганимда ҳам унчалик ташвиш тортмасам керак, деб ўйлардим.

Муҳаббатимнинг ақл билан изоҳлаш мушкул бўлган кўринишларидан яна бири содир бўлди. Тушдан кейин кўчага чиқиш учун кийиниб, ёмғир сусайишини кутиб ўтирардим. Эски қора ёмғирпўшини қайтарма қалпоқдек бошига ташлаган ҳолда майдондан югуриб ўтаётган Ринани кўриб қолдим ва ҳеч иккиланмай деразани очиб, қичқирдим.

У бирданига тўхтай олмагани учун яна бир неча қадам югургандан кейин тўхтади, дераза томонга ўтирилди.

Кўчага отилиб чиқмоқчи бўлгандай қўлларимни силкитар, кулар ва уни чақирардим:

– Рина, тез кел. Тез... Сенга айтадиган гапим бор.

Майдон кимсасиз бўлса-да, қиз савқитабий ҳаракат билан теваракка кўз югуртирди, сўнгра иккиланиб эшик томонга қайрилди.

У келаркан, мен ҳам зинапоядан чопиб тушдим. Ўзимни шунчалик енгил ҳис қилардимки, ошхонада идиш-товоқ юваётган Варвара Дуду оёқ товушларимни эшитмаган бўлиши мумкин эди.

Рина, ҳойнаҳой, узоқ йўлдан келаётган эди. Бошига ёмғирпўш ташлаб олган бўлишига қарамай, ёноқлари жиққа ҳўл. Шубҳаланиб юзимга тикилди, ичкарига киришга тараддудланиб сўради:

– Нима демоқчисиз, Камолбей?

Мен фақат кулдим, нимани хоҳлаётганимни айтмадим. Бошим билан ошхона эшигига ишорат қилишдан бошқа эҳтиёт чорасини лозим топмасдан, уни қўлларидан ушлаб, кўча эшиги орқасидаги хилват бурчакка тортдим.

Рина нимага учраганини сезмаган эди. Кўйлақлари ҳўл бўлиб кетган, югуравериб юзлари қизарган, денгиздан эндигина чиққан балиқдай титрар, тўлғанар, бироқ миқ этмасди.

Бечора қизни билакларидан ушлаб, чормихга урмоқчидек, қўларини орқасига қайирдим ва шунда олдинга бўртиб чиққан кўкраклари кўксимга ёпишди, дуч келган жойидан, ёноқлари, кўзларидан ўпа бошладим.

Рина аввалига ўзини олиб қочгандай бўлди, кучогимда типирчилаб, сал қарши ҳаракатлар қилди. Лекин бу жуда қисқа давом этди ва бир тин олганидан кейин, қирра бурнини бурнимга ёпиштирганини ҳис қилдим. Ҳозиргина ақдан озгудай қалтираган ҳур-

как ва тажрибасиз қиз, энди ишқнинг бутун тажрибаларини бошдан кечирган етук аёлдек, мени ўзига тортар, дудоқлари зулукдай бўлиб, дудоқларимга ёпишар эди. Маҳаллада бўлмаган тақдирда ҳам, уйда катта шармандалик содир бўлиши учун шу лаҳзада Варвара Дуду эшикни очса, бас эди.

Эрталаб Варвара Дудуга қилганимдай, бу гал уни ҳам белидан кучоқладим. Мақсадим нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Балки эрталаб мадемуазелга қилган болаликка ўхшаш бир ўйин қилмоқчи бўлгандирман, балки, ҳақиқатан ҳам бир ёмон ва жиддий иш... Лекин Рина бу хатти-ҳаракатимни икки хил маънога йўйиши мумкин эмасди. Юқорига олиб кетишни хоҳлаяпти деб ўйлаб, ўзини ҳар ёнга ура бошлади, қўли етган жойда нима бўлса, ўшани, эшик тўқмоқларини ушлашга уринар ва ялинар эди:

– Ўтинаман, Камолбей... Қўйиб юбормасангиз, бақираман...

Аммо бечора қиз бақирини тўғрисидаги бу таҳдидини, ҳатто, менинг ўзим зўрға эшитадиган тарзда шивирлаб айтар ва лабларини қулоғимга тақар эди.

– Ўтинаман, Камолбей... Оёқларингиздан ўпай, қўйиб юборинг...

Мен мушук ўйнаган боладай золимлик қилиб, куламан, лабларимга яқин жойларидан ўпаман, кўзларим билан юқорига ишора қилиб, уни ҳуркитишда давом этаман.

– Ўтинаман, Камолбей... Кўриб қолишади... Онамга айтиб беришади... Мени калтаклайди... Қўйиб юборинг, кетай...

Лекин, ғалатиси шуки, қиз бечора, бир томондан, қўйиб юборишимни айтиб ялинаркан, иккинчи томондан, қулоқларимни оҳистагина тишлаб қўяр ва қўйиб юбормасликка мени ундаётган ҳам, аслида, унинг ўзи эди.

– Яна келаман, Камолбей... Бошқа вақт... Уйда ҳеч ким бўлмаган вақтда... Сиз қачон хоҳласангиз...

Бояқиш Рина! На бугун, на ҳеч қачон!..

Ошхонада ёғоч бошмоқнинг тақиллаган товушини эшитиб, уни усталик билан кучоғимдан бўшатдим ва эзғилайвериб, туклари қоришган кучук сингари, астагина эшикдан кўчага чиқариб юбордим.

Вақтидан олдин аёлга ўрганган баъзи камёб ўсмирларни истисно қилганда, менинг ўша вақтдаги ёшим ва аҳволимдаги бир ўсмир учун бир аёлни кучоғига олиб, ўпиш ҳаётнинг энг жиддий ҳодисасидир ва фақат узундан-узоқ тасаввурлар, иккиланишлар, уялиб тортинишларга тўлиб-тошган тайёргарлик давридан сўнгра, босқичма-босқич ўрганиб боргандан кейингина бундай қилишга журъат қилинади. Худди шундай, истисно ўлароқ Рина билан машғул бўлган, уни телбаларча истаган кунларимда тузган можаро режамда бу қадар олға кетишни тасаввур ҳам қилмагандим.

Ҳолбуки, бир ёш қизни, эшик орқасидан сув кўзасини олгандай, сукунат ичида шуурсиз, кучоғимга олиб, даст кўтарган, ёноқларидан ўпган эдим.

Қолаверса, бу пасткашларча суюқлик ҳодисаси менинг ахлоқан энг соф бўлган, катта ишқ оташида ёниб, дурдай тозаланган ва ҳаётдаги барча завқларни унутган бир давримга тўғри келган эди.

Менимча, бунинг изоҳи шу эдики, Рина мен учун ~~қилди. Бир йил олдинги Рина эмас~~, ҳатто, балки, аёл ҳам эмасди.

Онам билан отамга бўлган ҳисларим сингари, унга бўлган ҳиссиётларим ҳам ичимда совий-совий, музлаб қолганди. Аммо Ринани кучоғимга олганимда оний жисмоний лаззатдан титрамай қолмадим. Лекин бу фақат бир натижа, ҳайрат эди ёки, янада тўғрироғи, одам бўлганим учун тузоққа тушган эдим. Йўқса, уни қўларим билан даст кўтарганимда, айтганимдай, тупроқ тўла кўзани, ҳатто ичи бўш кўзани олгандай, аҳамиятсиз иш қилганга ўхшардим.

Кирса чиқмас форга киргандим. Фақат отам, онам, Ринагина эмас, нимаики бўлса, ҳаммасини аста-секин

кўз олдимдан йўқ қилган ва олдимда Афифанинг чеҳрасидан бошқа ҳаёт нишонаси қолдирмаган бир зулматнинг энг қалин ва қўрқинчли нуқтасига шиддат билан яқинлашиб борардим.

## XVI

Салимбейларни фақат ўша жума куни зиёрат қилиш билан чекланиб қолмадим. Бутун вақтим турфа ёлғонлар, ҳеч кераги бўлмаган ҳийлалар ўйлаш билан ўтар, тўққиз-ўн кунда, албатта, Афифани бориб кўриш учун баҳона топардим.

Масалан, бир куни менга пулини тўлаш эвазига Измирдан тувакда пальма кўчати келди. Мен, ёрлиғини йиртиб ташлаганимдан кейин, пальмани аравага солиб, Салимбейларникига бордим ва эшигидан ташлаб кетмоқчи бўлдим. Бу тувакни бир оғайним туҳфа қилди ва ижарада яшаганим учун унинг менга кераги йўқ, дея ёлғонладим.

Шошилинч, жуда ошиғич ишларим бўлишига қарамай, улар аравани жўнатиб юборишди, мени мажбурлаб овқатга олиб қолишди. Ҳатто, унга эътибор бермаганим учун бояқиш катта опа менга зуғум ҳам ўтказиб қўярди.

Салимбейга ёқиш учун критлик бир нечта камбағал муҳожирлар билан дўст тутиндим. Бояқишларнинг ҳукумат, судга тушган ишларини юриштиришга кўмаклашар, аризаларини ёзар, ўзларига озми-кўпми ёрдам пули бериб турар эдим.

Доктор Крит даъвосини бунчалик яқин олганимдан мамнун эди. Гоҳо:

– Бурсалик мингбошининг ўғлидан бошқача иш тутишини кутмаган бўлардик, – дер ва шундай деркан, кўзлари ёшланарди.

Шу билан бирга критликларга кўрсатаётган рамхўрлигим фақат риёдан иборат эмасди. Бояқишларнинг чала туркча сўзлашлари узоқдан менга Афифанинг

овози ва талаффузини эслатгани учун, бу муносабатнинг покиза ва бегараз жиҳатлари ҳам бор деб ҳисобланарди. Афифа билан юзма-юз ўтирган кезларимда бутун ҳаяжонларим йўқ бўлаётган эди. Фақат нўноқларча хатти-ҳаракатларим, бошимни ҳам қилиб ўтиришларим, титроқ нигоҳларим билангина эмас, бутун руҳиятим билан ҳам ланж, тентак мактаб боласига ўхшаб қолардим.

Орада бир нарса сўраб қолса, унинг кундан-кунга ортаётган устунлиги остида эзилгандай, калламга келиши мумкин бўлган жавоблар орасидан муқаррар энг болаларча ва аҳмоқона жавобни берардим.

Афифани ҳар кўрганимда менга унинг юз-кўзи бироз хунуклашгандек туюларди. Бу, олдин ҳам айтганимдай, унинг хаёлимдаги чехраси билан ҳақиқатдаги юзи ён-ёнга келишидан ҳосил бўлган бир тушунча эди. Лекин баъзан пардоз-андозидаги бир камчилик, масалан, пешин уйқусидан уйғонгандан кейин кўзлари атрофидаги шишлар ёки дудоғидаги шамоллаш асорати бўлган бир учуқ унга жисмоний гўзаллигидан ҳақиқатан ҳам ниманидир йўқоттирар эди.

Буларни кўриб турар эканман, оқшом қоронғиси қуюқлашди шекилли, деб севинардим. Бироқ айрилганимиздан кейин бир кўринмас қўл унинг чехрасига такроран ишлов берар ва нуқсонлар менга янада кўпроқ азоб берарди.

Афифанинг шаҳарга тушадиган кунлари ва вақтини билиб олиш учун бамисоли чоғроқ Интелиженс Сервис\* ташкилотини ташкил этдим. Ҳеч кутилмаган жойларда кўз-қулоқларим бор эди. Уларнинг шаҳарда кимларникига меҳмон бўлиб келишларини ипидан игнасигача ўрганар, аравакашини доимо назорат остида тутардим.

---

\* И н т е л л и ж е н с С е р в и с – инглиз разведка ташкилоти.

Минг машаққатлар эвазига ҳозирлаган, соатлаб қаҳвахоналарда ўтириб, йўл бошларида кутиб, кўчаларда ҳансираб чопишлар ҳисобига таъминлаган учрашувларим баъзан бир дақиқа ҳам сурмасди. Ҳатто, бир неча марта кўчада юзма-юз келганим ҳолда, уларнинг мени кўрмай ўтиб кетган, менинг бўлса, ўзимни кўрсатишга журъат қилолмай, юриб кетган ҳолларим бўлди.

Бизнинг шу қадимги паранжи-чачвонимиз аёлни ҳақиқатан ҳам ўзгалаштирган бир нарса. Афифани чо-дирада кўрган вақтимда уни янада каттароқ, бола бўлганим учун энди етиб бўлмас даражада узоқлашган деб ўйлардим. Ҳижоб остида юзининг анча қисми кўринмаётган бўлса-да, кўзлари, лаблари ва тишлари аслидагидан ҳам кўпроқ порлар, мени телбаларча умидсизликка етакларди.

Бир-биримизга яхшигина ўрганишиб ва қариндош-дек бўлиб кетган бўлсак-да, менга доимо узоқ ва со-вукроқ муомала қилар эди. Бу, балки, муҳожирлик ғами остида эзилгани ва шахсий турмушида бадбахт экани, ҳатто, бироз шарқ аёлига хос тортинчоқлиги билан изоҳланиши лозим бўлган бир ҳодиса эди. Ваҳоланки, бунини фақат менга нисбатан менсимаслик деб билишда давом этардим, шаънимни ўйлаганим учун-гина ранжиш хаёлимга ҳам келмасди.

Афифани кўриш учун ишлатадиган воситаларимдан бири қаймақом эди. Жўялироқ бир ҳийла билан бу бояқишни олдимга солишга, ташаббус учун бутун масъулиятни унинг гарданига афдаришга муваффақ бўлолсам, Салимбейларникига бамайлихотир бораве-рардим.

Баъзан пешинга яқин тўппа-тўғри қаймақомнинг ёнига бориб:

– Бейафанди, яна бошим оғрияпти. Сиз билан ара-вада бир айланиб келмаймизми? – дердим.

У дарҳол қувониб кетар ва:



– Шошма, олдин шу дўконни бир ёлиб олайлик, – дер ҳамда олдидаги қоғозларни шоша-пиша галадонга жойлаб кулфлар, кейин олдимга тушар эди.

Қаерда кезишимиздан қатъи назар, қайтишда арава, албатта, Салимбейларнинг эшиги олдидан ўтарди.

Шунда ё докторни борда кўрардик ёки қаймақом ўзидан-ўзи:

– Модомики, шу ергача келган эканмиз, докторникига беш дақиқага кириб чиқмасак, айб бўлади, – дерди.

Унинг беш дақиқаси энг камида бир соатга чўзиларди. Бироқ гоҳида ярим кечага чўзилган вақтлар ҳам бўларди.

Қаймақом билан бирга келишдан фойдаланиб қоладиган яна бир нарсам бор эди. Улар юзма-юз ўтириб суҳбатлашишаркан, мен сайр қилмоқчидек, ўзимни бир чеккага олар ва ҳамма нарсани унутардим.

Афифа қаймақомнинг кети узилмайдиган ҳикоялари, латифаларини эшитиб ўтиргани учун менга эътибор бермас эди. Мен бўлсам, бу вазиятдан фойдаланиб, унга ҳадиксирамай тикилар, суҳбат мавзуга мувофиқ равишда ўзгарган юзига, ўйчан ёки кулган кўзларига сажда қилгудай даражада мафтун бўлиб боқишдан хавфсирамас эдим.

Неча ойлар ўтган бўлса-да, негадир соғайиб кетмаётганим қаймақомни ўйга сола бошлаганди. Даставвал, Черков маҳалласидаги қизлардан бирига ошиқ бўлган деб ўйлаб, усталик билан мени гапга солди. Бир натижа чиқара олмагач, янада асослироқ деб ўйлаган бир сабабга тўхтади:

– Мен тахмин қиялпманки, сен оилангни, Истанбулни соғинган бўлсанг керак, – деди. – Бу ватан соғинчи деган бир касалиқдир. Хафа бўлма, бу ҳам ўтиб кетади... Ҳали ёшсан! Насиб бўлса, бир куни юртингга қовушасан.

Ҳар доим мен билан бирга бўладиган бу одам бир куни ҳақиқий сабабни кашф қилишидан чўчиб, юрт соғинчи фаразини рад қилмадим.

– Балки шундайдир, афандим. Менга нима бўлаётганини ўзим ҳам билмайман. Хафа бўлмасам, кифоя қилармикан? – деган жавоблар билан уни чалғитишга уриндим.

Бояқиш мени юпатиш учун нима қилиш керак бўлса қилар, бир томондан, янги китоблар топиб, фикримни банд қилишга ҳаракат қилар, иккинчи томондан бўлса, менга кўпроқ иш юклаши учун Ободонлаштириш бошқармаси муҳандисини қийин-қистовга олгани олган эди.

Бироқ буларнинг ҳаммаси беҳуда эди. Нима қилмайин, қаерда бўлмайин, ўзимни хира пашшадек ёпишиб олган бу савдо панжасидан қутқаришга муваффақ бўлолмадим.

Бирон ишни охирига етказишга, бирон нарса билан узоқ шуғулланишга тоқатим қолмаганди.

Идорада бошлаб қўйган ҳисоб-китобларим чала, уйда ёза бошлаган мактубим чала, ўқиш учун очган китобим чала ётарди. Бир кўйлак олиш учун жавонни очсам, ҳамма кийим-бошларимни хонанинг ўртасига тўкар ва уларни қайтадан тўплашга мажол тополмасдим. Атрофимдаги одамларга муносабатим ҳам тамомила ўзгарган эди. Менга айтилаётган гапларни тингларканман, тезда чарчаб қолардим. Бунинг оқибатида танишларимни битта-биттадан ранжитиб, ўзимдан узоқлаштира бошлагандим.

Инжиқлигим, асабий хатти-ҳаракатларим Ринага қадар барча қиз дўстларимни тўзитиб юборди. Баъзи майда-чуйда манфаатлар юзасидан инжиқлигимни кўтаришда давом этаётган камбағал Стематуладан бошқалари энди ўзларини четга олишганди.

Ҳадеб изтироб чекавериш ва фақат бир киши ҳақида ўйлайвериш натижасида ўсмай қолишим, тоғ тепасида қўйлари билан ёлғиз қолган чўпон каби одамови бўлишим ва ёввойилашишим мумкин эди. Лекин, яхшиямки, ташқи дунё билан алоқамни кесиб қўйиш ҳосиласи бўлган маҳрумият ўрнини изтироб

мени ўзимнинг тор ички оламимга гарқ қилиш йўли билан анча қопларди.

Қаймақомнинг менга берган китоблари ичидаги бир жумла ёки байт вақт-вақти билан юрагимни ўқ каби тешиб ўтарди. Бу жумлани дарҳол бир парча қоғозга ёзар ва неча кунлаб, гоҳо кўз ёши тўкиб қайта-қайта ўқир эдим. Кундан-кунга кўпайиб, қалин дафтарни тўлдирган бу байтлар ва сатрлар мен учун, арзимаган бўлса-да, ҳар ҳолда, бир гап, бир тарбия ҳисобланарди. Шу билан бирга ойлар ўтавергач, изтиробим бироз сокинлашиб, суस्ताшиб борарди. Уйғонганимда борлиқни оқартирган тонгга сокин қайғу билан боқар ва энди қўрқмасдим.

\* \* \*

Ўша йили ёзга яқин Афифа билан эрининг орасида муваққат келишув ташаббуси юз берди.

Бу хабарни менга аравакаш айтди. Гапи рост бўлса, Рифқибей икки кундан буён Салимбейнинг уйида, хотинининг ёнида экан. Бошқа чора топмаганим учун, қаймақомнинг ёнига чопдим. Лекин, аксига олиб, у ҳам ўзича жуда муҳим деб ўйлаган бир иш билан машғул экан. Хабарни эшитиб, ҳайрон бўлмади, менга эътибор ҳам бермасдан: «Ҳа, шунақами? Жуда яхши... Жуда яхши... Демак ярашибдилар-да» деди.

Мен, табиийки, унга канадай ёпишиб олдим. Гапни айлантириб, яна шу мавзуга тақайвердим.

Ёнида ўтирган бир нечта қишлоқ оқсоқолининг чиқишини сабрсизлик билан кутдим, сўнгра:

– Салимбей сизга ҳеч нарса демадимми? – дедим.

У елкасини учирди:

– Салимбейнинг оғзига қулф урилганини билмайсанми?

– Демак, сиз ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса билмас экансиз-да?

– Айтмаса, қаердан билай?

– Бунга шубҳа йўқ... Ҳариф, ҳар ҳолда, калласига ургани учун бу ерга келмаган. Ундай бўлганида, қувиб юборган бўлишарди.

– Хўш, шунчалик шармандалик, тўполондан кейин...

– Ҳариф учига чиққан маккор. Салимбейга, ким билади, нималар деб мактуб ёзган? Ёқасидан кириб, этагидан чиққандир. У ҳам, зотан, анча аҳмоқ. Нима ҳам дердик, Оллоҳ уларга тинчлик, осойишталик берсин.

Ортиқча қайсарлик, беъманилик, ҳатто, хавфли бўлган бўларди. Лекин ўзимни тутолмадим:

– Хўш, лекин кичик опа ўзингиз маккор деган бу одам билан яшаб кетиши мумкин деб ўйлайсизми?

– Яшаб кетар, яшаб кетмас, бу бошқа масала. Ҳой-наҳой, бу ҳариф хотинни тушида кўрган. У билан яна бир неча кун даврон сурай, деган. Ҳаққи йўқми? Узумнинг сувидек жувон. Сув ичса, томоғидан кўринади... Бир неча кун қучоғига олиб, ўпиб, бўйига тўйса нима қипти? Боз устига Салимбей деган тентакка ўзини тептекинга боқтиради.

«Узумнинг сувидек хотин», «сув ичса, томоғидан кўринади».

Қаймақомнинг бу ғаройиб ва бироз шоирона тавсифлари ўша вақтдаги болаларча ғўр тасаввурларимни қаттиқ қамчиллаган, Афифани кўз олдимда бутунлай бошқа қиёфада гавдалантирган эди.

Ҳафталаб миямни пармалаган бу ажойиб калималарни бирор шеърий мисра каби овоз чиқариб такрорлаб, йиғладим. «Бир неча кун қучоғига олиб, ўпиб, бўйига тўйса» сўзларининг менга ўтказган таъсири ҳам бундан кам бўлмади.

Афифанинг эрини ўз хонасига киритиши, у билан бир тўшакда, мен ётган тўшакда ётиши табиий эди. Бироқ қаймақом бу сўзларни айтмаганида, уни бир эркакнинг қўйнида, ярим яланғоч, тўхтовсиз силаб-сийпаланган ҳолда тасаввур қилмаслигим аниқ эди.

Бир неча кундан кейин қаймақом:

– Уларни сен билан бирга бир йўқлаб қўяйлик, – деди, – куёвлари ҳам шу ерда экан. Бояқишга «жуш келибсиз» демасак, айб бўлар.

Уларни бирга кўрмасликка қатъий қарор қилганимга қарамасдан, дарҳол рози бўлдим.

Рифқибей суратда кўрганимдан бироз каттароқ, сочлари қисман тўкилган ва оқара бошлаган, ақли ва ёқимтой одам экан. Таъриф қилганларидай, девонага ўхшайдиган турқи йўқ. Аксинча, нимадан гапирмасин, ўзига қандайдир ишонч уйғотарди.

Қаймақомга бошлаган янги иши тўғрисида узундан-узоқ сўзлади. Чина билан Ойдин ўртасидаги бепоён бўш далаларда ширинмия илдизи етиштираётган экан. Ширинмия илдизини Европага соғиш учун Измирдаги бир ширкат билан шартнома тузибди. Қилинадиган харажат ҳосилни йиғиштириб берадиган ишсиз қишлоқи аёллар ва болаларга тўланадиган арзимаган маошдан иборат экан, холос.

Қаймақом ҳалигина бу одам «Оллоҳ бир» деб қасам ичса ҳам ишонилмайдиган девона эканини сўзлаган бўлса-да, аста-секин ҳаяжонланди, яқинда пенсияга чиқса, унга ҳам бир иш беришни илтимос қилишга қадар борди.

Рифқибейга мен ҳақимда батафсил гапириб беришгани аниқ. Чунки у мени бегонасирамади, Миласдаги мавқеим, ҳатто, бошимдан ўтказган фалокатга қадар аниқ саволлар берди. Сиёсий маҳбус бўлганим учун мени озми-кўпми ақли деб ўйлар, қаймақом билан сўзлашаётган масалаларга мени ҳам аралаштиришни хоҳларди. Лекин касалликдан кичрайган гавдам, ҳуркак боқишларим ва бемаъни жавобларим билан ўша кунни шунчалик болага айландимки, бу эътиборни беш-ўн дақиқа ичида йўқотдим ва хонанинг бир четида унутилиб қолдим.

Рифқибейнинг олдида бунчалик довдираб қолишимнинг турли сабаблари бор эди. Аввало, уни ўзимга рақиб деб билар, ундан доимо узоқ туришим, совуқ

Муомала қилишим лозим деб ўйлардим. Қолаверса, Афифага ошиқлигимни ўзимча келин-куёвликка ўхшаш бир нарса деб билганим учун қандайдир айб қилганимга, бу одамга нисбатан виждонсизлик қилганимга амин эдим. Ниҳоят, ўзимча уларни бирга кўрсам, рашк қиламан, ҳатто, эҳтиётсиз хатти-ҳаракатларим билан ўзимни фош қилиб қўяман деб ўйлаган эдим. Шунинг учун ҳам на Рифқибей, на бошқа бировнинг мен билан машғул бўлмаётганидан бироз юракландим, тошбақа боласи сингари, косамдан бошимни чиқариб, у ёқ бу ёққа аланглай бошладим.

Рифқибейнинг оила даврасидаги вазиятида ҳеч қандай ғайритабиийлик сезилмасди. Ҳатто, унинг катта опа билан ўзаро ҳазиллашишганини, бир-бирига табассумлар қилишганини кўриб, ҳайрон бўлардим.

Салимбей оғир-вазмин ва ўйчан, ора-сира қошларини бироз чимириб, малларанг узун мўйловининг учини ўйнаб, хаёл суриб ўтирарди. Лекин бу унинг, озми-кўпми, ҳамишаги аҳволи эди. Ҳатто, мен ҳам уни яхши танимасимдан олдин бу совуқ сукутларидан хавотирга тушмаганмидим, доктор мени назарига илмаяпти ёки ўзим билмайдиган қандайдир айбим туфайли мендан ранжиган деган васавасаларга тушмаганмидим?

Афифага келсак, у бугун бўйнини оппоқ батист рўмол билан ўраган, елкаларига қалин шарф ташлаган бўлса-да, қаттиқ йўталар ва бўғиқ овозда негадир шамоллашдан қутула олмаётганидан шикоят қилиб қўяр эди.

Юзининг қони қочган, кўзлари ҳорғин ва қизарган. Гоҳо узоқроқ йўталиб қолса, Рифқибей унга ўтирилиб:

– Бу очиқ хонада ўтирганингдан кўра, ўз хонангда ётсанг яхшироқ бўларди, – дерди.

Бир вақт Рифқибей билан қаймақом нарда ўйнашга тушиб кетишди. Афифа курси олиб, эрининг орқасида ўтирди ва унинг елкаси оша ўйинни кузата бошладди. Баъзан ўзини қўйиб юбориб, Рифқибейга салгина

суянар, сочлари унинг чаккасига, бошига тегарди. Бу ҳаракати менга олдинга унинг яширин истаги, эрига суйканиш эҳтиёжининг бир кўриниши сифатида туюлган эди. Лекин, шуниси ғалатики, менда рашк уйғотиши лозим бўлган бу яқинликка, Афифанинг ўз ихтиёри билан юзага келтирган бу ишқ ҳолатига мен лоқайд қолавердим ва сабабини ўзим ҳам билмаган енгил ғам-андудан бошқа ҳеч нарса ҳис қилмасдан, кўз қири билан уни кузатиб ўтиравердим.

Катта опа бир чеккада кашта тўқишга берилиб кетганди. Қўлларини чўнтагига тикқанча, гоҳ девордаги суратлар олдига борган, гоҳ нардачиларнинг бош учига келиб, айланиб юрган Салимбей менга:

– Сиз нардани яхши кўрмайсиз, шекилли, Камолбей, – деди. – Қани, унда боққа чиқиб, бир соф ҳавода нафас олайлик.

Ёқар-ёқмас ўрнимдан турдим ва докторга эргашдим. Аммо Афифа ўтирган жойдан узоқлашмаслик учун қалбим ва вужудимни шундай қувват қоплаган эдики, Салимбей боғ ўртасига юришни хоҳласа-да, бунга муваффақ бўлолмас, худди магнит тортгандай, дераза олдига қайтиб келаверардим.

Ўйин борган сари қизиб борар, ҳаяжонли мусобақа шаклига кирган эди. Қаймақом ўзини унутган ҳолда тошларни кўлига олиб, дам солар, Рифқибейнинг тошлари нарданинг устига тушди дегунча, ҳаяжонланиб қийқирарди. Шу даража қизишиб кетишдики, ҳатто, катта опа ҳам ишини кўйиб, уларнинг ёнига келди.

Салимбей билан деразадан комедиани томоша қила бошладик. Афифанинг боши ҳалиям эрининг елкасида эди. Деразани қоплаган чирмовуқлар орасидан хира хонага тушаётган оқшом ёғдуси, кўзгуга урилгандай, фақат унинг юзларини ялтиратарди. Эрининг ҳадеб нарданинг устига эгилиб-букилган ялпоқ кал боши ёнида бу чеҳра нақадар масъум, нақадар оппоқ ва покиза эди.

Ҳалидан бери менга ишқдай кўринган бу яқинлик энди фожиавий маҳкумлик, бир асирнинг мажбурий итоатига ўхшаш нарса бўлиб кўрина бошлади. Ким билади, балки, бироз аввал Афифани унчалик қизганмаганим ва уларнинг бошлари бир-бирига тегишини кўриб, андуҳдан бошқа нарса ҳис қилмаганимнинг сабаби ҳам шу эди.

Ўша кундан кейин Рифқибей билан Афифани кўп бора бирга кўрдим, ҳатто уларнинг, менга кўпам эътибор бермай ёки эътибор бермаяпти деб ўйлаб, бир-бирига қилган эр-хотин навозишларига ҳам шоҳид бўлдим. Лекин, нима бўлишидан қатъи назар, доимо шу туйғум устун бўлиб қолаверди.

Қаймақомнинг тагдор калималар билан тасаввуримда гавдалантирган ишқ саҳналарида кўзларини маъносиз ва иштиёқсиз, ҳеч қандай лаззат олмаган ярим яланғоч ва мажолсиз асир вужудини бу одамнинг кучоғида фақат эзфиланган ҳолда кўрар ва унга ачинардим.

Қаймақом аравада қаттиқ-қаттиқ йўтала бошлади. Афифадан гап очиш учун:

– Кичик опадан сизга шамоллаш юкқан бўлмасин, – дедим.

У қириниб бўлгандан сўнг:

– Ундай эмас, ундай эмас, – деди. – Ўша тўнғиз ҳариф ҳолимни танг қилгани учун шундай бўлди. Тош-ни қандай хоҳласа, ўшандай ташлайди бу фирибгар. Бунақаларнинг кўлидан исталган номаъқулчилик келади.

Қаймақомни бироз киноя қилдим:

– Келаётганимизда Рифқибейга қарши эдингиз, афандим, – дедим, – сўнгра у билан апоқ-чапоқ бўлгандай бўлдингиз. Энди бўлса, яна ёмонлай бошладингиз.

У ўзини мудофаа қилмади, маҳзун бир тарзда:

– Инсон ожиз махлуқ, – деди, – боя Салимбейни айблагандим, аммо бунақа ширин тилли ҳийлагар барча-



га фириб бериши мумкин. Яхшиямки, бунақалар чак урган вақтларидагина таъсир ўтказа оладилар. Лекин инсон бундоқ калласини ишлатиб, яхшилаб ўйласа, қопқонга тушганини билиб олади. Бу ҳариф ширинмия илдизи савдосидан лоф урганида Чина дала-ларидан олтин унаётган бўлса керак деб ўйлабман. Ким билади, у Сқлаваки деган тентакларнинг калласини ҳам шунақа ёлғонлар билан ачитгандир.

Ўйинда иккита чоракталиқни ютқазиб қўйгани учун қаймақом Рифқибейнинг ашаддий душманига айланган эди.

– Айб ўзингизда, – дедим, – нарда ўйнашдан олдин «Мен чорактага ўйнайман» демаганмидингиз?

– Шундай дедим, аммо бу ҳазил эди. Айтмасам бўларкан... Икки партияни ютқизгач, олмаса керак деб, чоракталиқларни чиқардим. Нима ҳам дейсан, шартта олди қўйди, ҳайвон.

Афифа мавзусининг ёпилишини истамадим:

– Тамомила ярашган кўринишади, – дедим, – сиз нима деб ўйлайсиз?

– Билиб бўлмайди. Ҳар ҳолда, бечора жувонга қийин бўлди. Салимбей чидаши, имкон борида бир чора топиши керак эди. Айни чоғда, бу хотинлар ҳам бир ажойиб тоифа. Эҳтимол, ҳарифга унинг ўзи ёпишиб олгандир... Салимбей бирон нарсани тушунтиришга ожиз қолгандир. Айтганимдай, бу ҳариф ўтакетган ҳийлагар.

## XVII

Бу зиёратдан кейин бир ҳафта ўтди. Бир куни пешин вақти бозордан ўтарканман, бир юнон бола исми мени айтиб чақирганини эшитдим ва ўтирилиб катта опа газмол дўкони эшиги олдида шамсияси билан мени имлаётганини кўрдим.

Аввалига Афифа ҳам шу ерда бўлса керак деб, ҳаяжонланиб кетдим. Лекин катта опа ёлғиз экан. Пеш-

тахта устида турган бир неча ўрам ипак матоларни кўрсатиб, фикримни сўради ва бу матолардан Афи-фанинг боласига кўйлақлар тикилишини айтди.

– Кичкина бу ерга келадиган бўлдим, афандим? – деб сўрадим.

У кулимсираб:

– Измирдаги буви қўйиб юборса келади-да, – деди. – Яқинда Фофо кетади... Ундан бериб юбораман.

Шошиб қолиб:

– Аффихоним Измирга кетадиган бўлдим? – дедим. – Сиз-чи?

– Мен нима ҳам қилардим, яна ёлғиз қоламан. Балки, ёзда бир неча ойга келар. Кичкинага ўйинчоқлар ҳам олмоқчиман. Бу ерда яхшиси йўқ, аммо нима ҳам қилардик?.. Холаси ўйинчоқ ҳам юбориши лозим-да.

Сотувчи жавонлардан рангдор барабанлар, елканли қайиқлар, қалайи аскарлар тушириб, пештахта устига тизди, биз улардан ёқтирганимизни савдолаш-гач, бир чеккага олиб кўярдик.

Катта опа билан олдинга мақбул ва сокин гаплашган, ҳатто, ўйинчоқларни танлар экан, ҳазиллашган бўлсам-да, кейинроқ чарчаб, алжирай бошладим. Аҳволимдаги бу ғалати ўзгаришни у ҳам сизди ва:

– Сизга нима бўлди, Камолбей? – деди. – Касалландингизми?

Кулишга уриниб:

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, афандим, – дедим. – Нега энди касал бўларканман?

– Сезмаяпсизми, юзингиз жуда сарғайиб кетибди-ку...

Бир баҳона топиш керак эди. Бир кун олдин Истанбулдан келган мактуб эсимга тушди. Бу ёзда яна меникига меҳмон бўлиб келмоқчи бўлган отам мактубида кейинги кунларда онаминг тоби қочганини, шу боисдан сафарни кузга қолдиришганини ёзган эди.

– Истанбулдан мактуб олдим, афандим, – дедим, – онам яна касалланибди. Бунинг устига касали оғир-

роқ эмиш. Биласиз, менинг Истанбулга кетиш имконим йўқ.

Катта опа бирданига ҳамма нарсани унутди ва қаттиқ хавотирланиб, тафсилотларни суриштира бошлади. Дақиқа ўтган сари юрагим ва бошим оғирлашиб бораётгани учун кўп нарсани ўйлайдиган аҳволда эмасдим. Шунинг учун аввалига калламга нима келса, шуни айтавердим. Лекин у Салимбей Истанбулга телеграмма юбориб, аҳволни суриштиришини айтди дегунча, кўрқувдан ҳушим жойига келгандай бўлдим.

– Эҳтимол, мен кўрққандай эмасдир, афандим. Зотан, отам ҳам унчалик хавотир оладиган жойи йўқ деганди... Мен ўзим хавотир оляпман, – деганга ўхшап важ-корсонлар рўкач қила бошладим.

Бечора хотин бор-йўғи бир неча марта кўрган бир кампирни ўйлаб, кўзлари жикқа ёшга тўлди.

– Лозимки, сизни бизникига олиб кетишим Камолбей, – деди.

– Ижозат беринг, афандим, – дедим, – ҳеч безовта қилмай.

– Катта айб қияпсиз. Қандай тилингиз борди, сизни қандай ёлғиз ташлаб кетаман. Салим бизнинг ҳам, сизнинг ҳам акангиз, бироз гаплашасиз, баҳри-дилигиз очилади.

Бошқа гапириб ўтирмай, катта опанинг тугунларини олиб, бир чеккада кутиб турган арава томонга юрдик.

\* \* \*

Салимбей куёви билан кўчага чиққан экан. Афифа боғда ёлғиз ўтирарди. Катта опа юнончалиб бир нарсалар деганидан кейин мени унга топширди ва кийим-бошини алмаштиришга кетди.

Онам ҳақида тўқиган ёлғоним Афифани ҳам айни йўсинда ташвишлантирди. Лекин у хавотирини, опаси сингари, очикдан-очик сездирмади, эҳтимол, мени янада қаттиқроқ ташвишлантирмаслик учун савол беришдан ўзини тийган эди.

Мени аввалига ичкарига олиб кирмоқчи бўлди, бироқ кейин, негадир, бундан воз кечди.

– Чарчамаган бўлсангиз, борда бироз айлана қолайлик, – деди, – очиқ ҳаво яхши-да...

Бино билан кўча эшиги орасидаги йўлдан аста-аста туша бошладик. Флора ҳам ёнимизда. Ора-сира эшик томонга югуриб, кўчадан ўтган ҳўкизларга ҳургандан кейин чанг-тўзон кўтариб, орқага қайтар, оёқларимизнинг остида чалқанча ётиб, оёқларини силки тарди.

Лайчанинг бу ўйинлари Афифага одобсизликдек кўриниб, жаҳли чиқди. Занжиридан тортиб, йўл четидаги дарахтга боғлади, сўнгра ораликдаги йўлкалардан бирига бурилди.

Одат ғалати бир нарсадир. Бу ер ўтган йили ёзда отам ва онам билан бирга уларникига биринчи марта меҳмон бўлиб келган кечаси бирга ўтган йўлкамиз эди. Яна шу дарахтлар орасидан ўтиб, полиз қудуғи ёнига бордик.

Афифа:

– Юзингизни ювиб олишни хоҳлайсизми, Камолбей, – деди, – совуқ сув тинчлантиради. Дилингиз равшан тортади.

Индамай қудуқ ёнидаги новлардан бирига эгилдим ва олдин юзимни ювдим, сўнгра бошимни бир неча бор совуқ сувга ботириб олдим.

Бу ишни шу қадар пала-партиш ва ношудлик билан қилдимки, бошим билан бирга камзулимнинг уст қисми ҳам жиққа ҳўл бўлди. Қудуқнинг ёқамдан кирган совуқ суви кўкрагим, куракларимнинг ўртасига сизиб оққани учун қаддимни тик тутолмай, худди таъзим бажо келтирмоқчи бўлгандай, эгилиб-букилдим.

Афифа ўзини кулгидан тўхтата олмади.

– Нима қилиб кўйдингиз Муродбей, – деб қичқириб юборди, – ахир, шамоллаб қоласиз-ку.

Ҳеч нарса қилмаслигини англаймоқчи бўлгандек, елкаларимни учирдим.

– Биласиз-ку, шамоллашдан роса азоб тортдим, йўғалим ҳалигача қолмади...

– Илтимос қиламан, бошингизни қуритиб олинг.

Қуритай, лекин нима билан? Қўлимни чўнтагимга суқдим, рўмолча йўқ. Неча кундан буён девоналик қилиб, рўмолчани ҳам унутган эканман.

Афифа кафтидаги кичкинагина батист рўмолчани кўрсатди.

– Буни берақолай, лекин фойдаси бўлармикан? Сизга сочиқ керак...

Ўнг қўлимни ансамдан бошлаб, сочимнинг устидан ўтказиб, юзимга қадар силадим. Енги билан бурнини артган камбағал кўча болалариникига ўхшаган бу ҳаракатим, тўзфиган сочларим ва хусусан, шу ҳолатда виқорли, маҳзун ва жиддий бўлишга уринишим шу даража кулгили кўринардик, бу гал Афифа хохолаб кулиб юборди. Лекин бу кулги менга нисбатан ҳурматсизлик бўлишидан чўчиб, шу лаҳзадаёқ қўллари билан оғзини ёпди.

– Галстугингизни ечинг, Муродбей. Ҳатто, кўйлагингизнинг устки тугмаларини ҳам ечсангиз яхши бўларди...

Ҳеч нарса демай, бўйсундим. Аммо ҳўлланган ингичка бўйинбоғим тугуни ичида бироз сирғалгандан кейин баттар сиқилди ва на юқорига, на пастга сурилади, Флоранинг тасмаси сингари, бўйнимда осифлиқ қолаверди.

Афифа нўноқлигимни кўриб, менга кўмаклашмоқчи бўлгандай, бир ҳаракат қилди, лекин бир ёш йигитнинг танига қўл тегизишни тўғри деб билмади, шекилли, воз кечди.

– Бошингизни қуёшга тутинг. Ҳарқалай, бироз нафи тегади.

Қудуқ рўпарасидаги иккита катта анжир дарахти орасидан тушаётган қуёш нурига томон бир-икки одим отдим ва юзма-юз туриб қолдик.

– Сизга нима бўлди, Муродбей?

Афифанинг савол оҳангида меҳр-шафқат, бутунги ҳолимнинг янада теран сабабларини билиш истагига ўхшаш бир нарсалар сезгандай бўлдим. Ўзимни кўзларимни қамаштирган қуёшга солиб, қуриниш билангина машғулдек кўрсатиб, юзига боқишга журъат қилолмай турарканман, унинг мени қайғу, қизиқиш ва меҳр билан кузатаётганини ҳис қилардим.

Сиримни фош этиб қўйишдан кўрққандай, фақат:  
– Онам... – дедим холос.

У яна ўшандай виқорли жиддийлик билан:

– Ҳа, онангиз, – деди, – ҳаммамизнинг онамиз. Лекин катта опанинг менга айтишича, унчалик хавотир оладиган бир гап йўқ экан-ку. Балки, ҳозир тўшакдан туриб кетган бўлса ҳам керак.

Мен гоҳ оёқларимнинг учига, гоҳ ён томонга ва осмонга боқиб, кўзларимни қисар, жавоб бермасдим!

Афифа бу сафар янада очикроқ сўзлади:

– Нима бўлди сизга, Муродбей? Ўтган йили бунақа эмасдингиз-ку. Хушчақчақ, бақувват бола эдингиз. Нега ўзингизни бунчалик ташлаб юбордингиз?

Афифа бу саволларни мендан кўра, кўпроқ ўзига бераётганга ўхшарди. Шундай бўлса-да, мендан жавоб кутиб турар, ўжарлик билан жим турганимни кўргач, ўтган йилги аҳволим билан ҳозиргиси орасидаги фарқ ҳақида баъзи нарсаларни гапирар ва гапиргани нуқул айни жумла билан тамомларди:

– Нега ўзингизни бунчалик ташлаб юбордингиз?

Нега ўзимни бунчалик ташлаб юбордим? Бунга жавоб бериш имкони бўлмагани учун кўзларимдан ёш тирқирай бошлади. Афифа буни ярим юмуқ киприкларим орасидан кўзларимни қамаштирган қуёш нури таъсири ёки сочим ва пешонамдан кўзларимга оқиб тушаётган сув томчилари деб ўйлайди деб умид қилардим. Аммо у нима гаплагини тушунди ва давом этди:

– Бунчаликка борманг, Муродбей... Балки бу ерда бахтли эмасдирсиз. Севган кишиларингизни кўргингиз келар... Аммо нима ҳам қила олардик? Биласиз,

менинг болам ҳам узокда... Баъзан у ҳам хасталанади, юрагим куяди. Лекин кўлимиздан ҳеч нарса келмайди...

Кўпам эътибор қилмадим. Бироқ Афифа менга боласи ҳақида биринчи марта оғиз очаётган эди, шекилли. Балки, эрига бўлган хусуматида, ўзи истамаган ҳолда, боланинг ҳам ҳиссаси бор деб ўйлагани учун бошқа вақтлари кичик Сқлаваки устида гап кетса, ҳатто бироз жаҳли чиқиб, гапни бошқа томонга бурганини кўрган эдим. Лекин шу топда фақат ўғлини эслаб, ғамга ботгани учун кўзлари намланган, бошини бошқа томонга ўгириб олган эди.

Юрагим ҳапқириб, сўрадим:

– Ҳа, шундай, лекин сиз яқинда болангизни кўрасиз, шундай эмасми?

У хаёлар оғушидан чиқолмай, аллақандай ҳаракат қилди. Оёқ тирадим:

– Балки, яқин кунларда... Шундай эмасми?

Яна ўйчан ҳолда, мажҳул жавоб берди:

– Билиб бўлмайди...

Уят-пуютни йиғиштириб кўйиб, сурбетларча қайсарлик билан савол беришда давом этдим:

– Балки, бир неча кун ичида... Масалан, бир ҳафтадан кейин Измирда бўлишингиз мумкин.

– Бундай бўлмаса керак, деб ўйлайман.

– Катта опа яқин кунларда кетишингизни айтди.

– Шунақами?

– Ҳатто, бугун болага кўйлакликлар, ўйинчоқлар олди.

Афифа ёқар-ёқмас кулимсиради.

– Опам мендан айрилиб қолишдан чўчияпти... Шу боисдан мени яқин кунлар ичида кетади, деб ўйлаяпти.

– Демак, унчалик эмас экан-да?

– Балки, қишга яқин... Биласиз-ку, унинг Чинада, Ойдинда ишлари бор.

– Ундай бўлса, қишгача шу ерда бўлишингиз аниқ экан-да.

– Шундай бўлса керак.

Аъзойи баданимни бир илиқлик қоплади. Ўчоқ олдида ўтиргандай сочларим қуриб, жингалаклашганини, юзларим қизарганини ҳис қилдим, фақат вужудимгина эмас, балки эгнимдаги жонсиз кийимлар, енгларим ва почаларим, бўйнимда осилиб ётган бўйинбоғимга қадар жонлангандай бўлди.

Демак, катта опа ўзи янглишгани каби, мени ҳам билмай алдаган! Аффифа қишгача шу ерда... Қишгача... Анча вақт бор!

Унинг ўз оғзидан бу муждани эшитганимдан сўнг кўзимга кўрина бошлаган дарахтлар яна бир неча бор яшнаб-ўзгаради, эндигина томир отган майсалар кўкаради, ўсиб, сарғаяди, ёмғир ва туманлар билан бошланадигандек туюладиган алдамчи қишдан кейин яна ҳаво очилади, борлиқ яшаради... Ким билади, ундан кейин қанча узоқ вақт ўтгач, ҳақиқатан ҳам қиш кириб келади... Бир кун ўлишимиз муқаррар. Лекин муҳлат узоқ ва номаълум бўлгандан кейин унинг нима фарқи бор?!

Мени ашаддий тушкунлик қаъридан жасорат ва шоду хуррамликнинг энг юқори чўққисига олиб чиққан саноқли асаб бўҳронларидан бирини бошдан кечириётган эдим. Шу лаҳзаларда барча нарса менга шундай осон, қулай бўлиб кўринаётган эдики, Аффифани кўлларида ушлаб, кучоғимга тортсам, индамай рози бўладигандек туюларди.

Қизғин вайсақилик эҳтиёжи менга шу заҳотиёқ таҳликали нарсалар сўзлата бошлади:

– Сиз ҳақсиз, кичик опа, – дедим, – билмайман, балки бу қандайдир касаллик бўлса керак... Мен ҳечам олдингидай эмасман. Бугун менга катта яхшилик қилдингиз. Зотан, сиз доимо менга шу қадар яхши, шу қадар яхши муносабатда бўлгансизки... Оёғим синган вақтда ҳам, бугун ҳам, ҳар доим, ҳар доим...

Аффифа алаҳсирашга ўхшаш бу сўзлар ва кўзимдан тўхтовсиз қуюлаётган ёшларнинг сабабини тушуна ол-



маётган, оёрим синган вақтлари ва, айниқса, бугун менга қандай яхшилик қилганини билолмай юзимга бақрайиб турар эди.

Лекин бу сингари бўҳронлар юқумли бўлади:

– Сиз ҳақиқатан ҳам бола экансиз, Муродбей, – дея менга таъна қилмоқчидек кўринган ҳолда ўзи ҳам ҳаяжонга тушди, меникидан кам бўлмаган болаларча сўзлари, туриш-турмуши билан менга тасалли беришга уринди.

Сўзлаша-сўзлаша кудуқ ёнидан узоқлашдик ва боғ тўрига қараб юра бошладик. Салимбейнинг боғи қанчалик катта бўлмасин, бор-йўғи бир нечта мева дарахтлари ва полиздан иборат эди.

Лекин ўша оқшом бу боғда Афифа билан қилган сайр менда поёнсиз ўрмонда кунларча давом этган бир саёҳатдек таассурот қолдирди. Дарахтларнинг қуюқ соясидан ёруғ майдонларга чиқар, узум ишқомлари орасида айланар, кейин яна дарахтзорга, эҳтимол, яна ўша дарахтзорга кирардик. Баъзи жойларда бошимизга бутоқлар тегар, оёқларимиз буталарга ўралашарди. Бир неча марта бир чуқур, балки айни ўша чуқур устидан ҳатладим ва сакраб ўтишига кўмаклашиш учун унинг қўлини ушладим. Ҳар гал унинг бир йил олдин черков боғчасида оташ устидан ҳатлагани эсимга тушар ва кулимсирардим. Ҳатто, ўйлайманки, буни унинг ўзига ҳам айтдим.

Сайрнинг бу қадар узоқ давом этишига ва Афифанинг ёнимда ўзини бунчалик унутиб қўйишига бу оқшом ўтакетган даражада вайсақилик қилганим сабабчи бўлган эди. Бир неча бор уни тўхтатиб, кўзларим, лабларим ва овозимда бўҳрон оташи билан нималарнидир узундан-узоқ тушунтирганимни эслайман. Балки, болаларча бир гаплар айтган бўлсам керак. Лекин бу гаплар ичимдаги катта одам эҳтиросидан ғалати тусга киргани учун беихтиёр Афифанинг диққатини ўзига тортарди.

¶ Катта йўл устидаги дарахтга борланган Флоранинг ора-сира вовулагани қулоққа чалинарди. Бир мартасида Афифа эшик томонга ўтирилиб:

– Акам келяпти, – деди.

Бу сайр ниҳоясига етди деган гапни билдирар эди. Аммо у, негадир, акаси ва эрини ора йўлдан қаршилашни хоҳламади ва мени боғнинг орқа томонидаги йўлдан айлантриб, уйга олиб борди.

\* \* \*

Салимбей масалани катта опадан эшитганди. Мени кўргач, андишали бир тарзда:

– Мактуб ёнингиздами? – деди.

Қўлимни камзулимнинг чўнтагига юбордим, аммо дарҳол эсимни йиғиштириб:

– Йўқ, – дедим, – уйда ёки идорада бўлса керак.

– Ўша мактубни кўрмоқчи эдим. Касаллик ҳақида бирон тафсилот борми?

– Йўқ... Бултурги касаллик шекилли... Отамнинг ёзишига қараганда, бутунлай ўтиб кетган...

– Ундай бўлса, нега бунчалик хавотир олдингиз?

– Унчалик хавотир олмадим. Балки, катта опа янглиш тушунган бўлса керак.

Мен энди керак бўлмай қолганим устига таҳликали бўлаётган бу касаллик чўпчагини бартараф қилишдан бошқа нарсани ўйламас, айбни айёрлик билан катта опага ағдаришга уринар эдим. Салимбей қўлимдан ушлаб, сочимни силаркан:

– Агар янги касаллик бўлмаса, муҳим эмас, – деди.

– Мен онангизнинг мизожини биламан. Заиф, асабий, лекин соғлом, Оллоҳ шифо берсин... Шунга қарамай, мингбошига телеграмма юбориб, суриштириб қўяман.

Салимбейни бу фикридан қайтариш учун кўп уриндим. Лекин мумкин бўлмади. У бундай қилишни, балки, отам билан дўстлиги учун ўз бурчи деб биларди.

Салимбейлар ўша кечаси мени овқатга олиб қолишди. Дастурхонда бошқа меҳмон ҳам бор эди. У Сқла-

вакиларнинг узоқ қариндоши бўлган жуда кекса ва камбағал критлик эди.

Бу ғалати оиланинг сизга меҳр ва шафқат кўрсатиши учун озгина бадбахт бўлишнинг ўзи кифоя. Дастурхон устидаги суҳбат менинг афсонавий қисматим устида бўлди. Баъзан ярим забун критликка шунақа ғалати гаплар айтишардики, булар ҳам, асос эътибори билан, мени бироз чалғитиш, кўнглимни олиш учун сўзланаётганини жуда яхши билиб турардим.

Бу кеча орамизда энг кўп сиқилган Рифқибей бўлди. Бояқиш онамга нисбатан жичча майл ҳис қилиш иложини тополмай, назокат юзасидан бизга мослашишга мажбур бўлар, ёлғондакам қайғу билан афтини бужмайтирар эди.

Тўғриси айтганда, бир онанинг бутунлай ёлғон бўлмаган касаллигини эътиборсиз қолдириш айб иш эди. Лекин шахсиятим ҳали бундай нозик жиҳатларни эгалламагани учун буни туймас, билъакс, ўзим яратган кайфиятнинг ўзимга таъсир қилиши натижасида пайдо бўлган қайғу-ҳасратни – Афифа ҳақидаги ташвишларим энди ўтиб кетгани учун – ҳақиқатан онам туфайли келиб чиққан деб ҳисоблардим.

Бояқишнинг неча ойлардан бери эсланмаган ва ҳаёлимга ҳам келмаган чеҳраси бироз ҳасрат ичида кўз олдимда такроран намоён бўла бошлаган эди.

Салимбей ёки катта опа онам ҳақида сўзлади дегунча, бошимни ҳам қилиб, аччиқ-аччиқ кулимсираб:

– Хафа бўлманг, – дердим, – балки, иншооллоҳ, ўзингиз айтгандай, енгил хасталиқдир. Енгил касаллик бўлмаганда ҳам кўлимиздан нима келарди? Ҳамма бир куни ўлади... Иродали бўлиш керак!

Атрофимдагилар олдида шу тариқа ёлғончи қаҳрамон ролини ўйнагандан кейин, дераза томонга ўғирлар, хиралашган кўзларимни очиш учун киприкларини ишқалаб, қоронғиликка боқиб қолардим.

Салимбейнинг асабларингни бироз тинчитадиган дори дея зўрлаб ичирган бир қадаҳ шароби бўҳроним-

ни баттар кучайтириб юборди. Ичимда қувонч билан қайғу аралашиб кетганди. Булар кети узилмаган тўлқиндай кўксимдан бошимга чиқар, теварагимдаги нарсалар туман ичида кўринар, шамдонларнинг аксида Аффанинг чеҳрасидан бошқа нарса қолмас эди.

У энди эрининг ёнидаги стулда тирсакларини столга тираб, жағини кафтлари орасига олганча, миқ этмай хаёлга толган эди.

Орадан икки соат вақт ўтмаган бўлса-да, у билан бордаги сайримиз менга узоқ мозийда бўлиб ўтгандек туюлаётган, унинг сеҳрли таъсири шаклан ўзгара бошлаган эди.

Гапирилаётган сўзларни тинглаш, саволларга жавоб бериш билан бирга, атрофимдаги мавжуд борлиқдан янада кучлироқ бу рўё гирдобида ўзимни йўқотаётган, чексиз ўрмонзор қаърига тушиб, бошим айланаётганини ҳис қилиб, тўхтовсиз гирён бўлаётган эдим.

Қишгача шунчалик кўп, шунчалик кўп кунлар борки! Аммо, қанчалик узоқ бўлмасин, охири келадиган сўнгги кун учун ҳам бир чорани ўйлаб қўйгандим... Аффадан айрилар-айрилмас, ўзимни ўлдираман.

Бошқа касалликларда бўлгани сингари, ишқнинг ҳам муайян даврларида ўзини намоён қиладиган муайян белгилари бор; ўз жонига қасд қилиш фикри ҳам ҳар бир ошиқни аллақандай хомхаёл тарзида, албатта, йўқлайдиган белгилардан бири бўлса керак.

Ўша кеча менда илк бор пайдо бўлган бу фикр муҳлатнинг узоқлиги ва ҳозирча бир хомхаёлдан иборат бўлгани учун мени чўчитмаётган, калламда бир тўда романтик тасаввурларнинг уйғонишига сабабчи бўлаётган эди.

Ўша кечаси қилган қароримга кўра, ўлишга тўғри келиб қолса, Аффигага бир мактуб қолдириб, бор гапни тўкиб солган бўлардим. Тириклик чоғимда имкони бўлмаган бу нарсанинг ўлимимдан кейин юзага чиқишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ. У, албатта, йиғлаган ва, балки, мени севиб қолган бўларди.

Афифага севишимни айтиш орзуси ва унинг томонидан севилиш умиди ўша кечаси ўз-ўзига суиқасд фикрининг бир натижаси сифатида туғилган эди.

Куёш ботаркан, ҳаво очиқ бўлишига қарамай, уфқда кучсиз чакмоқ излари порлаб сўнаётган эди. Овқат пайтида шамол ва момақалди роқ гулдурослари билан баравар ёмғир бошланди ва деразаларни ёпишга тўғри келди. Энди пешбандининг бир четини бошига ташлаганча, ҳадеб айвонга чиқаётган девқомат оқсочнинг юз-кўзлари ва эгнидан сув оққанча ичкарига киргани кўриларди.

Салимбей бу ёмғирда уйга қайтишнинг иложи йўқлигини айтиб, шу ерда тунашни таклиф қилди.

Мен бўлсам, бу кечада ёмғир ва бўрондан ҳам кучлироқ нарсалар билан олишиш эҳтиёжида оташин бўлиб ёнаётгандим. Албатта, уйга қайтишим кераклигини айтиб, Сқлавакиларнинг мени ҳамиша ҳуркитган обрўсига ўжарлик билан қарши чиқдим.

Лекин шу аснода эсимга тушган бир нарса мени бирданига юмшатди.

Кўп ўтмай Афифа эри билан, Салимбей кекса меҳмони билан юқорига чиқишди ва мен ошхонадаги стол ёнидаги курсида ўтириб, битиб-тугамайдиган каштаси устига мук тушган катта опа билан ёлғиз қолдим.

\* \* \*

Қароримни бирдан ўзгартиришга мажбур қилган сабабга келсак, меҳмонхонада ҳар тарафни, тортмаларни титкилаб, Афифанинг суратини топмоқчи эдим.

Хонада ёлғиз қолганимдан кейин атрофга узоқ кулоқ тутдим. Ташқарида ёмғир ҳар вақтдагидан шиддатли ёғаётганига ва ҳеч ким боғдан мени кузата олмаслигига қарамай, пардаларни зичлаб ёпдим ва ишга киришдим.

Бир соатдан кўп титкилаганимдан кейин Салимбейнинг дори ва қақир-қуқурга тўла жавонларининг би-

рудан Афифанинг ҳали эркаклардан қочмаган, болалик вақтларига оид бир суратини қўлга киритдим.

Тўғриси айтиш керак бўлса, Афифанинг у вақтдаги кўринишида гўзалликдан асар ҳам йўқ эди. Бунинг устига бошида хўрознинг тожиги ўхшаш қалпоқ, эгнида енглари қавариқ ғалати кўйлак, бўйнида тилла зебигардон бўлган ҳолда фотограф олдида алақандай кулгили ҳолатда турарди. Лекин бундан ҳеч қандай ранжимадим. Зотан, бу суратнинг вазифаси вақт-вақти билан Афифанинг юзини ёдимдан чиқарганимда менга уни такрор эсимга туширадиган бир-икки белги беришдан иборат эди.

Ўша кечаси бир неча бор уйқудан уйғониб кетдим. Ҳар гал Сқлавакилар устимга келиб қоладигандек, жу-жунчамнинг ўғри чўнтагида асраган суратни чиқарар, бош учимдаги шамни ёқиб, қалбимда теран изтироблар билан унга термилардим.

## XVIII

Рифқибей ҳеч кутилмаганда қандай пайдо бўлган бўлса, бир куни яна шундай, сассиз-садосиз ғойиб бўлганидан хабар топдик.

Сқлавакиларнинг уйида нима бўлиб ўтганини билолмадик, саройдан бирданига йўқ бўлиб қолган аъёнлардек, бировдан бирон нарса сўраб-суриштириш асло мумкин эмасди.

Шу билан бирга қаймақомнинг фикрича, бу галги айрилиқ узил-кесил содир бўлган эди. Мен бир бало қилиб икки кун чидаганимдан сўнгра, учинчи куни бир баҳона билан Салимбейларнинг эшигини тақиллатдим.

У ерда бирон фавқуллодда воқеа содир бўлганидан далолат берадиган ҳеч нарса йўқ эди. Лекин Афифа Измирдан қайтган кечаси қўпган қиёматдан кейин бу сукунатнинг бир намунасини кўрганим учун, бунга ишонмадим.

Ҳатто, пешонасини қора рўмол билан боғлаб олган катта опа ва оқсочнинг ўта ишчан кўринишлари, Салимбей билан Афифанинг янада чуқурлашган ўйчанликлари бошдан кечирилган ларзанинг тахмин қилинганидан ҳам кучлироқ бўлганидан далолат беради.

Катта опанинг Измирдаги бола учун тикаётган кўйлаклари кўринмас, Рифқибейнинг биринчи жанжалдан кейин тегилмаган сурати бу гал девордан олиб ташланган эди.

Сқлавакиларнинг ёнида Рифқибейнинг исмини оғзимга олмасам-да, қаймақом билан нукул у ҳақда гаплашардик.

Қаймақом Салимбейнинг бу сафар қаттиқ туришини ва нима қилиб бўлса ҳам Афифани бу аблаҳнинг кўлидан қутқаришини хоҳлар эди.

Худди самоварга ўхшаб, турган жойимда ҳузурланиб пиқир-пиқир кулаётган бўлсам-да, қаймақомга эътироз билдирар: «Бунақа гапларни айтманг... Қўйди-чиқди осон иш эмас. Ўртада бола бор!» сингари ёшимга номуносиб баландпарвоз гапларни тўкиб ташлардим.

Баъзан Рифқибейни ёқтириб қолган одамдай мунофиқларча валдирардим: «Билмайман, негадир бу киши менга жуда ёқиб қолди. Ёқимтой, ақли, тарбияли одам. Уни соғиниб қолсам керак!» дердим. Мақсадим, табиийки, қаймақомни Рифқибейга қарши қайраш ва уни энди қайтиб бирга бўлмасликка ишонтиришдан иборат эди.

\* \* \*

Шу билан бирга ўша ой ичида Сқлавакиларникига келган бир меҳмон қувончимни бурнимдан чиқарди ва ҳақиқатан ҳам мени Рифқибейни эслашга мажбур қилди.

Бу ўттиз-ўттиз икки ёшлардаги доктор юзбоши бўлиб, Салимбейнинг узоқ қариндоши эди. Арзурумда хизмат қиларкан, томоқ хасталигига йўлиққан ва иссиқроқ бўлган Родосга юборилган экан.

Салимбей унга «ака» деган бу юзбошини жуда яхши кўрар ва беш ойлик муддатга ҳаво алмаштиришга келган қариндоши қолган икки ойни ҳам шу ерда ўтказмагунча Родосга юбормаслигини айтар эди.

Унинг исми ҳам меникидай Камол эди. Юзида чечакдан қолган билинар-билинмас чўтирларни айтмаса, келишган йигит эди.

Уни биринчи марта шаҳарнинг марказий дорихонасида Салимбей билан бирга кўрганимда, сабабини ўзим ҳам билмаган ҳолда, юрагим орқасига тортиб кетганди. Формасининг ёқасидан бўйнига қора лента боғлангани кўриниб турарди. Бироз бўғиқ, лекин ширали тил билан ниҳоятда қайғули воқеалар ҳақида ҳам завқ-шавқ билан сўзлар, Арзурумда бўлиб ўтган ҳодисаларни ҳикоя қиларди.

Дорихонадагилар уни қизиқиб тинглаётган эдилар. Лекин мен, ҳалигина Салимбей таништирган вақтда менга яхши гаплар айтганидан қатъи назар, унга бошдан-оёқ танқидий кўз билан қараб турардим. Фақат менга эмас, балки атрофдагиларнинг ҳаммасига нисбатан эзиб юборадиган даражада устунлигини тан олмаслик учун ўтирган жойимда сабаблар ахтарар, сўзларига эътибор бермай, асабийлашар эдим.

Хайрлашаётган вақтимизда менга яна илтифот қилди: «Салимбей акам сизни оиланинг фарзанди деб таништирди. Шундай экан, кечки пайт келинг, гурунглашамиз», деди.

Юзаки назокатга қарамай, худди уй эгасига ўхшаб қилган бу таклифи ҳамиятимга тегди ва шу заҳоти қайсарлик билан «имконим йўқ» деб ғўлдирадим. Лекин гурурим унақа охирига қадар туриб берадиган кучли гурур бўлмагани учун, маҳзун ва хўмрайган тарзда илова қилдим:

– Балки, бошқа бир оқшом...

Менинг ўша вақтдаги «бошқа бир оқшомим» икки кундан нарига ўтмасди. Бу икки кунни ҳам қандай



укубатлар ва иккиланишлар ичида ўтказганимни ўзим биламан.

Ҳар гал юрагим сиқилганида қилганимдай, бу сафар ҳам қаймақомнинг ёнига кетдим.

– Салимбейга яна меҳмон келибди, – дедим, – мени таклиф қилишди. Хоҳласангиз, кечқурун арава билан келиб сизни уйингиздан олай... Бирга борайлик.

Қаймақом бир ҳафта давомида қишлоқларни айланган, сафардан эндигина қайтган эди.

– Чарчаганман, – деди, – эртага кечқурунга қолдирсак бўлмайдими? Бунинг устига хотиним ҳам келаркелмас меҳмонга чопасан, деб жанжал кўтаришидан чўчийман.

Аввалига узрли сабабини тўғри деб топган бўлсамда, кейин аста-секин айёриликка ўтдим. Икки кундан бери уни кутганим учун бу меҳмондорчиликни кечиктирганимни, яна куттириб қўйиш одобдан бўлмаслигини айтдим.

– Майли, ундай бўлса, бир ўзинг борақол, – деди.

Ноилож хушомадгўйликка ўтдим:

– Бир ҳафтадирки, бизни ташлаб кетдингиз. Сизни кўргимиз келди. Бунинг устига ўша меҳмон тоқат қилиб бўлмайдиган бир одам. Ёнимда сиз бўлмасангиз, чидаш бериш кўп мушкул иш... Сиз бўлсангиз, ҳаммаси бошқача бўлади.

Қаймақом худди қитиқлашгандек, қотиб-қотиб кула бошлади.

– Бўпти, борақолай... Лекин сен арава билан эшик олдига келганингда: «Тез бўлинг, ҳамма тўпланди, сизни кутишяпти!» деб бақариб-чақир, шунда хотинни болаб лақиллатамиз. «Чарчаганман, фалон-писмадон» десам, эътибор берма, қаттиқ туриб ол...

Қаймақом шундан кейин меҳмон ҳақида гапириб беришни илтимос қилди. Лаб буриб:

– Ўзига бино қўйган, совуқдан-совуқ ва вайсақи юзбоши, – дедим. – Биласиз-ку, Салимбей қаёқдаги бўлмағур одамларга ҳам ёпишиб олиб, уйига судрайди.

Кечки пайт аравада кетаётганимизда ҳам Салим-Бейнинг меҳмони қаймақомга хийла ёмонладим:

– Юзини чўтир босиб кетган, – дедим. – Бу ҳам етмагандай овози ҳам бўғиқ... Эҳтимол, ҳиқилдоқ силига йўлиққан бўлса керак... Акс ҳолда бу одамни Арзурумдан Родосга жўнатмаган бўлишарди.

Қаймақом Камолбей билан ҳали танишмаган бўлсада, ҳеч нима демай, бош силкитар, дуч келган одамга кучоғини ва эшигини очадиган Салимбейни менга кўшилиб танқид қиларди.

Аммо у меҳмон билан танишар-танишмас яна дарҳол ўзгарди ва одатича кўпириб мақташга тушиб кетди:

– Мени иккита Камол орасида кўришса, тўпнинг оғзига кўйиб отишади, – дея сиёсий ҳазиллар қилар, юзбоши қирқ йиллик орайнисидек, «кўзимнинг қораси, докторим» дея айланиб-ўргилар эди.

Юзбоши бу ерда ҳақиқатан ҳам ўз уйида ўтиргандек, ўзини эркин ва бетакалуф тутарди. Формасини ечиб, кетворган кулранг кўйлак кийган, фақат бўйинбоғ ўрнига қора лента тақиб олган эди.

Афифани, опаси сингари, «Фофо» деб чақирар ва ҳадеб унга иш буюрарди. Орада узоқ қариндошлик риштаси бўлишидан қатъи назар, докторнинг бунақа бетакалуфлигини ортиқча деб билаётган ва ич-ичимдан хафа бўлаётган эдим. Янада ёмони шуки, Афифа ҳам бу муомаладан мамнун эди: У нима демасин, диққат билан кулоқ солар, энг оддий ҳазиллардан қаҳқаҳа отиб куларди.

Доктор бир пайт катта опага тегиша бошлади. Бу менга опага нисбатан катта ҳақорат, ҳеч кутилмаган юзсизлик бўлиб туюлди.

Жим ўтирганим ва хаёлчанлигим бошқаларнинг диққатини тортадиган даражага чиққан бўлса керакки, Камолбей менга:

– Ҳеч гапирмаётирсиз, – деди, – ҳойнаҳой, сиз ҳам Салимбей акам сингари, сукут сақлашни яхши кўрасиз, шекилли...

Гарчи бу гаплар ёмон ниятда айтилмагани аниқ бўлса-да, Салимбейга ва менга қарши қаратилган тажовуз деб ўйладим. Лекин ҳужум тўсатдан бўлгани учун, тезда эс-ҳушимни йиғиштириб жавоб беролмадим.

Кейинчалик: «Гаплашадиган одам тополмаяпман, шу сабабдан», «Бемаъни вайсақилиқдан сукут яхшидир» қабилдаги ўша вақтда бола калламда ўзимча жуда зўр деб билган баъзи жавоблар эсимга тушди. Яхшиямки, вақт ўтгани ва орага бошқа гаплар тушгани учун, буни айтиш имконини тополмадим.

Салимбей деган тентак бу одамнинг гапларидан ранжиш у ёқда турсин, аксинча, унга ниҳоятда диққат билан кулоқ солар, доктор кетиш ҳақида сўз очган заҳоти: «Таътилинг тугамасдан ва тамомила соғайиб кетмагунча бу ердан бир қадам ҳам силжимайсан», дер эди.

Ниҳоят, Афифанинг бир орада ташқарига чиққан Камолбейга эргашгани ва айвонда кулишиб гаплашгани менинг у ёқ бу ёғимдан ўтиб кетди.

Касаллигимнинг белгиларидан бири ҳам мени ўтакетган даражада ваҳимачи, васвасачи қилгани эди. Икки киши пичирлашиб қолса, гап менинг устимда бо раётганига шубҳа қилмас, шанғиллаётган кулоқларимга шивирлаётган жумлалари эшитилгандек бўларди.

Ҳа, бу одам мени очикдан-очик масхара қилган эди. Энди бўлса, ташқарида муқаррар равишда менга тақлид қилаётир, боягина опасига қилинган ҳақоратга кулган Афифа энди менинг устимдан кулаётир.

Қайтишда араванинг бир четига суяниб, кўзларимни юмиб олдим. Бошим гаранг, тишларим вижирлар эди. Валақлашлари жавобсиз қолаётганини тушуниб қолган қаймақом:

– Нима бўлди сенга? Ўзингни ғалати тутяпсан, – деди.

Бу кеча барча душманимга айланган эди. Лекин, балки, ёнимда ўтиргани учун бошқаларга қараганда

ундан қаттиқ ранжигандим. Бечоранинг шу чоққача менига яхши кўринган жиҳатлари бирданига кўз олдимда кулгили ва масхараомуз тусга кирар, овози, сўзлари гашимга тегар эди. Кичкина юмалоқ гавдаси арава силкинган вақтлари баданимга тегди дегунча, нафратга тўлиб-тошиб кетар, уни белидан даст кўтариб, бир бўхчадек, кўчанинг ўртасига улоқтиргим келарди.

Оғзимни очсам, бир бўлмағур гап айтиб юборишдан чўчиб, саволига жавоб бермаган эдим. Яна такроран сўрагач, қуруққина қилиб:

– Ҳеч, – дедим, – бошим оғрияпти.

– Сабаб?

– Ўша чўтир ва вайсақи ҳариф жонимга тегди.

Қаймақом ўтирган жойида қаддини ростлади, қоронғида юзимни кўришга уриниб:

– Фаройиб бир ҳол, бунақа феъл сенда янги пайдо бўлдими, дейман, – деди.

Асабий ҳаракат билан елкаларимни қисдим ва кўзларимни қаттиқ юмиб олдим. У давом қилди:

– Менимча, Камолбей сен айтгандай эмас экан. Жуда яхши, ёқимтой, назокатли, тарбияли, хушсуҳбат бир йигит...

Шундан кейин ўзимни тутолмай қолдим, асабий овозда:

– Юзма-юз келдингизми, сиз учун ёмон одамнинг ўзи йўқ-ку... Мошоллоҳ, ҳар киши яхши, мошоллоҳ, барча ёқимтой ва ширинсўз...

Қаҳқаҳа отиб кулдим, қаймақом берадиган жавобни эшитмасликка олдиндан қарор бергандай безбетларча, тарбиясизларча хуштак чала бошладим.

Қаймақом хулқ-атворимдаги бу янгиликни кўриб ҳайратдан донг қотди. Нуқул бақириб-чақириб ўнқир-чўнқир йўлдан аравасини ҳайдаб бораётган аравакашга секинроқ юришни тайинлагандан кейин:

– Яъни, мени хушомадгўйлик қилди демоқчимисан? – деди.

Бироз ўзимга келиб:

– Астаффуруллоҳ, айтишга мажбур бўлдим-да, – дедим.

У дарднок кулиб, давом этди:

– Ундай деб ўйлаётган бўлсанг, тортинмай айтавер... Ичингда қолмасин. Гап келганда отангни ҳам аяма, деганлар. Ўрни келди дегунча, бизлар ҳам ётиб қолгунча, отиб қоламиз. Лекин гап бошқа ёқда... Бу кеча нега бирдан мендан жаҳлинг чиқиб қолди?.. Мана шуни билиб олайлик. Энг муҳими ҳам шу.

Қаймақом юзимни яхшироқ кўриш учун ён томонга бурилди, бот-бот содир бўлаётган қаттиқ силкинишлар натижасида пастга ағдарилиб кетмаслик учун, арава соябонининг темирини қаттиқ чангаллаб олди.

Унинг феъл-атворида анчадан буён қандайдир янгилик пайдо бўлганди. Гоҳо майда-чуйда нарсалардан жаҳлим чиққанини, яшашдан безганимни айтиб қолсам, нигоҳлари ўзгарганини, ичимда нима борлигини янада яхшироқ кўрмоқчи бўлгандек, қаттиқ тикилганини сезиб қолардим. Кўзларимни юмиб ўтирган бўлсам-да, бу кеча ўзимни яна шундай синовчан нигоҳ остида ўтиргандай ҳис қилдим ва шу заҳоти атворимни ўзгартирдим.

– Балки, сизни хафа қилгандирман, афандим... Биласиз-ку, касалман... Нима деб валдираганимни ўзим ҳам билмай қоламан.

Қаймақом фақат:

– Шундай, бўтам, шундай... Ватан соғинчи, – деди ва такрор ўз жойига тортилиб, бошини орқага таяди.

Арава гоҳ-гоҳ йўл тошларига урилиб силкинганда «вой, вой жоним» деб қичқирар, бошқа ҳеч нарса демасди. Қаймақомни шубҳага солиб қўйганим муқаррар. Шубҳани йўқотиш учун, албатта, нимадир қилишим керак эди.

Негадир ҳеч тузалмаётган йўллардан шикоят этгандан кейин:

– Бу ғалати касаллик экан, афандим, – дедим, – қаранг, энди ўзимни бироз яхшироқ ҳис қиляпман... Ҳатто, Камолбей ҳақидаги фикрларим ҳам ўзгарди. Ҳақиқатан ҳам ёқимтой ва тарбия кўрган киши экан. Сиз, зотан, ҳар нарсани гоаят яхши пайқайсиз.

У кулимсиради:

– Ярашдик. Ўзингни уринтириб ўтирма.

– Йўқ, худо ҳаққи, бунинг учун эмас. Жиддий айт-япман, афандим.

Қаймақом яна сўзларимни тасдиқлади:

– Шундай... шундай... Жиддий сўзламаслик учун ҳеч қандай асос йўқ. Хаста ҳоли шундай бўлади. Сенинг айтганингга қараб, мен бу Камолбейни ҳақиқатан ҳам хунук, вайсақи одам бўлса керак деб ўйлагандим. Ҳолбуки, одамнинг жонидай, хушчақчақ киши бўлиб чиқди. Юзида беш-ўнта чўтири бўлса, нима қипти? Бамаъни, ақлли кишининг юзидаги чўтирга ким ҳам эътибор берарди? Боз устига хушчақчақ одам. Сқлавакиларнинг насронийлар черковига ўхшаш уйида ҳамма шоду хуррам... Эътибор бердингни, ҳатто, Афифага ҳам жон кирибди. Нима бўлганида ҳам бир ёш жувон-да... Атрофида эркакка ўхшаган бир эркак кўрди дегунча ўзгарибди. Қиз бечора очилиб-сочилиб гаплашяпти, кўзлари куляпти. Мен Салимбейнинг ўрнида бўлсам, нима қилардим, биласанми? Уларнинг қариндошлиги ҳам бор экан. Қизни ўша Рифқибей деган мараздан шартта ажратиб, Оллоҳнинг амри билан бу болага берган бўлардим. Бир-бирига жуда муносиб жуфт бўлишарди.

Унинг бу сўзлари тузоқдан бошқа нарса эмасди. Қаймақом, балки, ёмон ниятда ёки дардимнинг сабабини билиб, чора топишдек яхши ниятда мени кўлга туширишни хоҳлаётган эди. Буни неча йиллардан кейингина тушуниб етдим. Лекин шунисини жуда яхши эсламанки, ўша кечаси ўзимни ҳимоя қилиш савқи табиийси менга бу гапларни имкони қадар совуққонлик билан қарши олишни буюрди. Бу фожиаи сўзлар

таъсирида бўзарган юзим қоронғида кўринмасди, руҳиятимга қилган таъсирини бўлса, болаларнинг гоҳо катта одамларникидан ҳам кўпроқ алдамчи бўлган сохта соддалиги пардаси остига яшириб, осойишта ва қарийб хурсанд овозда:

– Қандай яхши бўларди, афандим, – дедим, – кичик опанинг бахтли бўлишини мен ҳам жуда истайман.

\* \* \*

Афифа кўлларини эрининг елкасига қўйганини, ёноғини унинг чаккасига яқинлаштирганини кўрган эдим. Қолаверса, қаймақомнинг омиёна, тагдор, лекин ғалати таъриф тавсифларга тўла сўзлари таъсирида уларнинг эр-хотинлик ҳаётининг ғоят маҳрам саҳналари кўз олдимда деярли яққол намоён бўлганди. Лекин, шуниси ғалатики, буларнинг ҳаммаси менда кичик опага нисбатан шафқат ва қайгурушдан бошқа ҳеч қандай туйғу уйғотмаган эди. Энди бўлса, яна қаймақомнинг меҳмон доктор билан Афифа ҳақида айтган бир неча оғиз сўзи мени рашкдан қутуртириб юборганди.

Улар бир-бирини севиши мен учун энди ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ ҳақиқат эди. Бунинг устига яна қандай денг?

Кечалари ҳаммаёқ сув сепгандай тинчигач, қандайдир куч кўзлари кулаётган жувонни одамнинг жонидай, хушчақчақ йигитнинг қўйнига судрарди ва бу ишқ саҳнаси яна ҳамишагидек ўз хонамда кўз олдимда гавдаланарди.

Маънавий қийматлар ҳақида менда ҳануз собит фикр шакланмагани учун ҳам Афифанинг бунчалик тез таслим бўлишига ақлим бовар қилмаган бўлса керак.

Ўша вақтга қадар атрофимдаги ёш дўстларим, хизматкорлар сингари оддий кишилардан эшитганимга кўра, эркак билан хотин бир-бирига қаршилик кўрсата олмайдиган иккита махлуқ. Айниқса, бир-бирини

сал-пал ёқтирдиларми бас, эркак хоҳлаган вақтида, худди мен Ринага қилганимдай, қўлини узатиб, хотиннинг билагидан ушлаши ва ишқнинг истаган шаклига тортиши мумкин. Бунинг учун кимсасиз бир жой, бўш хона, ҳатто, эшикнинг орқаси ҳам кифоя.

Афифага бўлган бутун ҳурматим йўқ бўлди. Менга Салимбейнинг уйи разолат уяси, Афифа учига чиққан фоҳиша бўлиб кўринар ва унга нисбатан катта ноҳақлик қилаётганимни билмас эдим.

Янада ғалатиси, Рифқибей кўзимга яхши кўриниб кетди. Шикоят қилишга ҳеч қандай ҳаққим йўқ, деб билганим учун бу кишига, ҳатто, Измирдаги кичкина Сқлавакига қарши қилинган ахлоқсизликка қарши исён кўтаргим келди. Ҳеч қачон шундай қилишга журъатим етмаслигини билсам-да, Рифқибейга «Хотинингиз қандай шарманда бўлганини кўрмоқчи бўлсангиз, дарҳол бу ерга етиб келинг!» тарзидаги телеграммалар жўнатиш фикри бир неча марта калламга келди.

Афифа ҳақидаги гумонларимнинг бир ёмон натижаси шу бўлдики, ўмариб олган суратини олдимга қўйиб, чеҳрасини, боғдаги сайр хотирасини эслашга уринган вақтларимда оладиган завқ-шавқдан маҳрум бўлдим. Орамизда ҳеч гап бўлмаганидан қатъи назар, иззат-нафсим қаттиқ озор чекканди. Уларнинг уйига қайтиб оёқ босмаслик тўғрисида қасам ичдим. Бунчалик ахлоқсиз аёлни севишим мумкин эмаслигига ўзимни ишонтирар ва бу ҳаракатлар мени толиқтирарди.

Бир вақтлар Афифа Миласдан кетган куни ўзимни ўлдириш тўғрисидаги фикрим яна жонланди. Лекин энди унинг сабаби бошқа эди. Эрига хиёнат қилган, акасининг уйида ёт эркак билан турли шармандаликлар қилган хотинни деб ҳеч ким ўзини ўзи ўлдирмаган бўларди.

Мен мутлақо умидсиз, истиқболи кесилган бир маҳкум бўлганим учун ўлишим керак эди. Ҳақиқий дар-



димнинг изини ҳам тополмаслиги учун қаймақомга такрор-такрор айтган «яшашдан бездим» нақаротини энди ўзимга-ўзим айтар, ҳатто, отам билан онамга соғинч ҳиссига ҳам биров жавобгарлик юклар эдим.

Бир ким ошди савдосидан икки олтинга кичкина тўппонча сотиб олдим. Сопи садаф, ўйинчоққа ўхшаган бир нарса. Бу тўппонча фақат шакли эмас, балки вазифаси нуқтаи назаридан ҳам ўйинчоқ вазифасини ўтаётган эди.

Қарорим жиддий эканига ўзимни ишонтириш учун ора-сира тўппончани филофидан чиқарар, тепкисининг сақлагичини кўздан кечиргач, ойна олдида туриб олиб, ўзимга суиқасд қилишнинг кулгили тақлидларини қилардим.

Бу масхарабозликлар ҳануз кўз олдимда. Гоҳ кўйлагимнинг тутмаларини бўшатиб, кўксимга, гоҳ чаккамга тўппончани тираб, аксимни томоша қилар, кейин Минакяннинг актёрлари сингари, қўлларимни тушириб, ўзимни курсига ташлардим.

Ўлимимнинг Афифага ҳеч қандай алоқаси бўлма-са-да, негадир у ўлим тўшагида ётганимда мени кўрган келишидан умид қилардим.

Табиийки, унга ҳақоратдан бошқа айтадиган сўзим қолмаган бўларди. Лекин, шунга қарамай, уни абадий ярадор қиладиган бир мактуб ёзмасдан кетмаган бўлардим. Мактуб матни қандай бўлиши кераклигини ҳали ўйламагандим. Аммо бу, ҳар ҳолда, эри ва боласига қилган бевафолигини юзига тўкиб соладиган мактуб бўлган бўларди.

Ўзимни ўлдириш тўғрисидаги қарорим, ҳеч бўлмаганда, Аффанинг айбига яраша муқаррар бўлгани учун узоқ кутиб ўтиришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ эди. Шунинг учун ҳам ўзимга уч кунлик муҳлат белгиладим. Ҳақиқатан ҳам билиб бўлмайдиган аллақандай умид мени шунга мажбур қилди. Бироқ мен уни бир қанча вазифаларим борлиги билан изоҳлардим. Масалан, онам, отам, акаларимга мактуб ёзмасдан,

улардан рози-ризолик тилашмасдан қандай ўлишим мумкин? Бош муҳандис менга топширган харитани охирига етказиш номус бурчи эмасми? Айниқса, ҳафта охирида маош олиши керак бўлган йўл ишчиларининг ҳисоб-китобини қилмасдан кетиш бўладиган ишми?

Лекин кўчаларда дайдиларча санқиш ёки ойна олдидида чаккамга тўппонча тираб, ўзимга суиқасд машқини қилиш оқибатида бу ишларни ниҳоясига етказмаганим учун бу уч куннинг охири ҳеч кўринмас эди.

Ниҳоят, бир кечаси ўзимга-ўзим:

– Энди бўладиган иш бўлиши керак, – дедим.

Лекин бу разолат уясига оёқ босмаслик тўғрисида ичган қасамимга қарамай, охириги марта уларни кўргани боришга мажбур эдим. Нима бўлганида ҳам Салимбей билан катта опанинг катта ҳурмати бор. Қолаверса, Афифа билан видолашар экан, ҳеч эсидан чиқмайдиган бир гап айтишим керак.

Танҳоликдан сиқилиб, ўзи билан ўзи қарта ўйнаган ва рақибининг қўлида қандай қарта борлигини билмаганига ўзини ишонтирган одамга айланиб қолган эдим.

## ХІХ

Ўша қишда «Рафаэль»дан кейин расмни «Вертер» китобининг таржимасини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқиб чиққандим. Калламга ўзига суиқасд қилиш масхарабозлигини тикқан сабабларнинг бири, ҳойна-ҳой, шу китоб бўлган эди.

Иссиқ август ойининг охириги куни пешин вақти аравада Салимбейларникига кетаркан, Вертернинг (ёки Рафаэлнинг, чунки энди иккаласини қориштириб юбораётган эдим) мана бу жумласини бот-бот такрорлардим: «Биз учун энди эрта қолмади».

Боғда мени кўриб ҳура бошлаган Флорадан бошқа жонзот йўқ эди.

Кўча эшигидан уйга борадиган дарахтзор йўлдан муқаррар ўлимга йўл олган жасур аскардек, шахдам қадамлар билан ўтдим. Фақат қудуқ томонга кетган тор оралиқ йўлка бошида беш-ўн дақиқа тўхтаб туришдан ва «биз учун энди эрта қолмади» нақаротини яна бир марта такрорлашдан ўзимни тия олмадим.

Эшик ва деразалар очиқ бўлишига қарамай, бугун уй, негадир, батамом ҳувиллаб қолгандай туюлди. Лекин тош зинапоядан биринчи қават айвонига кириб, гаройиб манзарага дуч келдим.

Афифа пастаккина ошхона курсисида бошини қуйи солиб ўтирарди. Орқадаги баландроқ курсида ўтирган катта опа унинг сочларини турмакляётган эди.

Эшикдан кирар-кирмас, дарҳол орқага қайтмоқчи бўлдим. Лекин улар буни саҳнанинг кўпроқ маҳрамлигига кўрсатилган ҳурмат деб тушунишди ва мени чақиришди. Катта опа:

– Зарари йўқ... Нима, сиз ётмидингиз? – деди.

Фақат яланғоч оёгинини ёпиш билан чекланган Афифа, бошини кўтармасдан, бир ҳазил қилди:

– Муродбей ўзини шунчалик унуттирдик, уни бегона десак ҳам бўлаверади.

Юзим қанақа рангга кирганини билмадим. Лекин кейинги вақтларда қуёш тафти остида ҳабашлардек қорайиб кетганим учун уларнинг бирон нарсани фарқлаш имкони йўқ эди.

Дераза олдида, улардан хийла узоқ бир жойда харракка чўкдим.

Катта опа мендан ҳол-аҳвол сўрагач, Истанбулдаги янгиликлар ҳақида суриштирди, кейин:

– Фофони бугун бироз гўзалаштиряпмиз, – деди.

Совуққонлигим ва сиполигимни бой бермасликка ҳаракат қилиб:

– Шундай, афандим, – дедим ва жим бўлдим. Сўнгра салобатли кўринишга интилиб, сигарета тутатдим.

Катта опа стол устида турган сигареталардан олмай, ўзимнинг сигаретамни чекаётганимдан жаҳли чиқди ва:

– Бейота кўриб қолсалар, иш чатоқ... Жаҳллари чиқади, бақир-чақир қиладилар, – деб ҳазиллашди.

Аксарият содда кишилар сингари, катта опанинг ҳазиллари ҳам чекланган эди. Қачон кўлимда сигарета кўрса, отам менга дашном берган кечани тилга олар, бу мени ранжитиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

«Мен учун энди эрта йўқ... бейотадан кўрқиш ҳам йўқ!» дея олмадим. Лекин буни сўздан ҳам яхшироқ ифода этадиган бир ҳаракат қилдим. Табиийки, улар буни тушунмадилар.

Катта опа аста-секин ўз ишида давом этар, камдан-кам ҳолларда менга ёхуд Афифага бир-икки луқма ташлаб кўярди.

«Муродбей ўзини шунчалик унуттирдик, уни бегона десак ҳам бўлаверади»... Афифанинг бу гапи калламга ўрнашди қолди. Ичимда нуқул шу гапни такрорлар ва ҳар бир сўздан куракда турмайдиган маънолар чиқарардим.

«У мени энди танимайдиган даражада унутганини сўзлаяпти. Мен, зотан, унинг учун бир боладан бошқа нарса бўла олмадим. Лекин буни, ҳеч бўлмаганда, ўз оғзи билан айтиши керак эди. Демак, янги ишқи унга ҳамма нарсани унуттирибди. Бундан ташқари, барча менга «Камолбей» дегани ҳолда, нега у доимо «Муродбей» дейди? Демакки, у бу Камолбейни олдиндан севар экан-да, бошқасини унинг исми билан чақиритишга тили бормас экан-да...»

Бу август пешинидаги турғунлик уларнинг мизожларидаги сукунатга шу қадар мос келардики, бироз ўтгач, барча уқубатларим ва исёнларим билан бирга ўзимнинг ҳам уюша бошлаганимни ҳис қилдим.

Аввалига жаҳлим чиқиб келгани учун Афифага қиёбоқмаган бир вақтда, кўзларим аста-аста у томонга қараб сузила бошлади ва ундан узилмай қолди. Катта опа оёқларининг остига сариқ ҳаммом тоғораси кўйган эди. Ора-сира эгилиб, кўлидаги тароқни хўллаб олар,

сўнгра Афифанинг бир тутам сочини кафтининг ичида тарагач, гугурт чўпи узунлигидаги думалоқ қоғозга ўраб кўярди.

Афифа Измирдан қайтган ўша бўҳронли кеча тонги ёдимга тушди. Чарчоғи ва кўзёшларини кетказиш учун ҳаммомда узундан-узоқ чўмилган, ҳўл сочларини қирққокил қилиб, бошининг атрофига ўраб олган эди.

Ҳеч ким чурқ этмаган бир ҳолда опаси уни гўдак боладай, оёқлари орасида чўнқайтирганини, гоҳ силаб, гоҳ тортқилаб сочларини тараганини тахмин қилгандим. Шуниси ғалатики, уларнинг бутунги ўтиришлари ўша тахминим ҳайрон қоларли даражада тўғри чиққанини кўрсатар ва катта опа, худди ўйлаётган гапларимни билгандай, буни ўз сўзлари билан ҳам изоҳ этди:

– Биласизми, кап-катта хотин ҳалигача сочларини тарашни эплай олмайди. Бу менинг айбим. Онаси йўқ деб, ёшлигидан ўзим уни шунга ўргатганман. Кошкийдди, тинч ўтириб, мени чарчатмаса...

Афифа узоқ вақт мобайнида қимирламай ўтиришдан сиқилгани ёки болалигидан ўрганган бир ўйинни такрорлашга эҳтиёж сезгани учун ўтирган жойида қимирлаб, опасини беҳаловат этадиган ҳаракатлар қила бошлади.

Катта опа ич-ичдан мамнун бўлса-да, ташқи кўринишда шикоят этар, сохта пўписа қилиб, қош-кўзини ўйнатганча сингисини анча озорларди. Юнонча сўзлаётган эди. Лекин қачонлардан бери айнаи бўлган мавзунини ора-сира мен учун туркчага таржима қилиб кўярди.

– Тек ўтирасанми-йўқми, ҳой катта гўдак? Бўлма-са, сочларингни тортқилайман, қулоғингни узиб оламан...

Опа-сингилнинг ўйини анча давом этди.

Афифа катта опанинг қайта-қайта такрорлаётган сохта пўписаларига қарши баъзан жон офригидан ба-

қирмоқчи бўлгандек, тишлари билан лабларини тишлар, баъзан кўзларини юмганча, тилини чиқариб, уни калака қиларди.

Пастлай бошлаган қуёшнинг орқа деразадан тушаётган нурлари катта опанинг қўллари орасидан ўтиб, унинг юзини ялтирата бошлади.

Қилаётган болаларча бўлмағур қилиқлари туфайли янги тусга кирган юзи ялтирай бошлагач, яна кайфиятим бузилди ва жаҳлим чиқди.

Афифа бутун нима қилса ҳам, менга ёқмаётган эди. Юзини опасининг тиззаларига қўйиб, сассиз-садосиз ўтирган вақтида ҳам докторни, кечани ўйлаётган бўлса керак. Бошини кўтариб кулганида, ҳазиллашган вақтлари кўзларининг яшнаши, тишларининг ялтираши, дудоқлари ва ёноқларидаги қизилик, хуллас, бутун туриш-турмуши доктор учун эди.

Афифанинг пардози билан бирга ғавғо ҳам битди. Катта опа синглисининг майда қоғоз парчаларига ўралган гажакларга тўла бошини кафтининг орасига олиб, маҳлиё бўлар:

– Ҳозир бунақа қараманг... Бироздан кейин қоғозларни олиб ташлай, ана шунда кўрасиз унинг нақадар гўзал бўлиб кетишини, – дерди.

Ваҳоланки, ўша пасткаш докторнинг ўрнида бўлсам, бу қоғозларнинг ўз жойида қолишини янада мақбулроқ деб топган бўлардим.

Катта опа, худди мен тушунадиган бир нарсадек, сочларни жингалак қилиш усулларида гап бошлади. Қиздирилган омбурча сочларни куйдирар, рангини ўзгартирар эмиш, ваҳоланки, хўл тароқ ва қоғоз бўлагига ёрдамида жингалак қилишнинг ҳеч қандай зиёни йўқ эмиш. Катта опа Афифани бўшатгандан кейин менга боқди, тентакона кулимсираб:

– Биляпсизми, сиз, мошолоҳ, жуда яхши бўлиб қолдингиз... Рангингиз жойига келди, бироз семириб ҳам қолибсиз, – деди.

Бу қандай бахтсизлик ўзи?! Заҳарланган саёқ ит-дай жон бериш арафасида турибман-у, кимсанинг парвойига келмайди!

Энди кутиб ўтиришнинг ҳеч қандай маъноси қолмаган эди. Нима, докторнинг ҳафтафаҳм Салимбей деган аҳмоқни қўлтиқлаб уйга келишини, сочлари жингалак, дудоқлари ҳаяжондан лаъдай қизарган Афифанинг унга чопишини кўриш учун ўтиришим керакми?!

Катта опа эшик ёнидаги харрак устидан фесимни олганимни кўрди дегунча, бақриб-чақриб, менга таъна тошлари ёғдира бошлади. Борган сари бўшашиб кўрсатган важ-корсонларимга қарши: «Ёлғон... ёлғон... Сиз ёлғончи бола бўпсиз... Черков маҳалласидаги қизлар қочиб кетмайди!» дея бақирар, бу оқшом улар билан, ҳеч бўлмаганда, қаҳва ичмасдан ҳеч қаёққа кетолмаслигимни сўзлар эди.

Хайрлашаётган пайтда Афифага мўлжаллаган аччиқ ва унутилмас сўзларни айтиш ўрнига, унинг қўлидан мурабболи нон ва ширинлик ейиш фаройиб бир толе, аммо қўлингиздан нима ҳам келарди?

Овқат маҳалида қуёшдан қорайган юзимни яна бир қават «қорайтириш»га ва яқинда ўлишимга доир баъзи мубҳам имолар қилишга ғайрат қилдим. Аммо улар, икки опа-сингил қандайдир бўлмағур товуқ мавзусига ўтиб кетишди. Салимбейнинг, билмайман, қаерлардан келтириб, боқишга киришган, билмайман, қайси жинсга мансуб товуқларига оид ярим туркча, ярим юнончалаб баҳслашишар ва менга эътибор бермас эдилар.

Катта опа сўнгги сийлов сифатида синглисининг бу товуқларни менга кўрсатишини хоҳлаб қолди. У дастурхонни йиғиштирар экан, Афифа мени боғнинг орқа томонидаги товуқхона томонга судради.

Олдимга тушиб бораркан, йўл устидаги дарахтларнинг қуриган шохларини синдириб олар, ердаги ёввойи ўтларни қўпориб отар ва ора-сйра менга савол ташлаб қўярди.

Фожаи ўйнашга гайрат қилаётганим учун қовоқ-тумшугим ҳаддан ташқари осилиб кетган бўлса керакки, бир орада тўхтаб, орқага ўтирилди.

– Сизга яна нима бўлди? – деб сўради.

Узоқларга боқиб, фақат:

– Билмасам, – дедим.

– Милас сизни энди жуда сиқа бошлади, шекилли?

Сал иккиланиб тургач, бошимни қуйи солиб, овозимни янада пасайтириб:

– Балки Милас... балки яна бошқа нарсалар... – дедим.

– Тушунаман...

Афифанинг бу «яна бошқа нарсалар»ни Истанбул, онам ёки янада ёмонроғи – Черков маҳалласидаги бирон-бир қиз деб билиш эҳтимоли мени ҳаяжонлантирди. Бирданига ҳолатимни ўзгартириб ва кўзларига тик боқишга журъат қилиб:

– Тушуна олмайсиз, – дедим, – ёхуд жуда кеч тушуна-сиз.

Бу деярли бир иқрор эди. Лекин Афифа яна тушунмади, овозимдаги кескинликни, нигоҳимдаги кекни нимага йўйишини билолмади.

Расмий деб айтишимиз мумкин бўлган меҳрибонлик билан оиланинг машҳур нақаротини яна такрорлади:

– Сиз оиламизнинг аъзосисиз. Бирон дардингиз бўлса, бизга айтишингиз керак.

Айтган гапларимдан ўзим чўчиб кетгандим. Шошапиша нималардир деб дудуқландим ва юра бошладик.

Сқлавакиларга хос ер ва жониворларга меҳр Афифада ҳам бор эди. Акасининг янги қизиқиши устидан кулгандек кўринаётган бўлса-да, номи ғаройиб бўлган товуқларга ўзи ҳам қизиқаётган, товуқхонанинг ичидан жўжаларни тутиб чиқариб, менга оёқлари, бошларидаги ўзига хос белгиларни кўрсатаётган эди.

Девор ёнида атрофи симтўр билан ўралган жойда иккита ғоз орқасига жўжаларини эргаштирганча, ай-



ланиб юрарди. Аффифа бир ора мени бу ерга ҳам олиб кирди. Ҳозлар хавотир олишди. Биттаси жўжалари билан бирга девор тешигидан ташқарига чиқди. Наригиси унчалик кўрқмади, фақат думалоқ кўзи билан, худди меҳмон докторга қараганимдай, бизга ён томондан қиё боқиб тураверди.

Биз яқинлашгач, ғоз ҳурпайди. Қорни ва илондай узун бўйинини тупроққа сургач, маҳалланинг шаллақи хотинларига ўхшаб, кўрқинчли қичқирганча бизга ташланди. Ҳужум шу қадар шиддатли бўлдики, Аффифа бирданига ўзини орқага ташлади, юзи юзимга, кўкси кўкрагимга ёпишиб, баайни кучоқлашаётгандек, кучоғимга тушди.

Бир жойимизга зиён-заҳмат етмасдан ғоздан қандай қутулганимиз эсимда йўқ. Лекин симтўрдан ташқарига чиққан вақтимизда мен худди жангдан чиққандай паришон эдим.

Аффифа ҳолимни кўриб:

– Сиз кўрқибсиз ёки бирон жойингизни оғритган бўлсам керак, – деди, лекин кулгисини яшира олмади.

Бироздан кейин бу қаҳқаҳанинг сабаби фақат менинг ҳолим эмаслигини айтди.

– Бу ғоз жуда ёмон, – деди, – ўтган куни Камолбейнинг кўлини тишлаб, қонатди... Туркчани яхши билмаган опа нима деб қичқирди денг: «Ҳоз Камолбейнинг бармоғини чақди», деди.

Аффифа буларни айтаркан, шунчалик хандон ташлаб кулардики, ёноқлари, худди устидан бармоқларни қаттиқ босиб тургандай, тарам-тарам қизариб сарфаяр, юзида ажинлар пайдо бўларди.

Кўпдан бери унинг юзини бу қадар яқиндан ва бунчалик аниқ кўрмаган эдим. Қимтилган дудоқлари, титраётган бурун катаклари, кўзлари атрофида пайдо бўлган майда ажинлар ва кўкарган жойлар асабларимни қақшатди ва булар менга бошқа биров билан ўтказилган кечадаги эҳтиросларнинг сўлиган излари бўлиб туюлди. Юзидаги доғ тишлашдан қолган. Бўйинининг

пастидаги игна тирнаган из бир-бирига чирмашаётганларида кўйлагининг кўкси йиртилгандан кейин юз бергани муқаррар.

Аъзойи баданимни қоплаган оташ шу лаҳзада мени янада баттарроқ ақдан оздириши мумкин эди. Лекин у бироз сокинлашгандан кейин яна одатдаги хотиржам овозида сўзлай бошлади:

– Меҳмонимизни кеча кузатиб қўйдик, – деди. – Худонинг зорини қилдик, лекин уни янада узоқроқ олиб қолишнинг иложи бўлмади.

Янглиш эшитган бўлсам керак, деб ҳайронликдан бақрайиб қолдим. У давом этди:

– Аммо Камолбей ҳақли эди, ишлари тифиз экан.

– ...

– Сизга айтсаммикан, ажабо? Лекин ҳозирча ҳеч кимга айтмайсиз... Сўз берасизми?

Бошимни бир неча бор ирғаб, «ҳа» деган ишора қилдим.

– Камолбей уйланмоқчи...

– ...

– Бизларнинг Парихон деган бир қариндошимиз бор... Мерсиндаги катта амакимизнинг қизи. Табиийки, Камолбей ҳам уларга қариндош... Камолбей кўпдан бери шу қизга уйланмоқчи. Бироқ амакимиз кўнмаётган эди. Қизини ҳарбий кишига узатиб, ёнидан узоққа юборишни хоҳламаётганди. Бу сафар Камолбей Родосга келгач, юмшади. Салимбей уч ҳафтадан буён мактуб устига мактуб ёзди. Ниҳоят, ўтган кун жавоб келди. Камолбейнинг қанчалик қувонганини бир кўрсангиз эди! Балки, биз ҳам тўйга борсак керак...

– ...

– Ҳар иккови ҳам жуда яхши болалар. Парихон кўфирчоқдай сулув. Бунинг устига ҳазилкаш, ҳазилкашликда Камолбейни ора йўлда қолдириб кетади. Тўйда мириқиб кулсак керак. Сиз ҳам мамнун бўлдингиз, шундай эмасми?

Мамнун булиш ҳам гапми?! Лекин буни Афифага рўйи-рост айтолмасдим. Гапириш у ёқда турсин, мувозанатимни бузадиган арзимаган ҳаракат қилсам, ҳўнграб юборишим мумкинлигини ҳис қилар ва шундан кўрқиб, тошдай қотиб турардим.

– Лекин ваъдангизни унутманг... Унаштирилмасларидан олдин, ҳатто, катта опага ҳам ғиқ этмайсиз... Чунки вайсақилик қилганим учун менга зуғум ўтказади...

Эҳ, бу Сқлавакиларнинг сир сақлаш феъли... Миласда Камолбейни ким ҳам танирди, Мерсинда критлик бир қизга уйланса уйланибди, бу билан кимнинг неча пулик иши бор?!

Ўша даврда шарқ қизи учун турмушга чиқиш ҳаётнинг энг катта масаласи эди. Афифа оила аъъанасини бузишни бўйнига олганидан сўнг ҳеч тинчимади, мени борнинг у бошидан бу бошига тўхтовсиз кездириб, нуқул шу масаладан гапирарди.

Янада ғалатиси, мен ҳам аста-секин ўзимга келиб, сўзга киришган ва гапга кўшилган эдим. Докторга нафратим бирданига катта севгига айланди. Чўтир юзи кўз олдимда дунёнинг энг гўзал хилқати каби гавдаланар, кўзларим ёшлангудай бўлиб, уни мақтардим.

Афифа Мерсинда ўтказиладиган тўй ҳақида гапирганида ўзимни тутолмай:

– Мен ҳам борсам бўладими? – деб юбордим.

У буни жиддий деб ўйлади, хурсандчилик билан:

– Жуда яхши иш бўларди, – деди. – Ахир, сиз ҳам ўзимизникисиз. Бирга кетамиз. Бироқ сизнинг вилоятдан чиқишингизга рухсат беришармикан, ажабо?

– Сургунда бўлганим учунми? Гапингиз тўғри. Рухсат беришмайди.

Бу гапни айтаётганимда энгил тин олганимни ва овозимдаги мунгни ўз вазиятини эслаганидан деб ўйлади ва менга тасалли бера бошлади.

Ҳали бола эканимни, ҳаётни янада яхшироқ биладиган акаси ва қаймақом доимо айтганидай, яқинда

ҳамма нарса ўзгаришини сўзларди. Ниҳоят турмуш қуришни ҳаётнинг энг муҳим ҳодисаси ва ҳар нарса-нинг даъвоси деб биладиган шарқ аёлига хос соддалик билан:

– Ҳечам хафа бўлманг, Муродбей, – деди, – бир куни сиз ҳам Камолбей сингари бир яхши касб эгаси бўласиз, сиз ҳам унга ўхшаб ёқтирган қизингизга уйланасиз ва жуда бахтиёр бўласиз.

– Бундай деманг... Бу мен учун мумкин эмас...

Афифа овозимдаги зардага эътибор бермади, кулимсираб:

– Ҳа, энди, одатда шунақа дейилади, – деди, – аммо вақти келди дегунча... Балки сизнинг тўйингизга қатнашиш учун Истанбулга борармиз...

Энди унга жавоб бермадим, кўзларимдаги ёшларни кўрсатмаслик учун, бошқа томонларга боққанча, орқасидан эргашдим.

\* \* \*

Умидсизлик кишини жасур ва довюрак қилиб юборади дейишади. Менда бўлса, бу доимо тамомила тескари бўлган. Ҳаётда қачон маънос бўлсам, ваҳимага тушиб, ўз қобимга ўралиб олар ва ҳар қандай ҳаракатдан қочар эдим. Билъакс, жамият ҳаётидаги майда-чуйда муваффақиятларим деярли ҳар вақт катта қувончларимнинг самараси бўлган. Бундай вақтларда қатъий ишонч билан олға ташланардим ва, шуни-си ғалатики, аксарият ҳолларда мақсадимга эришардим.

Боғ ичида айланиб, машҳур қудуқ ёнига келган вақтимизда қувончим босиб бўлмайдиган даражага чиққан эди. Унга ўхшаб, кўп гапирар, кулар ва ҳаракат қилардимки, ҳатто, Афифа:

– Сизга нима бўлди, Муродбей? – деб сўради.

Ярим соат олдин товуқхона ёнида айтган гапимни яна такрорладим:

– Тушунмайсиз... Тушунингизнинг имкони йўқ...

Лекин бу гал кўркмаётгандим, журъат билан кўзларига тикилиб, кулимсирардим.

Афифа, кошкийди, эътибор бермаса. Аммо айна гапни иккинчи марта такрорлаётганим уни гумонлантирган эди.

– Бугун сизда бир гап бор, – деди. – Тушунмайдиган нарсам нима эканини билишни хоҳлайман.

– Бунинг иложи йўқ...

Бошимни чайқаб, тилимни тишларим орасида айлантириб тишлаганча, кулимсираб болаларча қилган ҳаракатимдан жавобимни ҳам болаларча бир нарса деб ўйлади.

– Қани, кўп таранг қилманг, – деди, – кутяпман. Бўлмаса, хафа бўламан.

– Айтсам, балки, ундан ҳам кўпроқ хафа бўласиз. Балки эмас, аниқ...

Шундай бир сукунат ва некбинлик огушида эдикки, Афифанинг хаёлига яна ёмон фикр келмади:

– Хафа бўлмайман, – деди, – сизга сўз бераман...

Ҳовучимни ёнимдаги новга ботириб, бармоқларимнинг учидан оққан сувга тикилганча, яна бир марта сўрадим:

– Онт ичасизми?

Унинг жаҳли чиқиб кетди.

– Нега бунчалик қайсарлик қиляпсиз? Ҳа, онт ичман...

Шунда ғамгин ва юраксиз вақтимда асло қилмайдиган хатога йўл қўйдим. Камолбей ҳақидаги гумонларимни Афифага айта бошладим. Ҳатто, гапим нима билан тугабини ҳали тушунмаган ҳолда ҳайрат билан тикилиб қолган вақтида ҳам мен ҳам унга бақрайиб туравердим. Лекин гапирган гапларимнинг залворини, орқага қайтиш иложи йўқлигини ҳис қилганимдан кейингина бошимни ҳам қилдим. Сўздан адашиб кетар ва дудуқланар эдим.

Кўринишда фақат Рифқибей ва Измирдаги кичик Сқлаваки учун ташвиш тортаётгандек эдим. Худди шу

тарзда кўзларимдан оқаётган ёшларни – балки, бироз менга ачиниши учун – яна шу эр ва болага нисбатан туйган шафқат билан изоҳлашга уриндим.

Гапимни охирги айёрона: «Сизга туҳмат қилдим, Афибахоним... Бунга иқрор бўлиб, мени авф қилма-гунингизча яшашим мумкин эмасди» қабилидаги совуқдан-совуқ бир-икки китобий гап билан тамомлаганимдан кейин кўрқа-писа бошимни кўтардим.

Афифа юзини кўллари билан бекитиб олганди. Кўлларини олгач, жаҳли чиқса ёки жуда ғамга ботса керак, деб ўйлаб, ўзимни ҳимоя қилишга чоғланиб турдим. Аммо натижа кутганимдай бўлмади. У менга қарамай, залворли овозда:

– Айб, катта айб, – деди, – сиздан буни кутмагандим. Энди сиз билан гаплашмайман.

Мени турган жойимда қолдириб, уй томонга кета бошлади. Орқасидан бир неча одим отгандан кейин:

– Энди уйингизга келмайми? – дедим.

Ўзим билмаган ҳолда, Афифани энг нозик жойидан ушлаган эдим. Тахминимча, ўша лаҳзада нима десамда, уни бунчалик ранжитмаган бўларди.

– Мен унақа гап айтганим йўқ, – деди, – бизнинг уйимиз бирон-бир меҳмонга ёпиқ бўлиши мумкин эмас... Акам ва опамни хоҳлаган вақтингизда кўргани келишингиз мумкин. Мен фақат ўзимни назарда тутдим холос.

## XX

Феъл-атворимнинг яна бир бошқача ва ярамас жиҳати... Афифанинг бегуноҳ эканига ишонч ҳосил қилганимдан кейин кўнглим бироз жойига тушди... Черков маҳалласига қайтар-қайтмас, бир вақтлар ана шундай қувончли ва ҳаяжонли дамда Ринага қилган шилқимликка ўхшаш қандайдир ахлоқсизлик қилишга эҳтиёж ҳис қилдим. Аммо тасодиф бу гал менга Мариянтини рўпара қилди. Қиз бечора эрта саҳарда Вар-

вара Дудудан қарзга олган бир товоқ гуручни олиб келганди. Бироз олдинги муваффақиятимнинг таъсири остида, уни ҳам Ринадай ҳар нарсага рози ва роъйиш кўришимдан заррача шубҳаланмай, устига ташландим, аммо у шиддат билан кўкрагимдан итарди ва жаҳл билан:

– Нима қияпсиз, Камолбей?.. Сиз жинни-пинни бўлиб қолганмисиз? – деди.

Парво қилмадим, бу гал белидан қучоқлаб, тепага кўтаришга ва ўпишга уриндим. Аммо у анча гавдали ва бақувват бўлгани учун бир силкинишда мени орқамдаги деворга қапиштирди ва кафтининг орқаси билан оғзимга оҳистагина бир шапалоқ уриб қўйди. Кейин: «Уят, жуда уят... Бу уйга бошқа келмайман... Жуда айб» деб сўзланганича чиқиб кетди.

Бу айб бир неча соат ичида қилган айбларимнинг иккинчиси эди. Лекин бугун беорлигим шу даражага етгандики, қулай фурсат чиқса, ким билади, яна қандай номаъқулчиликлар қилган бўлардим. Ҳозир бўлса, кўча болаларига ўхшаб, тилимни чиқариб, сурбетларча қизнинг орқасидан тақлид қилаётгандим.

Афифа қувган, Мариянти урган бўлса, ёлворишлар, кўз ёшлари ва қандайдир ғалати ҳаракатлар қилиб, ўзимни кулгили вазиятларга туширган бўлсам. Бундан ортиқ шармандалик бўлиши мумкинми?! Аммо борлигимни тамоман бошқача ҳаяжон қоплаган эдик, буларнинг ҳеч қайсисини ҳис этмасдим, фақат бир нарсани ўйлаб жазаваси тутган одамдай, ўз оламимда кулар, йиғлар, қалтират эдим.

Бугунги суҳбатдан кейин Афифа билан муносабатимда янги давр бошланган эди. Орамизда ҳеч қандай яқинликка имкон бермаган нурсиз ва равғосиз дўстлик тугаб битган, бизни қаерларга олиб боришни билиб бўлмайдиган мавҳум ихтилоф ва илинж палласи бошланган эди. Ўша вақтлари буни ҳозиргидай аниқ-равшан билмаган бўлсам-да, муносабатларимиздаги ўзгаришни мубҳам тарзда ҳис қилган эдим.

Афифанинг таҳдидидан чўчимасдим. «Энди сиз билан гаплашмайман» деганида саси ва авзойи қатъий эди. Лекин гапнинг оҳанги менга аҳамиятсиз, болаларча ранжиш аломатидай туюлганди. Ниҳоят, акаси ва опасини кўриш учун уйларига бемалол келиб-кетишим мумкинлигини айтганди. Бу қилган номаъқулчилигим ҳақида уларга ҳеч нарса демаслигидан ва уларнинг ёнида бир-биримизга дуч келган вақтларимизда менга қовоқ-тумшук қилишга журъат қилолмаслигидан далолат берарди.

Уйларига биринчи марта борганимда Афифа пошнали шиппакда юқорида анча кезди, ёнимга келмади. Бундан менда узун мактуб ёзиш фикри туғилди. Табиий, бу уни фақат ранжитганим ва хафа қилганим учун изтироб чекаётганимни билдириб кўядиган бир сиёсий мактуб бўларди. Ушбу мактубни неча кунлаб ёзар эканман, баъзан ҳаяжонга тушар, кеча ва хонамнинг ёлғизлигидан юракланиб, унга севгимни изҳор этар эдим. Саҳармардондан, табиийки, булар ўзгарар ва қораламанинг таҳликали қисмлари майда-майда йиртилиб, Варвара Дудунинг ўчоғида ёндириб юбориларди. Кўпгина ўзгартиришлардан кейин мактуб қандай шаклга кирганини билмайман. Аммо қанчалик эҳтиёткорлик кўрсатмай, аминманки, яширмоқчи бўлган нарсаларим, тарновдан оққан ёмғирдай, бу сатрларнинг орасидан пишқириб оқар ва Афифа хатни диққат билан ўқиса, мени лаққа илинтирган бўларди.

Иккинчи боришимда Афифани катта опа билан бирга пастдаги айвонда кўлга туширдим. Опасига бир нарса сездирмаслик учун юзимга боқмай, менга бир неча калима сўзлашга мажбур бўлди.

Орамизда иккимиздан бошқа кимса билмайдиган бир сир борлигидан ажабтовур лаззат ҳис қилар, лекин у сезиши мумкин бўлган риёкорона ғамгинлик билан титраган кўзларимни ердан олмасдан ўтирардим.



Афифа бу ўйинга тезда барҳам бериб, ёнимиздан айрилди, юқорига чиқди.

Кўп ўтмай катта опа қўлидаги суяк илмоқни синдириб қўйди. Хонасидан бошқасини келтириш учун ўрнидан турганини кўрдим дегунча, учиб юқорига чиқдим ва оёқ товушимни эшитиб хонасига қочмасидан бурун Афифани юқоридаги айвонда қўлга туширдим. Яна бошимни ҳам қилганча, мени опаси юборганини икки марта аниқ-равшан айтдим.

У жавоб бермай, опасининг хонасига кириб чиқди ва олиб чиққан илмоқни стол устига қўйди. Мен жойимдан жилолмадим. Титраб-қақшаб алақандай савол бердим. Афифа ҳамон юзимга боқмай:

– Биласиз-ку, мен сиз билан уришганман, гаплашмайман, – деди.

Ич чўнтагимдан мактубни чиқариб, стол устига ташлар эканман:

– Сизни ранжитганимдан қанчалик хафа бўлганимни шу мактубдан билиб оласиз, – дедим ва қочишга ҳозирландим.

Афифа орқамдан қичқирди:

– Олинг буни, – деди, – мени ранжитган одамнинг мактубини ўқимайман.

Ўгирилдим.

– Бундай қилманг, Афифахоним, – дедим, – хафа бўлсангиз, майлига, фақат мактубни ўқинг...

Иш болаларча ўжарликка бориб етди. Афифа шоша-пиша:

– Йўқ, йўқ, – деди, – истамайман.

Мен унга қулоқ солиб ўтирмасдан, пиллапоядан тез-тез туша бошладим. Орқамдан:

– Ундай бўлса, хатни йиртиб ташлайман, – деди.

Энди ўгирилиб қарамадим, имкон бермасам, мактубнинг йиртилмаслигига юз фоиз амин бўлганимча, пиллапоялардан сакраб-сакраб тушавердим.

Афифанинг хафагарчилиги анча давом этди. Лекин, айтганимдай, мен уят-пуютни йириштириб қўйгандим. Вақт-бевақт уйларига борар, акаси ёки опасининг ёнида саволлар бериб, уни сўзлашга мажбур қилардим. Бу аснода кўзларимиз тўқнашиб қоларди. Афифа кўзларимда мамнунлик ва фолиблик ифодасини кўриб, жаҳли чиқар ва гоҳо ўзи ҳам беихтиёр кулиб юбормаслик учун пастки лабини тишлар эди.

Бир гал савол берсам, ўзини эшитмаганга солгани учун Салимбейдан:

– Фофо, ухлаб қолдингми? Сенга савол беришди-ку! – дея унга дашном эшиттирдим.

Бир марта безбетликни янада кучайтириб, акаси ва опасининг ёнида масъумона тарзда:

– Ажабо, сизни ранжитадиган бир иш қилдимми-кан? – деб сўрадим ва уни очиқ юз билан жавоб беришга мажбур қилдим.

Ниҳоят, залворли сабабдан пайдо бўлган бу хафагарчилик вақт ўтиши билан болаларнинг ўйинига айланди ва Афифа билан орамизда губор қолмади.

Шу билан бирга, Афифанинг дарз кетган обрўси қайтиб тикланмади. Менда олдинги итоат ва мафтунлик ўрнига унга қарши исёнкор ва деярли тажовузкор бир руҳ пайдо бўлаётган эди. Сўзлашаркан, нуқул бир-биримизга эътироз билдирардик. Янада тўғрироғи, эътироз билдирган менинг ўзим эдим. Улғайган сари йиртқичлашган бўри боласи сингари, ўйнашишга ўхшаш ҳаракатлар билан пинҳоний тишлаш тажрибалари ўтказа бошладим. У табиийки, ҳар дафъа бошимга астагина уриб, қулоғимдан тортиб, мени тинчитарди. Мунозаралар вақтида овозимнинг оҳанги ўзгарар, хатти-ҳаракатларим, боқишларимда гаройиб ўйноқилик пайдо бўларди.

Афифани эсанкиратиш, унга азоб бериш ва, ҳатто, уни бироз камситиш мен учун сурункали эҳтиёжга айланди. Бирон муҳим фикр айтса, уни болаларча деб топар, у ёқтирадиган бирон кишини калака қилар, со-тиб олган газмолнинг гулларини чақиртикан гулига ўхшатар эдим.

Лекин булар шу қадар севимли ва эътибор берил-майдиган болаларча йўсинда қилинардики, Афифа, негадир, олдинги ҳолатни тиклашга муваффақ бўлол-мас, қилган қарши ҳужумлари билан ўзини аста-се-кин бир тенгдош даражасига тушираётган эди.

Қолаверса, унинг ожиз томонларини ҳам яхшигина билиб олгандим. Бирон гапимдан аччиқланиб, мендан рostaкамига хафа бўлишга чоғланганини ҳис қилган заҳотим ёлғизликдан бўғилиб кетаётганимни англата-диган жумлалар ва ҳолатлар билан ўзимга ачинтирар-дим.

Атрофимиздагиларнинг ҳеч бири бу ўйиннинг фар-қига бормасди. Баъзан жиддий масалалар ҳақида сўзлашаркан, фақат икковимиз тушунадиган калима-лар билан унга тош отардим.

Афифа кўпинча бу калималарни жавобсиз қолдир-мас, бундай қилолмаган вақтлари пинҳоний бир қараш билан менга пўписа қилар ёки лабини тишлар, кулимсираганча бошини бошқа томонга бурарди.

Муносабатимизнинг бу пинҳоний томонлари ишққа ниҳоятда ўхшаб кетадиган нарса эди.

Афифанинг сўзларимга эътибор бермасликка ури-ниши, ҳатто, бироз чўчий бошлагани мени дадиллан-тирган эди. Доктор Камолбейнинг Афифага қилган эр-кин ва ҳокимона муомаласи менга қаттиқ таъсир ўтказган бўлса керакки, мен ҳам кўпгина хатти-ҳара-катларимда, ўзим истамаган ҳолда, унга тақлид қила бошлаганимни сезиб турардим. Камолбейнинг мени ғазаблантирган энг катта қилғулиги катта опанинг сод-дадиллиги устидан кулгани бўлган бир ҳолда, энди мен ҳам Афифанинг ёнида бечорани калака қилишга ури-

нардим. Кейин ундан ҳам ўтиб, катта опа билан бирга Салимбей, қаймақом ва яна бошқа танишларимизга тақлид қила бошладим.

Акаси ва опасига тақлид қилинаркан, баъзан ранжигандек кўринган, лекин доимо бундан кулиб, мени борган сари ботирлаштирган Афифа бир куни:

– Менга ҳам бир тақлид қилинг-чи, – деди.

Жиддийлашиб:

– Сизга тақлид қилиб бўлмайди, ойимқиз, – дедим.

Аммо айна чоғда сирли табассум қилиб қўйдим.

У оёқ тиради:

– Кулишингиздан маълум бўлди... Қани, кўп таранг қилаверманг, – деди.

Чаккамни силаб, ўзимни ўйлаётганга солдим, сўнгра ғалати қараб:

– Ҳақиқатан ҳам қилиб бўлмайди, ойимқиз, – дедим, – лекин уриниб кўраман. Фақат хафа бўлишингиздан кўрқаман.

– Нега энди хафа бўларканман?

Роса фурсати келган эди, ҳазилми, чинми эканлигини билиб бўлмайдиган шама билан:

– Бир марта ҳам шунақа ваъда берган эдингиз. Лекин кейин ҳафталарча қон қустирдингиз, – дедим.

Афифа бу масала билан ҳазиллашиб бўлмаслигини англатадиган бир тарзда сокинлашди, ҳатто тақлиддан воз кечгандек, бошқа нарсалар ҳақида гапирди. Аммо қизиқсинишини бостира олмагани учун бироздан кейин буюрди:

– Бўпти, Камолбей... Шунини хоҳлаяпман.

Афифа учун ҳақиқатан ҳам бирон нарса ҳозирлаб қўйганим йўқ эди. Лекин унинг юз-кўзи ва руҳиятига оид хусусиятларни шунчалик яхши билардимки, ўзим энг севган ҳолатларидан бирига кирдим, кафтларимни иягимнинг остида боғладим, тишларим билан пастки дудоғимни тишладим ва унинг овозига ўхшатиб сўзлай бошладим. Тақлид ўз-ўзидан силлиқ кетди. Дераза ёнидаги оромкурсида боққа қараб ўтирдим,

ора-сира қуёшдан қамашган кўзларимни пирпиратганча кашта тўқир эканман, Флора этакларимни тортқилаб, тўзфитди, кулиб ва жаҳлим чиқиб, лайчани ҳайдадим, сўнгра рўпарамда ўтирганларга билдирмасликка уриниб, этакларимни тузатдим ва яна шундай ҳаракат қилиб, қўлим билан кўксимни ёпдим.

Қаймақомнинг бир сўзига ҳамма кулганини кўриб, тушунмаган бўлсам-да, мен ҳам кулдим, лекин бир сониядан кейин бу қариянинг бепарда ҳазили эканини сезиб, хижолат бўлдим. Бошимни куйи солиб, қошларимни чимириб, юзимга жиддий тус беришга уриндим. Ўзимни гапнинг давомини эшитмаётганга солиб ўтирсам-да, яна лабларимни тишлаб қизарар ёки кулимсирардим.

Бу лаҳзаларда худди Аффанинг ўзи бўлган қўйган эдимки, қилаётган тақлидимда имкони бўлмаган мўъжизага эришганимни, чаккаларимда унинг ёноқларидаги каби кулдиргичлар ҳосил бўлганини, бурним, лабларим ва овозим уникага айнан ўхшаганини ҳис қилдим.

Аффанинг қайси хусусиятлари мени энг кўп ўртаган ва куйдирган бўлса, энг кўп ўшаларга тақлид қилар, балки қасос ҳиссиёти таъсирида, балки ожизлигимни ошкор этмаслик учун, бу хусусиятларни масҳара қилардим.

Аффифа бир аёлнинг энг нозик жиҳатларигача эътибор қилиш ва уларни бу қадар усталик билан ифода-лаб бериш нимадан далолат беришини англамади. Мени томоша қиларкан, ҳайрон бўлар, кулар, ҳатто, жаҳли чиқарди.

Тақлидни тамом қилганимда:

– Сиз ҳақиқатан ҳам ёмон бола экансиз, – деди. – Нима, мен туркчани шунчалик бузиб гапираманми?

Тақлид асносида унинг туркчасида қолган салгина критча талаффузи ва оҳангини ҳам эсдан чиқармаган эдим. Шунинг учун мендан Аффифанинг жаҳли чиққан эди. Ҳолбуки, мен бу туркчани эшитиш учун

Йўлларда критлик болаларни турли баҳоналар билан тўхтатиб, дақиқалаб гапга солардим.

Натижадан унчалик мамнун бўлмагандай кўринишига қарамай, Афифа бир-икки ойдан кейин яна шундай тақлид қилишимни сўради. Лекин бор маҳоратимни ишга солсам-да, бунга муваффақ бўла олмадим. Демак, ўша олдинги тақлид нур ва оловга ўхшаб, бир лаҳзада ўтиб кетадиган бир нарса бўлган эди.

## XXI

Волийдан келган телеграммага мувофиқ бир неча кун Измирга бориб келган қаймақом:

– Сенга бир яхши муждам бор, – деди. – Қани, кўрайлик-чи, суюнчисига нима бераркансан?

Кулиб:

– Хоҳлаган нарсангизни, афандим, – дедим.

– Мен суюнчини олдиндан олишга одатланганман.

Варвара Дудуга айт, бу оқшом ул-бул ҳозирласин. Боғчада икковлон ўтириб овқат еймиз ва батафсил гаплашиб оламиз. Аммо сенга айтадиган муждам унақа овқат-повқат билан қутуладиган нарса эмас, лекин майлига...

– Майли, боғчада гаплашайлик, лекин сиз ҳозироқ бу гапнинг бир учини чиқаришингиз даркор.

У қатъий эътироз билдириб:

– Йўқ, йўқ, – деди, – бунақа кўча ўртасида айтадиган гап эмас бу... Ҳар гапнинг ётиғи, айтиш йўли бор...

Ёшларнинг қизиқувчанлиги маълум. Қаймақомнинг ёқасини бўшатмадим, «шуми, буми?» дея саволлар бериб, оғзидан илинтиришга ҳаракат қилдим.

Аммо у бу тахминларнинг ҳаммасини рад қилди:

– Ўзингни беҳудага ҳалак қилма, буларнинг ҳеч бири эмас. Бу, ҳатто, хаёлингга ҳам келмайдиган зўр гап, – деди.

– Ажабо, ҳурриятга, маршрутиятга оид бир хабар борми? – дедим.

Бунақа нарсалар ҳақида қаймақом билан энди очикдан-очик гаплашадиган бўлгандик. Бироқ у, ода-тича, атрофга олазarak боқди, худди биров бизга қулоқ солиб тургандек, йўталди.

– Йўқ, йўқ, сен бу гапларни аралаштирма, – деди. – Бу фақат сенинг шахсингга оид бир мужда. Аммо шуни билгинки, қанчалик чакак урма, вақти келма-гунча оғзимдан бир оғиз сўз ҳам эшита олмайсан. Хайр бўлмаса.

Қаймақом ўша оқшом Варвара Дудунинг бизга ҳозирлаган дастурхони устида ҳам мени бироз ичик-тиргандан кейин:

– Сен ҳақда волий билан гаплашдим, – деди. – Оғзи-дан сут кетмаган мактаб боласи эканингни, давлат, мил-лат ишларига ақлинг қатъиян етмаслигини, беш вақт намозингда подшоҳни дуо қилаётганингни айтдим.

– Мен намоз ўқимайман-ку, афандим.

– Маълум... Мен ҳам ўқимайман, Оллоҳнинг ўзи ке-чирсин. Бировлар фақат байрам ва тантанали кунлар-да бизга улғувор кўринмоқ учун подшоҳни дуо қилиш-лари ҳам аниқ. Лекин сенинг масалангда волийни кўндириш учун шундай сўзламоқ лозим бўлди.

– Катта раҳмат, афандим.

– Бу менинг вазифам, бўтам, вазифам. Энди асл ма-салага қайтай. Сен бу ерда ватан соғинчидан касал-ланганингни ва кундан-кунга эриб тамом бўлаётга-нингни тушунтирдим. Ўзининг фарзандлари бўлгани учун ҳам сенга ачинди. Сени ўз паноҳига олишга, Из-мир ободонлаштириш бошқармасида бир ишга та-йинлашга қарор қилди. Маош бу ердагидан уч баро-бар кўп. Қандай, Дудунинг товуқ дўлмасига арзийди-ми бу хабар?

Шоша-пиша:

– Мен энди бу ердан кетаманми? – дедим.

– Ўзинг ҳам шуни хоҳламаётганмидинг? Измир со-ҳилида қизлар билан дон олишиб, ялло қилиб юраве-расан... У ер каттакон ўлка... Ҳеч кимнинг сен билан

иши йўқ... Пул кўп... Қани кўрайлик-чи, Измир жонларини Черков маҳалласидаги тўқилган кўйлак кийган дуду полапонларига ўхшармикан?.. Аммо ғалати иш бўляпти-ку... Бундоқ кулиб, хурсанд бўлиш ўрнига, қовоғингдан эшакқурт ёғиб кетди-ку...

– Йўқ афандим, – дедим, – тўсатдан ғалати бўлиб кетдим-да. Демак, бутунлай кетарканман-да... Лекин, афандим, мен бу ерга ўрганиб қолдим-ку...

– У ерга ҳам ўрганиб кетасан. Гўзал нарсага янада осонроқ ўрганиб кетилади. Фақат сендан илтимос: кўпам бебошлик қилма!

Қайғудан томоғим тиқилди, кўзларим хиралаша бошлади.

– Шундай, мен бу ерга ўргандим, айниқса, сизга шунчалик боғланиб қолганманки... Кам бўлманг, менга ота ўрнида оталик қилдингиз.

Қаймақом қайғураётганимни сезмади. Рақи солинган қадаҳга тушган парвонани жимжилоғининг учи билан чиқаришга ҳаракат қиларкан:

– Бу мен учун нақадар бахт, – деди, – демак, Измирга кетишни хоҳлатмайдиган даражада қалбингдан жой олибман-да...

Энг кучли баҳона топдим деб ўйлаб, ҳаяжон билан:

– Бунга заррача ҳам шубҳа йўқ, – дедим, – мен бу ердан кетишни истамайман. Ўз уйинг ва шаҳринг бўлмагандан кейин, бу ер ҳам бир, Измир ҳам бир... Бунинг устига бир тажрибасиз бола бўлсам, афандим. Айтганингиздай, балки, у ерда бебошлик қиларман, маҳв бўлиб кетарман.

– Яъни, очиқ гаплашиб олайлик... Сен бу иқболни рад қилишни, яна шу кўримсиз, зерикарли, кичкина шаҳарчада қолишни хоҳлайсанми?

– Ҳа, афандим.

Қаймақом жиддий тусга кириб, қошларини чимирганча:

– Бўлмайди, болам, – деди, – бундай бўлиши мумкин эмас! Қарор чикди.



– Сиз хоҳласангиз бу қарорни бекор қилдиришингиз мумкин. Шундай қилақолинг, афандим.

У бу сафар, кўрқиб кетгандай, кўлларини кўтарди.

– Йў-ўқ, нима сенга давлат ўйинчоқми? Қолаверса, сенга ҳали ҳаммасини айтганим йўқ. Волийнинг яна бир ваъдаси ҳам бор. Сени бир неча ой ёнида олиб қолганидан кейин Салтанатдан авф этишларини илтимос қилмоқчи. Саройда катта иззат-ҳурматга сазовор одам бўлгани учун, албатта, муваффақ бўлишига имоним комил. Шу кетишда қишга бўлмаса ҳам, баҳорда муқаррар Истанбулда бўласан. Яна мактабингга борасан, дўстларинг билан топишасан... Ҳаммасидан ҳам аълоси бу ерда ҳасратида куйиб адо бўлган онанг, отанг, доимо ёнингда бўлишади.

Энди ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Оёғи куйган товукдай, ҳадеб сакраб турар, бу вазиятда нимадир қилиш кераклиги учун мувозанатсиз ҳаракатлар билан столнинг атрофида айланар, товоқларни бир-бирига қориштирар эдим.

Бу ношудларча ҳаракатларим натижасида кичик шишадаги сиркани шимининг устига тўкиб юбордим. Буни кўрган қаймақом сакраб туриб, бақира кетди:

– Ҳой бола, нима бало, ақдан оздингми? Мени хотиним билан уриштирмоқчимисан? Сенга ҳеч ким қилолмайдиган яхшилик қилсам-у, сен раҳмат ўрнига сирка тўкасанми?

Шунда бўҳрон ичида тишларим қисилган, муштарим тугилган ҳолда, орқа-ўнгимга қарамай, кек тўла кўзлар билан унга тикилдим.

– Ким сиздан яхшилик қилишни сўради? Мен ҳеч кимдан яхшилик истаганим йўқ, тушундингизми? Мен бу ерга подшоҳнинг фармони билан келдим... Ҳеч ким мени бу ердан чиқара олмайди, тушундингизми?!

Қаймақом шимини артиш учун хўллатган пешбандни ташлаб, юзимга диққат билан тикилиб қолди.

– Кўлингни бер, Камол! – деди.

Кўлимни нима қилишини билмай, унга бақрайдим.

Қаймақом тўсатдан столга мушт урди ва кўпириб кетди.

– Нима бало, кармисан?! Қўлингни менга бер дедим сенга... Энди кўзимга қара. Бунақа эмас, кўзимга тик қара!

Қаймақом бироз юмшоқ муомала қилганида борми, газабим янада кучайиб, балки, юз кўрмас бўладиган гаплар айтиб юборишим мумкин эди. Лекин унинг, балки, раҳбар киши сифатида майда-чуйда исёнларга қарши ишлатадиган синашта ва ўйланган ҳийласидан иборат бу оний газаби, овозидаги қатъият, эътироз қилиб бўлмайдиган буйруқлари мени эсанкиратди. Овсарларча бақрайиб, қўлларимни узатдим, кўзларига тикилдим.

– Бечора бола, Ватан соғинчи сени не кўйларга солгани маълум бўлди. Зотан, кўпдан бери гумонланаётган эдим. Демак, гап бу ёқда экан-да!

Овози ва нигоҳларининг маъноси ўзгарганидан ҳамма гапни шу онда англаган эдим! Ҳаётда эндигина атак-чечак қилаётган ғўр бола турмушнинг аччиқ-чучугини бошдан ўтказган тажрибали катта кишига мағлуб бўлганлигини сезган бўлса-да, тузоққа ўз оёғи билан келиб тушган эди.

Қаймақом энди бу ҳийлани очикдан-очик эътироф этишдан ҳам тортиниб ўтирмади:

– Табиийки, волейга сен ҳақингда ҳеч қандай гап-сўз айтганим йўқ. Ҳарифнинг қабулига таъзим билан кирилади... Бунақа қудрат эгаси бўлган фиръавнлар олдида оғиз очишга бизнинг ҳаддимиз сизга дими? Волейнинг Салтанатдан сени авф этишларини илтимос қилиши тўғрисидаги гап ҳам бир чўпчак... Бироқ, менга ҳамма нарса беш кўлдай равшан бўлса-да, гумоним бор эди. Ишонч ҳосил қилиш учун шундай ҳийла ишлатишга мажбур бўлдим. Демак, шунчалик ўт ичида қолибсан-да! Воҳ, болагинам, воҳ...

Сўнгги кучларимни ишга солиб, типирчилдим:

– Йўқ, афандим... Янглишяпсиз... Худо ҳаққи, менга туҳмат қилаётирсиз...

Кўлларимни кўйиб юбормай, ёлғондакам ҳайрат билан кўзларини катта очиб, кулди.

– Янглишадиган нима гап айтдим ўзи?.. Оғзимдан бир оғиз сўз, бировнинг исми чиқдими?

– ?

– Мен билмайман... Сен билсанг, айт... Қани айт-чи, сенга нима деб туҳмат қилган эканман, кимни айтдим?

Энди мен учун ҳеч қандай қутулиш йўли қолмаганди. Бу маккор пакана мени, бамисоли кўғирчоқдек, бармоғининг учида ўйнатаётган, қийнаётган эди.

Ожизлигим ва уялганимдан хўрлигим келиб йиғлай бошладим.

Қаймақом кўлларимни кўйиб юборди, мушукчани силаётгандек, бармоқлари билан иягимнинг остини қашиб, яна кулиб давом этди:

– Демак, шу даражада де! Воҳ, воҳ, воҳ... Бундай маҳалда бироз йиғлаб олган яхши, одам енгил тортади... Лекин хўнграмаслик шарти билан... Дуду ҳадеб, илонга ўхшаб, ошхонадан мўралаяпти. Бирон нарса-ни сезиб қолмасин. Қани, юзингни юв шу жўмракдан.

Юзимни ювиб, артиб, қаймақомнинг рўпарасидаги ўз жойимга изза тортганча ўтиб ўтирган бўлсамда, ҳануз йиғлашда давом этаётган эдим.

Қаймақом рақидан бир култум ичгач, қадаҳини тепамиздаги чирокқа тутиб, узоқ томоша қиларкан:

– Буни ҳаёт дейдилар, Камол, – деди, – бунақа гаплар бўлиб туради, бўлади. Насиба тўрвасида қанча кўз ёши, қанча қаҳқаҳа борлигини билиб бўлмайди. Иншооллоҳ, қаҳқаҳалар кўп бўлар. Фақат валақлаганларим эсингда қолсин. Бу оқшомги кўз ёшларингнинг тотини келгусида ҳеч нарсадан тополмайсан... Ҳали мен ўлиб, хокитуроб бўлиб кетган вақтларимда бу гапларим ёдингга тушса, қаттиқ эзиласан.

Яширадиган сирим қолмаган бўлса-да, қаймақом Афифанинг исмини тилга олмаётганди. Фақат Салимбейлар билан муносабатда эҳтиёткор бўлиш ва сўзлаш ҳақида майда-чуйда тавсиялар берди.

– Аслида, мана шу гапларни айтиш учун сен билан очиқ гаплашишни хоҳлаган эдим, – деди. – Ўзинг билмай, ғалати ишлар қила бошладинг. Яхшиямки, Сқлавакиларнинг машҳур бефаҳмлиги бизга кўмакчи бўлаётир. Салимбей ўз маслағи бўлган табобат билан Крит масаласидан бошқа нарсани ўйлайдиган аҳволда эмас. Катта опанинг аҳволи ҳам маълум. Балки, наригиси бирон нарсани сезгандир, аммо бунга ҳам ишончим комил эмас. Менинг фикримга келсак, қилган номаъқулчилигинг, албатта, тўғри эмас, албатта, тўғри эмас, лекин Оллоҳ урсин, одам дегани бу ёшда шундай номаъқулчилик қилмаса, қачон қилади, бунга ақлим етмайди. Сен билан бу масалада ора-сира гаплашиб турамиз. Табиийки, унақа ҳиссиёт масалаларига ўтиб, беандишаларча густоҳлик қилмаймиз. Эликдан ўтган оқ соқоли бир қариянинг ҳали соқоли чиқмаган бола билан бунақа нарсаларни тенгдошларча сўзлашиб ўтириши айб иш... Лекин қандайдир йўл билан бу масалалар ҳақида гаплашиб олиш кўп жиҳатдан фойдали бўлади. Айтганимдай, оёғингдан тортиб, қандайдир номаъқулчилик қилиб қўйишингга моне бўламан. Қолаверса, сен ҳам бироз енгил тортасан...

\* \* \*

Қаймақом ўша кеча берган ваъдасига содиқ қолди ва мени очиқ сўзлашга мажбур қиладиган ҳеч иш қилмади.

Кунлар, ҳатто, ҳафталар ўтса-да, бу ишга доир бирон имо-ишора ҳам қилмас, мени ўша кечадаги гаплари рўемикан деб ўйлайдиган ҳолга туширарди. Қолаверса, ҳеч кутмаган бир пайтда:

– Юрт соғинчи қандай аҳволда, Камол? – деб сўраб қоларди.

– Ҳеч гап йўқ, афандим, – дер ва дарҳол мавзунӣ ўзгартирар, ёдимда қолган баъзи шеърӣ мисраларнинг маъносини сўрар эдим.

Қаймақом калламга кирмаслигини билган ҳолда, уларнинг маъносини астойдил тушунтиришга киришар, лекин ҳушёр кўринишга жаҳд қилганимга қарамай, яна ўйга ботганимни кўриб:

– Эҳ, бу юрт соғинчининг энг яхши малҳами сенинг тезроқ юртингга қайтишинг бўларди, – дея ҳукуматни дуоибад қиларди.

Қаймақом баъзан, яна эски бир байтдан илҳомлангандек кўришиб, тамомила қуруқдан қуруқ йўсинда платоник муҳаббат\*ни ҳимоя қилиб кетарди. Унинг фикрича, ишқ покиза ва оқилона бўлган вақтда ҳеч нарсадан қўрқмаса ҳам бўлаверарди. Авом ўйлагани сингари, ишқнинг икки томонлама бўлишининг мутлақо кераги йўқ экан. Ҳатто, тўғриси айтганда, муҳаббатнинг ҳақиқий гўзаллиги ва завқ-шавқи бир томонламалигида экан. Ишқ, қандайдир касалликка ўхшаб, муддати ўтгандан кейин ялинсанг ҳам келмас ва қалбни бироз теранлаштиришдан бошқа из қолдирмай, аста-секин сўниб кетар эмиш.

Билмайман, у чиндан ҳам шундай деб ўйлармиди? Фақат менга таскин бериш учун шундай деган бўлиши ҳам мумкин. Қарангки, гумонсираб, оғзимни пойлаган вақтлари менга Афифани доимо ҳиссиётларимни кўзғовчи гаплар билан тасвирлаб, ғаламислик қилгани ҳолда энди уни масхаралашга ва бадном қилишга уринарди. Шу билан бирга бояқишнинг мени жуда ғамгин ва маъюс кўрган кунлари ўз-ўзидан: «Салимбейларникига бир бориб-келишни» таклиф қилган ҳоллари ҳам бўларди. Бир борганимизда Афифа опаси билан кўчага чиқишга шайланиб турган экан.

Даҳлизда бизни кўрди дегунча:

---

\* Фақат руҳий яқинликка асосланган севги.

– Аксига олиб, опам билан шаҳарга тушаётувдик, – деди. – Энди Салимбей акам билан ёлғиз қоладиган бўлдингизлар.

Қора ипак ҳижоби, гапираётганида бошидаги ёпинчидан ёноқлари ва дудоқлари устига тушган кичик нуқталар уни шу қадар гўзал кўрсатардики, беихтиёр титрай бошладим.

Қаймақом менга кўз қирини ташлади ва қисқа тараддуддан сўнгра:

– Бу гап кетмайди, ойимқиз, – деди. – Арава бир неча дақиқа кутса, қиёмат кўпмас. Қани, ичкарига кирайлик-чи.

Даҳлиз ойнаси олдида турган сумкаси билан қўлқопини олиб, уни деярли мажбурлаб, меҳмонхонага олиб кирди.

Бу мен учун қилинган эди. Бояқиш етти ухлаб тушга кирмайдиган масхарабозликлар ижод қилиб, Аффани машғул қилар, кулдиради.

Бир ора ёпинчиғи қандай матодан қилинганини яхшироқ кўрмоқчи бўлганини айтиб, уни ёруғ дераза ёнига олиб борди ва, худди суратга туширадигандек, тикка тургазиб қўйди. Яхшилаб кўриб олишим учун менга орқа ўгириб, Аффани шу вазиятда тутиб турди. Шунақа қилиб, қаймақом айтган бир неча дақиқа чорак соатга узайди.

## XXII

Ўша вақтлари менга бир кичкина қиз илакишиб қолди. У шаҳарчанинг баобрў кишиларидан бўлган бир адвокатнинг қизи эди. Ўтган баҳорда, яъни мен Миласга келган вақтимда у ҳали эркаклардан қочмас, оқшом пайтлари бошига юпқагина рўмол ташлаб, отасини идорасидан олиб кетишга келарди. Сония исмли бу қизнинг шаҳарчанинг ёпинчиқли, ҳижобли, туфлили, қўлқопли, бўйи етган қизлари қаторига қўшилиши ва кейинчалик менга ошиқ бўлиши учун бир ярим йиллик муддат етарли бўлди.

Сония хунук қиз эмасди. Жингалак сариқ сочлари, ҳамиша титраб турадиган узун киприклари ортидаги ранги унчалик аниқ кўринмайдиган мовий ёки кўк кўзлари билан, балки, бошқа вақтлари мени ўзига жалб қилган бўларди. Бироқ илк ойларда Черков маҳалласидаги юнон қизларига ошиқ бўлганим, сўнгра ўша маълум катта дардга йўлиққанам учун унга ҳеч эътибор бермагандим. Янада ғалатиси, қизнинг бу хомхаёлига катталар ҳам бош кўшишдан нари турмаётган эдилар. Менинг ҳали йигирмага ҳам кирмаган, соқоли чиқмаган ва, янада ёмонроғи, толесиз ва касби бўлмаган бола эканлигим Сонияга уйланишимга жиддий тўсиқ деб ҳисобланмасди. Болали ва неварали хотинлар, кап-катта кишилар ўзаро йиғилишиб, буни катта масаладек муҳокама қилишарди.

Ота-онамни кўришган. Салимбейнинг мақтовлари натижасида отам шаҳарда катта қаҳрамондек шуҳрат қозонган эди. Ўзим ҳам ёмон бола эмасдим. Доимо қаймақом, баладия раиси, суд раиси ва доктор Салимбей каби катта одамлар билан борди-келди қилардим. Гарчи Черков маҳалласидаги ҳаётимда қандайдир шубҳали жиҳатлар бўлса-да, хуфиёна ўтказилган текширувларда буларнинг унчалик муҳим эмаслиги ойдинлашганди. Хуллас, шаҳарнинг саноқли давлатманд кишиларидан бўлган адвокат учун мендан яхши куёв топилмасди.

Маълум бўлишича, бу гап Сониянинг истанбуллик онасидан чиққан эди.

Истанбулдаги қайси боғнинг гули экани маълум бўлмаган бу хотин доимо эрининг қишлоқи эканидан шикоят қилар ва қизини фақат истанбуллик йигитга турмушга чиқаришини сўзларди.

Бўлғуси қайнанам бир неча марта Варвара Дудуникига меҳмон бўлиб келди. Бу Дуду учун ниҳоятда катта шараф эди. Қариқиз сандиғидан қора ипак кўйлагини чиқариб, дазмоллар, олтин соатини кўкра-

гига тақиб, арава билан бу зиёратларга жавобан улар-  
никига меҳмонга кетарди.

Варвара Дудуга, ҳойнаҳой, катта нарса ваъда қилинган бўлса керак. Ёки, янада эҳтимолга яқини, уни қуда ўрнида кўришларини айтиб, заиф томонидан ушлаган бўлишса керак. Чунки қарикизда кўз-кўз қилиш ва дабдаба туйғуси манфаат туйғусидан жуда устун эди.

Шаҳарчадагиларнинг ҳаммасини танқид қилган бир чоғда, уларга нисбатан «ёмон одамлар эмас, онаси жуда назокатли, қизи меҳнаткаш, ор-номусли қиз. Айюббей палаги тоза киши. Уй-жойи, дўконлари, боғу боғчалари бор. Вафот этиб кетса, булар қизи билан куёвига қолади» дер ва менга киши билмас тарғибот юргизар эди.

Шаҳарчада бу ишни фақат қаймақом жиддий деб ўйламасди. У баъзан ўзини ранжиганга солиб:

– Ҳей бола! Сен менинг калламни ғовлатишга келганмисан? Қара, у қиз бечора сенинг кўйингда хўнг-хўнг йиғлармиш. Умидвор қилибсан, турфа бўйинбоғлар тақиб полапонни ақдан оздирибсан. Энди ўзинг чорасини топ... Худо ҳаққи, мажбурлаб никоҳлайман кўяман, – деб бақирар, сўнгра: – Ё раббий, яна ўзинг биласан, – дея хохолаб куларди.

Гарчи қаймақомнинг бу сўзлари ҳазил бўлса-да, Сония билан ўртамизда яширин келишув борлиги ҳақида узунқулоқ гаплар тарқатаётганлар ҳам йўқ эмасди. Янада чатоғи, Сониянинг ўзи ҳам шу фикрда эди. Қиз бечора қаерга бормасин, мен ҳақимда гўё қаллиғидек гапирганини Стематуладан ва бошқалардан бот-бот эшитардим.

Кўчада тасодифан учрашиб қолсак, Сония ёпинчиғи остидан менга кулиб қараб қўяр, буни ҳали эркаклардан қочмаган вақтлардаги танишлигимизнинг давомига йўйганим учун, мен ҳам табассум қилардим. Чиққан миш-мишларнинг бор сабаби ҳам шу бўлса керак.



Ҳолбуки, мен турмушга чиққан ва болали аёлни се-  
виб қолганимдан сўнг жуда ўзгариб кетган ва руҳан  
улғайгандим.

Сонияга тенгдош қизлар ва Черков маҳалласидаги  
дўстлар энди менга бемаъни ёш бола тўдаси бўлиб  
кўринар, ҳатто, ҳижоб ҳам фикримни ўзгартиролмас  
эди.

Сониянинг онаси, бир томондан, Варвара Дудуни  
иттифоқчи қилишга ҳаракат қиларкан, иккинчи то-  
мондан, менга қандайдир қариндошлиги бор деб ўйла-  
ган Салимбейларга яқинлашганди.

Шаҳар кичкина бўлгани учун икки оила, зотан, та-  
ниш эди. Бироқ кейинги вақтларда истанбулик хо-  
ним тез-тез меҳмонга келадиган бўлиб қолганди. Гоҳи  
Сонияни ясантириб ёнида олиб келар, катта ва кичик  
опалар билан очиқчасига гаплашар эди. Ўртада ҳал  
қилиниши лозим бўлган Крит масаласи турганида бир  
эркакнинг уйланишни ўйлаши Салимбей учун ақлга  
сирадиган гап эмасди. Шу боисдан катта опа истан-  
булик хонимнинг истаги ҳақида гапирса, қошлари-  
ни чимираб, вазминлик билан:

– Эсини еб қўйганми бу кишилар? Камолбей ёши-  
даги боланинг уйланиши мумкинлигини ўйлашнинг  
ўзи айб, – дер эди.

Катта опа ҳам бу ишга қарши. Лекин унинг тушун-  
часи бутунлай бошқача. Мени уйлантириш фақат онам  
ва отамга оид муқаддас ҳақ эди. Агар улар Салимбей-  
ларникида бу масала ҳақида гап-сўз бўлганини билиб  
қолсалар, ҳақли равишда хафа бўлган бўлишарди.  
Кошкийди, истанбулик хоним уларни бу ишга ара-  
лаштирмаган бўлса?! Аммо ўз оёғи билан келган ва  
истагини сўзлашга ҳақли бўлган бир меҳмонга нима  
ҳам деб бўларди?

Шу билан бирга катта опа менинг бу Сония масала-  
сига кўринганим қадар лоқайд эканимга негандир  
ишонгиси келмас, жиддий андиша билан, қўллари ва  
қошларини кўтариб:

– Аммо яна аралашмайман, – дерди. – Камолбей ҳали ёш, балки кўнгил бериб қўйгандир, кўзини чирт юмиб, шуни хоҳлайдиган бўлса, бу бошқа гап... Бундай гап бор бўлса, албатта, Истанбулдагиларни чақирриш лозим.

Аҳволимдаги фаройибликни, ниҳоят, катта опа ҳам сезганди. Лекин у қаймақомга ўхшамас, ўта содда ва покдомон аёл бўлгани учун гап нимадалигини билмас эди. Хафақон, паришон кўринишим, беқарор ва бадбин фикрларим билан Сония чўпчаги орасида бирор муносабат бор деб ўйлаганидан, хийла айёрона кашфиёт қилдим деб ҳисоблар, пардали гаплар билан гап олишга уринарди.

Афифага келсак, унда ўзимнинг доктор Камолбей ҳақидаги васвасаларимга ўхшаш бир нарсани кўришни жуда хоҳлар эдим. Лекин у бу масалада ҳазил қилишни ҳам лозим кўрмайдиган даражада лоқайд эди. Бир гал катта опа:

– Сония нима қилиб бўлса ҳам Фофодан гап олмоқчи, – деганди, – ўтган куни нимайди, Камолбей тўғрисида сенга бир нарсалар девди?

Афифа фақат елкасини қисди ва:

– Сония нима деганини ўзи биладимми? У ҳали бола, – деди.

\* \* \*

Ўша кунларда Миласнинг тоғ қишлоқларидан бирида яшайдиган бир аслзоданинг тўйига таклиф этилдим. Янада тўғрироғи, аслида Салимбейларни таклиф қилишган, мени бўлса, таклиф қилинганлар таклиф этишганди. Бироқ қоидага риоя қилиб ўтиришнинг ўрни эмасди. Тушдан кейин кетиб, тонгга яқин шаҳарга қайтилишини ҳисобга олганда, бир ярим кун ва деярли бутун бошли бир кеча Афифанинг ёнида бўлган бўлардим.

Йўлда бир нечта фойтунлар ва устига кўрпачалар, гиламлар ташланган узун аравалар кўрдик. Уларнинг орасида Сонияларнинг аравасини ҳам учратдик ва ан-

чагача олдинма-кейин кетдик. Бечора қиз ҳали гўр бўлгани учун ора-сира бизга қараркан, кулгили қилиқлар қилар, Салимбей:

– Ҳой, Омоҳ урсин, уларни атайлаб таъқиб қилаётганга ўхшаб қолдик, – деб қизишар, ҳаммамиз бирдан кулардик.

Бир ярим кун ва бутун бошли бир кеча! Бу ўн тўққиз ёшли йигитга нималарни ваъда қилмайдиган узундан-узоқ муддат! Аммо тўйхонага бордик дегунча, хотин-қизларни бир томонга, эркакларни бошқа томонга олишди.

Қишлоқ буталарга тўла бир тепаликнинг устида жойлашган эди. Кичик-кичик майдонларда полвонлар курашишар, қирмизи, сариқ, яшил кўйлак кийган йигитлар довул, сурнай чалиб, рақс тушишарди.

Бутун кунимни ҳадеб халойиқ орасидан рўпарамга чиққан Сониядан қочиш ва узоқдан Афифани кўришга уриниш билан ўтказдим.

Қаймақом бир нечта дилтортар оқсуяклар билан холи жойдаги анжир дарахти остида ўтирарди. Каттакон қаҳва финжонига тўлдирилган рақи\* сини япроқлар орасига яшириб қўйган эди. Ора-сира қадаҳни чиқариб, бир қултум ичар, қўлларини пахса қилганча, шеър ўқирди.

Баъзан чарчаб, оёқда туролмайдиган ҳолга келгач, мен ҳам унинг ёнига борардим.

Фақат икковимиз англайдиган нигоҳлар билан қараб:

– Нима гап?.. Сен анча чарчаб қолибсан шекилли, кел, бироз дам ол, – деб мени ёнига чақирар, ёнига ўтқазар, олдида турган узум билан сийларди.

Анчагача ҳеч нарса билмагандай, шеър ўқишда давом этар, кейин яна икковимиз тушунадиган нигоҳ билан менга қараб:

---

\* Ароқ демоқчи.

– Эҳ, қани бор, бироз айланиб кел, – дерди.

Қош қорайгач, салқин тушди, буталар сояси у ер бу ерда дарахтларникидек узайиб, сел ўнгурлари чуқурлашгандай бўлди ва атроф янада гўзаллаша бошлади. Ой чиқиб турган бўлса-да, у ер бу ерда машғалалар ёқилган, қир дастурхонлари устидан микрофондан кучайтирилгандек, қичқирриқлар, қаҳқаҳалар кўтарилар, шовқин-сурон ичида гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўй таоми ейилар эди.

Афифадан энди умидим қолмаган эди. Биронтаси мени учратиб, оғзим заҳар-заққумга тўлганига, қалбим ўртанаётганига қарамай, мени дастурхонга ўтқазидан кўрқиб, кўпчилик ичидан чиқиб, буталар орасидан бош оққан томонга кета бошладим.

Яна бир бўҳронни бошдан ўтказаётганим аниқ эди. Орада сохта ваъда билан мени алдаган ва берган сўзининг устидан чиқмаган бир масъул бордай:

– Икки кун қувончдан ўлиб қолаёздим... Лекин шунинг учунмиди? – дея мингиллар, исён кўтарардим.

Кўзларим ачишиб, томоқларим қақраб кетаётгандек бўларди. Лекин йиғламадим.

Шу орада бир марта буталар орасида узала тушиб ётдим. Кўйлагимнинг остидан баданимга тиканлар ботди. Менга ғайритабиий завқ-шавқ туйғуси берган бу оғриқларни кучайтириш учун ётган жойимда аста-аста у ёқдан бу ёққа думаладим. Шу вақтга қадар толесизлик менга – ёмғирпўш ёпинган ҳолда шиддатли ёмғир ўтиб кетишини кутгандай – ҳаётнинг ўткинчи камчилиги шаклида туюлган эди. Лекин ўсмир қалби учун жудаям узоқ давом этган ва уқубатли бўлган ишқ келтирган бевақт етуклик ва бадбинлик таъсирида бу энди ниҳоясиз бир ҳол бўлиб кўринар, мени ҳаётнинг ўзидан гумонсирата бошлаганди. Тиканли тўшагимда бунга ўхшаш нечта кечалар кутганларимнинг ҳеч бирини келтирмаслигини, оймомоли ва юлдузли кечалар беҳуда қат-қат бўлиб ўтиб кетишини ўйлар, «Билдимки, энди бу доимо шундай бўлиб

қолавереди. Ўлишдан бошқа чора йўқ» дея сўзланардим.

Тўй қоронғи кечада бир сония ҳам тўхтамай, довул, сурнай саслари ичида, шовқин-сурон билан давом этарди. Анча кеч бўлиб қолганини ҳис қилиб, кекса одамлардек, итоаткорлик билан оёққа қалқдим, устимдаги хас-хашак, тиканларни қоқдим ва бир тўда хотинлар орасида Аффифани яна кўриш умидида йўлга тушдим.

Қишлоқдан бир неча юз метр узоқроқда бўш аравалар қаторлашган эди. Аравакашлар от-эшакларни ўтлашга қўйиб юборишган, ўзлари ўйин, сайрга чиқиб кетишганди. Кўлларимни чўнтакларимга солиб, паришон кетиб бораётганимда бу араваларнинг бирида бир кўланка қимирлади, бир сас, Аффифанинг саси эшитилди:

– Сизмисиз, Камолбей? – деди у.

Ҳайрат ва қувончдан шундай сесканиб кетдимки, сал бўлмаса, йиқилиб тушардим. Аффифа қўрқди, деб ўйлаб кула бошлади.

– Сизга нима бўлди, Камолбей? Қўрқитиб юбордимми?

– Нимага қўрқишим керак, афандим?

– Билмасам, бирданига шунчалар чўчиб кетдингизки...

Фурсат келди дегунча бир-биримизга сал бигиз тиқиш бизнинг янги одатимизга айланганди.

– Сиз беҳосдан ҳеч қўрқмайсизми? Масалан, ўтган куни Флора дераза раҳидаги тувакни тушириб юборганида...

Аффифа шоша-пиша:

– Сиз уни қўйинг-да, бунга жавоб беринг, қани кўрайлик, – деди. – Оқшомдан буён қаерда юрган эдингиз? Нега бирданига ғойиб бўлиб қолдингиз? Ҳозир қаердан келяпсиз?

У менга бунчалик эътибор кўрсатганига ишонмагандек, бармоғимни кўксимга нуқиб:

– Менми? – дедим.

У кулиб:

– Албатта, сиз-да, сизни кўргиси келган, қидирганлар бор экан, қочиш керакмас-да.

Сония ҳақида гапираётганига бирдан тушунмай, ҳаяжон билан:

– Меними? – деб сўрадим.

У янада қаттиқроқ кулди.

– Албатта, сизни. Кўрмаяпсизми? Сизга қандай қараяпти бечора қиз!

Кўлларимни арава шотисига тираб тургандим. Бу Сония чўпчаги ҳаддан ортиқ чўзилиб кетганини сездириб қўймоқчидек, жонимга текканини билдирадиган тарзда елкаларимни қисдим.

– Бизга келганда елка қисасиз. Лекин уни ёлғиз кўрсангиз, ким билади, нималар қилар экансиз? Ҳар ҳолда, умидвор қилмаганингизда бунчалик кетингизга тушмаган бўларди бу қиз! Қилган ишингиз ҳечам тўғри эмас!

Ғалати нарса! Балки, Сқлавакиларнинг муҳофаза-кор тарбияси натижасида бўлса керак, Афифа ҳозиргача Сония ҳақидаги ҳазилларга қўшилишдан ўзини олиб қочган, ҳатто, бир куни Сония унга айтган баъзи сўзларни такрорлагани учун опасини юмшоққина қилиб узиб олганди. Ҳолбуки, бу кеча, негадир, бу мавзуни тарк этгиси келмаётган, Сониянинг айтганларини бутун тафсилотлари билан ўзи айтиб бераётган эди.

Кўчалардаги тасодифий учрашувлар вақтида бирикки дўстона кулиб қўйганим ҳақиқатан катта масалага айланганди. Ҳатто, шунчаликки, адвокат ота йўлдан оздирди деган тухмат билан мени судга берса, ютиб чиқиши турган гап эди. Қиз тинмай мен ҳақимда гапирар, икки гапнинг бирида бетакаллуфлик билан Афифанинг бўйнига осилиб, ёноқларидан ўпармиш.

– Шунчалик болаки, уялишни ҳам билмайди бечора, – деди Афифа. – Бизларни деярли қариндош деб ўйлаб, ўртага тушишимиздан умидвор.

Афифа буларни гапираркан, гоҳ унинг, гоҳ менинг устимдан бироз кулиш билан бирга, баъзан жиддийлашиб:

– Сония ҳечам ёмон қиз эмас, – дерди. – Катталашган сари, янада чирой очади. Нима ҳам қилсин, шуни хоҳлаяпти. Мен ўзимча жуда ачиняпман. Модомики, умидвор қилдингиз, у ҳолда...

Ўзимни оқлаш учун энди қасам ичишдан бошқа чорам қолмади. Ғоят ташвишланиб, бош чайқаб:

– Худо ҳаққи, ҳеч гап йўқ, Афифахоним, – дедим, – Худо урсин, ҳеч нарса қилмадим... Кўчада дуч келиб қолардик. Отасининг ёнида бир-икки гап ҳам айтгандим, шекилли. Одам дегани танишига дуч келса, салом бермайдими?

– Ҳижобга кирдими, бермайди. У вақтда ҳар нарса битади.

– Аммо, мана, ақлим етмай қолди... Онамининг номи билан қасам ичсаммикан, билмадим... Кулганимни кўриб, сиз ҳам куляпсиз, ёлғон сўзлаяпти деб ўйлаяпсиз. Худо ҳаққи, бу асабийликдан... Сиз ҳам куляпсиз, мен ҳам куляпман.

Афифа тирсақларини тиззасига тираганча, бошини мен томонга бурди. Араванинг ичи қоронғи эди. Фақат кечанинг хира тарқоқ нурлари, ҳар доимгидай, унинг юзини ялтиратар, кўзлари, тишлари ва дудоқлари, бурнининг чеккалари порлар эди. Овозида камдан-кам учрайдиган бир ҳушёрлик билан менга яна бир марта ҳужум қилди:

– Яна бунинг устига нега мenden яширасиз? Бу айб эмасми? Опангиз эмасманми? Кўряпманки, сизда бир мужмаллик бор... Балки, сизга ёрдамим тегар...

– Опам, – дедим, – опамсиз, катта раҳмат. Фақат опам мени кўпинча калака қилади-да. Айтганларингиз тўғри бўлса, опанинг нима ҳожати бор эди? Сония шу ерда... Ўз ишимни ўзим аъло даражада уддалай оламан.

Афифа паст товушда қаҳқаҳа отди ва ҳайратланиб, кўзларини катта очди.

– Мошполлоҳ... Демак, шунчалик катта бўлиб кетиб-сиз-да?

Мен ҳам аста-секин ҳужумга ўта бошладим.

– Билмайман, сиз қандай фикрдасиз? Лекин тахминимча, анча... Истанбуллик бўлмасам эди, аскар кўйлаги кийишга ҳозирланган бўлардим. Энди, рухсатингиз билан, Сонияни бир четга кўйиб турайлик... Сиз ўзингиз нега бу ерда ўтирибсиз, яна ёлғиз?.. Отлари чиқарилган аравада келинга ўхшаб...

Афифанинг ҳазилларига муқобил жавоб берарканман, дафъатан оғзимдан чиқиб кетган бу «келин» жумласи ўзимга ҳам, унга ҳам ғалати туюлди. Кулмоқчи бўлган бир пайтда, ўзини қўлга олиб, жиддийлашди.

– Зерикдим, – деди. – Довул саслари бошимни оғритиб юборди. Тинмай чалиб ётишибди. Бошим оғрий бошлади. Бу томонга юрдим, қарасам, аравалар бўм-бўш... Биттасининг ичига кириб олдим. Бу ер жуда мазза... довул йўқ... Сўнгра қарасам, биттаси келаётир, қўллари чўнтагида, аста-аста... катта эркак. Гоҳ юради, гоҳ ўйга ботади. Ким билади, кимни ўйлаётган экан?

Бугун Афифага нима бўлган ўзи? Бир дақиқа олдин оғзимдан бехосдан чиқиб кетган «келин» калимасини эшитиб, чўчиган, ҳазилни йиғиштиришга қарор қилгандай кўринган бир ҳолда, энди такроран менга ҳужум қилаётир.

Кулимсираб:

– Яна мени масхара қиляпсизми? – дедим.

Кўзларини катта очиб, ўзини ҳимоя қилди:

– Асло... Яна бунинг устига бировни ўйлаётган кишини масхара қилиб бўларканми? Бирам паришон, бирам ғамгин эканингизни кўриб, опа каби...

Яна айна кулги билан сўзини бўлдим:

– Опа каби калака қиляпсиз. Юз-кўзингиздан тушунмай ўлибманми?

Афифа бироз олдинги вазиятини ўзгартириб, арванинг тўрроғига чекинди.



– Қоронғида юзимни қандай кўрдингиз? – деди.

– Сизни қоронғида ҳар доим кўриш мумкин, – дедим.

У бу сўзимга чинданам ҳайрон бўлди, яна кулиб:

– Нимага? – деб сўради.

Афифага кўп вақтлардан бери ўйлаб қўйган гапларимни тўкиб сола бошладим:

– Акангизнинг хонасида бир французча журнал бор.

Унинг муқовасида янги кашф қилинган радиий деган модданинг расми бор... Ўзидан нур чиқарадиган бир тошга ўхшайди. Сизнинг юзингизда ҳам радиий бўлса керак, кичик опа... Кўп диққат қилганман, қоронғида ҳеч нарса кўринмаган бир чорда, сизнинг юзингиз ҳамиша кўринади.

Тўғриси айтганда, бу фикрни қаймақом айтган эди. Радиийни бутунлай силиқ, ёпишқоқ модда деб ўйлаган кекса хотинбоз бир куни менга тагдор қилиб: «Бу жувоннинг юзи, радиий суртилгандек, қоронғида ўз-ўзидан порлаётганга ўхшайди!» деган ва мен неча кунлаб ўртанган эдим.

У борлигимни қамраган хаёлотни кўриб айтган ташбеҳни, ортиқча лирик ва ҳавфли қисмларини чиқариб ташлаб, худди ўз молимдай, Афифага сотгандим. Фақат, нима бўлганда ҳам, бир ёш жувонга чехраси ҳақида гапириш, яна боз устига бунақа тилда гапириш катта жасорат эди. Буни ўзим ҳам ҳис қилаётган, лекин энди қайтиш имкони бўлмагани учун, сўзларимни болаларча соддалик пардасига ўрашга уринаётгандим.

Акасининг журналидаги радиий нимага олиб келишини билолмай мени табассум билан тинглаган Афифа кейинчалик жиддийлашди, қошларини чимирди. Бироқ мени бутунлай жавобсиз қолдиришни ҳам ножоиз деб ўйлагани учун «ғалати» деди ва аравадан сакраб тушди. Менга қарамаслик учун, худди бир нарса сини унутмаганига ишонч ҳосил қилмоқчидек, яна «араванинг ичига боқиб турарди. Кейин ўтирганида буришган этакларини текислашга киришди.

Мен бу ишларини битиргач, тўғри қишлоқ томонга кетишидан чўчиб:

– Манави томонлар нақадар гўзал, – дедим, – айниқса, мана шу тепачанинг нариги томонидан Милас шунчалик гўзал кўринадики, асти қўяверасиз... Сиз билан бироз юрсакмикан?..

У замонларда ёш аёлнинг, ҳатто, ўз яқини бўлган бир эркак билан қоронғида ёлғиз сайр қилиши Сони-яга бошим билан берган саломлардан ҳам кўп хавфли эди. Лекин бир йилдан бери уйларига кириб-чиқаётган бўлсам-да, бу вақт ичида на Афифада, на опасида бунақа кўркувдан асар ҳам кўрмагандим. Балки Критдаги янада эркинроқ ҳаётдан қолган бир одат юзасидан, балки ўзлариники деб билган бир кишида нохуш шубҳа уйғонмаслиги учун шундай қилган бўлсалар керак.

Уйларининг ўроғлиқ боғида айланмоқчи бўлгандек, ҳеч тараддуд қилмасдан ёнимда юра бошлади.

Сухбатлашиб борардик. Фақат боягина кўрсатган тепачадан ўтганимиздан кейин:

– Қани бу ердан Миласнинг кўрингани? – деб сўради.

– Янглишибман... Бироз олдинроқда бўлса керак, – дедим.

Буталар орасидан аста-аста илгарилаб борардик. Афифа тўсатдан:

– Анави ялтираётган нарса нима? – деди.

Ўгирилиб, кўрсатган томонга қарадим. Бу бироз аввал ўзим ётган жой эди. Ялтираган нарса бир томондан иккинчи томонга афдарилган вақтим янтоқлар устига тушиб қолган кумуш пакким эди. Югуриб оларканман:

– Жуда яхши бўлди-да, – дедим, – бу менинг қалам-тарашим... Траблусдаги акамнинг совғаси бўлгани учун у менга жуда қадрли.

Афифа ҳайратланиб:

– Яхши, лекин бу ерда сизга нима бор эди?

– Ҳеч, шундай, – дедим, – ҳали шу ерда ётган эдим...

Тушган бўлса керак.

– Янтоқнинг устидами?

– Янтоқ эмас, бу ўт... лекин орасида янтоқ ҳам бор...

Бу кеча қайсидир шайтон Афифани тўхтовсиз турткилаётган эди.

– Шу ерда ётиб, албатта, Сония ҳақида ўйлаган бўлсангиз керак?..

Гарчи гир этган шамол бўлмаса-да, бошидаги ёпинчиқни шамолдан ҳимоя қилгандек, икки қўли билан четидан тутганча, чаккаларига тортаётган, маъноли боқиб, кулимсираётган эди.

Бундан кейин Сония туфайли қилинадиган ҳар бир ҳужумга дарҳол қарши ҳужум билан жавоб беришга қарор қилганим учун:

– Бу ерда ётиб, бир нарсалар ўйлаган бўлишим мумкин, – дедим, – лекин нега энди, албатта, Сония бўлиши керак?

– Ҳар ҳолда, қизлардан бири бўлса керак... Мен ҳаммасини танимайман, ораларида жуда чиройлилари бор...

Эндиги жавобимни кутиб ўтирмай, саволини ўзгартирди:

– Сиз тўй оши едингизми?

Мужмал жавоб бермоқчи бўлдим, лекин у ўжарлик билан:

– Емадингиз, шундайми? – деди.

– Билмайман, негачир егим келмади. Қаймақом узум, яна бир нарсалар берди.

– Хуллас, емадингиз, оч юрибсиз.

– Ҳамиша оз ейман, биласиз-ку...

– Нега?

– Фойда бўлсин деб...

– Емагансиз, чунки ўйга ботгансиз. Опа ўрнида битта-битталаб сўрайман... Сониями? Йўқ! Черков маҳалласидаги қизлардан бирими? Йўқ! Доимо йўқ. Аммо мен ишонмайман.

Соғлигим кундан-кунга ёмонлашганда барча озми-кўпми сўраб-суриштириб турган бир чоғда Афифа бунга ҳеч парво ҳам қилмагандай кўринганди. Лекин суҳбатимиз қизигач, тушундимки, Миласда менга йўлиққан балони у ҳаммадан олдин сезган экан. Бу қандайки, бу касаллик тўғрисида қилинган тахминлар ва Черков маҳалласидаги қизлар тўғрисидаги миш-мишларгача мен ҳақимдаги ҳар нарсани барчадан яхши билар экан.

Мавзунинг ўта жиддийлигига қарамай, суҳбатимиз ҳазил-мутойиба йўсинида, бир-биримизга енгил ҳужумлар билан давом этди. Афифа касалигимнинг боиси сифатида санаган сабабларга, Сония ва ҳоказо чўпчакларга икковимиз ҳам ишонмаслигимиз учун, тўғридан-тўғри янада теранроқ ва мавҳум томонларга, тобора асл сабабга яқинлашаётганди, лекин ҳазил-мутойиба оҳанги бизни алдаётгани учун хатарни пай-қамаётган эдик.

Ёши катталиги туфайли мени ҳамиша устунлиги таъсири остида тутган виқорли адосини тарк қилгани ва мени сўзлатиш учун қилаётган ўжарликлари натижа-сида мен билан тенгдош, ҳатто мендан кичикроқ қизча ҳолатига тушгани ҳам хатарни орттираётган сабаблардан бири эди.

Яна бироз юргандан кейин ортга қайтдик. Афифа ётган жойимни яна бир марта қидирди, ярим ачиниш, ярим масхаралаш оҳангида:

– Янтоқлар устида ётдингиз, – деди, – овқат ейишни унутдингиз. Балки, бир чора топармиз, деб савол бердим, жавоб бермадингиз. Ҳеч гап йўқ, деб мени алдадингиз.

Кула бошладим.

– Ҳеч гап йўқ деганимни аниқ эслайсизми? – дедим. – Бу гап Сонияга нисбатан тўғри. Черков маҳалласи гўзаллари учун ҳам тўғри. Лекин булардан ташқари ҳеч гап йўқ, деганимни яхши эслайсизми? Бир ўйлаб кўринг-чи, кўрайлик...

Афифа мендан доимо инкор жавоб кутгани учун дафъатан шошиб қолди.

– Шошманг, қарай-чи, шошманг, – деди. – Айёрона куляпсиз. Мен бироз кеч англайман. Сиз менга бу гаплар биронтаси учун бўлганини очикдан-очик айтяпсиз... Шундай эмасми?

– Тахминимча, шундай... Шуни хоҳламаганмидингиз? Сўрадингиз, жавоб бердим.

– Тўғрисўз аълодир. Ундай бўлса, у ким?

– Мана шуни айтишнинг иложи йўқ.

– Ўзи биладими?

– Йўқ! Асло билмайди. Унга ҳам айтганим йўқ.

– Бизнинг танишларимизданми?

– Балки «ҳа», балки «йўқ».

– Ғалати гап-ку! Ким экан, ажабо? Ўзи биладими?

– Балки билар, балки билмас. Ҳар ҳолда, мен бирон гап айтганим йўқ.

– Қачондан бери?

– Бир йилдан ошди. Бир оқшом Черков маҳалласидаги оташ кечасига келган эдингиз-ку... Деярли ўша вақтлардан буён... Ёки ундан бироз олдинроқ...

Ишқимнинг ибтидо тарихини у билан биринчи бор танишган кечадан бир неча кун олдинга ўтказиш каби кичик айёрлик эҳтиёжига қарамай, иқрорнинг бундан очиғи бўлмасди. Лекин Афифа тушунмаётган эди. Янада тўғрироғи, менинг ўзим ҳам бунинг фарқига бормаётган эдим, чунки Афифа билан муносабатларимиз тарзида ўзгариш бўлиши эҳтимоли мумкинлигини ҳечам ўйламаган эдим. Гарчи қачондир унга бир мактуб қоралашга журъат қилган бўлсам-да, бу мактуб ўша вақтлари муқаррар деб билганим ўлим ҳисобига бўлганди. У эътирофимни ўқиган вақтида мен ўлиб кетган бўлардим.

Ора-сира у ҳақда ўйларкан ёки каштаси устига эгилган чоғларида ёноқлари, бурнининг четларида ўйнаган, оппоқ тишлари устида ярим очилган дудоқларини ақиқ рангга бўяган нурларни томоша қилар-

канман, ўз хаёлимда ўтакетган йиртқичга айланар, ҳеч нарса парвойимга келмас эди. Лекин ички дунём унга ва бошқаларга нисбатан доимо ёпиқ қолгани учун кўпам хавотир олишни лозим топмасдим.

Аммо мени укасидай яхши кўрган ва айна вақтда яна укасидай назарга илмайдиган Афифага, эри ва боласи бўлган катта аёлга уни севишимни сездириш...

Мана шу нуқтада муҳофазакор оилавий тарбиям, ишқдан болаларча инстинктив кўрқувимдан Салим-бейнинг аҳли вафосига қадар бир тўда тўсиқлар олдимда, қалъа деворлари сингари, баланд юксалар ва уфқимда энг арзимаган бир умидга жой қолдирмасди.

Шу билан бирга жисм хасталиги билан кучайиши муқаррар бўлган ва ёшимга ярашмаган севгим аста-секин ўз ишини қилган ва бир қарашда ҳеч нарса ўзгармагандай кўринса-да, мени, ким билади, қандай пинҳоний тайёргарлик билан муқаррар натижа томонга етаклаган эди. Бу иш, балки, шу кеча содир бўлиши зарур эди.

Маънавият ва мистикага заррача ишонганимда, мени икки кундан бери жазавага солган умидимни олдиндан ҳис қилган ва бунда бизни арава ёнида учраштириб, қоронғилик кўйнига йўналтирган ажиб тасодифнинг қандайдир роли бор деган бўлардим.

Афифага ҳамма гапни очикдан-очик айтаркан, аллақандай фавқулодда иш қилаётганимни ҳис қилмаётган, имкони йўқ деб ўйлаган нарса оғзимдан чиқиб кетишига салгина қолиб турганини англамаётган эдим.

Анлаганимда дарҳол кўрқиб, тўхтаган бўлардим ва бу ишлар асло бўлмаган бўларди.

Севганига нисбатан ўзини менчалик ноумид ва пажмурда ҳолда кўрган бир ғўр боланинг, аввалдан берган қарорига мувофиқ, севгисига иқрор бўлиши, зотан, бундай шаклда юз бериши мумкин эмасди. Бу ҳаётнинг энг ваҳимали ҳодисаси бўлиб, фақат бутун борлигини таг-томири билан ларзага келтирган бир

довдираш ичида, йиғлаган ва титраган ҳолда қилиниши мумкин бўлган иш эди.

Ваҳоланки, мен бу сўзларни худди кўпни кўрган ва хотинларни алдашнинг ҳадисини олган устаси фаранг хотинбозлардек сохтакорлик билан, қўлидаги пьесага мувофиқ ошиқ ролини ўйнаётган актёрдек сўзлаётгандим. Нима бўлганда ҳам мен бу қадар тубанликка бориб етмасдим ва ҳаракатларим фақат қилаётган ишимни ўйин деб тахмин қилишим билан изоҳланиши мумкин эди.

Асабларим ҳеч қачон ҳис қилмаган том мувозанат ичида. Фикрларим очиқ ёз кечаси порлаган юлдузлардек равшан ва ёрқин. Бутун борлигим масъум сукунат ва ишонч қўйнида эди, дея оламан.

Хуллас, мана шу нарса чоҳ ёқасида гандираклаган мени ҳам, Афифани ҳам алдаганди. У оғзимдан чиққан жумлалар аниқ-равшан далолат бераётганига қарамай, айтаётган кишим ўзи эканига, негадир, ҳеч эҳтимол бермас, балки ҳатто, гумонидан ўзи уялаётган эди. Осмонга қараганча, ўзига-ўзи савол бераётгандек:

– Балки танирман... Балки танимасман... Оташ кечасидан сал олдинроқ... Ким бўлиши мумкин, ажабо? – деди.

Бу Афифанинг кетма-кет бераётган саволлари ичида энг хатарлиси эди. Берадиган жавобим ҳамма нарсага тузатиб бўлмайдиган даражада барҳам бериши мумкинлиги эсимда турганига кўра, оний ҳушёрлик мени ўзимга келтирган бўларди. Лекин, балки шошқалоқликнинг бошқа шакли бўлган ва дор остига, гул қўйилган айвонга киргандек, бахтиёрларча кулиб чиқадиган айрим маҳкумларда кўзга ташланадиган илдамлик ва хушнудлик билан:

– Сиз, кичик опа, – дедим, – сиз!..

Афифа кўзларини катта очиб, қичқириб юборди.

– Нима дедингиз? Нима дедингиз?

Кейин ҳамон четларини ўйнаётган ва чаккаларининг устига тортаётган ёпинчиқни бирдан юзига ту-

ширди. Шу ондаги шошқалоқлигимга қарамай, қоронғи кечада ўзига тикилган кўзлардан яшириш учун юзини бекитишга ўхшаган бу ҳаракат ҳамон кўз олдимдадир.

Мана шу вақтда қилган ишимнинг бутун даҳшати бирданига бутун натижалари билан кўз олдимда намоеън бўлди ва асабларимни кутилганидек бўшаштириб юборди.

Тепага отиб тутаётган антиқа биллур идишни тушириб, синдириб қўйганини кўрган боладай даҳшатга тушиб, титрай ва йиғлай бошладим. Айни пайтда кафтларимни очиб, ҳозир эслай олмайдиган, қандайдир бўлмағур гапларни валдираб, унга ёлвора бошладим.

Аммо ҳеч қандай ялиниш Афифанинг бироз кейин очган юзидаги совуқ ифодани кетказа олмасди. Мажбуран юзимга боқмаслик учун ён томонга бурилиб олган, нима қилишини, бу чиркин вазиятдан қандай чиқишини ўзи ҳам билолмагани учун қотиб қолган эди.

Бошлаган йўсинимда давом эттиришга муваффақ бўлганимда натижа, балки, бошқача бўларди. Лекин бироз олдинги сукунат ичида ошуфта боқишларим, мушфиқ овозим ва барча хатти-ҳаракатларимнинг ўйланган ва муаммоли оҳанги билан деярли латиф бўлган йигитдан энди жазодан кўрқиб, ўзини йўқотган мактаб боласига айланиб, аянчли аҳволга тушган эдим. Кўз ёшларим лабларимнинг четидан оғзимга сизар, овозим гоҳ бўғилар, гоҳ очилар ва узун қўлларим ва оёқларим ўз-ўзидан беўхшов ҳаракатлар қилиб, новча, қотма гавдамни ўргимчакка ўхшатиб юборган эди.

Хуллас, ишқ саҳнасини бир жонзот қанчалик кулгили тасаввур қилиши мумкин бўлса, ҳам софдил ва самимий кишини қанчалик хунук ва аҳмоқона вазиятга туширса, шу дамда мен худди шундай аҳволда эдим. Учига чиққан шармандалик ва разиллик...

Афифа ҳалиям ҳеч сўзламай турарди. Оғзим тинмаётганини кўриб, юриб кетмоқчи бўлди. Лекин дарҳол олдини тўсганимни кўриб, саросима ва тушқун-



лик ичида номуносиб ҳаракат қилишимдан, қўлоёқларига ўзимни ташлашимдан кўрқиб, тўхтади, бирикки қадам чекинди. Кейин:

– Қўйиб юборинг, кетай, илтимос қиламан, – деди.

Овозида шу қадар қатъият бор эдики, беихтиёр сескандим. Лекин ҳануз йўлини тўсишда давом этавердим.

– Энди мени кечирмайсиз, шундайми?

Жавоб йўқ.

– Ҳаққингиз бор. Мен жуда ёмон иш қилдим. Аммо бунга ўзингиз сабабчи бўлдингиз.

Яна сукут.

– Ҳа, ҳа... Сиз сабабчи бўлдингиз... Шунчалик изтироб чеккан бўлсам-да, сизга бир нарса дедимми? Сўрамаганингизда ҳозир ҳам айтмаган бўлардим.

– ...

– Мени энди уйингизга ҳам киритмайсиз... Шундайми?

– ...

– Балки акангиз ва опангизга ҳам айтарсиз.

– ...

– Сизни энди кўролмайман, шундайми?

– ...

– Кўрмасам кўрмай кўяқолай, нима фойдаси бор? Зотан, энди кўп яшамайман-ку...

Афифа саволларимга, ҳатто, имо-ишора билан жавоб бермаётган бўлса-да, мен ҳар бир саволимдан кейин энг ёмон жавоб олгандай умидсизларча қўл силтар ва давом этардим. Дастлабки лаҳзалардаги саросимадан кейин бироз ўзимга келган эдим. Ҳатто, ўзимни у ёқ бу ёққа анча уриб, охири Афифанинг ожиз жойини топганим учун, ўзим ҳам сезмаган ҳолда яна ҳийла-найрангга ўтгандим. Чунки гайритабиий бўлган аччиқ кулимсираш билан оғзимдан тушган бу «зотан, энди кўп яшамайман-ку» деган жумла Афифани қаттиқ кўрқитиб юборганди. Ўзини тутолмай бақриб юборди:

– Бу нима деган гап?! Тентак бола...

Тентак бола! Ғирт ғўр эканлигимга қарамай, бу «тентак бола»даги фавкулоддалиқни ич-ичимдан ёқимли андуҳ билан ҳис қилдим. Бу сўз орамиздаги бегонасирашни йўқ қилган, мендан хафа бўлгани ҳолда яна менга ачиниш ва ғамхўрлик қилиш керак бўлган оила боласи ҳолини берарди.

Ҳа, Сқлавакиларнинг ожиз томири энди менинг кўлимда эди. Борган сари ҳисоб-китоб қилган ҳолда ва ўзимга ишонган тарзда сўзлашда давом этдим:

– Ўзингиз ҳаммадан яхши биласизки, мен бир бечора, касалманд одамман... Сиз бир куни Измирга кетмоқчи бўлган эдингиз-ку... Ҳалиги кудуқ ёнида йиғлаб шарманда бўлган куним бўлган эди-ку... Ана ўша куни бу иш тўғри бўлмаслигини сизнинг оғзингиздан эшитмасам, ўзимни ўлдирган бўлардим... Ҳатто, сизга мактуб ҳам ёзгандим.

Даструёмол билан кўзларимни артиб, юмиб олдим. Кечаси билан неча марталаб қайта-қайта ёзиб чиққаным учун ёд бўлиб кетган мактубни ёддан такрорлай бошладим.

Сўзларим тўғри эканини Афифага исбот қилиш учун ўқиган бу мактубим янгидан севги изҳор қилиш демак эди. Лекин у бу қочиримнинг фарқига бормади, фақат менинг ўлимим ҳақида ўйлаб, катта ҳайрат ва чуқур қайғу билан кулоқ солиб тураверди.

Мактуб ўқишнинг кулгили томони шунда эдики, овозим ва хатти-ҳаракатларимга таъсирчан покдомонлик руҳи берар эканман, воқеанинг тўғри бўлган жиҳати мени такрор йиғлатар ва Афифада таҳликаннинг жиддийлигига шубҳа қолдирмасди.

Хаста... Катта опа, кичик опа ва барча Сқлавакилар ўзларининг тушунчаларига зид тушган жўнгина камчилигингиз учун сизни хафа қилишлари мумкин эди, аммо хаста, ярадор бўлган дақиқангиздан бошлаб уларнинг наздида сиз муқаддас махлуққа айланардингиз. Ўша вақтда оиланинг бу ожиз томонини

суистеъмол қиласизми-йўқми, бу энди сизнинг виждонингизга ҳавола қилинадиган нарса эди.

Мен энди қатъиятли Афифа олдида айбдор бола эмас, фақат ачиниш керак бўлган хастага айлангандим.

Афифа қошлари чимирилган ҳолда, ер, осмон, тоғларга ўйчан боқар, нима қилишини билмай турарди. Охири юзимга қарамай:

– Менга қаранг, Муродбей, – деди. – Жуда ножўя иш қилдингиз. Кечириб бўлмайдиган даражада катта айб... Лекин бу ерда ҳеч кимингиз йўқ. Бир тентаклик қилиб қўйишингизни хоҳламайман. Сизни бир шарт билан кечираман. Бундан кейин на менга, на бошқа бировга... тушуняпсизми?.. Бу масала ҳақида на менга, на бошқага бир оғиз гап айтиш йўқ...

Бечора Аффанинг ўзига хос кулгили томони бор эди. Маълум бўлдики, у менинг ўзимни тутолмай бир нокасга бу гапни айтиб қўйишимдан кўрқаётган, бу сўзлари билан шундай қилмаслигимга амин бўлишни хоҳлаётган эди. Бошимни ҳам қилиб:

– Қасам ичаман, – дедим.

– Мен кўпни кўрган аёлман. Эри ва боласи бор аёлман. Бу гапни биров эшитса, ўламан.

– Модомики, сизга қасам ичдим...

Афифа менга яна бир нарсалар демоқчи эканини сезиб турардим. Аммо, негадир, бир қарорга келолмас, қайғудан ёпинчигининг четини йиртар эди. Ниҳоят:

– Яна бир гап, – деди. – Бу гапларни ҳеч ким билмаслиги сабабли, сизга насиҳат қилиш ҳам менинг зиммамга тушади... Бундан кейин ғам-ташвишга тушмайсиз, ўйга ботмайсиз, тушуняпсизми? Ҳечам ўйламайсиз.

Саволни тушунмагандек, сохта соддалик билан:

– Нимани? – дедим.

Бояқиш Афифа «мени» дейишга уялди. Аммо саволимни яна жавобсиз қолдиришни истамай:

– Бунақа нарсаларни ўйламайсиз-да, – деди. – Ёхуд ўйламоқчи бўлсангиз қанча қиз бор: Сония, Рина...

Сония-ку, майлига, Рина қаердан чиқди? Черков маҳалласидаги қизлар орасидан айна Рина билан муносабатларимизни Афифа қаердан билди экан?

У давом этди:

– Энди болаликни йириштиринг. Оч юрмайсиз, тиканлар устида ётмайсиз. Ҳеч қандай даллилик қилмайсиз.

– Сўз бераман.

– Сўз етарли эмас, қасам.

– Қасам ичаман... Энг яхши кўрадиган кишимнинг номи билан.

– Онангизнинг номи билан. Тушунаман, олдинлари қандай бўлсак, энди яна ўшандаймиз, мен сизнинг опангизман. Бўпти, энди кетайлик.

## XXIII

Ишқ ёки хасталигим бошланган кундан бери уйқумда ҳаловат йўқ эди. Кечалари ҳорғин уйқуда эканман, бирданига бошимнинг ичида чироқ ёнгандай, ҳеч сабабсиз уйғониб кетар, бир неча бор бўҳронни бошдан кечирардим. На эсимда бир туш бўлади, на бирон жойимда бу оний уйғониб кетишни изоҳлайдиган оғриқ ва сирқираш... Аксинча, бутунлай руҳият ва жисм осойишталигидан далолат берувчи бир бўшлиқ ва сукунат... Лекин бу ҳол кўп давом этмас, қаердан пайдо бўлгани номаълум кучли умидсизлик, ҳеч қандай шакл-шамойили, сабаби бўлмаган деярли мавҳум қайғу-ҳасрат бот-бот бостириб, вужудимни қоплаганини сезардим.

Афифага дардимни ёргандан кейин ўтган бирикки ҳафта мобайнида беҳаловат уйқулар кўпайди. Лекин шаклу шамойили ва сабаби номаълум бўлгани учун чораси ҳам топилмаган оғир бадбахтликдан асар ҳам қолмади.

Уйғонар-уйғонмас калламга келган илк фикр: «У энди уни севишимни билади» деган гап бўлар ва бу жумлани баланд овоз чиқариб такрорлар, эшитардим.

Ҳар гал буни энди билаётгандек, юрагим янги қувончлар, ҳаяжонлар, ройишлар билан орзиқарди. Янги ваҳий олган ва ўзини бошқача одамдек ҳис қилиб, борлигидан чўчиб кетган бир пайғамбардек ювош тортардим...

У энди уни севишимни билади...

Қилган ишимдан уялмасдим. Муқобил жавоб олишга умидим бўлмаса-да, эри ва боласи бор аёлга уни севишимни айтишга журъат қилишим менга катта кишиларга хос гурур бахш этганди. Янги муҳит, янги уй, янги тартибдаги ҳаётдан энг бадбин киши ҳам, албатта, нималарнидир кутади.

Бу янги ҳолатдан баъзи ғира-шира нарсалар қозонишдан умид қилардим. Аффифа ҳали мўйлови ҳам чиқмаган йигитчага, албатта, илтифот қилмайди. Лекин, ҳарқалай, мен унинг учун энди олдинги ёш бола эмасман. Энди уни ўлардай севишимни билади. Балки ноўрин иш қилганим учун жаҳли чиқар, балки мени ахлоқсизликда айблар. Аммо истаса ҳам, истамаса ҳам мени ўйлайди. Ўзим ўртанарканман, унинг тинчини йўқотганимга ҳам аминман. Уйларида кечки овқатдан кейин исмим тилга олинган чоғда асабий ҳаракат билан ўрнидан турганини, қизарган юзларини дераза ойнасига тираб, қоронғи боғни томоша қилганини кўргандай бўламан. Мен ҳақимда гап давом этгудай бўлса, беихтиёр орқага қулоқ тутаяди, гап хасталигим устида кетса, елкаларини учуриб, ўзига-ўзи: «Ўлсин шу тарбиясиз бола» дейди. Лекин шуниси аниқки, айна чоғда менга ачинмай қолмайди. Бунга заррача шубҳа йўқ.

Аффифа кечалари кичик хонадаги кроватига узанган чоғларида ҳам мендан қутулолмаслиги муқаррар. Бу кроват бир вақтлар меники бўлганди. Дераза олдидаги оромкурсида ўтираркан, неча бор кўзларим,

иккита кичкина ҳашарот каби, унинг ёноқлари, бурни, дудоқларида кезганини ҳис қилиб, ҳурпайиб кетган.

Ишқим шу кроватда бошланганини, ичимдаги фасодни болаларча нигоҳлар остига яшириб, уни хоҳлаганимни билиб олганди. Лекин нима қилиб бўлса-да, мени бу тўшакдан бутунлай отишга, ёстиғининг бир четида менинг бошимни кўрмасликка қодир эмас эди.

Умидим фақат шундан иборат эмасди. Келишган йигитман. Барча шундай дейди. Черков маҳалласининг қизлари мени деб бир-бири билан рақобат қилишарди. Сониянинг мени ўлардай севиб қолгани бунинг энг янги далили эмасми?! Бироқ Афифа уларнинг ҳеч бирига ўхшамасди. Аввало, биз тенгқур эмасдик. Қолаверса, у эри ва боласи бор аёл эди. Орамизда қандайдир қариндошлик ришталари пайдо бўлганди. Ниҳоят, ахлоқ ва ор-номус масалаларида мутаассиб ва мағрур эди. Менга бола деб, доимо юқоридан қараганди. Хуллас, ўша вақтдаги тушунчамга кўра, Аффанинг менга ёш эркак деб қарашига минг бир тўсиқ бор эди.

Лекин уни ўттиз яшар эркакдан кучлироқ эҳтирос билан севганимни билганидан кейин унда қилча ҳам ўзгариш юз бермасмиди? Нима бўлганида ҳам, у аёл. Юз-кўзимни у ҳам, худди Сония каби, ёқтирган бўлиши мумкин. «Шу кичик Мурод уч-беш ёш катта бўлсайди ёхуд мен Сониянинг ёшида бўлсайдим, мени бунчалик севишига қараганда, унга турмушга чиқиш ёмон иш бўлмасди, шекилли!» деб ўйлаши учун имкон йўқмиди? Энди, унга қандай қараганимни билганидан кейин, кўз-кўзга тушганида ёки баданимиз тасодифан бир-бирига тегиб кетганида ҳис қиладиган титроғи ҳам менинг фойдамга ишларди.

Афифага нисбатан аввалгилардан ҳам хижилроқ, кўрқоқроқ ва ғариброқ ҳолатда эдим. Лекин бу фақат пухта ўйланган бир ҳийла, бир роль эди. Ўзимни қилган ишимдан чўчиган ва уялгандай қилиб кўрса-

тишни хоҳлардим. Бу вазиятда сукутим, туриш-турмушим, хатти-ҳаракатларим маънодор бўлиши керак эди. Агар менда журъат, яна бир ҳамла истагини сезиб қолса, Афифа ҳимояга ўтиши ва, ҳатто, ўзини бутунлай четга олиши хавфи бор эди. Мени биринчи бор учмоқчи бўлганида қанотини синдириб олган чўлоқ лайлак боласи ҳолида кўришгина унда менга нисбатан шафқат ва майл уйғотиши мумкин эди.

Машҳур кечани эслатадиган ҳар нарсани четлаб ўтардим. Салимбей билан кичик опа соғлигимни суриштирган пайтларда ҳаддан ташқари хурсандчилик билан яхши бўлиб кетганимни ва энди оғриқдан асар ҳам қолмаганини айтардим.

Ўтакетган даражада сергап ва ҳазилкаш бўлгандим. Миласга оид эшитган ва, ҳатто, ўзим тўқиган миш-мишларни муболағали тарзда айтар, Черков маҳалласидаги таниқли сиймолар, поп, оқсоқол ва бошқаларга тақлид қилардим. Ҳатто, ора-сира Черков маҳалласидаги айрим қизларга жудаям бепарво эмаслигимни кўрсатадиган одобдан ташқари сўзларни ҳам ишлатардим.

Сўнгра, икки гапнинг бирида, ўринлими-ўринсизми, ҳаётнинг яшаб тўйиб бўлмайдиган даражада гўзал эканидан лоф урардим.

Лекин буларни, ҳаммаси ёлгон эканини фақат Афифа тушуниши мумкин бўлган тарзда, овозим ва хатти-ҳаракатларимга пухта ўйланган ҳазинлик ва чарчоқ оҳанги берган ҳолда айтардим. Мўлжалим шундайки, Афифа, менга ўша масала ҳақида сўзламасликни буюрган бўлишига қарамай, ўзи дош беролмаслиги, бир кун мени хилватга тортиб: «Ваъдангизнинг устидан чиқмаяпсиз. Яна мен ҳақимда ўйлаяпсиз, сўзларингизга, вақтичоғлигингизга ишонмайман. Сиз ўлишни хоҳлаяпсиз. Бу сохта қувноқлик мени баттарроқ ранжитяпти» қабилда бир гап айтиши керак эди.

Натижаси эътибори билан бу ҳисоб тўғри ёхуд нотўғри бўлиши мумкин! Бироқ ўша вақтдаги ғўр та-

саввуримга кўра, бу роса устамонлик билан қилинган тадбир эди. Фақат пинҳоний макр-ҳийлам менга кутган натижамни бермади. Ҳатто, аксинча, Афифа мендан ўзини олиб қочгани етмагандай, ўтакетган расмий муомала қиладиган бўлиб қолди. Сўзларимга парво қилмас, баъзан сўзимни охиригача эшитмай, ташқарига чиқар ва қайтиб келмасди.

Ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигимизга ғоят эътибор бера бошлади. Бирга ўтирган кезларимизда опаси ташқарига чиқадиغان ва ўзи бир важ-корсон кўрсатиб, унга эргашмайдиган бўлса, оқсочни чақриб олар ва гапга тутарди. Ҳатто, шунгача бориб етдики, ўша кечани чиндан ҳам унутган бўлса керак, деб гумон қила бошладим.

Бир марта, тактикани ўзгартириб, яна эски дардларимга қайтдим. Бу ҳам кор қилмаганини кўргач, доимо ёнимизда ўтирадиган катта опанинг туркчани ва яна бошқа баъзи нарсаларни яхши тушунмаслигидан фойдаланиб, очикдан-очик имо-ишора қилишга ўтдим.

Журъатим борган сари ошаверди. Афифага янгидан ҳужум қилиш учун қулай фурсат кутаётгандим. Ҳатто, таваккал қилиб, икки марта мактуб ёздим.

Аммо Сқлавакиларнинг қизи буларнинг ҳаммасига қоятошдек жонсиз ва совуқ бўлиб қолаверди. Энди мен билан деярли гаплашмайдиган, ҳазиллашмайдиган, ҳатто, атайлаб аччиғини келтирадиган ишлар қилсам-да, пинагини бузмайдиган бўлди. Бир куни, стол устида турган кичикроқ суратини кўзи олдида рамкасидан чиқариб, чўнтагимга солганимда ҳам ҳеч қандай ҳаяжон аломати кўрсатмади.

Афифанинг олдинги муомаласида ранжитадиган ҳеч нарса йўқ эди. Лекин энди, ҳамма нарсани билганидан кейин, менга бунчалик лоқайд бўлиши иззатнафсимга тегар, ғуруримни ерга урарди. Бироз вақт ўтгач, унинг бу нописандлигига қарши ичимда бироз кек туйғуси уйғона бошлади. Бу кекнинг бир қисми



менга нисбатан ўзини катта олган бир аёлни ўжарларча севганим учун ўзимга ҳам тегишли эди. Афифада менга нисбатан ҳеч қандай истак ва ҳаяжон йўқлигига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг мен ҳам унга нисбатан ўй-фикрларим ва хаёлларимда энди олдингидай завқ-шавқ ҳис қилмай қўйдим. Хотиралар ўз таъсирини йўқота бошлади. Унинг баъзи сўзлари ва хатти-ҳаракатларига ўзимча берган қийматлар битта-биттадан йўқола бошлади.

Хуллас, бошимнинг устидаги тилсимли оғоч сояси ва япроқларининг сирли шитирлашлари билан мени ҳануз титратаётган бўлса-да, у ер бу еридаги новдалари қурий бошлаганди.

Балки, дарахтнинг қурийдиган вақт-соати чиндан ҳам етиб келгани учун шундай бўлгандир. Ўзимни ҳануз хаста деб ўйлаганимга қарамасдан, қишни ва ундан кейин келган баҳорни роса яхши ўтказганимни эслайман.

...Июль ойида Машрутият инқилоби юз бергач, яна бир марта ҳайратдан донг қотдим. Салимбейлар, икки йил муқаддам онам билан отам учун қилганларидай, мени ҳам аравада Монастир тоғининг этагигача кузатиб қўйишди. Сўнгги бор Афифанинг қўлини қисарканман, унчалик ҳам чекмаганимга ўзим ҳам ҳайрон қолдим ва кутган катта изтиробим мени бироздан кейин тоғ йўлида ёқаласа керак деб ўйладим. Лекин тепаликнинг қайрилишидан ўтганимдан кейин Милас кўздан ғойиб бўлгач, келажакда бу ерга қайтиш ва яна Афифани кўриш тўғрисидаги болаларча қарор ўзимга тасалли беришга кифоя қилгани учун касаллигим энди ўтиб кетди, десам тўғрироқ бўларди.

## I

1918 йилнинг ёзи. Сургундан қайтганимга роппароса ўн йил бўлганди.

Йиқилган режимнинг мероси Иттиҳодчилар\* орасида уриш-жанжал билан тақсимланган ёки собиқ мақкумларга қайтариб берилган, элакдан ташқарида қолган беш-ўн кишилар билан наригилар – вақт-вақти билан ўтказилган тозалаш тадбирлари натижасида – бостирилиб, орзига урилган эди. Партия бунга муқобил равишда тенг ҳақ даъво қилмаган ва инқилоб тарихида катта роль ўйнамаган бўлса-да, номи чиққан кичик маслакдошларга меҳр-шафқат кучоғини очган ва уларга катта амаллар, фойдали ишлар бериб, бахтли ҳаёт таъминлаган эди.

Акаларим ва мен ўша иккинчи тоифага мансуб маслакдошлардан эдик. Орзу-истагимизга хилоф бўлса-да, бир неча йил сургунда бўлиш билан ватан ва инқилобга етарли хизмат қилган ҳисобланардик. Айниқса, Муҳандислар ўқув юртининг бармоқларидаги сиёҳ қуриб улгурмасдан сургунга юборилган ўн етти яшар талабаси фақат халқ учунгина эмас, Иттиҳодчилар учун ҳам севимли кичик қаҳрамонга айланди кўйди.

Миласдан қайтганимдан кейин икки ой ўтгач, Ободонлаштириш нозирлиги мени Европага ўқишга юборди. Беш йил Германияда қолиб, ўқишни катта муваффақият билан битирдим. Қайтганимдан сўнг Онадўлининг узоқроқ жойига юборишларини кутиб ўтирганимда – яна ватанга хизматимга ҳурмат юзасидан – мени Истанбулда олиб қолишди. Бир неча марта расмий делегациялар билан Европага юборилдим. Кейин,

---

\* 1908 йилда ҳокимият тепасига келган Иттиҳод ва Тараққий партияси кўзда тутилмоқда.

Жаҳон уруши вақтида – яна катталар яхши кўрадиган ва ишонадиган собиқ кичик мажҳум сифатида – майда-чуйда тижорат ишларига ташландим ва бир неча йил ичида ўзимга яраша чоғроқ ҳарбий бойвачча даражасига чиқдим.

Заковат жиҳатдан бироз суст бўлиши билан бирга, мендан қалбан ва ахлоқан қиёслаб бўлмайдиган даражада устун ва бурч кишилари бўлган акаларим ҳам жадал суръатлар билан ўсган эдилар.

Катта акам Сурияда қўмондон эди. Анварнинг\* синфдош дўсти бўлган кичик акам Мудофаа нозирлигида муҳим мавқени ишғол этганди.

Орадан ўн санадан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, оилавий аҳволимизда катта ўзгариш юз бермаганди. Фақат отам Болқон урушида ҳалок бўлганди. Онам, етмишдан ўтганига ва соғлиги анчадан буён яхши эмаслигига қарамай, тирик ва бир фалокат содир бўлмаса, яна анчагача бизни йиғлатмайдигандек кўринарди.

Тилга олганим 1918 йил ёзининг биринчи кунларида эрталаб Германиядан Истанбулга қайтгач, кунни шошилиш ишлар билан ўтказганимдан кейин кичик акам билан бирга кечга яқин Ускудор пароходига чиққан эдим. Кичик акам болалигимдан буён дала-даштда яшашни ва ёлғизликни жуда яхши кўрарди. Траблусда ўтказган сургун йиллари ҳаётининг энг бахтли даври бўлган эди, шекилли. Ҳеч нарсадан шикоят қилмасди. Аммо бир йилдан кўпроқ яшаган Дарна қишлоғидаги уйи, боғчаси ва қудуқлари ҳақида сўзлаган чоғларида ҳамиша риёзиёт формуласига ўхшаш қуруқ жумлалардан олган лирик ҳаяжон ва ёнишларидан шуни англардимки, у Истанбулга қайтганидан, ҳатто, сал хафа эди.

---

\* Машҳур Анвар пошо назарда тутилмоқда. У ўша вақтда Мудофаа вазири бўлган.

Бир неча йил олдин уй сотиб олмоқчи бўлганидан хабар топган даллоллар ва муттаҳамлар унга яқинлашиш учун қулай фурсат чиқди деб ўйлаб, атрофини қуршаган, Истанбулнинг энг шоҳона даҳаларидан дан-филлама ҳовлилар, уйлар таклиф қилишган эди.

Бу тузуккина уйлар анча-мунча лўттибозлик йўли билан унга деярли сув текинга тушиши мумкин эди. Бу иш қонунга, ҳатто, виждонга унчалик хилоф эмаслигига кафолат берганимга ва анча ҳалак бўлганимга қарамай, у бу таклифларнинг ҳеч қайсисини қабул қилмаган, Султонтетадаги пошшоликка тааллуқли эски кўшкни оламан деб оёқ тираган эди. Кўшк каттакон боғ ўртасида, Бўғоз\* ва Бейларбейи бутазори рўпарасида жойлашган, ўзи истаганидан ҳам ёлғизроқ эди.

Оқшомлари хизматдан қайтар-қайтмас, формаси, қиличи, этикларини бир томонга улоқтириб, бевақт чиқа бошлаган қорни устидан оқ батист халатини, яланғоч оёқларига Маржон шиппагини кийиб, ўзини боғига отарди. Шу билан бирга акам кўнгил очар пайтларида кўринганидек, содда ва камтар эмасди. Ҳатто, мансаби ва катта-кичик йигирма беш киши яшаши мумкин бўлган бу собиқ нозир кўшкни, учи-кети йўқ боғи ҳисоб-китобни билмайдиган улуғлик васвасасининг маҳсули бўлса ажаб эмас.

Бояқиш олган маошини, топганини кўшкнинг йилдан-йилга ошиб бораётган таъмир харажатларига сарфлар, жиҳозлаш имкони бўлмагани учун кўпгина хоналар чанг босганча қулфловлик ётарди.

Гоҳида менга: «Камол, бўтам! Ўйлаймизки, ашёлар ишлатилган сайин эскиради, ваҳоланки, бизнинг бу уйимизнинг кўпгина хоналари ишлатилмаси-да, янада тезроқ вайронага айланмоқда» қабилдаги соддаларча ҳайратлари, кашфиётлари билан куйин-

---

\* Бўғоз – Босфор бўғози кўзда тутилмоқда.

ди дегунча, ўзимни тутолмай, қаҳқаҳа отиб кулардим.

Акамга бинонинг ашқол-дашқоллари билан бирга кўшк боғбони ҳам мерос қолганди. У Байрам оға исмли ҳаётда кам учрайдиган, хушфезл албан эди. Кўчқор шохига ўхшаш, бир неча бор буралган узун мўйлови, катта, қирғий бурни ва туртиб чиққан суяклари остидаги чуқур кўзлари билан кўшкнинг ёғоч устунларининг қошларига ҳамда тахта суянчиқларига ўйилган танаси ўсимлик, калласи ҳайвон тасвирларига ўхшаган бу кишидан воз кечишга ҳеч кимнинг кўзи қиймасди. Бинонинг жонли таркибий қисми бўлган ва гоҳо ҳушёр чоғларида кўшкнинг бир вақтлардаги дабдабасига тааллуқли ҳикоялар ва хотираларни сўзлаб бериб, бизларга ҳам бироз оқсуяклик ҳисси берган Байрам оға, Оллоҳ умрини узоқ қилсин, вафотига қадар шу ерда яшайдиган эди.

Мудофаа нозирлигида ишлар тобора тифизлашгани учун акамнинг боғ билан шуғулланишга вақти қолмаганди. Кекса Байрам оға билан иккита қуроли аскарнинг ҳамкорликдаги меҳнатидан унчалик яхши натижа олинмас, бино атрофидаги гулзорлар ва чоғроқ ерга экилган қовоқ ҳамда помидор пушталарини истисно қилганда, боғнинг қолган қисмини ёввойи ўт, янтоқ босиб ётар, дарахтлар орасида бир-бири билан чирмашиб ўсиб ётган чирмовуқлар бўлса, бу ерда ёввойи ўрмон манзарасини ҳосил қиларди. Бўшаган қопдек шалвираган янгам бу турмушидан рози бўлиб, ҳеч нарсадан шикоят қилмасди. Уч қизи орасидан шу йили ўн учга кирган Суҳайло сал-пал минғиллай бошлаган бўлса-да, кичиклар ҳозир қўй-қўзилар ва хўрозлар билан ўтлар орасида думалаб ўйнашдан жуда мамнун кўринишарди.

Шу билан бирга ораларида энг бахтлиси муқаррар онам эди. Ёшлигини катта ғуссага ботирган сабабсиз бадбинлик ва уқубатлар ёши ўтиши билан аста-секин барҳам топган, жуссаси муштдеккина бўлиб қолган,

сочлари оқарган бўлса-да, руҳан яшарган, гўдакларга ўхшаб қолган онам орзу-ҳавас ва некбинликка тўла умр кечираётганди.

Менга келсак, ишлаш билан бирга умримни кайфу сафо билан ўтказгандим. Мендай ярим сиёсатчи, имтиёзли талаба кириши мумкин бўлган барча эшикларга кириб-чиққан, аралашishi мумкин бўлган барча ишларга бурнимни тикқан эдим.

Қайтиб келганимдан сўнг Йттиҳодчилар мени бошларига кўтаришди. Мақтаган сари ғайратим ва меҳнатсеварлигим жўш урганига қарамай, итоатгўйлигимни сезган, ихтиёрида етук ёш ходимлари бўлмаган Маркази умумий мендан бутунлай нозик бошқарув ва партиявий ишларда фойдаланарди. Кредит олиш ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал қилиш учун тез-тез Европага қатнаб турган миссияларда иштирок этар, мамлакатнинг фронт орқасидаги ҳаётини йўлга қўйиш учун тўхтовсиз тузилган комиссияларнинг қарийб ҳаммасига аъзо этиб киритилар эдим.

Ёшим, қобилиятим ва феъл-атворимга мувофиқ равишда доимо иккинчи, учинчи даражадаги мансабларда ишлатишгани учун ҳайъатлар ўзгарган чоғда масъулият зиммасида бўлган биринчи даражадаги донгдор кишилар билан баравар бўшатиlmас, уларнинг ўрнини олган гуруҳлар билан яна саҳнада қолаверар эдим. Сиёсий ҳаётнинг нозик жиҳатларини яхши билганим каби, юз-кўзим ва туриш-турмушим билан ишонч ҳамда меҳр уйғотганим учун катталар мени арава ва мажлисларда рўпарасига, ёнларига олишни мақбул кўришар, бу эса мен учун бир тарғибот бўларди.

Ўша йиллари бу рекламадан анчагина фойдаланиб қолганимни яшириб ўтирмайман. Вагон олди-сотдиси, олтин савдоси каби ноқонуний даромадлардан дастлаб бироз чўчигандай бўлдим. Лекин арбоблар бу ишларнинг йўлини топиб, қонунга мослаштирганини кўравериb, аста-аста юмшадим. Фойданинг мазаси-

ни олганимдан кейин эса ишнинг бу томони тўғрисида бошимни ҳам оғритиб ўтирмайдиган бўлдим. Бора-бора бу турмуш тарзи мени пул сочишга одатлантирди.

Хуллас, ўттиз ёшимгача қандай кайфу сафо қилиш мумкин бўлса, қилиб бўлдим, ҳаётда исташ мумкин бўлган не бўлса, ҳаммасига эришдим, лекин омадсизлик деган нарсани Милас можаросидан кейин унутиб юборганим учун, бир чўққида эканимни фарқламас, ҳаётим ўзим тасаввур қилолмайдиган янги бахту иқболлар билан шундай давом этиб кетаверади, деб ўйлардим.

Гапнинг қисқаси, кўпгина кишилар учун энг покиза ва бегараз амаллар даври бўлган, ғояни рўёбга чиқаришга отилиш учун бир оғиз сўз кифоя қилган ўша ўттиз ёшда мен ахлоқан энг заиф ва пасткаш кимса эдим. Фақат шуни ҳам илова қилишим керакки, борган сари ҳаётда интиладиган мақсади қолмаган ашаддий амалпарастга айланганимни ўзим ҳам билмай қолгандим.

Бир беномус киши ўзини ҳимоя қилган чоғда «Бе-ҳаёларча ёлғон гапиряпти!» деймиз. У бечора буни билармиди? Мамлакатнинг урушда ва фронт ортида чеккан изтиробларига бефарқ қолмасликни ўз фойдамга бир яхши иш, фазилат деб ҳисоблардим. Баъзан таржимонлик қилган вақтларимда ажнабий дипломатнинг ёки вазиятни ўрганиш учун йўлга чиққан маҳаллий каттанинг машинасида бир қароргоҳни ёхуд вайрона қишлоқни кезаркан, юрагим сирқирарди, кибор нозанинлар зиёфатида виски ва шампан виноси ичаётиб, ярадорлар ётган касалхона тўғрисида сўзлаб берарканман, суюқоёқ аёллар билан бирга менинг кўзларимдан ҳам ёшлар оқарди. Шоҳона автомобилда ўтириб, оёғимнинг учига гард ҳам текизмасдан, лойга ботганларни томоша қиларканман, ҳис қилаётган қайғумни чинакам изтироб, шампан туфайли кўзимдан оққан ёшларни ҳақиқий кўз ёшлари деб ўйлар, бу артистона ғуссаларни ҳис қилиш билан инсоний бурчим-

ни ўтаганимга ростдан ҳам ишонардим. Ўша вақтлардаги тушунчамга кўра, изтироб чеккан кишига ачиниш ўша изтиробни баҳам кўриш дегани эди ва буни ҳис қилган киши ватан ҳамда халқ олдида бурчини ўтаган ҳисобланарди.

Хуллас, ўша катта фалокат йилларида нафсимга қарши ўйнаган бу мараз комедия билан виждонимни тинчитар, вазифасини бажарган кишидай сукут ва ғурур билан ҳайвонларча яшашда давом этардим.

Шу билан бирга бугун ниятим бузилган эди. Бир кеча онамнинг ёнида бўлгандан кейин эрта тонгда бир баҳона топиб, Бейўғлидаги уйимга жуфтакни ростлашни мўлжаллаётгандим. Яшашига тақлид қилганим баъзи таниқли кишилар каби, ҳисоб берадиган оилам йўқ бўлса-да, ўз уйимдан ташқари хуфёна учрашувлар учун олиб қўйган яна бир квартирам бор эди. Германияда эканимда олган бир буюртма мактубига илова қилинган бир нечта жумлага қараганда, бу хуфёна уйимга Истанбулнинг ҳозирги машҳур нозанинларидан бири ташриф буюрадиган эди. У ҳеч қандай фавқулоддалиги бўлмаган, одатдаги бир аёл эди. Бир камбағал амалдорнинг хотини бўлган бу энгилоёққа уруш ибтидосида бирдан омад кулиб боққан, аввалига урушда бойиган бир ҳарбийга, кейин бир нозирга ўйнаш бўлган. Киборларнинг зиёфатида кўрқмай қиладиган ҳаёсиз қилиқларини ва бир кеча стол бошида мудраб қолган бир нозирнинг энсасидан кўйлагининг ичига шампан қуйганини кўрганим учун бу аёлнинг уйимга келиши менга ҳаяжон берадиган муваффақиятдай бўлиб кўринаётган эди.

\* \* \*

Урушнинг сўнгги ойлари эди. Узил-кесил ғалаба таъриқлари ҳар қачонгидан кўра кучлироқ янграётган бир вақтда турли томондан олов бурқсий бошлади.

Истанбулга инглиз самолётлари тез-тез ҳужум қилар, русларнинг чекиниши билан шимолда аҳволи-



миз бироз ўнганганига муқобил тарзда Сурия томонларда вазият тобора мураккаблашиб бораётган эди.

Ускудор пароходининг палубасида акам билан юзма-юз туриб, шу масалалар тўғрисида гаплашаётгандик.

Кезган ерларимдан келтирган хабарларни акамнинг марказ ҳақида берган маълумотларига қиёслагандан кейин ҳосил бўлган манзара кишини юпатадиган бўлиб чиқмади.

Акам сўнги кунларда Нозирликда Болгария ҳарбий ҳайъати билан ўтказган суҳбатини ҳадеб такрорлар: «Қовоқларини осиб, кўзларини кўзимдан опқочиб, бир нарсалар деб тўнғиллаганлари менга ҳеч ёқмади. Ҳарифларнинг нияти яхши эмас», дерди.

Ускудор бандаргоҳида бизни кутаётган йиғма соябонли фойтунга минган пайтимизда акам камарини бўшатди, белидан қиличини чиқариб, қалпоғи билан бирга олдимизга қўйди. Этикларига умидсизларча бир қараб қўйгач, орқага суянди.

Қорни роҳатлагани билан бирга калласидаги танглик ҳам юмшагандек кўринарди.

Арава тор ва қоронғи йўлдан, ҳозирданоқ эшик-де-разалари тақа-тақ ёпилган вайрона ва қийшайган уйлар орасидан баландликка кўтарилар экан, болгарларнинг хўмрайган юзларини ҳам, бошқа юмушларини ҳам унутди, боғининг ифори ҳозирданоқ бурнига урилгандек, вақти чоғ бўлди.

Келишимни пешиндаёқ телефондан эшитган болалар билан янгаларим мени эшик олдида кутиб туришарди (Суриядаги катта акамнинг оиласи беш-олти ойдан буён кўшқда меҳмон эди).

Онам ҳам уларга қўшилиб, эшикка чиққан, лекин кун ботганидан кейин ташқарига ўтиришга рухсат берилмагани учун, сал олдинроқ уни мажбурлаб, хонасига олиб боришган экан. Акам олдинда, мен атрофимда болалар билан орқада бир тўда бўлиб, боққа кирдик. Ўртасида фаввораси бўлган мрамар ҳовуз ва ат-

рофида заррин бўёқлари кўчган устунлари билан масжид ҳовлисига ўхшаб кетадиган айвондан ўтиб, пиллапоядан кўтарилдик, онамнинг узун айвон охиридаги хонаси томонга йўналдик. Лекин у олдинроқ ҳаракат қилиб, ташқарига чиққан, елкасидан ҳеч тушмайдиган қалин юнг шолрўмолига ўранганча, секин-секин юриб, мени қаршилагани келарди. Ёнида эндигина атак-чечак қилаётган болага кўмаклашаётгандек, бироз эгилганча онамнинг бели ва елкаларидан кучоқлаб олган қора ҳижобли аёл бор эди. Унинг бу ҳаракатлари менга жудаям таниш эди.

Ҳар гал кўрганимда қилганимдек, онамни оҳистагина кучиб, тепага кўтардим ва ёноқларидан қайта-қайта ўпа бошладим. Онам ҳар вақтдагидан бошқача кувонч ва ҳаяжон оғушида эди. Ерга туширдим дегунча, ҳол-аҳвол ҳам суриштирмай:

– Камол, қара, ким келди, – деб қичқирди ва орқасида турган аёлнинг билагидан ушлади.

Шипдаги муҳташам қандилнинг ўрнига (гарчи истиқболли ва марказда ишлайдиган пошо бўлса-да, шоҳона қандил олишга кучи етмайдиган) акам ҳозирча кўполдан-кўпол керосин лампа остирган эди. Эндигина ёқилган бу чироқ ва дераза қопқоқлари орасидан тушаётган оқшомги қизғиш ёғдудан ҳосил бўлган қоришиқ нурлар ичида бир неча сониялик тараддуддан кейин Афифани танидим.

Унинг юзлари энди қоронғида ялтирамаётган эди. Кўзларининг ости бироз чуқурлашиб қорайибди, ёноқлари сузилиб, ажинлари анча чуқурлашибди. Нозиклашиб қолган дудоқлари билан табассум қилиб, кўлини узатганида устки тишларидан бири тилла экани кўзимга чалинди. Афифадан ажралишганимиздан кейин ўтган ўн йил унинг ёшидаги аёл учун анча узоқ давр.

Кўли муздай совуқ эди. Эгнидаги эскирган қора костюмидан кўра кафтлари ва бармоқларидаги қотган бурушиқлардан шу заҳоти англадимки, Афифа энди йўқсил ва бадбахт.

Айвон охиридаги эшикдан тор даҳлизга, у ердан онамнинг хонасига кирдик.

Онам кимсанинг оғиз очишига йўл бермай, нуқул Афифа билан андармон бўлаётганди.

Чарчаб қолмаслиги учун қилган ўтинчларимга қарамай, нафасини ростлаб ҳам олмай, Афифанинг бошидан ўтганларни гапира бошлади.

Эри етти-саккиз йил олдин Измир бандаргоҳига яқин жойда содир бўлган пароход фалокатида сувга фарқ бўлибди. Машрутиятдан кейин икки марта Критга бориб келган Салимбей Болқон урушида ич терламадан вафот этибди, Миласдаги катта уйни сотишибди, опа-сингил шаҳардан бошқа уй сотиб олишибди ва ўша ерда яшаётган эканлар. Бола анча вақтлардан бери уларнинг ёнида эмиш. Отаси ўлганидан кейин бир неча ой ўтгач, буви ҳам вафот этган, шундан кейин Измирдаги қариндошлари кичкина Сқлавакини Миласга жўнатишган.

Янада ёмонроғи, бир неча йилдан бери катта опа буйрак ва юрак хасталигига йўлиққан, оёқлари, кўзлари тез-тез шишиб турар, докторлар ишлаш ва ҳаяжонланишни тақиқлаган эканлар.

Онам Афифани хафа қилишдан чўчигани учун ҳамма гапни очиқчасига сўзламаётганди. Лекин баъзи даъволар, қарз берувчилар, адвокатларнинг найранглари ҳақида айтган гапларидан маълум бўлдики, Салимбейнинг вафоти опа-сингилни ниҳоятда оғир аҳволга туширган. Сқлавакиларнинг бойлигидан кўларида Миласнинг камбағаллар маҳалласидаги ўша кичкина уйдан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

Устига устак урушнинг биринчи йилида катта опа касаллангач, бутун рўзғорни амал-тақал қилиб юритиш вазифаси фақат Афифанинг зиммасига тушган.

Ҳануз бу фожианинг таъсири остида бўлган онам, буларни сўзларкан, ора-сира ўзини тутолмай йиғларди. Бироқ Афифа ўтган йиллар мобайнида бало-қазоларга аста-секин ўрганиб кетгани учун онамнинг қай-

гуришларига кулимсирар, болаларча сабабсиз алам билан ёноқларини артарди.

Афифанинг бу ерда бўлишининг сабабига келсак: кичкина Сқлаваки энди ўн бешга кирган каттагина ўсмир эди. Ёш жувон уни Кулули ҳарбий мактабига жойлаштириш учун бу узун ва заҳматли саёҳатга чиқишга мажбур бўлган.

Бир ойдан кўп вақтдан бери Фотихда яшайдиган қариндошиникида меҳмон экан. Катта опани кўшниларга топшириб, Истанбулга келгач, болани жойлаштирган ҳамоно орқага қайтиш фикрида бўлган. Лекин йўлини тополмагани учун неча ҳафталаб ҳеч нарсага эриша олмаган, ҳатто, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган қийинчиликларга учраб, бутунлай умидини узиб, ҳўнграб йиғлаган ҳам экан. Аммо, охир-оқибат, акамнинг бир-икки қатор мактуби билан ҳамма иш битган.

Шундан кейин Афифанинг Истанбулда ҳеч иши қолмаган. Бироқ энди онам унга ёпишиб олган, икки кундан бери зўрлаб кўшқда олиб қолган эди.

Неча йил олдинги бир саёҳат асносида чала-чулпа танишган ва кейинчалик юз-кўзини ҳам унутиб юборган бу аёлга бунчалик ёпишиб олганининг боиси нима эди? Бу энди болага айланган кекса кампирнинг бир ўжарлигимиди? Ёки онамга меҳр кўрсатиш борасида бор кучини аямай ғайрат қилаётган келин-нойиларимнинг муомалаларида қандайдир камчилик бормиди?

Тахминимча, униси ҳам, буниси ҳам эмас. Милас саёҳати онамнинг мағрур ва зерикарли ҳаётида биринчи ва охирги можаро бўлган. Бошига бирданига кулфат тушиб, ғамга ботган ва биринчи марта сафарга чиқиб, кутилмаган янгиликлардан ҳаяжонга тушган кунларда илк бор кўрган кишиси Афифа бўлган. Яқинлашиб келаётганидаёқ узоқдан югуриб чиққан, меҳр-муҳаббат билан қучоқлаб, ёноқларидан ўпган Афифа онам учун ҳаётда бир марта топилгану кейин йўқотилган узоқ ва мажҳул ўтмишнинг тимсоли эди.

Онам Афифани бугунга қадар олиб қолиш учун мени баҳона қилиб кўрсатган эди. Хонадонимизда исми, балки, ўн йилда уч марта ҳам эсланмаган бўлса-да, онам доимо у ҳақда сўзлаганимни, мени кўрмай кетса, хафа бўлишимни айтганди.

Онам энди илгаригисига асло ўхшамасди. Ҳар нарсадан болаларча вақти чоғ бўлиб, ўзига сирмай кулар, йиғлар, ялинар, таҳдид, тўғри келмаса, ёлғон гапирар ва ўзига яраша фитналар қиларди.

Мен келганимдан кейин Афифани Истанбулда олиб қолишнинг охириги сабаби ҳам барҳам топганини сезди дегунча, яна найранг қилмоқчи бўлди, лекин энди янги важ-корсон ижод қилишнинг уддасидан чиқа олмай, тўғридан-тўғри илтимос ва ўтинч йўлига ўтди.

Афифа ҳамманинг эътибори фақат унга қаратилганидан ўнғайсизланиб, паст товушда катта опанинг ёлғиз қолганини эслатиб, онамни юмшатишга уринди.

Бечора аёл, ҳатто, опаси у йўқ вақтда ўлиб қолиши мумкинлигини ҳам айтди. Бироқ онам, ўлжасини чангаллаб олган қарчигайдек, худбинлик қилиб, бунга ҳам жавоб топди:

– Опанг ҳали жуда ёш... Иншооллоҳ, ҳали узоқ умр кўради. Сен ҳам шундай. Беш-ўн йилдан кейин яна Истанбулга келарсан. Аммо у вақтда мен йўқ бўламан...

Айтишим мумкинки, онам буни айтар экан, энди замон ва маконга алоқаси қолмаган хира уфқида ўзининг ўлимини йигирма йилдан яқин кўрмас, мушкул аҳволда қолган вақтларида қилганидек, фақат кекса-лиги ва ожизлигини ўртага соларди.

Лекин унинг – янада кучлироқ таъсир қилишини сезгани учун – деярли кулиб, болаларча йўсинда кафтларини очиб, ўртага ташлаган бу сўзларидан кейин хонада оғир мусибат шамоли эсди ҳамда болаларга қадар барча тонг қотиб қолди.

Афифанинг энгил саросима ичида бошини орқага ташлаганини ва кўзлари хиралашгандек, киприкларини чирт юмганини кўрдим.

– Бўпти, хонимафанди, сиз хоҳлагандай бўлақолсин, – деди у.

Салимбей билан катта опа бу «хонимафанди» сўзидаги «ним» бўғинини «нум» каби талаффуз қилар ва ўзларига хос тарзда чўзиброқ айтишарди.

Афифа туркчани уларнинг ҳар икковидан ҳам яхши гапирса-да, у ҳам бу сўзни билинар-билинмас ана шундай талаффуз қиларди.

Бу оқшом уни тўсатдан учратганимда заррача ҳаяжонланмаган бир ҳолда, шу «хонимафанди» жумласи ҳисларимни жунбишга келтириб юборди. Эски замонларнинг унутилган кўшиғини эшитгандек, ўзимни бир лаҳзага бутун бўйлари билан ўн саккиз ёшлик чоғимдаги Миласда, Салимбейларнинг боғида кўрдим.

Онамнинг кўлларини кафтлари орасига олган, бошини ҳамиша унинг орқасига яширишни истаётгандек кўринган бу ўрта ёшли фақир ва ҳуркак аёлга бир вақтлар бўлган катта севгим, нима бўлганда ҳам, менинг энг гўзал бир неча йилимни заҳарлаган эди.

Тахмин қиламанки, мен ҳам бир лаҳзага кўзларимни юмдим. Фақат бир лаҳзага холос. Бир неча сония ичида бу қисқа рўёдан заррача из қолмаган руҳият ва овоз билан такрор жонландим, хонадагилар янгидан ҳаракатга келди. Шу вақтда яна гала-говур бошлаган болаларнинг чувиллашлари орасида чироқ ва деразалар ёришиб кетгандек бўлди, боягина кўланка бўлиб туюлганларнинг ҳар бири кўз олдимда айрим-айрим чеҳра ва шахс ҳолида намоён бўларкан, онам билан Афифа ҳаёт суронидан ташқарида бир шарпа бўлиб қолаверишди.

Жилоли ўймакор қопламалари ва шипдаги нақшларнинг заррин бўёқлари яп-янгидай кўринадиган емакхона кўшкнинг ягона омон қолган қисми, амалдордан мерос муҳташам голланд столи эса энг шоҳона ашёси эди.

Бу столнинг бошида ичида йўқ бўлиб кетмаслиги учун ёстиқлар қўйилган оромкурсида волида султон унвони берилган онам яна дийдиёсини бошлади. Овқат устида ҳеч кимга оғиз очтирмас, нуқул ёнига ўтқазган меҳмони ҳақида гапиришларини хоҳларди.

Афифа бу талаб дастурхон атрофидагиларда ўзига қарши туйғу ва истехзо уйғотишидан чўчиб, ора-сира онамнинг сочларини тузатиш, елкасидан қўлларига тушиб қолган шолрўмолини олиш баҳонасида эгилиб, қулоғига нималардир деб пичирларди. Уларни деярли бир-бири билан қучоқлашиб ўтирган ҳолатда кўриш мени яна бир рўёга етаклади: онамнинг нариги томонида катта опанинг бошини, акам билан янгам ўтирган стулларда бўлса, отам билан Салимбейни кўра бошладим. Ўзим бўлсам, зотан, болалар билан стол этагида, деярли ўша кечадаги жойимда ўтирган эдим.

Хаёл шу даражада олиб қочдики, акамнинг Германиядан олинадиган кредит тўғрисидаги саволига жавоб бераркан, тилим зўрға айланар эди.

Катта янгамнинг кичик келинойимга онамни кўрсатиб:

– Худога шукр, иштаҳаси очилди, – деб шивирлаганини эшитгач, сўзимни ярим қолдириб:

– Онамга овқат едириш маҳоратида ҳеч ким Афифахонимга бас келолмайди, – дедим. – Хотирлайсизми, бизни меҳмонга чақирган кечада онамга катта опа билан бирга нечоғлиқ кўп овқат едирган эдингиз. Ҳолбуки, ўша тонгда икки қошиқ муҳаллеби едирмоқчи бўлган бояқиш Варвара Дудуни роса тузлаганди.

Меҳмонхонанинг хира нури остида кўзларим Афи-  
фанинг кўзларига тўқнаш келди. Боқишидаги маъно-  
дан англадимки, у ҳам шу лаҳзаларда айни хотира-  
ларни бор бўйи билан эслаётган эди. Гапларимни ан-  
глашга ҳеч қандай куч сарфлаб ўтирмасдан, «ҳа» деб  
кулимсиради, бошқа ҳеч нарса демади.

Шунда тирсақларимни столга таяб, ўша кечага оид  
хотираларни айта бошладим. Кўпдан унутганман деб  
ўйлаган нарсалар бирин-кетин бутун тафсилоти би-  
лан кўз олдимда гавдаланаверди. Отам билан Салим-  
бейнинг Крит ҳақидаги ҳикояларини, ўша оқшом си-  
гарета тутатганимни кўриб қолган отамнинг мени  
ҳадеб турткилагани, дастурхоннинг бир четида пичоқ-  
ни ликопчага уриб тақиллатганим учун дашном эшит-  
ганимни, борда Флорага қўлимни тишлатиб, қаҳрамон-  
лик кўрсатганимни, қудуқ сувида ювилган қўлимни  
боғлаганимизни... сўнгра янада эскироқ хотираларни  
эслаб, оташ кечасида Афифани биринчи бор кўрган-  
нимни айтиб бердим.

Ҳаётдаги осонгина қозонган муваффақиятларим-  
дан олган ишонч билан энди нима сўзласам, ёқтириш-  
лариға қаноат ҳосил қилганим учун ўша кечаси қил-  
ган гўрликларимни масхаралар, дастурхон теваараги-  
да ўтирганларни қаҳқаҳа оттириб кулдираддим. Икки  
нафар азиз марҳумга, катта ишққа алоқадор қайғули  
ва муқаддас хотираларни айтиб, ўз зараримга бўлса  
ҳам кулдиришнинг йўлини топиш жуда мароқли эди.

Эътироф этмоқ лозимки, бу яхши ва беғубор иш эмас  
эди. Лекин мен шу кеча буни ҳис қилмаётгандим.

Афифа, хусусан, уни севишимни билганидан кейин  
менга совуқ ва дағал муомала қилганини ҳеч кечир-  
маган эдим. Унинг севишимни эшитар-эшитмас  
бўйнимга осилишини кутган эмасдим, албатта. Аммо  
салгина ҳиссиёти ва назокати бўлган ёш аёл, ҳеч бўлма-  
са, бироз энтиқиши, ҳаяжонланиши лозим эди.

Унинг бундай ҳиссизлиги гўзал чеҳраси орғида та-  
саввур этган олам ҳақидаги барча хаёлларимни ер би-



лан яксон қилган ва, балки, уни вақтидан олдин унутишимнинг сабаби ҳам шу бўлгандир.

Ҳаётнинг барча катта ҳодисалари ҳақида барқарор ҳукм чиқара оладиган даражада камолотга эришдим, деб ўйлаган ва энди ҳеч нарсага ҳайратланмайдиган, нафсимга эрк берган чоғларимда Афифа ёдимга тушиб қолса:

– Ясан-тусан ва пардоздан иборат бўлган бу оддий хотин, бу совуқ ва руҳсиз ҳайкал учун нега бу қадар ёниб-куйган эканман, – деб ўйлардим. Маълум бўлишича, мен ўша вақтларда роса аҳмоқ ва шошқалоқ бола бўлган эканман!

Ҳа, ишқ келиб-кетган, лекин мени назар-писанд қилмагани учун пайдо бўлган кеким неча йиллаб сирқиллаб азоб берганди. Шуниси ғалатики, Афифа энди интиқом олишга ҳам арзимайдиган ҳолга тушган бўлса-да, бу кек ичимда ҳали-ҳануз бор эди.

Ёш ва мағрур бўлиш навбати энди менга келганди. Бир вақтлар йигирма тўрт ёши ва гўзаллиги берган фурур билан менга доимо юқоридан қараган Афифа энди дастурхонда менинг ўша вақтдаги ҳолимга тушган эди. Ора-сира унга саволлар берардим. Бояқиш аёл буларга ҳар доим қисиниб-қимтиниб жавоб берар, бошлаганидан кейин кўп ўтмай овозининг титраганини, атрофидагилар унга тўрт кўз бўлиб тикилиб турганини сезиб, каловланар, дудуқланарди.

Неча кунлаб қуёш тифида ва хасталик иситмасида ёниб-куйиб уни кутган кўчаларда аравасини бир зумга тўхтатганида, шаффоф ёноқларида ёпинчиғининг нуқталари ўйнаганча, малікалардек гердайиб, менга сўз қотган кунларда мен ҳам худди шундай қилгандим.

Кўп ўтмай Миласни ҳам, Аффани ҳам бутунлай унутгандай бўлдим. Лекин энди уни ўзимдан ҳайратлантиришга урина бошладим. Ожирги сафаримни, бу сафар шоҳона ва саргузаштларга бой бўлиб ўтганини, катта кишилар билан мулоқотларимни ипидан-игна-сигача сўзлаб бердим.

Икки йил бурун бир маросимда ҳайъат бўлиб император Вилгельмнинг олдидан ўтган чоғимизда у мен билан суҳбатлашган, қўлимни сиққан эди, деб лоф урдим.

Ҳар нарса ва ҳар киши ҳақида ўз фикрим бор эди. Энг мушкул масалалардан бир қисмини бир неча оғиз жумла билан ҳал қиларкан, бир қисмини фақат масхаралаш билан кифояланардим.

Икки томонимда ўтирган болалар билан ҳазиллашар, сал нарироқда ўтирган янгаларимга овқат ва ширинлик узатар эканман, ғоятда бежирим ва назокатли ҳаракатлар қилардим, овозим бўлса, худди муסיқадай оҳангдор ва жарангдор чиқарди.

Ҳа шундай, балки, чарчагани ва урфдан қолган костюм кийганидан уялаётгани боис, ҳадеб стулини орқага тортаётган ва ўзини онамнинг панасига олиб, кўздан четланишга уринаётган бояқиш аёлни ҳайрон қолдириш учун неки пасткашона усул бўлса, ишга солаётган эдим.

\* \* \*

Қаҳвасини ичаётганидаёқ мудрай бошлаган акам дастурхондан турар-турмас, хонасига чиқиб кетди. Мен катта янгам билан болаларни олиб, боққа чиқдим:

Кўшкнинг орқа томонида ичини ёввойи ўт ва янтоқ босган вайрона ҳовуз бор эди. Акам Юлдуз саройининг\* ҳовузига ўхшатадиган бу ҳовузни дастлабки вақтлари озгина харажат билан таъмир қилишдан умидвор, ҳатто, кичикроқ қайиқ сотиб олиш ниятида эди. Лекин ҳисоб-китобдан кейин таъмирга уч хонали янги уйчалик пул кетиши маълум бўлгач, ноилож таъмир ишини урушдан кейинга қолдирганди.

Қачон ва қандай жилва билан келиши номаълум бўлган ўша бахтли кунни интизорлик билан кутиб,

---

\* Турк султонларининг саройи.

ҳозирча ёз кечаларида ҳовуз атрофидаги тахта диванларда ўтирар ва ҳовуз четларида чўнқайган иккита чўлоқ мрамар арслон билан бирга янтоқлар орасида порлаётган минглаб ялтироққуртларни томоша қилиб ўтирардик.

Бу кеча ҳам шундай қилдик. Мен янгам билан диванда ўтирардим, болалар пешоналарига ялтироққурт ёпиштириб, бекинмачоқ ўйнар, ҳовузга кириб чиқиб, ўтлар орасига яширинардилар.

Баъзан қаттиқроқ шовқин кўтариб қолишса, янгам уларни уришиб берар, иккинчи қават деразасидан туншаётган хира нурларни кўрсатарди.

У онамнинг хонаси эди. Бу кеча менинг шарафимга кўпроқ ўтиргиси келиб, болалардек жархаша қилганига қарамай, Афифа уни зўрлаб ётқизгани олиб кетганди.

Онамнинг Афифага меҳрини енгилгина эрмак қилган янгам:

– Хонимафанди бечора аёлни неча кундан буён хонасига қамади. Дунёни кўрсатмайди, – деди. Сўнгра кулиб, илова қилди: – Лекин у ҳам бундан мамнун. Ҳеч шикоят қилмайди. Бу замонда ҳеч бир она-қиз бир-бирини уларчалик тушунмайди.

Эндигина қоронғи тушганди. Лекин атрофда сасизлик кўйнида тинмай чириллаётган чирилдоқлар бахш этган осудалик, янгам билан ора-сира бир-икки оғиз маза-матрасиз гаплашганимиздан кейин чўккан узоқ сукунатлар саҳар яқинлашгандек ва кўп ўтмай рўпарадаги тепаликлар оқара бошлайдигандек бир ҳиссиёт уйғотарди.

Болалар бирин-кетин диванга узаниб, мудрай бошлади. Янгам икки гапнинг бирида:

– Болалар, бу ерда асло ухлаб қолманглар, шамоллаб қоласизлар, ҳозир кетамиз, – деб овоз берарди.

Энди турай деб турганимизда қирқ-эллик қадам наридаги йўл устида бир кўланка пайдо бўлди. Афифа онамни ухлатгандан кейин боққа чиққан эди.

Тўппа-тўғри ёнимизга келишга журъат қилолмас, лекин ёлғиз қолишни истаяпти деб ўйламаслигимиз учун нима қиларини билмай, ора йўлда туриб қолганди.

Янгам оёққа қалқиб, уни ёнимиздаги диванга таклиф қилди ва назокат юзасидан яна боғда бироз қолишга мажбур бўлди.

Табиийки, гап яна онамнинг устида кетди.

Янгам:

– Энди сиздан рашк қила бошладик, ойимқиз, – дея ҳазиллашгандан сўнг, менга юзланди, кулиб:

– Онам Афифахонимга ёпишди қолди, – деди. – Билмайман, қандай айрилишар экан? Онамнинг кўкракдан ажратилган боладай хархаша қилишидан кўрқаман...

Афифа хўрсиниб, астагина:

– Мен-чи, хонимафанди? – деди.

Бошқа биров бу гапни меҳмоннинг шунчаки бир навозиши деб ўйлаган бўларди. Бироқ мен, Сқлавакиларни билганим учун, бундай деб ўйламадим ва энгил ғусса билан Салимбейнинг машҳур аҳли вафосини эсладим.

Янгам тиззалари устида ухлаб қолган энг кичик қизини бот-бот силкиб уйғотар, сочларидан ўпмоқчи бўлгандек, энгашиб кулофига нималардир деб пичирлар эди.

Охири қисиниб-қимтиниб, биздан рухсат сўради:

– Айбга буюрмайсиз, болаларни ётқизиб, қайтиб кела қолай... Сиз ўтираверинг.

Янгамнинг энди қайтиб келмаслиги аниқ эди. Аммо бу кераксиз ваъда бизни анчагача шу ерга ипсиз боғлаб қўйди.

Афифа билан ўтиришдан шикоят қилмасдим, албатта. Айрим сабабларга кўра, бу, ҳатто, менга мақбул тушганди. Бироқ ёнимизда бошқалар ҳам бўлиши керак эди-да. У билан бирга боғнинг бир четида ёлғиз қолиш икковимизга ҳам ноқулай эди. Орамизда ётган мозийнинг баъзи қатламларига тегмаслик.

учун жуда эҳтиёт бўлиш лозим эди ва бунчалик эҳтиёткорлик бизни чарчатиб қўйган бўларди.

Дастлабки лаҳзалар ҳақиқатан ҳам дилгир ўтди. Муштарак хотираларимизнинг бир қисмини такрорлаш муштарак вазифамиз бўлди. Чунончи, оёғим сингандан кейин уларникида ётган кунларни эсламаслик ва Сқлавакилар кўрсатган меҳрибончилик учун яна бир марта ташаккур билдирмаслик мумкин эмасди. Бечора Салимбейни тез-тез эслашга ва катта опа ҳақида тафсилотлар сўрашга мажбур эдим. Ҳатто, аскарга ўхшаб гурсиллаб юрадиган оқсоч билан Флорани ҳам унутмаслик лозим эди.

Бу хотираларни худди ашёлар рўйхати ёзилган эски дафтарни ўқиётгандай, кишиларни исмлари, саноғи ва муҳим васфлари билан битта-биттадан такрорлар, ишқимга алоқадор томонларини тилга олмаслик учун қўлимдан келганини қилар эдим.

Ёнимдаги диванга чўккан Афифага қараб ўтирардим. Лекин унинг кўзлари ҳовузда эди. Бироз букчайган ҳолда, кўларини қўлтиқларининг тагига олиб, айтаётган гапларимга қулоқ солишдан кўра, майсалар ичида ёмирлаган ялтироққуртларга кўпроқ эътибор бераётгандай кўринар, саволларимга онда-сонда жавоб берар эди. Дилгир вазиятни бироз юмшатиш мақсадида:

– Сизни бироз кездирайми, Афифахоним? – дедим ва жавобини кутиб ўтирмаёқ оёққа қалқдим.

Бу фикрдан жонланиб кетдим. Ҳовуз билан кўшкнинг атрофини айланиб чиққандан кейин, боғ тўрига юра бошладик. Йўл устида учраган нарсалар, эски каптар қафаслари, ишкомлар билан ўралган шийпон, ойналари синиб, фақат ромлари бутун қолган амфитеатр бичимидаги вайрона иссиқхона ҳақида изоҳ берардим ва булар гаплашиш учун бир баҳона бўларди.

Қоронғида бирон нарсани фарқлаш унчалик мумкин бўлмаса-да, Афифа ҳар бирининг олдида алоҳи-

да тўхтар, кўлларини кўксига қовуштирган ҳолда ҳаммасини синчиклаб томоша қиларди.

Борган сари дарахтлар қалинлаша бошлагач, у билан Миласдаги боғларида қилган сайримизни эслай бошладим: икки томонда оқаётган сувга тушиб кетмаслик учун мувозанатни сақлашга уриниб, дорбоз каби кўлларимизни икки томонга узатган ҳолда дўнгликлар устидан юрган, дарахтлар ва чирмовуқлардан ҳосил бўлган туйнуклар тагидан бошимизни эгиб ўтган ва сочларимизни қиров, эгнимизни хазон босган ҳолда нариги томонидан чиққан, қудуқ бошидаги тахта новда юзимни ювган, сўнгра доктор Камолбейга рашк қилганча, йиғлай-йиғлай Афифа билан айтишиб қолган ва ҳайдалган куним...

Булар ҳақида ўйларканман, олдимда бироз букчайган ҳолда аста-аста юриб бораётган Афифага тикилар ва ўйлардим:

«Бутун ёниб-куйишларим шу хотин учунмиди? Гарчи у вақтдаги Афифа бу бўлмаса-да, тўғриси айтганда, уни бутунлай бошқача деб ўйлаш учун бирор сабаб бормиди? Наридан борса, бундан кўра бироз ёшроқ ва пардоз қилган бири эди-да... Ўша вақтларги сайрларимизда ҳам худди шундай сукут ичида бошини эгиб оларди. Фарқи шуки, ҳозир бечоранинг хаёлидан нималар ўтаётганини у ёки бу даражада тахмин қила оламан: у, балки, катта опанинг аҳволини, балки, камбағаллар маҳалласидаги уйининг чакка ўтаётган томини қишгача қандай қилиб таъмир қилдиришини, балки Истанбулда ёлғиз қолдираётган боласини ўйлаётган бўлса керак»...

Эски тушунчалари ҳам муқаррар равишда шу қабилда.

Фақат мен ўша вақтлари буларни тасаввур ҳам қилолмайдиган даражада ғўр ва гўл бола эдим. Ўшанда бундан ҳам кўпроқ хўмрайган юзида, ҳали олтин қопланмаган, соппа-соғлом, садафдек тишларида қуёш нури ҳосил қилган бир-икки ялтирашга алданиб,

мана шундай ҳурилиқо охир-оқибат фақир ва шипшидам тулга айланиши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган. Ҳа, бугунги Афифа, у ёки бу даражада, ўша вақтдаги Афифанинг худди ўзи. Тасаввуримдаги Афифа бўлса, ўша вақтдаги Афифадан таъсирланиб, унинг у ёки хусусиятларини қайта жилолаш йўли билан ўз хаёлимда яратган бир рўё эди.

Боғ сайрини охирига етказиб, кўча эшиги олдига келиб қолдик.

– Яна шамоллаб қолманг, Афифахоним, – дедим. – Сиз иссиқ мамлакат боласисиз.

– Йўқ, – деди, – бу ернинг Миласдан фарқи йўқ-ку. Билакларини эшикнинг темир суянчиқларига таяган ҳолда, боягина товуқхона, шийпон ва иссиқхонани синчиклаб кузатганидек, диққат билан кўчага тикилиб турарди.

– Эҳтимол, наригилар сингари, сизнинг ҳам уйқунгиз келгандир.

Ҳолатини ўзгартирмай ва қитмирлигимни тушунмай тураверди.

– Йўқ, – деди, – эндиликда кеч ётишга одатландим. Шунда сигарета олиб, тутатдим-да:

– Ундай бўлса, ташқарида яна бироз кезсак бўлади, – дедим.

Эшикни зўрға очдим. Афифа эшикдан чиқиб, мени кутмай, юра бошлади.

Бу жой майсалари топталмагани, бироз тепароқда яшайдиган муҳожир қўшнилари кечалари кўчада қолдирган ёғоч аравалар тургани учун қишлоққа ўхшаб кетадиган кўримсиз ва яланғоч майдон эди. Майдон анча масофадан кейин бирданига тик адирга тақалар, у ердан ярим вайрона боғ деворлари орасидаги тор йўлдан денгиз соҳилига тушиларди. Чамлижа тепаликларидан кўтарилаётган оймомо бу кеча майдонни гўзаллаштириб юборганди.

Афифа билан адир четида тўхтаб, атрофни томоша қила бошладик. Турган жойимиздан Мармар ден-

гиз ва Халичнинг\* бир қисмини ва Истиняга қадар Бўғозни кўриб турардик.

Бир неча ҳафтадан бери самолётларнинг бомбардимон қилишидан чўчиб, чироқлар ўчирилаётгани учун, шаҳар қоронғилик кўйида эди. Денгиз устига хира тумандек ёйилган ой нурлари қирғоққа яқинлашиши билан ҳаммаёқ ёришиб кетар, замин ва сув чегаралари ёғду остида аниқ-тиниқ кўринарди. Бу манзаранинг ҳусни ва гўзаллигига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бир хаёл: Миласнинг бир қишлоғида Афифага севги изҳор қилган кеча лоп этиб эсимга тушди. Қоронғида кичикроқ дарахтдай катталашган буталар, Афифанинг шамолдан ҳимояламоқчи бўлгандай, икки кўли билан учларидан ушлаб, ёноқларига тортган ипак ёпинчиги... Беҳуда азоб тортиш учун устига ётиб, у ёқдан бу ёққа астагина думалаганда этларимга санчилган тиканларнинг оғриғини яна ҳис қилгандай бўлдим. Бу укубатларнинг бари кўлларини кўкрагининг устида чалиштириб, кўлтиғига тикқанча, ким билсин, қайси иши ёки қарзини ўйлаётган мана шу хотин учун тортилганди!

У энди бошини ўнгга буриб, тўппа-тўғри Фатҳипошо бутазорига тикилиб, жим турарди.

Бир вақт кўчанинг қарши тарафидаги боғнинг қалин дарахтлари устида ялтираб кўринган кичикроқ гумбазни кўрсатиб нима эканини сўради. Бу саволга кулимсирашдан ўзимни тия олмай дедим:

– Худо ҳаққи, мен ҳам бу томонларни унчалик яхши билмайман, Афифахоним. Балки чашмадир ёки мақбарадир... Агар кўришни хоҳласангиз, ўша ёққа бора қолайлик.

Бу гал ҳам мажолсиз кўлларидан ушлаб, девор ёнидан кўчага туширдим ва ўнгдаги оралиқ йўлга тушдик.

---

\* Истанбулдаги Халич кўлтиғи назарда тутилмоқда.



Етмиш-саксон қадамдан кейин Афифа қизиқаётган куббанинг ёнига етиб бордик. Янглишмаган эканман. Бу ер уст қисмидаги шохлари синган иккита ингичка сарв орасида жойлашган чоғроқ мақбара экан. Эшигига ёзилган битикларни ўқиб бўлмади. Лекин сарой услубини эслатадиган меъморий услуби, тошларга ҳафсала билан ўйилган безаклари, бронза панжаралари орқасидаги нақшли ёнроқдан қилинган қанотлари тақа-тақ ёпилган узун ва равоқсимон деразаларига қараганда, мақбара султон сулоласига мансуб кишига оид бўлса керак. Ҳатто, ўлчамларнинг атайин кичик олинганига ва умумий ҳолатидаги аллақандай ҳазинликни назарга олганда, бу бино ёшлик чоғида вафот этган шаҳзода учун қурилган деб ўйлаш ҳам мумкин эди.

Ҳалигина ўзим бу ерларни яхши билмаслигимни айтганимни унутиб, акамнинг боғидаги каптархона, иссиқхона каби, бу мақбара ҳақида ҳам изоҳлар беришга ва шаҳзода мавзусини шарҳлашга киришдим.

Афифа иккита ингичка устун ва ўймакор тоқидан иборат равоқнинг пиллапоясидан кўтарилиб, эшикнинг икки томонидаги паннолардан бирига суянди. Тиззасига қадар тоқининг қуюқ сояси остида қолган, кўзларини юмиб, менга диққат билан қулоқ солаётган эди. Сўзимни битиргач, вазмин ва осойишта сасда:

– Муродбей, – деди, – икки йил олдин кўлимга бир газета тушиб қолди. У ерда расмингизни кўрдим. Аввалига ишонмадим. Мен сизни ҳалок бўлган деб юрардим.

Ҳайратдан қотиб қолдим.

– Нима? Мени ўлган деб юрганмидингиз?

– Қаердан билай, менга шундай дейишганди.

– Ким?

– Опам. Катта опа...

– Жуда ғалати-ку...

– Ҳа! Балки, катта опа мени алдаган бўлса керак! Баттарроқ ҳайратга тушдим.

– Бу нима деганингиз, Афифахоним? Тушунмаётирман, – дедим.

– Катта опа менга ачингани учун шунақа ёлгон тўқиган, Муродбей. У: «Муродни унутишдан бошқа чора йўқ, Фофо. Энди эс-хушингни йиғиштириб олсанг бўларди... Мурод Истанбулда вафот этибди. Бу гапни ишончли кишилар айтди», деганди. Катта опа жуда эътиқодли, имонли аёл эканини яхши биласиз. Ёлгондан қасам ичган экан. Куръонни ўпиб гапирганди.

Турган жойимда тошдай қотиб қолдим.

Афифа бир чуқур нафас олганидан сўнг, айна осудалик билан сўзида давом этди:

– Эсон-омон эканингизни билганимдан кейин бутунлай жизганак бўлдим. Икки йилдан буён Истанбулга келиш учун жоним ҳалак бўлди, лекин иложини қилолмадим. Катта опа ортиқ чидай олмади: «Бор Фофо, бўлмаса ўлиб қоласан» деди. Келдим. Лекин сиз йўқ экансиз. Қирқ беш кундирки, мусофирликда дарбадар бўлиб, сизни кутдим.

Ҳолатимда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Лекин унинг бу даражада ваҳимали ва кутилмаган нарсаларни одатий бир воқеа каби, осойишта гапираётгани менда ғалати шубҳа ва қўрқув уйғотди. Юзини яқинроқдан кўриш учун олдинга бир-икки одим отдим.

Кўзларини чирт юмган, ёшлари шашқатор эди. Бурун катаклари қисилган, ёноқлари томонга керилган оғзининг дудоқлари иккита нозик чизиққа айланганди. Вужуди суяниб турган паннога ёпиштирилгандай типша-тик, қотиб турар, фақат диққат билан қараган вақтда бошдан-оёқ қалтираётганини кўриш мумкин эди.

Шунга қарамай, саси ҳар вақтдагидан тиниқроқ ва равон эди. Ички ғалаённи босишга муваффақ бўлмаган қалбининг энг теран жойидан чиқаётганга ўхшаш, фақат ўз шикоятининг ифодаси бўлган бир сас. Лекин жуда вазмин, лўнда-лўнда сўзлар ва тез-тез тўхтаб қоларди.

Афифанинг юз-кўзида ўзимнинг ўн йил олдинги уқубатларимни осонгина пайқадим. Демак, энди бўҳрон мендан унга ўтган эди. Бечоранинг бир бўҳронни бошдан ўтказаётганига кўра, нимадир қилишим, унга кўмаклашишим лозим эди. Лекин бу ҳолатда унга қўл теккизиш менга таҳликали бўлиб кўринди. Бир жойига қўл тегизадиган бўлсам, ҳозир тошдай қотиб турган вужуд оний бўшашиб, аъзойи баданини қамраган оташ иситмасида ўзини қучоғимга ташлаб, титрашини ҳис қилиб турардим.

Яхшиямки, кўп ўтмай танглик юмшаганини кўрса-тадиган баъзи аломатлар кўзга ташланди. Чуқур нафас олиб, қадди ва бошини кўтарди, ҳовучида қаттиқ сиқиб олган рўмолчаси билан пешонаси ва кўзларини арта бошлади. Сўнгра зинапоядан астагина тушди. Фақат сўнгги пиллапояда тиззаларида дармон қолма-гандек, бирданига тош устига ўтириб қолди, тирсакларини тиззаларига таяб, бошини кафтлари орасига олди.

Равоқ соясидан чиққани учун қаршидаги деворга урилиб қайтган ой нури остида чеҳраси янада яхшироқ кўрина бошлади. Балки, катта опанинг олдида чўнқайиб, сочларини таратганини эслатгани учун бу ҳолат уни яшартирган, бироз олдин менга кўрқув ва ҳайронлик ҳиссидан бошқа ҳеч нарса бермаган сўзларини энди галати ҳасрат ичида эслай бошладим.

Катта опа! Демак, синглисининг мени севишини у ҳам билган экан-да! Афифа, эҳтимол, яна сочларини таратиш учун унинг олдига чўккалаган бир куни буни эътироф қилган бўлса керак.

Бояқиш хотин бу ваҳимали гапдан бирданига кўрқиб кетиб, Сқлавакиларнинг қатъий ахлоқ принциплари юзасида, дастроқ овозда уни қаттиқ койиганини, тиззаларининг орасида тинч ўтирмаган пайтларида қилганидай, сочларидан тортиб азоб берганини тасаввур қилдим. Лекин булар кейинчалик ўзича Фофонинг дардига дармон бўлиш учун менинг вафо-

тимга оид чўпчак тўқишига ва, ниҳоят, уни орқамдан Истанбулга жўнатишига моне бўлолмаган эди.

Бу савдо опа-сингилнинг феъл-атворини ўзгартирадиган даражада кутилмаган ва оғир бўлганига шубҳа йўқ эди. Балки, бу туйғу Миласдан кетган вақтларимда, балки, ҳатто, бироз олдин, меҳмон докторга ноўрин рашк қилиб йиғлаган ёки уйларида хаста ётган кунларимда билинмайдиган тарзда бошланган бўлса, эҳтимол. Бу туйғу борган сари кучайиб, бутун ҳаё-ибосига қарамай, катта опадан яшириб бўлмайдиган дард ҳолига келгунча, ҳар ҳолда, узоқ, хийла узоқ вақт ўтган бўлиши керак.

Юқоридаги кўчадан йўлка тошларига ҳассасини тўқиллатганча бир қоровул келаётганди. Унинг тўппатўғри биз томонга бурилишидан ва бизни бемаҳалда мақбара эшиги ёнида, бунақа ажойиб ҳолатда кўришидан чўчидим.

Ниҳоят, бир нарса дейиш вақти ҳам келгани учун астагина:

– Тош устида шамоллаб қоласиз, Афифахоним, – дедим. – Кетайликми?

Вазиятини ўзгартирмасдан, бошини кўтарди, юзимга боқиб, елкаларини учирди.

– Қаёққа борамиз? – деди.

Бу сўз саволимга жавоб сифатида ғирт маъносиз эди. Лекин бечоранинг ҳақиқий ҳолатига кўра, бу менга катта саросима ифодасидай туюлди.

Тушундимки, кетма-кет содир бўлган фалокатлар ва яхшилик келтиришидан умид узила бошлаган йиллар мобайнида унинг ягона орзу-умиди ва илинжи фақат мен бўлганман. Нега мен? Эҳтимол, бунинг ҳаётда қозонган муваффақиятларимга заррача алоқаси йўқ ёки бўлса-да, жуда оз эди ва ёшгина ўсмир эканман, руҳиятимда юз берган ҳаяжонларим, лаҳзадан-лаҳзага бўзариб-қизарган юзларим, гоҳ кулган, гоҳ йиғлаган, катталашган хаста кўзларим билан унинг ҳаётида ягона романтик

киши бўлган, унутилмайдиган воқеага сабаб бўлгандим.

Афифанинг нормал ишқ ҳудудларини алақачон орқада қолдириб кетган шунча вақтдан кейин менга бу қадар илҳақ бўлишини бундан бошқача шарҳлаб бўлмасди. Бунинг устига шунчалик илҳақликки, мени ўлди деб ўйлашидан қатъи назар, бундан қутула олмаган, мени барҳаёт деб билган ҳолда кўнглида яшатишда давом этарди.

– Қаёққа борай?

Бу саволда ҳақиқатан ҳам қаерга боришини билмаган кишининг саросимаси ўз аксини топган эди.

Бу дақиқани ҳаётининг энг фавқулудда ҳодисаси дея йилларча кутди, турли-туман қийинчиликларга бардош бериб, елиб-югурди, булардан янада кучлироқ бўлган маънавий тўсиқлар (уят, ғурур, ор-номус тўғрисидаги муҳофазақор қарашлари)ни оёқ ости қилди, дардини, тиш оғриғи ҳақида гапиргандек, соддалик билан тўкиб солди.

Афифа кетадиган жойини фақат шу нуқтагача кўра олганди. Ундан нарғини билмас, чорасизликдан бу саволни менга берган эди.

Қарангки, омадим юришиб қолди. Чунки болаларини ётқизган катта янгам ва акамни ётқизган кичик янгам бизларни ахтаргани чиққанларини омад демай бўлармиди?! Улар бизни боғдан тополмаган, кўча эшигининг очиқ турганини кўриб, ташқарига чиққан ва майдон ўртасига келиб гаплаша бошлаган эдилар.

Кеча шу қадар сокин эдики, орада кўча борлигига қарамай, уларнинг гап-сўзлари бизга аниқ-равшан эшитилиб турарди.

– Янгалар бизни қидиришяпти, Афифахоним, – дедим.

Ҳеч нарса демай, оёққа қалқди, сочлари, этакларини тузатди, рўмолчаси билан яна кўзларини артиб, юра бошлади. Бироқ бир неча одим отгач, иккиланиб тўхтади.

– Билмайман, юзим не ҳолда экан? – деди.

Янгаларим авлиёсифат аёллар эди. Аффифанинг юзида қандайдир ўзгариш сезган тақдирларида ҳам буни ёмонликка йўймаган бўлишарди. Аммо мен буни айтиб ўтирмай:

– Хавотир олманг, Аффифахоним... Ҳеч нарса кўринмаётир, – дедим.

Тўхтади ва офир қайғу ичида кулимсираб:

– Ҳа шундай... Ахир, энди юзимда радий қолмади, – деди.

Бу ўн йил муқаддам қишлоқда, отлари чиқарилган арава шотисига кўлларимни тираб ва қоронғида садафдек ялтираган тишлари ичимни ўртаган вақтда айтган ташбеҳимга жавоб эди.

Тушганимча, мендан қолган ҳар нарса каби, бу «радий» ташбеҳи ҳам унинг учун қийматли бўлган, бо-яқиш жувон йиллар азоби юзида қолдирган ўзгаришларни ора-сира кўзгуда кўрди дегунча, ҳис қилган аламини, эҳтимол, шу сўз билан ифодалаган эди.

Аффифа бу сўзлари билан менга ўзининг энди биров ёқтирмайдиган ҳолга тушганини билдириб кўймоқчимиди-йўқми, билолмадим. Лекин сал олдинроқ йиғи аралаш қилган эътирофи каби, буни ҳам жавобсиз қолдириш менга жуда ноқулай бўлиб туюлди ва кўча му-юлишидан бурилаётганимизда дафъатан:

– Аффифахоним, – дея овоз бердим.

Айтадиган гапимни яхши ўйлаб олмагандим. Лекин ўтирилгани ва бошини эгиб кутаётганини кўриб:

– Аффифахоним, – дедим, – менга ҳеч қутилмаган гапларни айтдингиз. Демак, сиз мени... Ҳа, сўзларингиздан англаганимга қараганда, сиз мени...

Бу қоронғи кўча ва икки томонимиздаги деворлардан осилган дарахтлар майдонга келтирган фақир манзара ичида ўзимни маҳалланинг бу кўринишни ғоят зўр деб биладиган ғўр болаларига ўхшатар, негандир, гапимни охирига етказишга муваффақ бўлолмаётган эдим.

Аммо у сўзлашга уялаётган калимамни тушунган эди. Қўлларини оҳистагина кўтариб, энди бошида йўқ ёпинчигини ёноқларига тортмоқчидек бўлди-да, кўзларини пастга туширди ва:

– Яна шунчаликки! – деди.

Уч кунлик йўл чарчоғим устига бу можаролар ларзаси ҳам қўшилиб, мени хийла толиқтириб қўйди.

Ниҳоятда ҳориган ҳолда ётоғимга кирдим ва шу заҳоти уйқуга кетдим. Лекин, ким билсин, кечанинг қайси маҳалида, балки ухлаганимдан беш дақиқа ўтганидан кейин ёхуд тонгга яқин бирданига уйғониб кетганимни эслайман.

Деразада ортидаги осма айвоннинг рух қопламаларидан енгил тақиллаш овози эшитилаётган эди.

Бирданига калламга:

– Кезиб юрган, албатта, у бўлса керак, – деган фикр урилди. Тўшакда ётган жойимда сал ўтирилиб, дераза томонга қарасам, дарпарданинг нарёғида унинг кўланкасини кўраман, деб ўйладим. Лекин гангиётганимга қарамай, бунақа ишнинг имкони йўқлигини ўзим ҳам англадим.

– Иситмам бор, қулоқларим шанғилаяпти, кошки ётишдан олдин бир ҳапдори ичганимда эди, – деб ўйладим. Аммо дориларим солинган сумкани қаерга қўйганимни эслай олмадим. У-бу нарсалар ҳақида ўйлаб, такрор уйқуга кетдим.

\* \* \*

Афифани эртасига тамоман бошқача ҳолда кўрдим. Вақт тушга яқинлашганди. У онамнинг тебранма курсисини боғдаги бир дарахт соясига олган, оёқда туриб, нималарнидир гапириб, куларди.

Менга унча эътибор бермай, сўзини битиргандан кейин ҳазиллаша бошлади:

– Камолбей ҳеч ўзгармабди, – деди, – ҳалигача олдингидай уйқуни яхши кўраркан.

Миласдаги уйларида хаста ётган вақтларимда қачон хонамга кирса, ухлаб ётганларимни онамга айтиб берди. Мен бу тафсилотни унчалик хотирламасам-да, айтганларини тасдиқлар ва барабарига кулишар эдик.

Ўша куни, Аффифа тахмин қилганидай, тушгача ухлаганим йўқ эди. Улар онам билан боғда айланиб юришганида мен хонамда деразаларни очишга ҳам журъат қилолмай, нуқул у ёқдан бу ёққа бориб-келаётган ва ўйлаётгандим. Ўша куни Бейўғлидаги уйимга кетиш ниятим чиппакка чиқди. Аффифа кетгунга қадар кўшқда қолиш мен учун қандайдир назокат ва виждон бурчи эди. Ора-сира йўлини топиб, тўрт-беш соатга Истанбулга жуфтакни ростласам ҳам катта гап эди.

Шу билан бирга, ҳақиқатан муҳим бўлган нарса бу эмасди. Бир ҳафта дегани, ишқилиб, ўтади, ўтиб кетади. Фақат кечаги воқеадан кейин Аффифага қандай муносабатда бўлишим керак: бечоранинг иқрорига нисбатан лом-мим демаслик менга катта айбдек кўринарди. Аммо, ҳақиқатан ҳам, қандай жавоб беришим мумкин?

Аввало, энди кўпдан бери унга айтадиган гапим қолмаган эди. Ўн йил олдинги ҳайқиригимга кечикиб қайтган акс-садога ўхшаш бу эътирофнинг мени гангитган жиҳати борлигига қарамасдан, у билан Лайли-Мажнун саҳнасини ўйнай олмасдим. Ҳатто, бу ҳақда ўйлашнинг ўзиёқ кўз олдимда ўзимни камситиш, кулгили аҳволга туширишга етарли эди. Бундай қилмагандан кейин, нима десам-да, айтадиганим уни хафа қилиш ва иззат-нафсини ерга уришдан бошқа натижа бермас эди.

Аффифанинг бўҳрони ўтиб кетгач, сукутимдаги маънони англаб, мендан қаттиқ ранжиши мумкинлигини тахмин қилардим. Энг ёмони, буни тузатишнинг имкони ҳам йўқ эди. Қўлимдан келадиган ягона иш – бу ерда бўлган вақт мобайнида унга яхши муомала қилиш ва меҳр-шафқат кўрсатишдан иборат эди.



Энг муҳими, кечагига ўхшаш бўҳроннинг юз беришига йўл қўймаслик эди. Бунинг учун ниҳоятда хушёр бўлишга мажбур эдим. Айниқса, кечалари у билан ёлғиз қолишимга йўл қўймаслигим лозим. Бинобарин, ёнимизда кимдир бўлган вақтлари у билан суҳбатлашиш, ҳатто, ора-сира эҳтиёткорлик билан эски хотираларни эслаб қўйишнинг ҳеч қандай хатарли жойи бўлмайди. Ўзимни мозийни эслаб жуда қайгургандек ва ўтмишни эъзозлагандек кўрсатишим Афифага таскин берган, эски севгимни унутмаганимни ҳис қилдириб, сал бўлса-да, юпанишига ёрдам қилган бўларди.

Модомики, ҳаста бўлиш навбати унга келган экан, бир вақтлар, оёғим синган кунларда менга кўрсатган меҳрни энди мен унга кўрсатишим, қалби яра-ланмаслигини ва бечоранинг кўпам хафа бўлмасдан уйига қайтишини таъминлашга ҳаракат қилишим даркор.

Ўша куни эрталаб Аффанинг кутганимдай хафа-қон ва сўлгин эмас, балки бундай, кўзлари яшнаган ҳолда рўпарамда пайдо бўлиши ва, ҳатто, ҳазиллаша бошлагани хавотирларимни барҳам топтирди ва менга жасорат бахш этди.

Зотан, онам билан бирга эканмиз, тортиниб ўтиришнинг ҳожати йўқлиги учун мен ҳам айни йўсинда жавоблар бердим ва кечаги саҳнани икковимиз ҳам ўз тўшагимизда тушимизда айри-айри кўргандек унутиб, тортинмай гаплашавардик.

Кундузги ёғду Афифадаги ўзгаришларни янада яққол кўрсатарди. Юзи сўлиган, кўзлари ва лабларининг икки четида, сузилиб узайган юзида майда-майда ажинлар пайдо бўлган эди. Кўзлари бироз қорайган, қовоқлари янада чуқурлашгандек кўринарди. Бир вақт онам қўйлагининг сўкилган жойига бармоғини тикиб, ўйнаганини кўрди. Шу заҳоти ичкарига чошиб, игна-ип келтирди ва онамнинг стулини қуёш томонга буриб, сўкилган жойни ямай бошлади.

Бу ҳолат менга яна унинг худди шунга ўхшаб, эгилиб кашта тўқиётганида юзини ўғринча эмас, бемалол кузатган кунларимни эслатди.

Юқоридан тушаётган қуёш нурлари дудоқлари ва ёноқларида ўйнаётганига боқарканман, олдинги тен-такона орзуларим такроран жонлана бошлаганини ҳис қилар, негадир чехрасидан кўз узолмасдим. Афифа ишини битириб, ипни тишлари билан узаркан, бирданига бошини кўтариб, мени жинойт устида қўлга туширди ва кулимсиради.

Янада ғалатиси, боқишларимдаги маънони тушунган бўлса-да, кўзларини олиб қочмади, кутилмаган журъат билан менга тикилиб тураверди.

Тўғриси айтганда, муҳаббатимиз бизни неча йиллардан бери қаъридан чиқолмайдиган бир ўпқонга туширган бўлса-да, охир-оқибат ҳозир икки нафар кучли, соғлом аёл ва эркакдан бошқа нарса эмасдик.

Икковимиз ҳам бу очиқ ва гўзал ёзнинг туш маҳалида, кечаги шиддатли бўҳрондан кейин келган сукунат ва ором палласида бир-биримизни шиддат билан хоҳлаётганимизни билган ҳолда, дунёдаги энг табиий ишни қилаётгандек, тортинмай, уялмай бир-биримизга боқар эдик.

Ўйлардимки, хилват ерда ҳеч нарса демай, билагидан ушласам, ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмасдан, ҳозир нигоҳларида сезилиб турган соддалик билан менга ўзини таслим қилган бўларди.

Бироздан кейин орқаларидан овқатга кетаркан, ўйлардим:

– Кошки, ҳамиша бу лаҳзалардагидек содда бўлсайдик, бир-биримиздан нима истаётганимизни билсайдик, табиий ва нима истаётганимизни биладиган вазиятда бўлсайдик, аъзойи баданимиз ва асабларимизни ўз ихтиёримиз билан қақшатиш натижасида бўҳронга тушганимиз учун Афифа билан ўн йил муқаддам қучоқлашиш мумкин бўлган қисқа бир вақт, ҳатто, биргина кеча топганимизда микроблардан то-

залаган оташ каби, иккимиздаги барча мараз микробларни, барча зарарли хаёл унсурларини ёқиб йўқотган, бу бўҳронлардан қутулган бўлардик.

Шунда менга жуда одилона кўринган бу пинҳоний фикр Афифани йўлдан оздириш учун қаттиқ орзу уйғота бошлади. Ҳаётий тажрибаларимга кўра, хотин деган махлуқни, назаримда, ипидан-игнасигача ўрганганим учун бу иш унчалик қийин бўлмаса керак деб ўйладим. Айниқса, неча йиллардан буён ишқ оташида қовурилиб, қаршилиқ кўрсатишга мажоли қолмаган Афифани гаҳ деганда қўлга қўндиришим мумкин эди.

Лекин тўрт-беш дақиқадан кейин емакхонанинг хира нурлари остида Афифанинг юзларида кишини алдайдиган ялтироқлик йўқ бўлди ва у кўпчилик ичида яна униққан ва хуркак қишлоқи аёлга айлангач, менда ҳам янгидан ахлоқ инқилоби содир бўлди.

Салимбейни, катта опани, Миласдаги уй деворларини тўлдирган оилавий суратларни кўз олдимга келтирар эканман, Сқлавакиларнинг бадбахт ва фақир қизи ҳақида ўйлаган ёмон ўйларларимдан уяла бошладим.

\* \* \*

Кунлар ўтаверди. Ора-сира Истанбулга жуфтак ростлаб турдим. Бир гал ҳақиқатан ҳам пароходга кеч қолганим учун кўшкка қайта олмадим ва кечани беҳуда ўтказмаслик учун оғайниларим билан кайф-сафо қилдим. Лекин тунда яширин уйимга олиб борган таниш бар артисткасини тўшакда қолдириб, саҳар-мардондан Ускудорга чопдим.

Бир қарашда Афифа билан муносабатимизда андиша қиладиган ҳеч нарса йўқдай эди.

Онамнинг ёнида ва, ҳатто, тўрт-беш дақиқа ёлғиз қолган вақтларимизда у тамомила олдинги осойишта ва мақбул Афифа эди. Масаланинг муҳими менга айтиладиганини айтишдан иборат бўлгандай ва бу ишни

қилгандан сўнгра барча изтиробларидан қутулгандай кўринарди.

Хуллас, эҳтиёткорона хатти-ҳаракат қилиш шарти билан ҳафтадан эсон-омон ўтишимга қатъий умид қилардим. Аёл иззат-нафсига ҳақиқатан ҳам оғир бо-тадиган ўша кечадаги муомаламдан хафа бўлмагани мени қувонтирган бошқа жиҳат эди. Акс ҳолда, не-чоғли уринмасин, ўзини тутолмай қолиши, асосан, асаблари таранг бўлгани учун ҳам, жуда бўлмаганда, бир боқиши, бир ҳаракати билан ўзини фош қилиб қўйиши мумкин эди.

Уфқда ҳеч қандай хатар кўринмаётгани меҳмонга навозиш кўрсатишимни осонлаштирар, ҳатто, бу ишни бироз завқ-шавқли ҳам қиларди. Ишлар кўнгила-дагидай бораётганди. Кундузлари онамни ёнимизга олиб, боғда бироз саёҳатлар қилардик. Саёҳат деяп-ман, чунки қаровсизликдан ёввойи ўрмон ҳолига туш-ган бу боғда бир-бирига ўхшамаган жойлар майдонга келганди. Масалан, орқадаги қалин дарахтзор ораси-даги атрофини чирмовуқ ва янтоқ босган майдонча-ларда, ҳовуз бошида, Чамлижа тепаларига қараган шийпонда ёки Бўғозга қараган айвонда киши бошқа ўлкалар ва минтақаларга бориб қолгандай бўларди.

Афифа билан онам бир-бирига ёпишиб олган опа-сингилга ўхшаб қолишди. Бир-биридан бир қадам ҳам нари кетишмасди. Онам, ҳатто, уйқусираган вақтла-ри ҳам унинг қўлларини кафтлари ичида иситар, узун сочлари, қулоқлари, бошини силаб-сийпар, у бўлма-ган чоғлари беҳаловат бўларди.

Мен кўпинча уларнинг олдида ерда ўтирар ёки уза-нардим. Суҳбатларимиз болаларча содда ва қувноқ бўларди.

Фақат рўйи-рост гаплашарканмиз, онам тортқилаб қизартирган қулоқлар, қўллари билан силаб-сийпаган сочлар, бармоқлари билан тортқилаган дудоқларни ўйнаш истаги дабдурустдан ичимда хуруж қила бош-лади.

Ўша лаҳзаларда Афифининг биринчи кундаги хатарли ҳолдан кейин аста-секин Миласдаги ҳолига келган юз-кўзлари бошқача кўринар, манглайи, кўзлари, бурун катакларидagi нурлар кўпайгандай кўринарди.

Унда тушуниб бўлмайдиган бир хусусият пайдо бўлганди. Нигоҳларимдаги ўзгаришни шу лаҳзадаёқ сезиб, чўчиброқ бошини кўтарар, мендаги жами ахлоқий ва дўстлик иддаосини йўқ қиладиган ўша ғалати журъат билан кўзларимга тикиларди. Шу ондан эътиборан яна болаларча сўзлашишда давом этардик. Лекин, ақл-идроким беихтиёр бу мавзудан чекиниб, яна пинҳоний файласуфона ўйларга ботардим:

– Фазилат, ахлоқ, ор-номус, билмайман, яна нима-лар... Кўп яхши, лекин бунчалик қисилиб-қимтинишга арзийдими? Шунча йилдан буён бир-биримизни шунчалик хоҳлаётган бўлганимиздан кейин бу саросима, бунчалик қайсарликнинг нима кераги бор? Балки, бу аёл салгина имо кутиб ёнаётгандир ва ўзини касал қиладигандир... Менинг ҳеч тузалмайдиган бир аҳмоқлигим борлиги аниқ.

Олдин ҳам айтганим каби, ўттиз бешга яқинлашиб, энди ёшлиги ўта бошлаган деб ҳисобланадиган бир содда аёлни севиш ва муносабатларимиз ҳалиям давом этаётганини кўриш дастлаб ғуруримга тегиб кетганди. Аммо энди бунинг учун ҳам узрли сабаб топгандим.

– Ишқ деган нарсани, аслида, ғўр болалар ва аҳмоқларга чиқарган, – дер эдим. – Бунинг Афифининг шахсига алоқаси йўқ. Мен кимга ошиқ бўлсам, яна ўзимни камситилгандай сезиб, хижолатга тушаман. Ҳозир бўлса, Афифани фақат хоҳлайман, холос. Ёнида бўлишдан лаззатланаман. Бинобарин, бунинг ҳеч қандай уяладиган жойи йўқ.

Шу билан бирга, бу фасод фикрлар фақат хаёлимда ғужғон ўйнар, Афифани йўлдан оздириш учун ташаббус кўрсатишни ақлимга сиғдира олмасдим.

Ҳа, бу йўлдаги биргина ташаббус, балки, Афифанинг касаллигини даволайдиган энг зўр эм бўлиши мумкин эди. Лекин бу хотин зоти ғаройиб махлуқ-да. Ҳар нарсани ширинлигида тарк этиш кераклигини билишмайди. Бу можародан кейин, балки, яна кўзларини юмиб, хомхаёлларга берилиши ва ўзини олдингидан ҳам бадбахт ҳолатга тушириши мумкин.

Бир куни пешин вақти онам Афифа қоғоздан ясаб берган елпигични боладай ўйнаб, бошини стул суянчигига қўйганча, ухлаб қолди. Уни безовта қилмаслик учун овозимизни борган сари пасайтириб, имо-ишора билан гаплашишга ўтдик.

Яқиндан кўз уриштиришлар, лабларимизни қисиб-қимтишлар, шивирлашлар учун сарф қилаётган куч-ғайратимиз суҳбатимизга сирли келишув тусини берди. Бу кўпам масъум бўлмаган хатти-ҳаракатлар бизда, ғайриихтиёрий равишда, биргалашиб айб иш қилиш ҳиссини уйғотар ва аста-секин ғаламисликка ундарди.

Бу хатарнинг олдини олиш учун оёққа қалқдим ва Афифани баланд овозда бемалол гаплашиш мумкин бўлган томонга бошладим. Лекин бу ерда ҳам бизни бошқа хатар кутиб турган экан.

– Миласда ўғлингизни соғиниб қолмайсизми? – дедим. – Неча йиллардан буён бирга яшашга ўрганиб қолган бўлсангиз.

Бу саволдан пешам Афифага оналигини эслатиб қўйиш эди. Шу лаҳзаларда боласи ҳақида сўзлаш бизни янада солим ва покиза тушунчаларга йўналтиришидан умид қилгандим.

Лекин у, гап унга мутлақо алоқаси йўқ нарса устида бораётгандек, фақат елкаларини учирди ва жавоб бермади.

Саволимни бошқача шаклда такрорлаганимда эса, осуда овозда:

– Неча йиллардан бери бола кўзимга кўринмайди, – деди.

Бу гапни эшитиб, бирдан даҳшатга тушдим. Бир хотиннинг ўз боласи ҳақида шу йўсинда гапириши, ҳарқалай, жуда даҳшатли нарса эди ва, янада ёмонроғи, Афифа буни ҳис қилмаётган эди.

Биринчи кеча юз берган бўҳронга ўхшаш ҳолдан чўчиб, юзига боқдим. Йўқ, юз-кўзини бирданига кучли ғам босганига қарамай, тинч ва осойишта эди:

«Неча йиллардан бери бола кўзимга кўринмайди».

Ўзим билмаган ҳолда, неча йиллар мобайнида бу бечора аёлнинг қалбини нечоғлиқ вайрон этганимни, тахминимча, бу оддий эътирофдан яхшироқ кўрсатадиган нарса бўлиши мумкин эмасди.

Кичкина Сқлаваки дастлаб отаси билан бўлган ихтилоф қурбони бўлган, отасига нафрат беихтиёр болага ҳам ўтган ва бола назардан тушган эди.

Отасининг ўлиmidан сўнгра она-ўғил топишганидан кейин ҳам, аксига олиб, ораларига яна бир бегона кирган ва Афифа ўғлига негадир оналик меҳрини кўрсата олмаган, бола унинг ёнида есир бўлиб қолаверган.

«Болам кўзимга кўринмайди».

Биринчи кечадаги эътироф каби, буни ҳам жавобсиз қолдиришнинг иложи йўқ эди. Қирқ-эллик қадам нарироқда тебранма стулининг четига бош қўйиб, болалардай ухлаётган онамга гоҳ-гоҳ кўз ташлаб, ярим соатдан кўпроқ шивирлашиб гаплашдик. Кейин ёнимизга болалар келишди, уларнинг шовқин-суронидан уйғониб кетган онам кўзларини очиб, бизга жилмайиб, ишора қила бошлади. Арзимаган нарсалар ҳақида гаплашаётгандек, сўздан тўхтадик. Шу куни, эртасига, индинига ва кейинги куни ёлғиз қолган вақтларимизда ҳеч қандай муқаддима қилиб ўтирмай, сўзни келиб қолган жойидан бошладик ва айти соддалик, беғуборлик билан давом эттирдик.

Ҳовуз бўйидаги диванларда ёки кўшк олдидаги шағал тўшалган йўлкаларда гаплашаётганимизни янгалар ва бошқалар узоқдан ёхуд деразалардан

кўришарди. Ора-сира уларнинг саволларига жавоб бераркан узилган, ёнимиздан биров ўтганида вақтинча тўхтаган бу суҳбатлар чоғида ўрта яшар ва осойишта атворли бу хотиннинг менга нималар сўзлаши мумкинлигини билмоқ учун авлиё бўлишнинг ҳожати йўқ.

Хасталик соддадил ва осойишта Афифада нақадар фаройиб ўзгаришлар, нақадар кутилмаган янгиликлар вужудга келтирган эди. Ақлий такомилга эришган ва ўқимишли кишилар каби ўзини идора ва таҳлил қилишни билмас, фикрларини ўқиган китоблардан олинган кўчирма гаплар билан янада таъсирчан шаклга киритишни эплай олмасди. Фақат бечоранинг теран суратда ағдар-тўнтар бўлган хаёлот ва ички дунёсидаги катта ўзгаришлар юз-кўзидаги ифоданинг яланғочлиги, кўримсизлиги остида янада яққол кўришиб турарди.

Энди бу ҳикоялардан англашимча, Афифа ўша вақтлари ҳам менга кўрингани қадар бепарво бўлмаган экан. Ҳатто, Черков маҳалласи қизларининг нуқул менинг юз-кўзим ва оҳанжама галстукларим ҳақида гапиришлари натижасида ўша оташ кечасида мени кўргиси келганини, юриш-туришимни пинҳона ўрганиб, хулосалар чиқарганини, лекин ҳадеб атрофида ўралашганимни ёшимга ярашмайдиган даражада шилқимлик ва сурбетлик деб ўйлаб ранжиганини, яъни ўша кечадан бошлабоқ мен ҳақимда ўйлай бошлаганини эътироф қилганди.

Кейин, отам ва онам билан уларникига келиб-кета бошлаганим ва хаста ётган вақтларда анчагача мени боримдан кичикроқ бола деб ўйлаганди.

– Шу қадар бола эдингизки, – дерди, – баъзан ёноғингизни, бошингизни силаш учун беихтиёр қўлларимни узатардим. Бир куни хилватда қолиб, ножўя иш қилиб қўйишдан кўрқадиган бўлиб қолгандим.

Юз-кўзимни, сўзлашларимни ёқтирар, боласи улайганда менга ўхшашини хоҳлар эди.



– Дастлабки вақтлари бошқача қарашларингиз ва гап-сўзларингиздан тез-тез гумонлана бошладим, – деди. – Лекин бу шубҳа узоққа бормасди. Кичкина бола ҳақида бунақа гаплар ўйлаганим учун ўзимдан уялардим.

Меҳмон докторга рашиқ қилиб йиғлаганимни кўрганидан кейин гумони кучайган. Аммо ҳалиям амин бўлмаган. Хуллас, қишлоқда, уни севишимни айтиб йиғлаган кечагача, негадир, бир хулосага келолмаган.

Шу билан бирга, у ўзининг мени қачондан сева бошлаганини ҳам, негадир, ҳеч билолмаган. Ниҳоят, буни тушунганидан кейин ҳам севгиси қандай давом этгани ва зўрайганини ўзи ҳам сезмаган. Эри ва акасининг вафоти, катта опанинг хасталаниши сингари мушкул даврларида ва, ҳатто, баъзан ғам-ташвиши бўлмаган дамларда мени кўп ҳолларда эсидан чиқаргандай бўлган. Аммо, кўп ўтмай, савдо яна қайталаган ва олдингисидан ҳам кучлироқ йўсинда давом этган.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетган бўлса-да, мени унутолмаётгани ва турли-туман сабаблар билан мени эслайверишига эътибор қилган катта опа бир куни:

– Ҳой қиз, сен бу болани асло севмаслигинг даркор, – деб ўдағайлаган.

Бу гапдан кейин Афифа тўсатдан ҳўнграб юборган.

– Мен қаердан билай опа, ҳеч эсимдан чиқмаётир, – дея унинг бўйнига осилган.

Афифа ўша кундан эътиборан сирдош дўстига айланган опасига нелар деганини менга айнан айтиб берди, пировардида аччиқ-аччиқ кулимсираб:

– Кўрмаяпсизми Муродбей, мен энди нақадар ахлоқсиз бўлдим? – дерди.

Ҳақиқатан ҳам Афифа Сқлавакиларнинг барча принципларини поймол қилганди. Бечорада бу принциплардан фақат бир нечта инстинкт қолганди, холос. Чунончи, мени севишини очиқ айтган вақтларида ўша қишлоқдаги кечада қилганидай, беихтиёр уяганини кўрсатадиган ҳаракат қилар, қўлларини боши-

га кўтариб, ҳозир бошида бўлмаган ипак ёпинчиги билан юзини бекитмоқчи бўлар эди.

Яна боласига нисбатан унда ғалати ҳиссиёт бор эди. Бир куни унга, балки ёрдамим тегиб қолар деб, кичик Сқлавакини мен билан таништиришни сўрадим. Шунда у асабийлашиб: «Йўқ, йўқ... У билан юзма-юз бўлишингизни истамайман... Бу айб иш, ёмон иш!» деди.

Тўғриси айтганда, ўша кунларда менинг ўзим фирт ахлоқсизга айлангандим. Афифанинг зоҳирий осойишталигига алданганим ва янги бўҳрон таҳликасидан кўрқмаганим учун, дардини кавлаштиришдан завқ олардим.

Масалан, унга: «Демак, мени шунчалик кўп ўйлаган экансиз-да?» тарзида савол берган чоғимда «Ҳа» деган жавобини етарли деб топмас, ишқининг даражасини билдириш учун кўлларини кўксига қўйиб: «Яна шунчаликки!» деб айттирардим. Шунинг эътирофи қилишим керакки, унчалик кераги бўлмаган бу саволни беришдан мақсадим, негадир, менга жуда ёқиб қолган бу сўз ва ҳаракатларини такрорлатиш эди, холос.

Сўнгра унга ишқининг тарихини сўзлатиб, қизиқиш ва худбинлик эҳтиёжимни қондирардим.

Ниҳоят, очиқ-ойдин кўриниб турган бир ҳақиқат бор эдики, бир вақтлардаги хасталигимнинг қонимдан тамомила фориғ бўлмаган оташи ва эҳтирослари оғушида бу аёлни хоҳлаётгандим. Бу истак вақт-вақт уни менга, балки, олдингисидан ҳам жозибалироқ кўрсатиб, ичимда ситам қилиш майлини уйғотар, мени кўрқинчли қарорлар томон етакларди. Лекин кейинроқ шаштимдан тушиб, бечора хастага нисбатан ўйлаган хаёлларимнинг даҳшатидан чўчиб кетардим.

### III

Кетишига икки кун қолганда Афифада яна тушкунлик ва асабийлик аломатлари кўрина бошлади. Айтилаётган гапларни чала эшитар, ора-сира бармоқлари

билан чаккаларини босиб, боши оғриётганидан шикоят қилиб қоларди.

Янада ёмонроғи, Афифининг ғалати паришонхотирлигини бошқалар ҳам сеза бошлаганди.

Охирги кун содир бўлиши мумкин бўлган воқеадан хавотирланаётгандим. Уни пароходгача кузатиб қўйиш керак эди. Хайрлашув, афтидан, жуда оғир бўлиши таъин. Мен билан видолашаркан, яна тутқаноққа тутилиб, бўлмағур ишлар қилиши жуда мумкин эди.

Онам Афифани пароходгача кузатиб қўйишни кўнглига тукканди. Уни кечки рутубат ичида бандаргоҳга, соҳилга олиб бориш ҳеч мумкин эмас. Лекин Афифадан бошлаб, барчамиз бир оғиздан бунинг иложи йўқлигини тушунтирсак-да, қайсарлик билан икки оёғини бир этикка тикиб олди. Аввалига ҳар биримизни четга тортиб, алоҳида-алоҳида ялинди, бу ўзининг охирги орзуси ва васиятига ўхшаш нарсаси эканини айтиб, кўнглимизни юмшатишга уринди. Уддалай олмагач, пўписага ўтди. Севган кишисига беришмагани учун жаҳли чиққан ёш қиздай йиғлай бошлади, ҳолига қарамай қочиб кетишини ва бизлар билан юз кўрмас бўлишини айта бошлади.

Бир вақтлар Сқлавакилар бола-чақаси билан бирга уни туманли тоғ бошига қадар кузатиб чиқишганди, энди у ҳам уларнинг қизини, ҳеч бўлмаса, Бандирма пароходига қадар кузатмаса бўлмайди-ку.

Онам энди масофа ва замонни қориштириб юбораётгани учун, заифлашган хотирасида Миласдан ярим соатлик йўлдаги Монастир тоғи этаги туманли тоғ боши бўлиб кўринаётган, Афифани ёлғиз жўнатиш, ким билади, унга нақадар катта виждонсизлик бўлиб туюлаётган эди.

Кўндира олмаслигимизни тушунгандан кейин уйдагилар гапни бир жойга қўйдик. Душман самолётлари олдимиздаги бир-икки кеча ичида Истанбулга ҳар вақтдагидан шиддатли ҳужум қилишига оид ёлғон хабар тўқидик.

Онам ҳаёт билан ўлим орасида энди фарқ кўрмаётганини доимо такрорлаши билан бирга, самолётлардан қаттиқ кўрқар, маҳалла қоровуллари эшикни очиб, «келишяпти!» деб хабар берди дегунча, уй ертўласига ҳаммадан олдин қочарди.

Акамга келтирирган ёлғон телеграмма ҳам бу хабарни тасдиқлагач, қайсарликни кўйди, лекин бунга муқобил равишда Афифанинг кетишидан бир кун олдин у билан аравада сайрга чиқишни истаб қолди.

Пешинга яқин уларни акамнинг иккита кичик қизи билан аравага миндирдим. Кузғунжуқ орқасидаги йўлдан Қисиклига қадар олиб бордим.

Осуда оқшом вақти эди. Одатдаги кунлардан бири бўлишига қарамай, кўча-кўйда ва атрофдаги дарахтзорларда тез-тез юнон ва армани оилаларига дуч келардик. Йўлимизнинг устида бир Аязмага\* бир тўда кишилар кириб чиқаётганини кўриб, қандайдир байрамга тўғри келганимизни тушундим.

Анча олдинроқда, Қисиклидаги казинолар ёнида турли-туман ҳайинчаклар, отўйинлар қурилиб, байрам томошагоҳи ташкил қилинган экан. Ясаниб олган камбағал савдогар оилалари казино столлари устига тортган дастурхонлари атрофида ўтириб, ичкилик ичиб, таом тановул қилиб, вақтичоғлик қилишар, катта-кичик болалар ҳайинчаклар атрофида ғужғон ўйнаб, байрам қилишарди.

Зотан, йўлимизнинг охирига келганимиз учун аравани тўхтатдик ва казинолардан бирининг кўча устидаги айвонига ўтиб, стол атрофига жойлашдик.

Теварагимизда патефонлар, шарманкалар чалинар, энгларини шимариб олган оталар рақи ичиб, таом, салат тайёрлаётган аёлларга кўмаклашар эдилар.

Оилавий бўлиб туркча мусиқани эшитиш, қирда сайр қилиш ва, айниқса, хотин-қизлар ва болалар би-

---

\* Аязма – Туркиядаги грекларнинг муқаддас булоқли зиёратгоҳи.

лан бунақа ярмаркаларга боришни у вақтларда хуш кўрмасдим. Ҳатто, кўчадан ўтган-кечганлар орасида бир таниш чиқиб қолар, деб бу ерда ўтиришга иккиланган ҳам эдим.

Лекин, негадир, бу казинода ҳеч сиқилмаётгандим. Иссиқ бўлишига қарамай, ҳаводан, атрофимиздаги дарахтлар, майсаларнинг рангидан, аста-аста ботаётган куёшга нисбатан ҳаракатсиз кўринган туман пардаси ёйилган тепалардан енгил куз нафаси уфурарди.

Кўчага чиқиб, қўлтиқлашганча сайр қилаётган, орасира патефон ва шарманкадан таралаётган куй оҳангига мос равишда тепиниб, рақс тушаётган, ҳавода учган ҳайинчақлар атрофида йигитлар билан кулишиб, ҳазиллашаётган қизлар менга узоқдан Черков маҳалласи оқшомларини хотирлатарди.

Ниҳоят, тошлар орасига ёқилган оловда кабоб пишираётган кекса дудунинг қишлоқича талаффузда:

– Қиз, чочиқни опке, чочиқни, – деб қичқирishi мени тамомила мозийга етаклади.

Қалбимда кўпдан бери ҳис қилмаган ширин ва бегубор ғусса билан теварақдаги қизлар орасидан Стематулани, Ринани, Мариянти ва Пичани қидира бошладим. Тугмалари солинган камзули, тақир боши ва шопмўйловлари билан оқсоқол Лефтер афандига ўхшаш кекса юноннинг рўпарасида менга орқа ўтириб ўтирган қора кийинган, қотма аёлдан кўзимни узолмаётган, ўтирилса, Варвара Дудунинг ҳорфин, қонсиз юзини, юзига ёпишган тугмадек бурнини кўрсам керак, дея ҳаяжонланардим.

Вужудимни хаёллар бутунлай қамраб олди. Шунчаликки, аввалги болаларча туйғуларим, беқарор қувончларим, ғуссаларим, умид ва умидсизликларим такрор уйғонганини ҳис қилаётгандим. Бироздан кейин улардан фақат Афифага бўлган ишқим қолди. Варвара Дудунинг оппоқ батист дарпардалари орқасида тонг оқарар экан, ўй-фикрим унда бўлган ҳолда тўсатдан уйғониб кетган ўша куз, уни кўргани борадиган кун-

ларнинг қувончи, қуёш тиги остида кўчаларда учратган вақтимда ёпинчигининг шаффоф ёноқларида титраган нуқталари, сўнгра қишлоқда йиғлай-йиғлай унга севги изҳор этган вақтимдаги боқишлари...

Ҳаёт менга муқаррар равишда кутганимдан кўп нарса берганди. Аммо у вақтдаги тушкун ва умидсиз аҳволимга қарамай, тасаввур қилган истиқболимнинг бошқа бир нарса эканини англаб, йиллардан бери биринчи марта нохуш, алданган ва истаганига эриша олмаган киши ҳиссиётини бошдан кечирардим.

Бу лаҳзаларда, ким билади, Афифага қандай назар билан қараётган эдимки, у ҳам бошини кўтарди ва кўзларини пирпиратиб, юзимга боқа бошлади.

Болалардек қувониб, атрофидаги шарманкаларга, кулишиб, қичқиришиб кечки таомини еяётган кишиларга қараётган онам бехосдан:

– Бу энди охири, шундай эмасми? – деб қолди.

Юрагим бирданига орзиқиб кетган бўлса-да, ҳеч нарса тушунмагандай:

– Ниманинг охири, она? – дедим.

У кўзларини қисиб, кулимсиради.

– Энди яна бир марта бундай бирга бўлолмаймиз.

Сизлар кўришишларингиз мумкин, лекин орангизда мен бўлмайман.

Кулишга уриндим. Сохта хушнудлик билан, ким билади, нималар дедим ва болаларга ҳайинчакларни яқинроқдан кўрсатишни баҳона қилиб, оёққа қалқидим. Лекин шуни ҳис қилардимки, бу фақат унинг учун эмас, ҳаммамиз учун ҳам интиҳо эди. Турли-туман нозик ришталар ва севги туфайли бир-бирига боғланган бу уч киши бироздан кейин тугайдиган кун билан баробар бошқа-бошқа йўлларга кетадилар ва қайтиб топишмайдилар.

Отам билан онамни Милас тоғидаги булоқ бошига қадар кузатган кечада бошимдан ўтказган бўҳрон шунча йилдан кейин бу оқшом мени яна бир карра йўқлади. Лекин бу галгиси, биринчиси сингари, жўя-

ли бир заруратга асосланмаган, шунчаки бир туйғу эмасди. Онам ўша кечадан кейин, гарчи бир неча йил яшаган бўлса-да, аммо Афифа кетгандан кейин у билан ўзимни бир-биримизга бунчалик яқинлаштирган онларни қайта бошдан кечирмадик ва, айниқса, бир-галикда кезганимизни ҳечам эслолмайман.

\* \* \*

Қуёш ботай-ботай деб қолганди. Одамлар аста-секин тарқалар, шарманкалар ҳар вақтдагидан кучлироқ чалинар, болалар сариқ, қирмизи этакларини ҳилпиратганча қайиқ ҳайинчакларда ҳар вақтдагидан баланд учишарди.

Бизнинг болаларнинг ҳайинчакларга ҳасрат билан қараётганини кўрган Афифа:

– Хонимафанди... рухсат берсангиз, болаларни бир марта учирайлик, – деди.

Ҳар нарсага қизиқадиган онам дарҳол қатъиян рад қилди. У, ҳатто, бегона болаларга ҳам бунақа хавфли эрмакларни раво кўрмасди. Бизга омонат қилинган болаларнинг бошига бир бало тушса, нима деб жавоб қилган бўлардик?

Бироз нарироқда байроқлар билан безатилган чодир тагидаги отўйин охирги сафарга ҳозирланаётган эди. Оналар каттароқ болаларни бошлари, қуйруқлари қўпган ёғоч отларга, кичикларини аравачаларда ўтирган акаларининг олдига миндиришга шошилаётган эдилар.

Кўп ўринларнинг бўш қолганини кўрган отўйин эгаси кўлидаги кўнғироқни чалиб, «келинглар, пароход сўнгги сафарга чиқяпти!» деб бақирар ва илова қиларди:

– Сўнгги пушаймон, ўзингга душман, бугун бор, эртага йўқ...

Астагина ҳаракат бошлаган отўйинни Афифа бирданига тўхтатди. Онамга:

– Хонимафанди, рухсат берақолинг, – деди, – қолаверса, бу охириси... эртага йўқ...

Шундай дегач, жавобни кутиб ҳам ўтирмай, болаларни астагина олдимиздан ўтаётган бўш аравачага чиқарди.

Болалар узоқ сафарга кетаётгандек, орқаларидан кўлларини силкитар, севинарди. Кейин менга ўғирилди:

– Қаранг, жуда хурсанд бўлишди, Муродбей, – деди.

Аммо бирдан сўзини ўзгартириб:

– Энди биз учун эрта йўқ! – деди ва йиғлай бошлади.

Кўзёшларини онамга кўрсатмаслик учун олдинроққа борди, ҳадеб ёнимиздан ўтаётган болаларни ушлаб олмоқчи бўлгандек, қучоғини очарди.

«Энди биз учун эрта йўқ!»

Бу бир вақтлар бир романдан олган, дарднок чоғларимда доим такрорлайдиган машҳур жумла эди. Бу гапни Афифага мен айтганмидим ёки айна вақтлари ўқиган романидан фаройиб тасодиф натижаси ўлароқ ўзи топганмиди?

Аниғи шуки, Афифа бу жумлани ўн йилдан кейин айна оҳанг ва айна кўзёшлари билан такрорлаётган эди.

\* \* \*

Қайтишимизда йўллар тирбанд бўлди. Кичик болаларини, кўза каби, елкаларига ўтқазган оталар, сават кўтарган аёллар, ҳасса таянган чоллар, мандолина чалиб бораётган йигитларнинг орқасида гуруҳ бўлиб кетаётган ёш қизлар ва болалар...

Аравамиз бировга шикаст етказмаслик учун гоят секин кетиб борар, ўзимни бу халойиқ орасида болалигимдаги Черков маҳалласининг бўйлари ва саслари ичида сузиб бораётгандек ҳис қилардим.

Олдимиздан бир неча арава чиқиб, йўлимизни тўсгани учун бир жойда анча туриб қолдик. Бу келаётганимизда кўрганимиз аязма эди.

Эшик олдидаги стол орқасида турган ориқ хотин икки қўлидаги шамни силкитганча, мижоз чорлаётган эди.



Урушдан кейин Истанбулнинг ёритиш масаласида энг қийин аҳволда қолган бир даври эди. Стол устидаги қаламдай ингичка шамларни кўпам сотиб олишмас, художўй кампирлар узокдан дуо қилиб, ўтиб кетишарди.

Афифа ҳеч нарса демай, аравадан тушиб, шам турган стол томонга юрди. Пул олиш учун сумкасини очганини ва кавлаштирганини кўриб, мен ҳам орқасидан бордим.

Салдан кейин у олдинда, мен орқада булоқ жойлашган черков биноси ичига кириб бордик.

Афифа кекса чолни кўлидан ушлаб олган бир аёл билан гаплаша бошлади. Мен унинг кўпдан бери унутганим юнонча сўзлаш оҳангига қулоқ солганча, черковнинг қуюқ ложувард кошинлар қопланган деворларига туширилган миниатюраларни томоша қилавердим.

Аязма гумбази ичида уфураётган қўланса моғор, тутатқи ва қандил мойи ҳидлари нафасимни қайтарар, мени ора-сира енгил йўталтирар эди.

Бошимни ўгирган заҳоти Афифанинг туриши менга бирданига уни Миласдаги черковда биринчи бор кўрган кечани эслатди.

Деворга суянган, елкаларини бироз қисган ҳолда, бошини тепага кўтариб турарди. Ёпинчиғи елкаларига сирғалиб тушган, пешонасининг ўртасига тушган бир тутам сочи кумушдай ялтирар эди. Авваллари ҳам кумушдай ойдин кечаларда сочларининг орасида оқ толалар борлигини кўрган эдим. Энди оқ сочлар бироз кўпайиб, бир тутам ҳолига келганди. Бироқ, шунга қарамай, чеҳраси Милас черковидаги чеҳранинг ишонилмайдиган даражада айни ўзи, ҳатто, ўша вақтдаги виқор ва сокинлигига қарама-қарши ўлароқ, юз-кўзидаги дардноклик уни янада ёшроқ кўрсатарди.

Девордаги боши нур чамбар билан ўралган аёл расми билан унинг юзидаги ифода орасида алақандай ўхшашлик борлигини сезгандек бўлдим.

Ажойиб, ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб тасодиф... Оташ кечаси билан бу кеча бир-бирининг айни ўзи деса бўладиган даражада ўхшаш... Бегона диннинг диний маросими ичида айни ҳолатда юзма-юз туриб-миз. Лекин орадан сон-саноқсиз ҳаяжонлар, бир-биримизга номаълум қолган изтироблар ва кўз ёшларига тўла ўн икки йил оқиб ўтиб кетган.

Икки тасодиф орасидаги ўхшашлик бу кечанинг ҳақиқатан ҳам сўнгги ва айрилишимизнинг олдини олиб бўлмайдиган тақдир тақозоси эканига мистик ишора каби кўринаётган, қандил мойи ва тутатқи ҳидлари нафасимизни бўғгани устига, энди кўзларимизни ҳам ачиштира бошлаган эди.

Афифанинг юзига янада қаттиқроқ тикилиб, юмук киприклари орасидан чаккаларига ёшлар оқиб тушаётганини кўрдим. Сқлавакиларнинг кенжа қизи бегона диннинг расмлари ва шамлари орасидан нима қидиряпти ва нега йиғлаяпти? Динлар бошқа-бошқа, лекин қайғу-аламнинг хамиртуруши айни, айни қонунга бўйсунган бир жинснинг айни алами...

Бироз олдин бу кўзёшларига фақат ўзимни сабабчи деб билаётгандим, лекин кейин бадбахт аёлнинг мен учун эмас, балки янада кучлироқ бир нарсанинг, бир ўтмишнинг алами учун кўз ёшлари тўкаётганини тушуниб етдим. Неча юз йил муқаддам Текиртоғ томондаги бир қишлоқдан чиқиб, Тракияда, Далмацияда асирлик уқубатларини тортган, кейин Критга бориб қолган биринчи Сқлавакиларни ўйладим, сўнгра айни умид ва аламлар ичра юксалиб, қисқа вақтдан кейин айни шаклда руҳиятларининг эҳтиёжлари қондирилмаган тарзда, қайси бири қон, қайси бири кўзёшлари ичида битта-биттадан тупроққа тўкилган сон-саноқсиз фарзандлари – Миласдаги уйнинг деворларини тўлдирган суратлар билан бирга – кўз олдимдан ўтди.

Келишган қорача юзи вақт-вақти билан тушуниб бўлмайдиган оташ ичида ёнган Салимбейни, ўзи билмай бол йиққан асалари сингари, қалби тўла меҳр-шаф-

қатни ўзи билмай атрофга сочган содда катта опани кўрдим.

Ўттиз ёшимга қадар нуқул муваффақият келтирган шамоллар менга берган материалистик дунёқараш у ер бу еридан дарз кета бошлади, неча йиллардан бери унутилган гумонлар ва ғуссалар уни ларзага келтира бошлади.

Ҳа, тахминимча, Сқлавакиларнинг кенжа қизи ўзи учун йиғлар экан, янада теранроқ ва кўҳнароқ бир нарса, абадиян вайрон бўлган ва тиклаш чораси топилмаётган бир олам учун кўзёши тўкаётганга ўхшарди.

Ғоят табиий бир иш қилаётгандек, Афифанинг қўлларини кафтларимнинг орасига олдим. У буни сезмаётгандек, юз-кўзида ўзгариш сезилмади, кўзларини очмади. Фақат қўларида оний титроқлар юз бераётганини сезардим. Диққат билан қараб, қўлимда ёниб турган шамдан бармоқларига томчилар тўкилаётганини кўрдим ва титроқларнинг сабаби шу эканини англадим ва узр сўрадим. У ёш тўла кўзлари билан менга қараб кулимсиради ва мен ҳеч қачон унутмайдиган бир назокат билан қўлининг куйган жойларини ўпа бошлади.

Аязмадан чиққан вақтимизда қоронғилик хийла қуюқлашган эди. Онам хавотир олаётган экан. Афифанинг юзидаги кўзёшларига эътибор қилмай:

– Болалар, қаерда қолиб кетдингизлар? Кеч қолдик. Тайёралар бостириб келса, кўча ўртасида нима қиламиз? – деб ташвишланарди.

#### IV

Ўша кечаси дастурхон устига барчадан кейин келган кичик келинойим стулига ўтирмасданоқ акамнинг ёнига бориб, қулоғига нималардир деб пичирлади.

Онам тўсатдан:

– Тайёралар... – деди.

Икки кун аввал уни Афифани кузатишдан воз кечтириш учун бу самолёт уйдирмасини ўйлаб чиқарган-

лар бир-биримизга қараб кулимсирадик. Аммо акамнинг:

– Хавотир олма, онажон... Улар ҳали анча узоқда, бемалол овқатингни еб ол, – деганини эшитиб ҳайрон бўлдик.

Болалар дераза томонга югуришди, ташқарида чи-роқлар ўчирилган эди.

Формасини чиқариб, эгнига оқ кўйлагини кийган лаҳзадан бошлаб бутун нуфузини йўқотган акам:

– Жойингизга ўтиринг... Чанокқалъадан бу ерга кел-гунича камида ярим соат ёки чорак кам бир соат ке-рак бўлади, – деб бақирди ва парво қилмаганларини кўриб, столга мушт урди.

– Жойингизга ўтиринг дедим сизларга!.. Бунақа тар-биясизлик кетмайди. Овқатингизни енг, вақт бор де-япман сизларга!..

Юқоридаги хоналарнинг чироқларини ўчириш ус-тидан назоратга оқсоч билан баравар масъул бўлган янгамдан бошқалари бу амрга сўзсиз итоат қилишди.

Акам таом устида беҳаловат қилишларини ёқтир-маслигини билганим учун анча-мунча латифалар ай-тиш ва вайсақилик қилиш билан дастурхон атрофи-дагиларни чалғитишга ҳаракат қилдим.

Лекин, аслида, ғалвани онам кўтараётган эди. Унга тез-тез овқат едиришга ҳаракат қилаётган Афифани койиб қўяр:

– Кўй қизим... Бундай вақтда томоқдан овқат ўтар-миди? – деб сўзланарди.

Сал ўтмай акамга тирғилди. Акам:

– Ким билди ҳали улар қаерларда? Овқатдан ке-йин бемалол қаҳва ичишга ҳам улгурамиз, – деганига қарши:

– Сенингча, шундайдир, – деди, – сенга қолса, қаҳва-дан кейин мириқиб ухлаб ҳам оласан... Бола-чақани тириклай ўтга ҳам ташлайсан... Билмайман, дунёни сув босса тўпифига чиқмайдиган сендай одамга кат-такон кўшинларни қандай ишонишган ўзи...

Шундан кейин тўсатдан оёққа туриб:

– Мен кетаман, – деди, – сиз не қилсангиз, ўзингиз биласиз...

Формасини ечганидан кейин нуфузи кетган акамнинг устига бу бало ҳам ёғилгач, унинг обрўси тамоман йўқ бўлди ва болалар қўлларига нон, сўлқим узумларни олиб, ўринларидан ирғиб туришди.

Акам ўтирган жойидан девордаги соатга қараб, ҳали камида ярим соат вақтимиз борлигини жиддий тарзда айтган ҳам эдики, узоқлардан замбарак товушлари эшитила бошлади.

Кичик янгам лампа чироқлар билан бирга ертўлада совқотмаслик учун болаларнинг пальтолари, бир нечта одеялларни айвонга чиқариб қўйганди. Бу одеяллардан бирига ўранган онам бошчилигида гуруҳ ертўлага йўл олди.

Ертўла каттакон хумлар, бочкалар ва турли-туман синиқ, эски ашёлар билан тўлиб-тошган кенг хона эди. Янгаларим одеялларга ўраб, катта чорпоянинг устига тизган болалар қўрқувдан чурқ этмай ўтиришарди.

Ёйлари чиқиб кетган чарм оромкурсида ўтирган ва совуққа ҳеч тоқати бўлмаган акам сийрак сочли бошини олиб келган сочиғи билан арта-арта, ҳеч қандай таҳлика йўқлигига, бомба юқоридаги қават-қават шипларни ёриб ўтиб, бу ерга тушоолмаслигига бизни ишонтиргандан кейин мудрай бошлади.

Қўмондонлик онамнинг қўлига ўтди. Янгаларимнинг таваллосига қарамай, жойида ўтирмас, эгнига ихром кийиб Арофат тоғига чиққан ҳожиларга ўхшаб, одеялга ўранганча, ертўланинг ичида у ёқдан бу ёққа бориб келар ва тинмай шовқин кўтарарди.

Тўплар ҳар вақтдагидан кучлироқ гумбурлаётганига ишора қилиб, бир орада акамга:

– Ҳужум жуда шиддатли бўлаётир, шекилли, – дедим.

У кўзини очиб, кулимсиради.

– Яқинимиздаги тепаларга бир нечта замбарак қўйилди. Гумбурлаётган ўшалар, – деди.

Акамнинг бепарволиги устига бунақа нописандлик билан гапиришидан онамнинг жаҳли чиқди. Кўп ўтмай ухлаб қолганини ва, ҳатто, сал-пал хуррак отганини кўрди дегунча, онам даҳшатга тушди. Бу уйқу таҳликани кучайтирадигандек, менга:

– Худо асрасин, ўғлим... Аскар дегани, чучвара тугадиган ошпазга ўхшаб, шунчалик ҳам беғам бўладими асти?!.. Жанг палласида ҳам шунақа ухлаганми-кан у? – деди.

Дарҳақиқат, оппоқ батист кўйлаги, бошига тўрт қат қилиб ўраган сочиғи билан акамда онам айтган ўхшатишга мос бир ҳол бор эди. Осойишта ва дарднок онамда кексалик қилган ўзгаришларни ҳеч қачон бу кечагидан кучлироқ ҳис қилмаганман. Бир шумтака болани эркалагандек, уни одеяли билан қучоқлаб, ўпар ва кулардим.

Онам ҳадеб акамни туртар ва сўрарди:

– Турсанг-чи, ўғлим... Кўрқмаяпсанми?

У, ким билади, қандай офир ташвишлар билан ўтказган кундан кейинги чарчоғи устига овқатдан офирлашгандан кейин, қандайдир, ўзини ўнглай олмасдан:

– Кўрқмай бўлармиди, онагинам? Кўрқаётирман, албатта, кўрқяпман, – деб жавоб берар ва яна мудраб қоларди.

Аввалига хавотирланаётгани учун ҳеч нарсанинг фарқига бормаётган онам бироздан кейин орамизда Афифанинг йўқлигини пайқаб қолди ва яна шовқин кўтарди:

– Бу хотинга нима бўлди? Бошига бир нарса келса, нима қиламиз? Бизга омонат бўлса... Ҳеч ичингиз ачимаяптими, болалар? – деб бақира кетди, чорасини топмасак, ўзи уни ахтаргани кетишини айтиб, бизга пўписа қила бошлади.

Мен ўрнимдан туриб:

– Онажон, ўзим уни топаман, зотан сигарета олиб келмоқчи бўлиб турувдим, – дедим.

Энди мендан хавотирлана бошлади. Ертўла зина-поясидан кўтарилар эканман, орқамдан:

– Энди сен йўқолмоқчимисан? Зотан, ҳаммангиз мени ўлдирмоқчисизлар! – деб бақирганини эшитдим.

Афифа яқин атрофда кўринмади. Пастдаги айвондан бир неча бор овоз бердим. Жавоб бўлмади. Кейин денгиз томонга қараган очиқ деразалардан бирига яқинлашдим.

Кеча зимзиё эди. Ора-сира Саройбурнида ва яна қаерда эканини билолмаганим томонларда тўпларнинг чақинлари порлаб сўнарди. Бир вақт у ёқ бу ёққа аланглаб, осма болохонанинг нақшинкор айвонида бир кўланкани, Афифанинг шарпасини кўрдим. Уйдаги-ларнинг ҳаммаси ҳодисанинг ҳақиқий таҳликасидан кўра кўринишининг янгилиги ва фаройиблигидан даҳшатга тушиб, саросима ичида ертўлага қочган бир вақтда ёш жувоннинг болохонага чиқиши ва очиқда кўрқмай туриши нимадан далолат берарди? Афифа таҳликани писанд қилмайдиган бўлиб кўринишдан вақти чоғ бўладиган хўжакўрсинчи ёки романтик саргузашт ишқибози эмасди.

Бояқишнинг бу ҳаракати билан бир вақтлар ҳеч қачон отилмаслигига амин бўлганим ўйинчоқ тўппончам билан ўзимни отишни машқ қилганларим орасида ўхшашлик кўргандай бўлдим. Уйимиздаги сўнгги кечасининг ғуссаси унда ўлим орзусини пайдо қилган ва тасодифий ўқлар ёрилаётган бу кечада очиқда туриш билан ўзини ўлимга ҳукм этгандай, аччиқ завқшавқ ҳис қиларди. Бундай руҳиятда бўлган кишининг ёнига бориш тўғри бўлмасди. Ҳатто, уни бу ҳолатда кўрганимни сезишини ҳам хоҳламай орқага қайтарканман, зинапоя бошида фикрим ўзгарди ва ойнаванд эшик ортидан тепага чиқиладиган бошқа пиллапоя томонга юрдим.

Шуниси ғалатики, болохонага биринчи марта шу кечаси чиқаётган эдим. Неча йиллардан буён уйнинг

меҳмони бўлган ҳолда, болохонага чиқиш эҳтиёжини туймагандим.

Юқоридаги деразалар ёпиқ бўлгани учун зинапоя қоп-қоронғи эди. Ёнимда гугурт ҳам йўқлиги учун девор ва тутқичларни пайпаслаб, юқорига чиқдим ва рўпарадаги эшик томондаги хира ёруғликка қараб юрдим.

Бир неча одимдан кейин тиззаларим тўшак ёки гилам ўрамларига ўхшаш бир нарсага урилди ва йиқилишимга оз қолди.

Эшикдан тор йўлакка ўтилар ва йўлак охирида Афифа турган осма болохонанинг эшиги кўринарди.

У шу қадар хаёлга ботгандики, тўп овозлари сийраклашиб, сусайганига қарамай, эшикка яқинлашганимни сезмади. Бир меҳмонхонадан ҳам кенгроқ бўлган болохона охирида, устунларни бир-бирига боғлаган ўймакор тахта суянчиқлар олдида кўларини – ўйчан ва ғамгин вақтларида доимо қилганидай – кўксига қовуштирганча, қимир этмай турарди.

Бирданига ёнига борсам, у ташқаридаги тўп товушларидан кўпроқ кўрқиб кетишини ҳис қилиб, узоқроқдан овоз бердим. Ҳеч қандай ҳайратланмасдан, қайрилиб қаради.

Болохонанинг оёқларим остида фикрлаган, чириган ва кўпган кошинлари устидан юриб, ёнига бордим.

Кўли билан тутқични кўрсатиб:

– Кўп яқин борманг, – деди, – тегсангиз, кўпадиган ҳолда.

Бошқа фикрга бормаслиги учун:

– Онам хавотир олаётир, Афифахоним, – дедим. – Ертўлада сизни кўрмагач, қиёматни қойимга келтирди. Сизни ахтариб келдим.

Жавоб бермай, кулимсиради.

– Бу ерда кўрқмайсизми?.. Ҳар ҳолда, хавфли бир жойдамиз. Бу ерга бир дайди снряд тушиб қолиши мумкин.



Яна кулди.

– Бўлиши мумкин, Муродбей...

– Хўш, самолётларни кўролдингизми?

– Бир ора бир сас эшитилди, аммо билмасам...

– Хавф ўтиб кетди, шекилли... Ҳойнаҳой, узоқлашиб кетишган бўлса керакки...

Сўзимни тамомлашга улгурмадим. Қулоғимнинг остида дейиш мумкин бўлган даражада яқинда бир тўп товуши гумбурлади ва ундан кейин бошқалари пайдар-пай гумбурлай бошлади.

Гумбурлаш товушлари шу қадар кучли эдики, тепамиздаги шип ларзага келиб, кошинлар устига бир нарсалар шитир-шитир тўкила бошлади.

– Қўрқманг, – дедим. – Акам яқинимизга тўплар қўйилганини айтувди, шулар бўлса керак... Шунга қарамай, хоҳласангиз, пастга тушайлик, мен ҳам ғойиб бўлганим учун онам ҳаммаёқни бошига кўтараётгандир.

Афифа:

– Сиз айтганча бўлақолсин, – деди ва остонадан ҳатлади.

У олдинда, мен орқада даҳлиздан ўтарканмиз, тўплар янада кучлироқ гумбурлай бошлади...

– Ҳақиқатан ҳам бу оташ кечаси, Афифахоним, – дедим.

Бирданига ўтирилди, тўхтади.

– Тўғри айтяпсиз. Оташ кечаси бу, – деди.

Сўнгра яна ўтирилиб, зинапоя томонга юра бошлади. Лекин икки қадам ташлагач, бироз олдин мен туртинган тўшак ёки гилам ўрамига қоқилди ва қаттиқ гандираклади.

Орамиз, зотан, узоқ бўлмагани учун шу заҳоти қўлларидан ушладим. Аммо икковимиз ҳам мувозанатимизни йўқотиб, йиқилиб тушмаслик учун, ўрамнинг устига ўтириб қолдик.

Мен дарҳол оёққа қалқдим ва:

– Ўтиб кетган бўлсин, Афифахоним, – дедим. Шундай деркан, кула бошладим.

Лекин у на жойидан жилди, на жавоб берди.

– Бир гап бўлдими? – деб сўрадим.

Яна жавоб йўқ.

– Бирон жойингизга шикаст етган бўлмасин яна?

Эгилиб савол берарканман, туйқусдан қўларини кафтларимнинг орасига олдим. Оловдек ловулаётган бу қўлларни, қандайдир, қўйиб юборолмадим. Астагина ёнига чўкдим. Аввалига қўлларимиз бир-бирига текканди, энди боши ёноқларимга сурканиб, кўксимга тушганини сездим. Оловдек ёнаётган кафтлар ҳозир қўлларимни сиқарди.

Калламга бир фикр келди: «Шунча йиллар ўртаниб истаган Афифа кучоғимда...»

Қоронғида на юз-кўзини, на бошқа жойини фарқ қилолмай, бу гапни ичимда такрорларканман, бир вақтлар деразадан тушаётган қуёш нури остида шаффофлашган юзлари, кўчада ёпинчигидан ёноқларига тушган нуқталар, қоронғида юз териларидан нур сизиб чиқиб, ялтиратгандай туюлган чехраси бирин-кетин бостириб келаётган лавҳалар ҳолида кўз олдимда намоён бўларди.

Қандай ҳаракат занжири ҳалқаси ичида қолганимни изоҳлашдан ожизман. Афифа сониядан сонияга кучоғимга қаттиқроқ кириб борар, вужудининг бутун оғирлиги билан тиззаларимнинг устига тушар, юзи юзимга, кўкси кўкрагимга ёпишар эди.

Энди ҳеч қандай тушунча, ҳеч қандай тўсиқ ва куч бизни ажрата олмайдиган ҳолга тушгандик. У ҳеч қандай овоз чиқармасдан, қимир этмай, ўзини қўйиб берганди. Шу билан бирга, ожирги лаҳзаларда савқи табиий эҳтиёжи билан бир неча марта енгил қаршилиқ кўрсатишга уринганини ҳис қилдим. Шу холос...

\* \* \*

Пастга тушган вақтимда эсанкираган бир ҳолатда эдим. Уни болохонада ёлғиз ташлаб кетишим ҳам муқаррар равишда шу эсанкирашнинг натижаси эди.

Афифа энди ёнида қолишимни истамаган, қўллари билан юзини бекитиб: «Кетинг, хокипойингиз бўлай, кетинг!» деб ялиниб йиғлаган эди.

Шунга қарамай, бироздан кейин уни ертўладан чиққан бутун оила аъзолари билан бирга пастдаги емакхонада кўрдим.

Кувонч ва хурсандчиликка айланган кўрқувнинг излари ҳалиям бор эди. Кичкина болалардан тортиб, катталаргача ҳеч кимнинг ухлагиси келмаётганди.

Овқатини ҳазм қилишга қийналгани ва роҳат қилиб ётолмагани учун ертўлада унчалик ухлай олмаган акамнинг ҳам уйқуси қочганди. Овқатдан кейин қаҳва ичолмаганди. Энди қаҳва келтиришларини буюриб, бу тур босқинларнинг таҳликасини эҳтимоллик назариясидан келиб чиққан ҳолда бола-чақаларга тушунтиришга ҳаракат қиларди.

Ҳеч ким Афифанинг паришон ҳолатини фарқлайдиган аҳволда эмасди. Шунга қарамай, онам сув билан яхшилаб ювилган юзининг қизарганига ва сочларининг ҳўлигига эътибор берди. Афифа ерга тикилганча, қулоғига бир нарсалар деб шивирлади. Онам:

– Вой болагинам-эй, демак кўрқиб йиғлабсан-да, – деди ва сочларини силаб, бошини кўксига тортиб, ёноқларидан ўпмоқчи бўлди. Афифа боягина менга кўрсатганидан ҳам кўпроқ қаршилиқ кўрсатиб, ўзини орқага олди. Бироқ кейин астагина бошини онамнинг тиззаларига қўйди ва бошқа қаршилиқ кўрсатмади.

Борган сари вақти чоғ бўлиб бораётган акам Чаноққалъа жангига\* оид ҳикоялар айта бошлагани учун ҳеч ким уларга эътибор бермади.

Дераза ёнида оғир дарпардаларнинг шокилаларини ўйнаганча ўйлар, фикрларимни тартибга со-

---

\* Чаноққалъа жанги – Биринчи жаҳон уруши даврида инглиз ва француз қўшинлари Дарданелл бўғози бошида жойлашган ва стратегик жиҳатдан ғоят муҳим бўлган Чаноққалъани қамал қилган, лекин ололмаган.

лишга уринар эдим. Аввалига доноларча пинҳоний фикр юритиб, воқеанинг фожиали жиҳатига барҳам бермоқчи бўлдим. «Икковимиз ҳам неча йиллардан бери шунинг учун ўртанмаганмидик?!», дердим. Буни, гўл мактаб боласидай, фожиага йўйиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Қолаверса, Афифа эркин аёл. Ҳеч кимга ҳисоб бермайди. Унинг учун бу ҳодиса балки, балки эмас, аниқ яхши бўлди. Эҳтимол, муҳофазакор тушунчалари ва ҳиссиётлари туфайли бироз беҳаловат бўлар. Лекин ўрганиб кетади, бундан кейин руҳияти янада бекаму кўст, қониққан ҳолда ишқ-муҳаббат масалаларига бошқача кўз билан қарайди.

Ниҳоят, шуни ҳам айтиш лозимки, бу кеча ишқимизнинг олий мақсадига эришган, бир-биримизга бахт ато этганимизни идрок қилган кечамиз бўлди. Бизга имконсизлиги учун олис кўринган бу завқу шавқда унчалик фавқулоддалик йўқлигини тажриба натижасида тушуниб етган ҳисобланардик. Муродимизга етдик, лекин бошимиз кўкка етмади. Бу фақат уни эмас, икковимизни ҳам тинчлантирадиган хосиятли дарс бўлди.

Топган фикрим ёмон эмас. Лекин на чорам борки, бу кеча менга кутганимдай ақлий ва руҳий осойишталик бахш етмади. Неча йиллардан буён корчалонлар, сиёсатчилар, турли-туман амалпарастлар, фирибгарлар, урушда бойлик орттирган давлатмандлар, худоба ҳам, бандасига ҳам ишонмайдиган юқори табақа аёллари, суюқоёқ хотинлар орасида ўтказган умримнинг маҳсули бўлган яланғоч фалсафам у ер бу еридан дарз кетганди. Мактабда қироат қилаётган боланинг қулоғига эшитилган сасларга ўхшаш виждон овози «Ёмон иш қилдинг, ёмон иш қилдинг!» дея миямни пармалаётган эди.

Меҳмонхонадагиларнинг қўрқуви хийла босилган бўлса-да, ҳануз ҳеч кимда ухлаш истаги сезилмаётганди.

Акам шишасидан енгил дуд кўтарилаётган осма лампачироқ остида атрофига тўплаган болалар, аёлларга уруш чўпчакларини сўзлашда давом этарди.

Мен дераза олдида тишларим орасида сўнган сигарета қолдиғини чайнаганча, уларни кузатиб турардим.

«Улар» деганим онам билан Афифа эди. Онам, ким билади, қандайдир туйғу билан Афифанинг дардини сезганга ўхшарди. Катта опаникига ўхшаш ҳаракатлар билан тинмай унинг устига эгилиб, сочлари, пешонаси, чаккаларини силаб, нималардир дер эди. Ҳар ҳолда, таскин берадиган гапларни айтаётган бўлса керак. Афифанинг юзида бироз олдинги танглик қолмаган, бошини бот-бот онамнинг кўллари, тиззаларига қўйиб, кўтарганини кўриб турардим.

Бир вақт оғзидан «аҳли вафо» деган сўз чиққани қулоғимга чалинди. Балки, менга шундай туюлгандир. «Вафо», балки «аҳли» калималарини билиши ва, айниқса, уларни бирлаштириб, Салимбей айтган жумлани ҳосил қилишининг мингдан бир имкони ва эҳтимоли йўқ эди.

Хушёр бўлатуриб, алаҳлаётганим учун яна бўҳронга йўлиққанымдан гумонсираб, жағларимни ушладим, кейин бармоқларим билан томирларимнинг уришини текшириб кўрдим.

Айбимни камайтириш учун мантиқан фикрлаш ва муҳосабага ўтиб, хато қилганимни тушундим. Ҳеч қандай мантиқ бу кеча ёмон иш қилиб қўймаганимга мени ишонтира олмас, ўзимга ва бўлиб ўтган ҳодисага нисбатан ҳис қилаётган нафратимни йўқота олмас эди.

Бу нафратга қисман ўша хонанинг кўримсизлиги ва манзаранинг қашшоқлиги ҳам сабаб бўлаётганига шубҳа йўқ. Сқлавакиларнинг қизига замбарак гулдуролари ларзага келтирган шипдан чанг-тўзон ва ўргимчак тўрлари тўкилган кўримсиз болохонада эмас, тузукроқ ва кўнгилдагидай жойда ҳамла қилсайдим, бу ҳолат менга бунчалик хижолатомуз ва хунук кўринмаган бўларди.

Жидду жаҳд билан ақлни ишга солган ҳолда воқеани манзарадан ажратиб, Афифанинг васлига ҳашаматли ва мавҳум бўшлиқда эришдим, деб тасаввур қилиш мен учун энг тўғри йўл эди.

Аслида воқеанинг ўзида бўлмаган завқ-шавқни ўзимча хаёлан кўшган иловалар билан, балки, хийла жозибали қилиш йўли билан, ҳеч бўлмаса, бу гуноҳни беҳудага қилмаганимга ўзимни ишонтирмоқчи бўлардим.

Афифанинг сочлари ва онамининг қўллари остида бир кўриниб, бир кўринмаётган чехрасига тикилар эканман, воқеани ипидан игнасигача кўз олдимда гавдалантира бошладим.

Азалий қисмат ва тақдир ўйинидан бошқа нарса билан изоҳлаб бўлмайдиган бир тасодиф туфайли иккаламиз бараварига қоронғида яна бир марта тўшак ёки гилам ўрамлари устига йиқилдик. Вужудларимиз қайтиб бир-биридан айрилмади. Оташ бўлиб ёнаётган билаклари кафтимга, бадани аста-аста қучоғимга тушди. Лекин ўша аснода эътибор қилмаган бўлсамда, ҳозир аниқ-тиниқ эслайманки, юзимга қапишган бошини оҳистагина орқага ташлади, сочлари қўлларим устидан ошиб ёйилиб тушди. Кейин уни ёноқларидан ўпган чоғимда кўзёшларининг нордон таъминидан сездим, ниҳоят, сўнгги лаҳзада бир-икки тўлғанди... Яна Афифа ўша лаҳзада биринчи кеча мақбара эшиги олдида ўтказган бўҳронга ўхшаб, бу гал ўзидан кетган бўлса-я?! Хушини йўқотган бир пайтда истагига хилоф равишда унга тажовуз қилган бўлмай, деган шубҳа беҳосдан этларимни жунжиктириб юборди.

Нима қилиб бўлса ҳам, уни бу кеча ёлғиз учратишим ва бу кўрқинчли гумонлардан халос бўлишим даркор.

Ёнларига яқинлашдим.

– Тахминимча, онам ухлайдиган вақт келган бўлса керак, Афифахоним, – дедим.

У на бошини кўтарди, на жавоб берди. Онам:

– Бу окшомни шундай ўткази қолайлик, Камол, – деди. – Эртага кечаси тўйиб-тўйиб ухлаб оларман, болам.

Бироздан кейин меҳмонхонадагилар тарқала бошлагач, улар ҳам ўринларидан туришди. Иккинчи марта уларга яқинлашдим, у билан албатта сўзлашмоқчи эканимни имо-ишоралар билан тушунтиришга уриндим. Лекин у ғамгин сукут ичида бошини ҳам қилди ва онамдан бир қадам ҳам узоқлашмай, ташқарига чиқди.

## V

Болалигимдан қолган бир феълим бор. Борган сари кучаядиган бир дардим ва ташвишим бўлган вақтлари, бошқалар сингари, уйқум қочмас, аксинча, айниқса, бироз ҳорғин бўлсам, бўшашар, ўтирган ёки ётган жойимда ухлаб қоладим. Бу увушиш асносида ақлимнинг бир чети сергак бўлар, ўз-ўзича ўйлашда ва тахайюл қилишда давом этарди. Лекин тез-тез беҳуд бўлиб қоладим, бу вақтларда фикрларим шу заҳоти тушга айланар, ўйлаганларимни рўёда кўра бошлардим. Сўнгра тўсатдан сесканиб уйғониб кетар, кейин яна уйқуга кетардим. Бу ҳол хушимни тамомила йўқотиб, қаттиқ уйқуга кетгунимча давом этарди.

Бу кечаси ҳам яна шундай ташвишли ҳолатда ечинмасданоқ ўзимни кроватта ташладим. Ҳадеб оний сесканишлар билан туриб кетар, тўшак устида қаддимни ростлар, лекин кўп ўтмай яна кўзим илинарди. Бир дафъасида ҳар вақтдагидан кучлироқ ларзага тушиб, кўзларимни очдим. Ойнали жавончанинг устидаги шам сўнган эди. Тепадаги тахта айвончадан тикирлаган товуш эшитиларди. Худди шунга ўхшаш товушни Афифа билан биринчи марта учрашган кечада ҳам эшитгандай бўлгандим. Яна, худди ўша кечадаги каби, Афифа тикирлатаётган бўлса керак, деган ғалати ишонч уйғонди, лекин айни вақтда бу бир васвасадан

бошқа нарса эмаслигини сўзлаётган шуурнинг таъси-  
роти...

Дераза томонга кўз ташладим. Дераза қопқоқла-  
рининг тирқишларидан бир кўланка, оҳистагина ке-  
лаётган кишининг шарпаси кўринди.

Дарҳол кроватимдан ирғиб туриб, ўша томонга юр-  
дим ва балконнинг эшигини очдим. Афифа!

Мен билан баравар шу ерга келган, бироқ мен эшик-  
ни очаётганимда оний ҳаракат билан ўзини орқага ол-  
ган ва эшик ёнидаги деворга қапишиб қолган эди.

Ёмғирпўш каби эгнига елвагай ташлаган мантога  
қаттиқ ўралиб олганди.

Бир неча соат олдин юзимга қарашга ботинмаган  
ва мендан қочишга қарор қилган ҳолда, энди уни қан-  
дай мужодала бу ерга етаклаб келганди?

Кўллари мантонинг ичида бўлгани учун, елкасидан  
тутдим, ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмасдан хонага  
кирди ва оёқларининг учида юриб, бир неча одим отди.

– Бу ер мунча қоронғи бўлмаса?..

Келишилган учрашувни неча соатдан бери кутаёт-  
ган одамдай, ғалати осудалик билан:

– Сиз шу ерда туриб турунг, – дедим ва жавонча  
томонга илдам юриб, шамдондаги шамлардан бири-  
ни ёқдим.

Ўгирилиб қараганимда, у эшитилмайдиган даража-  
да енгил қадамлар билан ёнгинамга келиб, кулиб тур-  
ганини кўрдим.

Иккита қилиб қалин ўрилган сочлари бошининг  
икки томонидан тушиб, мантосининг кўтарилган  
ёқаси ичида ғойиб бўлганди. Дудоқлари ва ёноқлари-  
га сал-пал бўёқ сурган. Кўзлари ҳануз бироз қизарин-  
қираган. Фақат киприкларига сурма тортилган.

Кулиб, бир нарсалар деди. Бироқ шунчалик шивир-  
лаб айтдики, тушунмадим. Ташқаридагиларнинг эши-  
тиб қолишидан чўчиётганини англатадиган бир ишо-  
радан кейин, бошини яқинлаштирди ва қулоғимга  
дона-дона қилиб такрорлади:



– Мен энди жуда ахлоқсиз бўлдим деяпман, Мурод-бей...

Кулиб:

– Бу қандай гап, Афифахоним? – дедим.

Яна шу тахлитда кулимсираб, елкаларини учириб қўйди.

– Нима қилайлик, бунақа...

Қўлларини ушламоқчи бўлдим, бироқ ҳануз мантосини ичкаридан маҳкам тутиб тургани учун, тополмадим. Чурқ этмай юзма-юз турар, шамнинг титроқ нурлари остида бир-биримизга боқардик.

– Шундай тураверасизми, мантони ечмайсизми? – дедим.

Енгил ҳаяжон ичида:

– Совқотаман, – деб ҳазил қилди, лекин мантосини эгнидан олмоқчи бўлганимда, қаршилиқ кўрсатмади.

Манто ечилгач, Афифанинг нега тараддудланаётгани тушунарли бўлди. Эгнида ёқаси очиқ ва енгсиз кечки халат бор эди, холос. Шунга қарамай, уялганини билдирмасликка тиришар, фақат совқотганини билдириб қўймоқчидек, елкаларини қисиб, қўлларини кўкрагига бостириб олганди.

Афифа яна бир марта кулди ва бояги сўзини такрорлади.

Вақтдан ютиш учун мантони аста-секин қатлаб, кроватнинг темирига осаркан:

– Боласиз, Афифахоним, – дедим.

Шу билан бирга ўша паллада калламга келган бир фикрни яшириб ўтирмайман.

Афифанинг дудоқлари ва кўзларини бўягани, хонамга келаркан, ярим яланғоч халат кийиб олганига яхши маъно бермагандим.

Калламга: «Мендан кейин Афифа ўзгариб кетган, шекилли ёки, ким билади, балки, аввалбошданоқ шундай бўлган ва мен болаларча соддалик қилиб, буни тушунмаганман», деган фикр келди.

Болохонада бунчалик осон таслим бўлганининг сири энди тушунарли бўлгандай эди. Мен ҳалиям мантони тахлаш билан овора бўлиб, шулар ҳақида ўйларканман, у тошойнада ўзини томоша қиларди. Бирданига важ-корсон кўрсатмоқчи бўлгандай:

– Нима ҳам қилайлик, энди бизга эрта йўқ, – деди.

Бир вақтлар менинг, кейин унинг тилига кўчган бу китобий жумла ҳамма нарсани янгидан остин-устун қилиб юборди. Шу пайтда англадимки, бу пардоз-андозлар илк бора мен учун қилинган ва, ким билади, қанчалик ички мужодаладан кейин берилган қарорнинг натижаси эди.

Ёнига яқинлашиб кўзларида бир-икки томчи ёш айланганини кўрдим. Баданига қўл теккизишга журъат қилолмай:

– Мерси, Фофо, – дедим.

У сал ҳаяжонланди. Лекин бу ҳаяжон менинг оғзимдан илк бора эшитган «Фофо» жумласининг меваси эди. Ғулғуладан кўзидаги ёшларни фарқламас, болаларча севиниб ва ҳайратланиб:

– Менга Фофо деяпсизми? – дерди. – Фофо, Фофо... Қандай гўзал!..

Қўлларидан ушлаб, рўпарадаги диванга ўтқаздим.

Бу вақтда Афифанинг қандай мақсадда остонамга келгани, мендан нима истаётгани маълум. Лекин шундай бўлса-да, унга нисбатан ҳеч қандай ёмон хаёлга бормадим. Қалбим илк ўсмирлигимнинг бокира ҳаяжонларига тўлиб-тошди, бармоқларимни чўчий-чўчий ёноқларига, сочлари ва яланғоч елкаларига тегиздим, оғзимдан кетма-кет болаларча жумлалар тўкилди:

– Гўзал Фофо... иссиқ Фофо... юмшоқ Фофо...

Юзини яхши кўролмаётгандек туюлди, такрор жавонча томонга бориб, шамдондаги шамларнинг ҳаммасини ёқдим, сўнгра уни келтириб, Афифанинг юзига тутдим.

– Менинг ой юзли Фофом... Бу ёноқларга, бу дудоқларга, бу кулдиргичларга қўл тегизиш ҳасратида мен қанчалар ёниб-куйдим. Бу кеча келганинг учун сенга ташаккур билдираман, Фофо... Олдингисидан ҳам чиройлироқ Фофом...

Олдингисидан ҳам гўзалроқ Фофо!..

Ўттиз ёшдаги ёш йигитнинг гўзаллик ҳақидаги туншунчасига кўра, қайси ўттиз беш яшар аёл йигирма ёшидаги ҳолини эслатишга мажбур қилиши мумкин? Айниқса, Сқлавакиларнинг қизи сингари йўқсиллик ва изтироб ичида барвақт қартайган бир аёл! Ўзим ис-тамаган ҳолда оғзимдан чиқиб кетган бу «олдингиси-дан ҳам гўзалроқ Фофо» жумласи охир-оқибат бир хотиннинг кўнглини олиш учун айтилган мақтов бўли-ши мумкин эди. Худди шундай, узоқ вақтлар мобай-нида мен ана шундай деб ўйладим.

Лекин ҳозир, эликдан ошган ҳакам холислиги би-лан таъкидлашим мумкинки, Афифа ўша кечаси – пардоз-андозига қарамай, яққол сезилаётган ҳаяжон-дан қизариб бўзарган ҳорфин юзлари, олдингисига қараганда чуқурлашган ва маънодор ажинлари, тўхтовсиз титраётган дудоқлари ва бурун катаклари, янада кенгайган манглайи, болаларча масъум қилиб кўрсатадиган бир тутам оқ сочлари билан – олдинги вақтларига қараганда жуда жозибадор, гоят париваш аёл эди...

Мен кўлимдаги шамдонни юз-кўзи атрофида ай-лантириб, уни яқиндан томоша қиларканман, у ҳам менга боқишга уринар, лекин шамларнинг титроқ оловчаларидан беҳаловат бўлгандай, кўзларини тез-тез олиб қочар, кейин яна қайтадан қарарди.

Бехосдан сал асабий ҳаракат қилиб, силкинди, энди ҳеч нарсага парво қилмасликка қарор қилгандай, бо-шини орқага ташлаб, кулди ва:

– Бўлари бўлди!.. Нега сендан уялиб ўтиришим ке-рак, Мурод, – деди, – энди уяладиган жойи қолдимми? Кейин илова қилди:

– Сени шунчалик севаманки...

Ишқининг теранлигини таққослаш учун масофа ах-тараётгандек, атрофга аланглар, бунинг иложи йўқли-гини кўриб, қийналганча қўларини очарди...

Бронза шамдон қўлимга оғирлик қила бошлади. Афифа шамдонни ерга қўймоқчи бўлганимни кўриб, қўлимдан олди. Шамларга пуфлаб, титроқ оловларни кичикроқ машъала каби ўнгга-чапга совурар, юзим ва сочларимни ёқмоқчи бўлгандек, мени чўчитиб ку-ларди.

Ҳали ёш бўлишига қарамай, ўта жиддий бўлган Афифа билан улғайган, пешонасидан ҳадиксираб бо-қаётган кўзлари устига тушган бир тутам сочида оқ толалар бўлган, юзлари увадаси чиққан куз япроғига ўхшаб қизариб-бўзарган ҳолда болаларча тентаклик қилаётган Афифа ўртасида қанчалик катта зиддият бор эди.

Ниҳоят, унинг ҳам чарчаганини кўриб, шамдонни қўлидан олиб, жавончанинг устига қўйдим ва диван-даги жойимга қайтдим. Ёнма-ён, бир-биримизга юзма-юз бўлиб ўтирардик, тиззаларим унинг тизза-ларига сал тегиб турарди, қўлларимиз бўш қолгани учун мубҳам саросима ҳис қилганча, бир-биримизга тикилиб қолдик: шунчаки гаплардан кейин асл катта даъвога навбат келганини кўрган икки кишининг са-росимаси...

Бироз олдин бизни ҳар қандай ёмон тушунча ва эҳтирослардан узоқ икки дўст болага айлантирган ли-рик ҳаяжонимиз ўтиб кетганди. Энди жинс қонуния-тининг беомон ҳукми остига тушган аёл ва эркакдан бошқа нарса эмасдик...

Табиат бу ишда эркакка устунлик берган.

– Фофо, – дедим, – сени шунча йилдан бери севган ва истаган эркакнинг хонасига бу вақтда келишинг қандай хатар туғдирганини биласанми?

Бу беномусларча савол эди. Афифага ҳушдан кет-ган вақтда ҳамла қилган бўлсам керак, деган гумон

мени соатлаб жизғанак қилганди. Бу гал у ўз хожиш-иродаси билан хонамга келганига ишонч ҳосил қилиш, айбни ўз устига олишга рози эканлигига оид қандайдир иқрорни эшитишни хоҳлаётган эдим.

Афифа кутган жавобимни бермади. Лекин кўзларини қаттиқ юмиб олганча, бошини бир неча марта силкитиб, «ҳа» деган ишорани берди. Қарорининг қатъийлигига қарамай, денгизга отилишга ҳозирланаётгандек, титраб, кўлларини кўкси устида чалиштирар, бошини елкалари орасига олар, тишлари такилларди...

Кўлларимни елкаларига қўйганимни сизди дегунча, бирдан кўзларини очди ва савқи табиий ҳаракат билан бошини орқага ташлади. Териси совуқ ва таранг эди. Бироқ кўлларимни кўлтиқлари остидан ўтказиб гавдасини – суякларини рижирлатиб юборган қаттиқ ҳаракат билан – кучоқлаган заҳоти бу терини дарҳол оний оташ босди ва бутун танглик юмшади.

Бирданига сочилиб, юзларимиз орасига парда бўлиб тушган сочларини – бўш қолган кўли билан – бошига, чаккаларига ташлади. Нафас олишга қийналаётгани учун оғзи ним очиқ эди, аммо, шундай бўлса-да, ҳушини йўқотмади. Ора-сира юзини юзимдан тортиб, мени яхшилаб кўриб олиш учун етарли масофага чекинар, кейин юзимни шам ёруғига соларди.

...

Кейин сал гандираклаб, жавонча томонга йўналди. Тирсакларини мраммар четига суяб, шамдондаги шамларни битталаб ўчирди ва фақат биттасини қолдирди.

Яна бир тангликка тушишидан чўчиб, ётган жойимдан ҳаракатларини диққат билан кузатиб турардим. Бошини чангаллаб ўйлади, атрофга аланглади, сўнгра кроватим устидаги мантосининг чўнтагидан кичкинагина сумкача олди, кейин такроран жавончанинг ёнига бориб, ойнага боққанча, дудоқлари, ёноқлари, кўзларини қайтадан бўяди. Ниҳоят, юзимга қарамасдан ёнимга қайтди, яна совқотгандек, кучогимга кирди ва бошқа айрилмади...

Бир гап айтиш керак бўлгани учун:

– Шамларни нега ўчирдинг, Фофо? – дедим.

Умид қилиб бўлмайдиган даражада рўйи-рост ва қарийб шўхчан овозда:

– Шамлар эриб битмасин, – деди, – саҳаргача бизга керак бўлади...

\* \* \*

Турли-туман хотинлар билан неча-неча кечаларни бирга ўтказганман. Юқори табақага мансуб хотинлар ёки мегажинлар, эркакларни қўлқопдек тўхтовсиз ал-маштирадиган фоҳишалар, қаттиқ севиб қолдим деган фикрда ўзини турли можаролар гирдобига ташлаган офир-вазмин, кибор аёллар билан танишдим. Хуллас, завқ-шавқ, шоҳона яшаш эҳтиёжи, зерикиш, одат ва шу каби сабабларга кўра ўзини дуч келган бирига таслим қилган таъмагир, романтик, савдойи, соғлом ва айниган аёллар билан жуда кўп саргузаштларни бошдан кечирдим.

Улар билан ўтказган кечаларда эҳтирос танаффуслари – актёрнинг саҳнадан чиқиб, бир четда ланж ва ҳорфин ўтириб, ҳордиқ чиқариш эҳтиёжи ҳис қилган танаффуслар каби – менда ҳамиша ва узундан-узоқ бездирадиган мажбуриятларга ўхшаш хотира қолдирган. Энди ортиқ кераги бўлмай қолган хотин кўз олдимда бор жозибаси ва асрорини йўқотарди. Барча алдамчи пардоз-андози кетган, кўзларида заррача истак қолмаган, ёнимда дам оларкан ёки рўпарамда туриб, чарчоқни босиш учун лабларига сигарета қистириб, миш-мишлардан сўзлаган, мусиқа, театр, сиёсат каби ақли етмайдиган нарсалардан гапирган аёллардан доимо ўлгудай зерикиб кетардим. Бундай чоғларда яланғоч бадани танамга тегиб кетса, менда – қассоб чангагига осилган қонли мол гўштидай – нафрат уйғотган.

Афифа билан ўтказган кечам булар орасида ягона истисно эди. Унга ўхшаб севган аёлнинг нечоғли куч-

қудратга эга эканлигини мен ўша кечаси англадим. Сқлавакиларнинг қизи ўзим таниган-билган кўп аёлларга солиштирганда оми ва тажрибасиз ҳисобланиши лозим бўлган аёл эди. Лекин у билан ўтказган ўша кечаси мен ҳеч қандай чарчаганим йўқ. Қандай гаплар топиб сўзларди! Ўша пайтда қилган болаларча шўхликларини ҳозирги вақтда зўрға эслайман, хотирамда элас-элас қолган... Булар унинг оғзида – призма орасидан кўрилган жисмлар сингари – шаклини ўзгартирар, атрофда гўё шокилалар, шамсиялар, укпарлар ҳосил қиларди.

Пастдаги осма соатнинг қулоғимиз остида чиқиллашига ва ора-сира кеча осудалиги ичида черков қўнғироғи каби жаранглаб қўйишига қарамай, вақтнинг қандай ўтганини сезмадим. Аффифага тааллуқли қизиқиш ва муаммоларимдан кўпи бу суҳбатлар асносида ўз-ўзидан ҳал бўлди. Масалан, барчага ўхшаб исмимни айтмасдан, менга нега «Мурод» дейишининг боисини ўша кеча билдим. Ҳали ҳеч нарсани фарқламаган вақтлардаёқ мени назарга илган, бошқалардан фарқли ўлароқ мени ҳеч ким айтмайдиган исм билан чақирришни афзал билишдан завқланар экан.

Ўзини менга бунчалик осон таслим этишига келганда, тушунишимча, унда бундай ҳодиса рўй берган: мени ўлган деб ўйлаган вақтларда кечалари анча-мунча бўҳронларни бошдан ўтказган, бу бўҳронлар асносида ўзини мен билан телбаларча шармсиз ҳолатларда кўрган. Лекин булар аслида бўлмагани учун, унчалик чўчимаган. Бечорани «бу кечалари бешармликка» ўргатиб, ҳозирлаган ана шу хаёллар бўлган экан...

Аффифа қўлларини бўйнимга солиб, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб буларни айтаркан, ора-сира силкиниб, оёққа қалқар, овози бўғилиб, қарашлари ўзгариб:

– Мунча қоронғи бўлмаса... Сени яхши кўролмаёпман, Мурод... – дерди.

Мен кулиб:

– Шамдон узоқда эмас-ку, – деб жавоб берардим.

Шунда оёқ учида юрганча, жавонча томонга кетар, борган сари кичраяётган шамларни битта-битталаб ёқар, кейин ўзини ойнага солиб, янгидан пардоз-андоз қилиб оларди. Буларнинг ҳаммасини улкан завқ-шавқининг бир заррасини ҳам йўқотмаслик учун ёғду, бўёқ билан, ишқилиб, қўлида неки бўлса, ҳаммаси билан бу завқни янада кучайтириш учун қиларди.

\* \* \*

Каллайи саҳардан айрилар эканмиз, орқамдан эшикка чошиб келди ва оқшом пайти, албатта, пароходга келишимни илтимос қилиб ёлворди.

– Бормасдан қолармидим? Албатта, бораман, – дея ишонтирдим.

Бу гирт ёлғон эди. Хайрлашув жуда аччиқ бўлишини тахмин қилганим учун боргим йўқ эди. Қолаверса, бегоналар орасида бўҳрон юз бериши ва шармандаликдан ҳам кўрқиш даркор. Буларнинг ҳаммаси менинг Афифани кузатишга чиқмаслигим учун жўяли сабаблар эди. Аммо, эътироф этишим керакки, тўғриси айтганда, менинг бу хотиндан хоҳлайдиган ҳеч нимама қолмаганди.

Пароход қоронғида Галата бандаргоҳидан йўлга чиқаётганида, ким билади, Афифа қанчалик жиғибийрон бўлган эди ва ўзим, ким билади, бу маҳалда қаерда, ким билан бирга эдим.

\* \* \*

Сқлавакиларнинг қизини қайта кўрмадим. Тахминимча, қачонлардир вафот этиб кетган бўлса керак. Акс ҳолда, албатта, бир ерлардан дараги чиққан бўларди.

Кейинги бир неча йил ичида уни тез-тез эслай бошладим. Сўққабошман. Оила аъзоларимдан, ҳатто, юзкўзи ва исмларини ҳам адаштириб юборадиган бир неча боладан бошқа кимса қолмади.



Ҳаётда энди муайян кутадиган ва хоҳлайдиган ҳеч нарса қолмаган, айрим кишилар сингари, беш-ўн пул учун у ер бу ерга югурадиган, ёшимга ярашмаган оғир ва чарчатадиган ишлар билан эзиладиган рўзгор ташвишим йўқ. Ҳатто, яшаш истагини ошириб, мени озми-кўпми ташвишлантирадиган бирон хасталигим ҳам йўқ. Бир зайлдаги ойдин, файзсиз оқшом палласи ҳеч қандай янгилиги бўлмаган кечани кутиб ўтирган бир одамга ўхшаб кетаман.

Зотан, ёшлигимдан ҳеч қандай буюк ҳис-туйғу ва хаёл, улғу мақсад пешидан чопмаганман. Муҳаббатим бўлди – Кичик. Мавқе, пул, шуҳрат, ҳашаматни орзу қилдим – Кичик. Вақт-вақти билан кўтариладим, фидокорона ва қаҳрамонона ишлар қилдим – Кичик ва вақтинча... Ҳеч қачон пуч ғоя кетидан узоқ чопмадим.

Ўз вақтида ва мавсумида кўпгина нарсаларни ҳақиқий деб ўйладим. Лекин узоққа югураётим, бирдан нафаси қисилган одам каби, доимо йўлимнинг ярмида тўхтаб қолдим ва нариги югуриб кетаётганлар менга беҳуда ва ортиқча уринаётгандек кўринди.

Ҳа, ҳеч қандай моддий етишмовчилиги, кўрқув ва ташвиши, ҳеч бир шикоят баҳонаси бўлмаган одамман. Лекин, шу билан бирга, кутганига эришмаган, ўзига берилган ваъдага вафо этилмаган кишининг норозилик ҳиссиётидан қутула олмадим. Фақат, менга берилган ва устидан чиқилмаган ваъданинг ўзинима? Аслида, мана шуни, негандир, англай олмаганим учун шикоят қилаётган бўлсам керак.

Айтиб ўтганимдай, Афифани, айниқса, кейинги вақтлари тез-тез эслайдиган бўлдим. Ёшлигимда қалбим ва завқимдан кўра, ғурур ва кибримни қондиргани учун менга олий бўлиб кўринган можароларни бошдан ўтказганман ҳамда Сқлавакиларнинг йўқсил ва бадбахт қизи менга – ўша оқсуякларнинг барчаси орасида – назарга илмайдиган, ҳатто, бироз орланадиган паридай кўринган эди.

Аммо, шуниси ғалатики, эндиликда чиққан чўққимдан орқада қолган ҳаётга назар ташлаган вақтимда пари деганим Афифанинг борган сари аслзодалардан устун чиқаётгани, охирги кечамиздаги юз-кўзи билан биринчи ўринга чиққанини кўраман ва ўша бажарилмаган ваъдага доир ҳасратим аста-секин дарз кетаётганини ҳис қиламан.

## ТАМОМ

**РАШОД НУРИ ГУНТЕКИН**

**ОТАШ КЕЧАСИ**

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ  
Муҳаббат МЕНГНОРОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 29.03.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 10,5. Шартли босма тобоғи 17,64.

Гарнитура «Bookman Суг+Uzb». Офсет қоғози.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 106.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АІ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Shams-Asa» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Бунёдкор, 28.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида муқоваланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтими: [www.yangiasr.uz](http://www.yangiasr.uz)

интернет-дўкон: [www.yangidavr.uz](http://www.yangidavr.uz)

e-mail: [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)

«Янги аср авлоди» НММ  
2013 йида «азиз китобхоналаримизга  
қуйидаги китобларни тақдим этади: .

**Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг  
«ШАЙТАНАТНИНГ ЖИН КЎЧАЛАРИ»**

**Бичими 84X108 1/32, 544 бет.**

**Қаттиқ муқова.**

Азиз фарзандларимизга «Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади, ёмонга яқин юрсанг – ёмонлиги юқади», деб тарбия бериб, уларнинг ёмонлар таъсирига тушиб қолишидан асраймиз. Аммо, афсуски, «Асраган кўзга чўп тушади», деганларидек, айрим оилаларнинг суюкли фарзандлари тўғри йўлдан чекиниб, жиноят оламининг аянчли кўчасига кириб қолади. Биз «қора қозон»га ўхшатаётган жиноят олами ёшлар кўзига живаланиб кўринади. Ташна одамни саҳро сароби ўзига тор-тгандек тортаверади. Ёзувчи жиноят оламини «Шайтанат» - шайтонлар етовидаги олам деб атаган. Фарзандларни тўғри тарбия этишда ўша «қора қозон»дан эҳтиёт қилишда ёрдами тегармикан, деган хайрли ниятда мазкур китоб нашр этилди.

Шунингдек, адибнинг «ҲАЛОВАТ», «НАФС КИШАНЛАРИ», «ТОШ ҚАЛБЛАРГА ЗИНҲОР НАЗАР СОЛИНМАС», «ВОЙ, ОНА-ЖОНИМ...», «АЁВСИЗ ИЛОН», «ҲАЛОЛ НИМА-Ю, ҲАРОМ НИМА» китоблари ҳам азиз китобхоналаримизга мунтазир.

**Зулфия Қуролбой қизининг  
«ЎЛИМ... ҲЕЧ НАРСА ЭМАС» асари**  
(Бичими 84X108 1/32, 306 бет, қаттиқ муқова.)

Асар қаҳрамонлари кўнглига яқин кишилар. Уларнинг дарди-дунёси, орзу-армонлари бор. Бу одамларнинг кўнгли – дарё. Бироқ кўнгли, кўнгли деб кўнглининг айтганини қилавермайди.

Шунингдек, муаллифнинг «АРМОН АСИРАСИ», «ЁВУЗЛИК ФАРИШТАСИ» китоблари ҳам нашр этилдики, бу асарлар ўқувчини истеъдодли адибага янада таништиради.

**Анвар Намозовнинг “ЖУМБОҚ” китоби**

**(Бичими 84x108 1/32, 292 бет, қаттиқ муқова.)**

Оддий одамнинг ҳаёти ҳам жумбоққа айланиши мумкин экан. Айнан шу боис у кўпларда қизиқиш, ҳавас ва ҳасад уй-ротоди. Ахир, бу қаҳрамонга омад кулиб боққан эди-да! Муаллиф турфа феъл-атворга эга кишилар ҳаёти орқали жамиятдаги умргузаронлик мезонларига баҳо беради.

Шунингдек, Анвар Намозовнинг “ОНАСИ ЎПМАГАН ЙИГИТ”, “МЕН – КЎРИНМАС ОДАМ” қисса ва ҳикоялар тўплами ўқувчиларга ажойиб туҳфа бўлади.

**Худойберди Тўхтабоевнинг**

**«ҚАСОСКОРНИНГ ОЛТИН БОШИ» асари**

**Бичими 84x108 1/32, 400 бет.**

**Қаттиқ муқова.**

Чор Россияси ҳукумати ларзага солган халқимизнинг фидойи фарзанди Намознинг кутилмаган қарорлари, ботирлиги ва душманларига аёвсизлиги, дўстлари учун жонини фидо қилиши маҳоратли адиб томонидан рўйи-рост кўрсатилган.

Мазкур асар билан бир қаторда, Худойберди Тўхтабоевнинг «БЕШ БОЛАЛИ ЙИГИТЧА», «МУНГЛИ КЎЗЛАР», «ҚИЗ ТАЛАШ-ГАН ЎСМИРЛАР» ва бир қатор «Болалар адабиёти» рукнида «САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ», «САРИҚ ДЕВНИНГ ЎЛИМИ», «ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИДА ЁХУД СЕҲРГАРЛАР ЖАНГИ», «ПЕШОНАСИГА ТЕЛЕВИЗОР ЁПИШГАН БОЛАНИНГ САРГУ-ЗАШТЛАРИ» каби асарлари нашрдан чиққан.

**Жалолиддин Румий**

**«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР»**

**Бичими 84x108 1/32, 240 бет.**

**Юмшоқ муқова.**

“Ичиндаги ичиндадур” Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб топган. Сиз ушбу рисолани ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса Ўзингизда, ҳамма нарса Ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

Рашод Нури Гунтекин  
**Оташ  
Кечаси**

« Уни истаган вақтимда кўриш имконига эга бўлатуриб, ўзимни узоқ муддат бундан маҳрум этганимни ҳеч тушуна олмайман...

Оташ байрами кечаси Афифа остида турган ва суюнган дарахт мен учун титрамасдан ёнига яқинлашиб бўлмайдиган бир муқаддас нарсага айланганди. Яланғоч шохлари орасидан шивалаётган ёмғирга парво қилмас, чириган япроқларга тўлган ҳалқоблар орасидан у сакраб ўтган гулханнинг ўрнини топишга уринардим...»



Янги АСР Авлоди

ISBN 978-9943-08-949-5



9 789943 089495